

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент Молия институти

З. Давронов

Илмий ижод методологияси

Ўқув қўлланма

**Тошкент,
“IQTISOD- MOLIYA”
2007**

3. Давронов. Илмий ижод методологияси. -Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007, 216 бет.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Илмий ижод методологияси” курси бўйича, иқтисодий мутахассисликлар магистратураси учун мўлжалланган намунавий дастурга амал қилинган ҳолда тайёрланди. Қўлланманинг мақсади магистрантларга илмий ижод методологиясининг мазмун ва моҳиятини сингдиришдан иборат. Маълумки, ижодий фикр малака ва кўникмаларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шу сабабли унда фан ва ижоднинг ўзаро муносабати, ижод жараёнини ифода этиш шакллари, услублари, илмий ижодда башорат, фараз, далил, тажриба, назария, диалектика, синергетика каби мавзулар ёритилган. Иқтисод, молия, солиқ, банк тизими мутахассисликлари учун илмий ижод методологиясининг ўрни ҳақида фикрлар юритилган. Айниқса, фалсафа ва иқтисодий фанлар ўртасидаги ўзаро ижодий муносабатлар Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари таълимотлари асосида батафсил ёритилган.

Қўлланма Тошкент Молия институти магистратурасида таълим олаётган барча йўналишлардаги магистрантларга ҳамда илмий ижод методологияси билан қизиқувчи ўқувчиларга мўлжалланган.

Илмий муҳаррир: Б. Каримов – тарих фанлари номзоди, доцент.

Такризчилар: И.Саифназаров - фалсафа фанлари доктори, профессор;

А. Қодиров - фалсафа фанлари доктори, профессор;

С. Раҳимов - фалсафа фанлари доктори, профессор.

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий Кенгашда муҳокама қилинган ҳамда молия мутахассисликлари магистрантлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган (22 июль 2006 йил 8-сонли баённома).

Кириш

Табиат ва инсоният тарихи воқеаларга ниҳоятда бой. Зарурият натижасида пайдо бўлган фанлар инсон фаолиятини ўзгартиришга таъсир этди ва этиб келмоқда. Фан инсоннинг табиат ва жамиятга бўлган таъсирини кучайтирди. Бу таъсир гоҳида салбий, гоҳида эса ижобий натижалар берди. Айниқса, XX асрда фан ва техника соҳасида эришилган натижалар фикримизнинг далилидир. Буларга: оксилларнинг синтез қилиниши, ядро, атом қуролларининг пайдо бўлиши, космик фазога инсоннинг ташриф буюриши, планеталарни тадқиқ қилинишига киришилиши, кибернетика соҳасининг тараққий этиши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва бошқалар кирди. Буларнинг барчаси инсон онгининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди ва бўлаётир. Бу эришилган ютуқлар охириги ютуқлар эмас, албатта. Борлик чексиз бўлгани сингари табиат ва жамият ҳодисаларини билиш ва уларни ривожлантиришга туртки бериш ҳам чексиздир. XX асрда пайдо бўлган кашфиётлар XXI асрда янада юқори босқичга кўтарилди, албатта. Янги асрда янги-янги фанларнинг пайдо бўлишига шубҳа йўқ. Демак, фанларни пайдо бўлиши инсон ижодининг маҳсули ҳамдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ижод тўхтаган жойда фан ривожини тўхтайди, фан ривожини тўхтаган жойда ижод ҳам тўхтайди. Бу эса тараққиётга салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, ҳар бир авлод ўзи яшаган давр муаммоларини ечишга интилади. Ижод қилади, янгиликлар яратади. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Тараққиётнинг турли тармоқлари билан шуғулланувчилардан сабр-тоқат, изланиш, янгиликлар яратиш, ўз мунособатларни билдиришни тақозо этади.

Республикамизда нисбатан янги пайдо бўлган курс - “илмий ижод методологияси”нинг моҳияти мазкур соҳаларни магистрантлар, бўлажак олимлар томонидан таҳлил қилишга, маълум бир кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган. Ҳар қандай тадқиқотчи маълум бир малакага, билимга эга бўлмас экан, унинг кашфиёти, ижоди тўлақонли бўла олмайди. Магистрант ва бўлажак олимлар аниқ бир методология асосида фаолият кўрсатсалар меҳнатлари зоя кетмасдан

самарали бўлади. Илмий ижод методологиясининг пайдо бўлиши давр талабидир. У фалсафа фанининг тармоғидир. Фалсафа билан узвий алоқададир. Фалсафа фани илмий ижод курсининг муаммоларини бойитади, тўлдиради. Фалсафа, фан хусусиятларини энг умумий томонларини ёритиб берса, илмий ижод методологияси эса ижод жараёнларининг аниқ талабларини, илмий ижодга қандай ёндашиш йўл йўриқларини ва хусусий усулларини ёритиб беради. Маълумки, ижод ўта мураккаб, лекин қизиқарли жараён. Инсон фаолиятидаги нозик жиҳат – ақл ва фаросат, онг ва тафаккур билан боғланган. Зеро, ижод инсон ҳаёти, турмуш тарзидир. Ўз навбатида айтиш лозимки, ижоднинг ўзи фалсафий муаммодир. У фалсафа томонидан ўтган асрнинг иккинчи ярмида Европа мамлакатларида таҳлил этилган ва фикрлар умумлашмаси сифатида пайдо бўлган. Теварак – атроф турли тумандир. Ундаги воқеа ҳодисалар, нарсалар ҳам турли тумандир. Қисқа қилиб айтганда, сон саноксиз йўналишлар борки уларнинг барчаси илмий ижодни талаб қилади. Хўш, бу қандай талаб? Бу ижодда мукамал методологияга бўлган талабдир. Шу сабабли ушбу қўлланманинг асосий мақсади магистрантларни мутахассислик намуналари бўйича методологияни танлашга ва уни ўз ижодларида қандай қилиб қўллашни ўрганишга қаратилгандир. Уларда фан ва ижоднинг диалектик мунособати ҳақидаги тасаввурни шакллантиришдир. Ҳаётдаги фан ва техника ривожини таъсирини ойдинлаштиришдир. Бўлажак зиёлилар, олимлар этикаси, эстетикасини ижоддаги ўрнини кўрсатишдир.

Изоҳ: Республикада ушбу курсдан (Молия соҳасидаги магистрантлар учун) дарслик ёки бирор қўлланма йўқлигини ҳисобга олиниб Иқтисодиёт университетида тайёрланган ягона ўқув қўлланмадан ҳамда фалсафа фанлари доктори, профессор О. Файзуллаевнинг “Фалсафа ва фанлар методологияси” монографиясидан фойдаланилди ва асос қилиб олинди. Муаллиф ушбу қўлланманинг ва монографиянинг муаллифларига, айниқса, ўзининг беғараз тақриз ва маслаҳатларини берган И. Соифназаровга миннатдорчилик изҳор қилади.

I боб. “Илмий ижод методологияси” курсининг предмети, вазифалари ва мақсадлари

Курснинг предмети

Фан ёки курс борлиқдаги объектларни ўрганиш учун ҳаракат қилади. Ўз объектини, предметини, муаммосини танлайди. Ўқитиладиган барча фан ва курслар ушбу жараёнсиз ўз мавқеига эга бўлаолмайди. Илмий ижод методологияси ҳам бундан истисно эмас. Боз устига шиддат билан ўтаётган замон фалсафий фанларни қайта-қайта ўрганишга мажбур қилаётир. Айниқса, унинг методологик ва назарий жиҳатларига замон талаблари асосида ёндашишга ундамоқда. Шу мунособат билан магистратура таълими жараёнига киритилган илмий ижодни фалсафий тушунишга, унинг моҳиятини, мазмунини чуқур англашга жалб этади. Ижод турлари, айниқса илмий ижод турлари серқиррадир.

Маълумки, фалсафа ва фанда, уларнинг тарихида ижод муҳим ўрин тутган. Тадқиқотчи ўз фаолиятида ўзи танлаган мавзу, муаммонинг тарихини билмай туриб, янги фикрни беролмаслиги табиий ёки ижодда назарий ва амалий муаммоларни тушунмасдан туриб изланишга киришиш, келажакда тадқиқотчини боши берк кўчага олиб кириши эҳтимолдан узоқ эмас. Жумладан, буюк мутаффакирлар томонидан ижоднинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқилганлигини ўрганиш ва замонавий ижодлар билан таққослаш, албатта зарур. Бу ўз навбатида турли камчиликлардан холи қилади.

Илмий ижодда усуллар муаммоси мавжуд. Илмий тадқиқотда прогнозлаштириш, илмий башорат қилиш, далил ва далиллаш, ижодда диалектика ва синергетика, тилнинг ўрни, тилни формаллаштириш, мантиқ, ахборот тизимларининг глобаллашиши ва ижод, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янги босқичга кўтаришда илмий ижод методологиясининг ўрни, илмий ижоднинг хусусий услубдаги технологик усуллар ва бошқа шу каби

мавзулари борки, булар илмий ижод методологиясининг предметини ташкил қилади.

Предметга киритилган мазкур муаммолар табиий – механик, ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг барчасига тааллуқли бўлса-да, ушбу курс учун тайёрланган қўлланма кўпроқ молиявий, иқтисодий жараёнларга диққатни жалб этади. Мазкур соҳадаги мутахассисликлар учун тайёрланадиган ходимларни илмий ижоднинг моҳияти ва мазмуни билан таништиради. Шулардан келиб чиқиб, ўз мақсадини амалга оширади. Бу мақсадлар асосан қуйидагилар бўлиб, уларга магистрантлар асосий эътиборни қаратишлари керак: курснинг предмети, тузилмаси, вазифаларини, илмий билиш ва илмий ижоднинг дунёни тушунишга доир умумфалсафий, умумилмий ва хусусий илмий услубларни ҳамда воситаларни билиш; илмий ижоддаги эмпирик, назарий ва интуитив босқичларни, фаннинг ривожланишида фалсафа фанининг умумметодологик ўрнини мавҳумлаштириш, тасаввурлар ва ўзгаришларни ишлаб чиқишда умумилмий шакл ва услубларни таҳлил қилиш; диалектика, синергетика қонун ва категорияларидан, тамойилларидан ўз илмий тадқиқотлари ижодида фойдаланишни билиш; ўз фикрларини далиллай олиш ва методологик тартибни ижодий тортишувларида ҳимоя қила олиш; иқтисодий тадқиқотларда тизимли тартибий ёндашувни ҳам уларда моделлаштиришнинг илмий жиҳатларини ўзлаштириш; И.А.Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги методологик кўрсатмаларидан ижодий фойдаланиш, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг ижод қилишдаги ўрнини тушуниб олиш ва бошқа шу каби муаммолардир.

Демак, илмий ижод методологияси курсининг вазифалари юқоридаги хулосалардан келиб чиқиши табиийдир. Бу вазифалар аввало, магистрантлар олдин олган билимларини илмий ижод ва тадқиқотларда фойдаланиш малакаларини сингдириш, илмий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; фалсафий ва иқтисодий назарияларнинг диалектик мунособатларини аниқлай билиш ва чуқурроқ ўзлаштириш; ижоддаги янги замонавий усуллардан хабардор бўлиш ва уларни ҳаётга

татбиқ этиш; илмий материаллар тўплашни ўргатиш; таниқли олимларнинг илмий ижод ҳақидаги таълимотлари билан таништириш кабиларидир. Айниқса, ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда республикамиздаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, И. А. Каримов асарларини методологик асос қилиб олиниши муҳим аҳамиятга эга. Бу асарлар илмий тадқиқотчининг миллийлик ва умуминсонийлик жиҳатларини кучайтиришга ёрдам беради. Мазкур курс И. А. Каримовнинг мамлакатимизда фан ва инновация фаолиятини ривожлантириш соҳасидаги ишларни мунтазам такомиллаштириш ҳақидаги фармонини¹ амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Методология – услублар ҳақидаги таълимот

Методология сўзининг маъноси: метод-услуб, логос-таълимотдир, яъни услублар ҳақидаги таълимотдир. Демак, **Методология барча билим услублари ва ўзлаштиришлар ҳақидаги таълимотдир.** Маълумки, барча аниқ фанлар ўзларининг билиш усуллариغا эга бўлиб, бу усуллар ўз предмети, яъни ўз фанининг объектларини таҳлил қилиш ва хулосалар қилишга ёрдам беради. Айни пайтда барча фанлар учун универсал бўлган методлар бор бўлиб, булар фалсафий фанлар методларидир. Ана шу фалсафий методлар аниқ фанлар усуллариининг методологияси ҳисобланади. Методология бошқа методларни бойитади, уларга объектларни билиш учун кўмаклашади. Ўз навбатида, аниқ фанлар методлари методологияни мазмун ва моҳиятини кенгайтиришга ёрдам беради.

Методология ҳар бир соҳада янги билимларни олишга кўмаклашади. Методологияга зарурият тараққиётнинг бошланғич босқичларидек кўзга ташланган эди. Оламнинг сир-асрорларини билиш хулосалар чиқариш ва улардан инсонлар ўз фаолиятида фойдаланишининг ўзи ушбу хусусиятларни талаб этар эди. Масалан, қадимги Мисрда геометриянинг пайдо бўлиши ерларни ўлчаш, дарёлар ўзанларини аниқлаш билан боғлиқ эди. Аммо унинг фалсафий

¹ “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ҳақида”. Халқ сўзи, 2002 йил. 15 март

жихатдан асосланиши яна бир умумий-универсал услубни талаб қилар эди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техника, санъат, маданият, фаннинг элементларини пайдо бўлиши методологияга бўлган талабни янада кучайтирди. Методологияни ишлаб чиқишда антик дунё файласуфлари - Гераклит, Сукрот, Афлотун, Арастунинг хизматлари каттадир. Жумладан, Сукрот ўз таълимотини яратар экан, нарса ва ҳодисаларни диалектик тафаккур қилиш усули билан билиш мумкинлигини ўртага ташлаган эди. Афлотун эса оламни билишга мантиқий ёндашиш кераклигини уқтирган эди. Арасту таълимотида эса ҳақиқатга эришишнинг усули бу – индукция ва дедукция жараёнларидир. Ушбу соҳадаги Арасту таълимотини янги замон файласуфларидан бири Френсис Бэкон давом эттирган эди. Бэкон қарашлари эса ўз навбатида, Рене Декарт каби буюк файласуфнинг методологияга бўлган ижобий мунособатларини шакллантирди.

Методологиянинг ҳодисаларга бир - бутун, системали ёндашишни талаб этади. Бу эса воқелик ҳақида тўла тасаввур олишга кўмаклашади. Аниқ методларга нисбатан кенг кўламли бўлганлиги учун методологияга асосланган билимларни инкор қилиш осонликча кечмайди. Методология орқали билимлар хазинаси кўпаяди, кенгаяди. Объектлар ҳақида турли тамойиллар ишлаб чиқилади. Категориялар, яъни янги тушунчалар пайдо бўлади. Илмий тадқиқотларнинг янги кўлами, турлари намоён бўлади. Нарса ва ҳодисалар тараққиётининг янги қонуниятлари, ривожланиш тенденциялари аниқланади. Аниқроғи, шу жараёнлар учун методология хизмат қилади. Демак, методологияни метод тўлдирди. Метод сўзи грек тилидан олинган бўлиб, билиш, тадқиқот йўли, усули деган маъноларни англатади. Бинобарин, **метод инсоннинг объект сир-асрорларини англашга қаратилган назарий амалий-фаолияти усулидир.**

Метод ишлаб чиқариш соҳасида бирор нарсани яшаш, яратиш бўлса, деҳқончиликда эса ўсимликларни парвариш қилишдир. Методлар орқали олинган билимлар назария ва амалиётда самарали

ютуқларга олиб келади. Шу сабабли методнинг бошланғич фаолияти бу илмий назариядир.

Методлар махсуслик характериға эға. Билиш жараёни ана шу махсус методларға суянади. Махсус методлар билиш жараёнининг барча соҳаларига тааллуқлидир. Масалан, анализ ва синтез, тажриба, моделлаштириш, формалаштириш, статистик методлар ана шундай хусусиятларға эғадирлар. Ушбу методлар қанчалик қимматли аҳамиятға эға бўлмасин уларни методологияға айлантириб бўлмайди. Метод ва методологиянинг ўзига хос хусусиятлари бор. Методология сифатида фанлар тарихида фанлар учун метафизика, диалектика, софистика, эклектика, эндиликда эса синергетика фойдаланилган ва фойдаланилмоқда.

Методологиянинг турлари:

1) фалсафий; 2) умум илмий; 3) махсус илмий.

Фалсафа фаннинг категория ва қонунларинг илмий билиш жараёнларининг барча соҳаларини ўзида мужассамлаштиради. Чунки улар барча соҳаларға тегишлидир.

Умумилмий методология дейилганда, **бир неча фанларға тааллуқли бўлган методлар ҳисобға олинади.** Улардан бир неча фанда фойдаланилади ва объект ҳақидаги ҳақиқатға эришилади. Масалан, анализ ва синтез, тажриба методлари умум илмий методология турларидир. Бу методлардан фанлараро тадқиқотларда фойдаланилади.

Махсус илмий методология бу алоҳида фанлар объектларини билишда фойдаланиладиган методлардир. Яъни бир фан доирасида хизмат қиладиган методлардир.

Илмий ижод методологияси ва унинг бошқа фанлар билан алоқаси

Илмий ижод методологияси курси бошқа фанлар билан ҳам алоқададир. Бу курс ҳам бошқа фанларга ўхшаб ўз предметини бошқа фанлар билан алоқадорликда ўзини тўла намоён қила олади. Демак, илмий ижод методологияси фалсафа, математика, физика, биология, иқтисодиёт, социология, педагогика, психология, адабиёт, санъат, мантиқ фанлари билан ўзаро мунособатдадир. Чунки, бу фанлар ҳам ижод жараёнлари билан боғлиқдир. Улар ҳам методологияга, методология эса уларга муҳтождир. Бу жараёнларнинг барчаси билиш билан боғлиқдир.

Билиш – инсон фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, нарса ва ҳодиса, олам тўғрисида тасаввурга эга бўлишдир. Билиш орқали у ёки бу воқелик инсон онгида акс этади. Шу сабабли, фанларнинг барчаси билиш жараёнидан фойдаланиб ўз функциясини бажаради. Фаннинг маълум тури эришган кашфиёт, иккинчи фан турига таъсир қилади. Фан ва илмий ижод билан шуғуланаётган киши тафаккури объектга доимий яқинлаша бораверади. Чунки билим жараёни мураккаб ҳолда кечади. Турли босқичларни босиб ўтади. Бу босқичлар сезгилар, идрок, тасаввурни ўз ичига олади. Барча фанлардаги объектларни билиш учун улардаги жараёнларни билиш зарурдир. Билиш диалектик характердадир. У зиддиятлар орқали амалга ошади. Билимда акс этиш жараёни муҳим рол ўйнайди. Акс этишсиз билиш амалга ошмайди. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, барча фанлар объектларини ўрганиш ҳам акс этиш (инъикос)га боғлиқ.

Билиш ёрдамида барча фанлардаги қонун ва қонуниятлар очилади. Табиат нарсаларининг хилма-хиллиги ўрганилади. Буларнинг барчасида метод ва методология қўлланилади. Ташқи олам нарсалари ва ҳодисалар билиш объектларидир. Бу объектлар фанларда акс этади. Таъкидлаш лозимки, амалий фаолият эҳтиёжлари билиш жараёнининг йўналишини белгилаб беради. Ечиш зарур бўлган муҳим муаммоларни ўртага қўяди. Фанлар ривожланиш суръатларининг шарт-шароитларини

аниқлаб беради. Моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш билиш муаммоларини ҳал қилиш учун турли асбоб-ускуналар, техник воситалар, жиҳозлар етказиб беради. Ўз навбатида билиш фаолияти ҳам ишлаб чиқаришда мужассамлашади, бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади.

Илмий ижод методологияси сингари бошқа фанлар ҳам билиш билан боғланган. Билиш орқали бошқа фанлар ҳам ривож топади. Билиш инсоннинг фаолиятида эмпирик ва назарий жиҳатдан намоён бўлади. **Эмпирик билиш – нарса ва ҳодисаларни инсон билан бевосита ёки асбоб-ускуналар орқали ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнидир.** Бу билишнинг ўзига хос методлари кузатиш, тасвирлаш кабилардир. Билишнинг эмпирик даражасида нарса ва ҳодисаларнинг ташқи кўринишлари қайд этилади, далиллар тўпланади. **Билишнинг назарий босқичи – инсоннинг нарса ва ҳодисалар моҳиятига тафаккур орқали кириб боришидир.** Бунда методология фани (иктисодий, сиёсий, техникавий) орқали тафаккур ёрдамида у ёки бу соҳаларни моделлаштиради, гипотеза, интуиция, фараз, далиллар орқали фикран шакллантиради. Демак, илмий ижод методологияси билиш назарияси билан мустаҳкам алоқададир. Билиш назарияси барча фанларда мавжуддир. Билиш жараёнисиз илмий ижод курси ўз предметини намоён қила олмайди. Ўз навбатида, барча фанлар, жумладан: иқтисодий фанлар билан шуғулланаётганлар ҳам илмий ижод моҳиятини тушунмасалар кашфиётларга эришишлари амри маҳолдир.

Иқтисодий тадқиқотлар ҳам, таъкидлаганимиздек, методологияга суянганида уларнинг илмийлиги янада кучаяди, чунки улар ҳам билиш жараёни билан боғлиқ. Иқтисодий, молиявий, банк тизими, солиқ соҳалари билан шуғулланган олимлар ҳам ўз фаолиятида методлардан, турли хил ёндашувлардан, йўналишлардан фойдаланишга мажбур, уларсиз ўз тадқиқотини амалга оширолмайди. Айтиш лозимки, Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиётини белгилаб беришда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов иқтисодиётни давлат сиёсатининг устувор

Йўналиши қилиб белгилаши бежиз эмас. Президент иқтисодиётчи сифатида истиқбол иқтисодиётга боғлиқлигини илмий асослаб берди. Шу сабабли ҳам иқтисодчилар илмий ижодида И.А.Каримов асарлари методология сифатида хизмат қилади. Демак, иқтисодий тадқиқотчилар илмий ижод методологиясини иқтисодий жараёнларнинг билиш методлари ҳақидаги таълимот сифатида қабул қилиши лозим. У илмий жараён ва ижодий усул, восита, тамойил ҳамда қоидалар йиғиндисиدير. Шу мунособат билан айтиш мумкинки, бўлажак мутахассислар илмий тадқиқот ва илмий ижод методологиясини мукамал ўргансалар, кундалик фаолиятларидаги қийинчиликларни енгилроқ ечадилар, уларни бартараф этишлари осонлашади. Илмий ижодда усул ва тамойилларни ўзлаштириш биринчи галдаги вазифадир. Бу ўринда ҳар бир бўлажак мутахассис фалсафий методологияга жиддий эътиборини қаратиши лозим. Чунки иқтисодий соҳани билиш усуллари ҳам фалсафий методология билан алоқада, мунособатдадир.

Иқтисодий соҳадаги таълимотларни тўплаш ахборот тизимига ҳам боғлиқдир. Илмий изланиш ахборотларсиз амалга ошмайди. Айниқса, ҳозирги давр кашфиётлари турли ахборотларнинг тўпланишига ҳам боғлиқдир. Маълумки, ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий тараққиётига эга. Ана шу иқтисодий тараққиётларни ўрганиш ва хулосалар чиқариш илмий изланувчининг билим савиясини янада оширади. Амалий фаолиятида қўллашига имкон яратади. Бу эса ёш тадқиқотчининг келажагини, айниқса, илмий фаолиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Таянч тушунча ва иборалар:

Метод, методология, фалсафий, умумилмий, махсус илмий, эмпирик, назарий босқич, билиш, иқтисодий метод, иқтисодий методология.

Мавзуга оид саволлар:

1. Илмий ижод методологияси предмети нима?
2. Илмий ижод методологияси курсининг бошқа фанлар билан алоқасини қандай тушундингиз?
3. Илмий ижод методологиясининг вазифалари нималардан иборат?
4. Иқтисодий фанлар методологияси деганда нималар тушунилади?

II боб. Фан ва ижод

Ижод тушунчаси

Инсонлар оламда яшар эканлар ўз фаолиятларини турмуш тарзига мослаштириб борадилар. Мослаштириш эса инсонни ижод қилишга чорлайди. Маълумки, инсонлар фаолияти кўп қирралидир. Бу фаолият олам сирларини билишга, унинг баъзи соҳаларини бўйсундиришга қаратилган. Соҳаларга эса қуйидагилар киради: табиатда яшовчи бир ярим миллиондан ортиқ ҳайвонот, беш юзмингдан ортиқ ўсимлик дунёси, жамиятлар фаолияти, оила, жамоа, инсоннинг муаммолари, ўзига хос фазо сирлари ва бошқалар мавжуд. Инсон ана шу соҳаларни билишга интилади, улардан хулосалар чиқаришга шошилади. Юқоридаги соҳаларнинг ўзи эса минг-минглаб жараёнларни ўзида қамраб олгани, уларни билиш учун минглаб авлодларнинг ҳам фаолияти етарли эмас. Шундай бўлса-да, ҳар бир авлод ўз замони талабларидан келиб чиқиб, янгиликлар яратишга интилади. Ижод ёрдамида бу ютуқларга эришади ҳам. Ютуқлар эса моддий ва маънавий кадриятлардан ташкил топади.

«Илмий ижод методологияси» ўқув қўлланмасининг муаллифлари И. Саифназаров ва бошқалар ижодга қуйидагича таъриф берадилар: **“Ижод - деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий оламини инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги тушунилади”**.

Берилган таъриф анча узоқ бўлсада, унда ижод тушунчасини изоҳлашга жиддий эътибор берилган. Таъриф ижод моҳиятини кенгрок қамраб олган. Унда кенг қамровли: табиий, ижтимоий, ва маънавий олам ҳақида сўз боради. Муаллифлар таърифда давом этиб: **«Ижод бу шаклланган стереотиплар, одатлар, анъаналар ва шартлиликлар доирасидан онгли равишда чиқиш демакдир»** дейдилар.

Бу таърифда ижод муаммоси анча конкретлаштирилган ва ихчамлаштирилган. Ижод бу субъект ва объект ўртасидаги муносабат сифатида гавдаланади. Ижод икки ҳолатда кўринади, психологик ва фалсафий. Ижоднинг психологик кўринишида фаолиятнинг механик тарздаги жараёни намоён бўлса, фалсафий жиҳатда эса ижоднинг моҳияти ва мазмуни ҳақида фикр юритилади.

Инсоннинг фаолияти кенг қамровли бўлганлиги сабабли ижоднинг турлари ҳам кўпдир. **Ижод турлари қаторига:** бадий, техникавий, илмий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий, архитектура, ҳайкалтарошлик ва бошқа соҳалардаги ижодларни олиш мумкин. Бу номлари тилга олинган ижод турлари объектив оламнинг турли соҳаларини қамраб олади. Инсонлар турмуш тарзи учун зарур бўлган ушбу соҳалар ижод объектларидир.

Ижоднинг тарихи антик дунёга бориб тақалади. Антик дунёда биринчилар қаторида ижод жараёнининг моҳияти устида тўхталганлардан бири Афлотундир. Унинг фикрича, ижод бу инсоннинг ақлий фаолияти борлиқни олий даражада ҳис этиш нуқтасидир. Кейинроқ фаолият кўрсатган файласуфлардан бири Августиннинг фикрича, ижод Оллоҳгагина тааллуқли бўлган жараёндыр. Ижод масаласига кўпроқ эътибор Ўрта Осиё мутафаккирлари (IX-XII асрларда) томонидан берилган. Улар ижод қилган соҳаларнинг ҳар бирида ижод орқали, мисли кўринмас кашфиётлар яратилган. Ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём таълимотлари, ижодлари бунга мисол бўла олади. Аммо ижод муаммосини ҳал этишда баъзи файласуфлар нотирик табиатда ҳам ижод элементлари бор, деб тушунтирадилар. Буларга мисол қилиб гилозоизм, вульгар (содда) материалистлар таълимотларини олиш мумкин. Уларнинг фикрича, жонсиз табиатдаги ўзгаришлар тараққиёт ёки ривожланишнинг натижаси эканлигини тушунмасликдандир.

Умуман, ижодни тор ва кенг маънода тушунмоқ лозим. Ижодни тор маънода тушунганда, уни нафақат олимлар фаолиятида, балки ҳар

бир инсон фаолиятида ҳам мавжуд бўлишини унутмаслик керак. Масалан, далада фаолият кўрсатадиган деҳқон ёки чўпон ўз соҳасини мукамал билиш учун изланади. Ўз соҳасига тааллуқли янгиликлар яратишга ҳаракат қилади, бунга эришади ҳам. Демак, ижод оддий, кундалик, илмий, мураккаб, зиддиятли бўлиши мумкин.

Илмий ижод системали бўлиб, унда инсон фаолиятининг кўп қирралари: билими, малакаси, тажрибаси, асбоб-ускуналар билан курулланганлиги, адабиётларга бойлиги, иш-жой шароитларининг махсуслиги ва бошқалар билан ажралиб туради.

Хулоса қилиш мумкинки, илмий ижод бу - изланувчининг тафаккури ва қобилиятини объектга нисбатан чуқур ва моҳиятан яқинлашиб боришининг юксак даражасидир.

Илмий ижод изланувчининг машаққати ва оғир меҳнатини талаб қилади. Қийинчиликларга бардош беришини кутади. Албатта, илмий ижод билан барча инсонлар ҳам шуғулланавермайди. Илмий ижод қилиш учун инсон қобилиятли бўлиши ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Ўз навбатида, илмий ижодда интилиш, фаолият кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Маълумки, илмий ижод маълум бир соҳани танлаб уни ўртага қўйишдан бошланади. Демак, илмий ижод ёки тадқиқот ўз мақсадига эга. Мақсадга эришиш эса, масалани тушуниш, янгилик яратиш билан боғлиқ. Фан тарихида минглаб олимлар борки, улар ана шу мақсадларни тушунганлар ва уларга эришганлар. Булар қаторига ал-Хоразмий, ал-Беруний, Галилей, Н. Коперник, Мирзо Улуғбек, Д. И. Менделеев, В. И. Вернадский, Н. И. Вавилов, Н. Бор, А. Эйнштейн ва бошқа олимлар шулар қаторидандир. Буларнинг илмий фаолияти даврлар талаби билан боғлиқ. Шу билан бирга уларнинг мақсади ва илмий изланишдаги илмий фаоллиги билан ҳам. Ижод натижаси нарса ва ходисаларни маълум бўлмаган ташқи ва ички хусусиятларини очиб беришнигина эмас, балки ахборот тўплаш, инсоннинг билим доирасини кенгайтириш, янгича ҳиссий қабул қилиш, тажрибалар ўтказиш кабиларга ёрдам беради. Энг асосийси янги муаммоларни келтириб чиқишга асос бўлади. Демак, ижод ҳам билиш каби чексиздир. Мазкур

саволни яқунлар эканмиз, бизнингча **ижод бу - изланувчининг маълум янгилик яратиш учун объектга қаратилган шахсий қобилиятидан келиб чиқувчи ҳиссий билим ва туйғуларни амалга оширувчи жараён**дир.

Фан ва ижод, уларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири

Табиат хилма-хил моддалардан тузилган бўлса-да, улар материядир. У элементар зарралар, антизарралар, кум, тупроқ, сув, ҳаво, жонли ва жонсиз мавжудот, планеталар, юлдузлар, галактикалар ва бошқа фазовий жисмлар, физик майдонлар йиғиндисидан иборат. Ҳозирги замон фан маълумотларига қараганда материя бундан 20 миллион йиллар аввал бошқа кўринишларда бўлган. Кейинги миллион йиллар давомида эса ўзгариб боради. Инсон ҳаёти табиатнинг тозалиги ва биосферанинг нормал шароитига боғлиқ. Мазкур шароитлар номувофиқ бўлса, инсоннинг яшаш шароити бузилади. Яшашга путур етказди. Экологик муаммолар келиб чиқади. Илмий-техника афзалликларидан нотўғри фойдаланиш биосфера ва неосферанинг бузилишига олиб келади. Демак, табиат сирларини мукамал билиш фан тараққиёти ва ижоднинг ривожланишига боғлиқ.

Жамият табиатнинг бир қиррасидир. Унда оила, маҳалла, жамоа, жамият аъзолари ҳаракат қилади. Бу ҳаракат жараёнида турли воқеалар содир бўлади. Воқеалар эса инсон фаолияти билан боғланган. Булар: иқтисодий ўзгаришлар, диний жараёнлар, демократик қурилиш, сиёсий-ҳуқуқий фаолиятлар, маънавий-маърифий қадриятлар, урф-одатлар кабилардир. Мазкур жараёнлар баъзида салбий, баъзида ижобий йўналишларни ташкил қилади. Бинобарин, мана шу йўналишларни тартибга солишда ҳам фанларга мурожат қилинади. Табиат, жамиятдаги ҳодисаларни ўзаро муносабатини тушуниш ва хулосалар қилиш фан ривожини билан белгиланади. Фанлар турличадир. У ўзининг классификация шажарасига эга. Фан тарихида фанлар шажарасини биринчилардан бўлиб Арасту ишлаб чиққан. Ҳозирги замон олимлари

фанларни кўпроқ учта катта гуруҳга бўладилар: **табиат ҳақидаги, техника ҳақидаги ва ижтимоий-гуманитар фанлар.**

Бу гуруҳларнинг ҳар бири ўзларининг шажарасига эгадир. Аммо шу фанлар ичида фалсафа, аниқроғи диалектика барча фанларнинг методологиясидир. У барча фанларда мавжуд, барча фанлар эса унда мавжуддир. Ҳар бир жисмнинг, ҳодисанинг ўзаги бўлганидек, фанларнинг ҳам ўзаги бўлиб, бу ўзакини диалектика ташкил қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир фан ўзининг шажарасига эга. Масалан, фалсафага - фалсафа тарихи, глобал ва регионал фалсафа (шарқ, ғарб ва б), сиёсат фалсафаси – миллий ғоя ва мафкура фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, дин фалсафаси, мантиқ фалсафаси, маданиятшунослик фалсафаси, эстетика фалсафаси, технология фалсафаси, техника фалсафаси, табиат фалсафаси, ижтимоий фалсафа, антология, геносеология, инсон фалсафаси, жамият фалсафаси, фан фалсафаси, қадриятлар фалсафаси, маънавият, иқтисодиёт фалсафаси ва бошқалар киради.

Ҳозирги замонда дунёда 2000 дан ортиқ фанлар ўқитилади, бу фанларнинг барчаси ижод билан боғланган. Демак, инсон фаолиятини фан тараққиётисиз тасаввур қилиш қийин. Одамлар фан ёрдамида мақсадларига эришадилар.

Билим фан орқали олинади. Билим куч ва маърифатдир. Фан бор экан нодонлик ва бидъат, тоқатсизлик ва тартибсизлик ва турли тўсиқлар ривожланиш йўлидан олиб ташланади. Уларга барҳам бериш фан ва ижоднинг вазифасидир. Инсон қанча маърифатли бўлса, у жиддийлашиб боради, ахлоқлироқ, маданиятлироқ бўлади. Зеро инсонларнинг маърифатли бўлиши, олға қараб ҳаракат қилиши демакдир. Маърифатли киши ўз манфаатига ахлоқий жиҳатдан ёндашади. Ижод қилишда турли услуб ва назариялардан фойдаланади. Шу жараённинг ўзида янги фанлар ҳам пайдо бўлади. Фанларни ҳам укувли, талантли, буюк шахслар яратади. Фаннинг яна бир хусусияти шундаки, у табиатнинг ривожланиши ва жамиятнинг мослашиши, яшаб турмуш тарзини ўтказишнинг ҳимоя воситаси ҳамдир. Ҳимоя эса турли

методлардан фойдаланиш асосида боради. Бундай методларга абстрактлаштириш, тажриба ўтказиш, кузатиш, шакллантириш, (моделлаштириш) математиклаштириш, таҳлил ва синтез қилиш, тарихийлик-мантиқийликдан фойдаланиш, индукциялаш-дедукциялаш ва бошқалар киради.

Фан инсон ва жамият фаолиятининг муҳим маҳсули бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари, муносабатлари ҳамда қонуниятларини ўрганишга қаратилган тизимлар йиғиндисидир. Шу билан бир қаторда фан ижтимоий онг шакллариининг биридир. Айтиш лозимки, фан сўзининг айнан маъноси – билим демакдир. Лекин ҳар қандай билим илмий бўла олмайди. Одатдаги ёки турмуш тажрибаси деб аталган ҳар қандай соҳа, аниқроғи, оддий кузатиш ва амалий фаолият асосида олинган далиллар ва жараёнларни оддийгина тавсифланишдан, уларнинг оддий томонларини аниқлашдан нарига ўтмайдиган билим фанни ифодаламайди. Шу сабабли фаннинг вазифаларини ҳам тўғри тушуниш талаб этилади. Бу вазифалар қуйидагилар:

1. Фан инсон фаоллигини оширишга хизмат қилади. Теварак-атрофни мукамалроқ билишга ёрдам беради.
2. Инсонлар фаолияти билан объектларнинг ўзаро алоқасини ифодалайди ва мослаштиради.
3. Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини очишга кўмаклашади.
4. Фан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий - ахлоқий кадриятларни ўзида мужассамлаштиради ва авлоддан-авлодга етказишга хизмат қилади.
5. Фан мониторинг вазифани бажаради. Табиат ва жамият ҳодисаларининг глобал ҳолатларини назорат қилишга ҳамда турли янги соҳаларни барпо қилишга ўз ҳиссасини қўшади.
6. Ахборотлар тўплайди ва ахборотлар билан инсонларни таъминлайди.

Фан оддий далиллар ва турли қонунлар ҳақидаги билимларнинг оддий йиғиндисидан иборат эмас, балки тизимларга солинган илмий билимлар йиғиндисидан иборатдир. Ҳар бир фанда акс эттириладиган муаммолар ўзаро боғлангандир. Уларни ажратиш мумкин эмас. Аммо ҳар бир фан маълум бир меъёрга етиб борганда ўзидан маълум бир соҳаларини ажратиб мустақил фан бўлишга асос бўлади. Буни биз юқорида фан шажарасида кўрдик. Фаннинг ривожланиши далилларни оддий тўплашдан, далиллар орқали махсус қонуниятларни ўрганиш ва очиқ беришгача бўлган қийин, лекин шарафли вазифани ҳам зиммасига оладики, бу жамият вакиллари ҳар бирига тааллуқли бўлади. Шу йўсинда назариялар яратилди. Фан назарияларни амалиётга татбиқ этиш йўллари ҳам кўрсатиб беради. Фан инсонга табиат ва жамиятнинг ҳақиқий манзарасини ёрқин ифодалаб беради. Ушбу манзара эса фан тараққий қилган сари тобора тўлароқ инсон онгида акс этаверади. Фан санъатдан тубдан фарқ қилади. Санъатда фантазия, бадиий сиймолар, бирор ҳодисани ўйлаб чиқиш кабилар мавжуд. Фанда эса бундай ҳолатларга ўрин йўқ. Чунки фан борлиқни қонуниятлар асосида аниқ тизимларга асосланган ҳолда ифодалайди.

Фан ишлаб чиқаришни ривожлантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши фан тараққиётига туртки беради. Ишлаб чиқаришда ва жамият ҳаётида фаннинг ролини ошириб бориши табиий ҳол бўлиб, у тўхтовсиз ривожланиш хусусиятига эга.

Демак фан бўлмаса, деҳқончилик ва чорвачилик, саноат, транспорт ва энергетика, информацион жараёнлар ва маданий воситалар бўлмас эди. Бундан ташқари фаннинг ривожланиши анализ соҳаларини бойитади, кенгайтиради.

Фалсафанинг илмий ижоддаги вазифалари

Фалсафа фани фанлар ичида энг қадимийдир. Қолган фанлар нисбатан янгидир. Ана шу фанларнинг ҳам ўзларининг методологияси бор. Масалан, биология фани ҳозирги пайтда жуда кўп тармоқларга эга. Шу тармоқлар учун дарвинизм фани методология деб ҳисобланса, геометрия фанлари учун Эвклид, физика фанлари учун Эйнштейн таълимоти, механика фанлари учун Ньютон таълимоти, алгебра учун ал - Хоразмий таълимотлари методологиядир. Бу методологиялар маълум даврларда пайдо бўлиб, ривожланиб ўзгариб борган. Фанлар тарихида шундай бир методология борки, у ўзгармасдир. Бу фалсафадир. Фалсафа барча фанлар учун умумий методологиядир. Демак, илмий ижод ҳам фалсафага суянади. Зеро, фалсафа, ижод учун методологиядир. Фалсафанинг гносеологик вазифаси бу – илмий билиш жараёнини асослаб беришдир.

Гносеология ижод жараёнини субъектнинг фаол, мутлақ мақсадга йўналтирилган фаолияти, деб эътироф этади. Ана шу фаолият орқали субъект ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги ютуқларни келтириб чиқаради. Шахсни талант ва қобилиятини, илмий салоҳиятини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. **Демак, ижодни фалсафа билан боғлаб тушунтирсак, ижод деганда, аввало, илмий фалсафий ёндашилган жиддий ва муҳим, инсон фаолияти учун зарур бўлган объект сирларини очиш тушунилади.**

Ижодни тўғри йўлга бошқарувчи методологиянинг ўзи илмий бўлиши керак. Бу фалсафага оид. Масалан, марксча-ленинча фалсафанинг баъзи томонлари нотўғри бўлиб чиқди. Сабаби, бу фалсафа фанни динга қарши қўйди. Фанни синфийлаштириб уни социалистик ва капиталистик йўналишларга бўлиб ташлади. Фанни бир ёқламаликка олиб борди, яъни фан фақат ишчилар ва деҳонлар фойдасига аниқроғи коммунизм ғоясига бўйсундирмоқчи бўлди. Ҳақиқатда эса фалсафа табиат, жамият, инсон тафаккури учун назарий ва амалий жиҳатдан хизмат қилиши лозим. Демак, фалсафани ижод

учун энг умумий, махсус томонларини ҳисобга олган ҳолда, уни ҳаётга татбиқ эта билиш керак.

Фалсафа барча ижод турлари учун, асосан тўртта вазифани бажаради:

1. Ижод турларини назария билан қуроллантиради, яъни ижод тури қаратилган объект ҳақида олдиндан маълум мазмун ва моҳиятга эга бўлган фикрни ўртага ташлайди. Ижодкорни изланишга чорлайди.

2. Энг умумий методология сифатида ижод турларига хизмат қилади. Ижоднинг хусусий методларини бойитиб боради. Хулосаларни янада илмий бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади.

3. Ижод жараёнида изланувчини у ёки бу дунёқараш билан шакллантиради. Ижод қилувчининг тафаккур даражасини кенгайтиришга ёрдам беради.

4. Ижоднинг миллий ва умум инсоний қадриятларга эътиборини кучайтиришга йўналтиради ва бошқалар.

Бу соҳаларнинг барчаси фалсафий билиш жараёни билан боғланган. Фалсафанинг билиш соҳасидаги вазифаси ҳам диққат эътибордан четда қолмаслиги керак. Сабаби, билиш жараёнисиз ижод амалга ошмаслиги бизга маълум. Билиш орқали инсон ҳақиқатга эришади. Демак, фалсафа, фалсафа предметининг ўзини ҳам тўғри йўлга бошлай олиш лозим. Текширилаётган ёки мулоҳаза юритилаётган объектнинг турли томонлари хусусиятларини, мазмун моҳиятини тўлиқ, онгли, ҳар томонлама билиш ижоднинг ҳаётийлигини таъминлайди. Фалсафа ижодкорни ижод орқали тубдан, янги билимга эга бўлишга чорлайди. Мутлақо ноанънавий тафаккур усули билан қуролланишга, объектга нисбатан ўта онгли субъект сифатида эътиборни қаратишга мажбур қилади. Бу эса ижодкорнинг фаолиятини янги босқичга кўтаради.

Хулоса қилиб айтганда, фалсафа ижод жараёнида ўзининг қонун ва категориялари орқали илмий тадқиқотларнинг тузилиши, услублари воситалари ва барча жараёнларини англашда ёрдам бериш билан бирга

ижодкорнинг фаоллигини оширади. Объект мазмунига қараб фикрлашни мақсад қилиб қўяди.

Таянч тушунча ва иборалар:

Ижод турлари, ижод, гилозоизм, илмий ижод, инсон фаолияти, фанлар классификацияси.

Мавзуга оид саволлар:

1. Ижод тушунчасига таъриф беринг.
2. Ижод қилиш қайси даврларга бориб тақалади?
3. Илмий ижод тушунчаси нима?
4. Фан ва ижоднинг алоқаси ва ўзаро таъсирини тушунтиринг?

III боб. Фалсафа ва фан тарихида ижод муаммоларининг ишлаб чиқиши

Миср, Кичик Осиё, Қадимги Грецияда илмий-фалсафий ижод тизимларининг пайдо бўлиши

Қадимги Мисрда қулдорлик давлати барпо этилган эди. Қуллар меҳнатидан фойдаланиб сув чиқариш иншоотлари, пирамидалар, сарой ва кошоналар қурилган. Бизнинг эрамизгача IV-минг йилликнинг охири – III-минг йилликнинг бошларида қулдорчилик бу мамлакатда ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Ана шу даврларда Мисрда астрономия, космология, математика фанларининг пайдо бўлишига биринчи қадамлар қўйилган эди, бу биринчидан, иккинчидан шу даврларда афсонавий қарашлар шакллана бошланган эди. Шу сабабли бу даврда, ушбу мамлакатда фалсафа фани ижтимоий онгнинг шакли сифатида ҳам шаклланган эди.

Қадимги дунё хўжалигини юритиш учун билим ва амалиёт талаб қилинарди. Нил дарёсининг сувини пасайиб-кўтарилиб туриши астрономия фанини ривожлантиришга олиб келган бўлса, деҳқончилик соҳаларини бошқариш эса амалдорлар фаолиятига бориб тақалар эди. Хўжалик юритиш ишлари фаолиятини олиб бориш аниқроқ календарни талаб қилар эди. Бу эса Қуёш ва Ой, юлдузлар системаси билан боғланганди. Буларнинг барчаси илмийликни, билишни тақозо этар эди. Ижодни заруриятга айлантирганди. Натижада математика, альгебра ва геометрия пайдо бўлди. Жумладан, Вавилонияликлар 60 дақиқалик ёзма вақтни ижод қилдилар. Бу ёзма вақт орқали ҳисоб-китоб қилиш ҳозир ҳам (бир соат – 60 дақиқа, 1 дақиқа – 60 секунд) аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фазодаги ёруғлик тарқатувчи жисмлар фақат ёруғлик тарқатиб қолмасдан балки оламнинг ижод манбаи сифатида ҳам эътироф этилди. Бу эса афсонавий худоларни ижод қилишга асос бўла бошлади. Вавилонликларнинг фикрича «Ой худоларнинг отаси» ҳисобланган.

Қадимги Мисрдаги маданият инсоният тарихида энг қадимги маданият ҳисобланади. Геродотнинг ёзиб қолдиришича, йилнинг давомийлиги, яъни унинг 365 $\frac{1}{4}$ кунлиги ҳам Мисрда ижод қилинган. Айниқса, геометрия соҳасида ижод қилинган кашфиётлар инсонларни ҳозир ҳам лол қолдириб келмоқда. Жумладан, пирамидалар ўлчамларининг ҳақиқий илмийлиги, яъни квадратлар, учбурчаклар, тўғрибурчаклар, трапециялар, доираларнинг ўлчамлари фикримизни асослайди. Демак, ўша пайтлардаёқ ижод қилишда маҳсус услублар ишлаб чиқилиши натижасида ижод учун шароит яратилган. Маълум маънода назарий билимлар талаб қилинган.

Диний соҳаларни ва афсоналарни фалсафий таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлган ва фалсафа фани ҳам тараққий қила бошлаган. Сўнгра афсоналарни диний жиҳатдан эмас, фалсафий таҳлил қилиш кучлироқ ўрин ола бошлаган. Бу эса ўша пайтда яшаган инсонлардан билим ва ижодни талаб қиларди. Масалан, “Арфист кўшиғи” адабий манбасида, диний афсонавий соҳалар танқид қилиниб, вафот этган инсон у дунёдан хабар бера олмаслиги, қайтиб келмаслиги, шу сабабли ер устидаги ҳаётнинг қадрига етиш кераклиги ҳақида мулоҳазалар юритилган. Бу ижоднинг оддий кўринишлари эди.

Эрамизгача бўлган, яъни Антик дунё деб аталувчи даврларда Грецияда ҳам изланиш, ижод юқори чўққига кўтарилган. Фалсафа фан сифатида эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Грецияда шаклланди. Айниқса, Александр Макендонский императорлик қилган даврларда фалсафа равнақ топа бошлаган.

Милет мактаби. Греция мутафаккирлари таълимотида ижод

Эрамиздан олдинги VI асрда Юнонистонда қулдорлик тузуми анча ривожланган эди. Юнонистоннинг Милет, Эфес, Фокия каби шаҳарларида ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланди. Натижада, Осиё, Африка, Миср билан бўлган маданий ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши греклар маданиятига таъсир этди.

Милет материалистик мактабининг асосчиси **Фалес** (эрамиздан олдин 624-547 йилда яшаган)дир. Фалес геометрия, астрономия, математика фанларини ривожлантирди. Бу даврда фалсафа фани инсон билимларининг йиғиндисини ифода қиларди. Греция фалсафаси тарихида Фалес биринчи бўлиб, табиатдаги ҳодисаларнинг ривожланиш манбаини қидирди.

Фалеснинг фикрича, табиат ҳодисалари асосида сув ётади. Ундан ташқари, Фалеснинг шогирди **Анаксимандр** (эрамизгача 610-546 йилларда яшаган) дунёнинг асосида сув эмас, чексиз шаклга эга бўлган апейрон ётади, деб тушунтирди. Унинг фикрича, ҳамма нарса шу апейрондан келиб чиққан ва яна апейронга қайтади. Апейрон ҳаракати эса қарама-қаршиликнинг келиб чиқиши асосида бўлади.

Мавжудот Анаксимандрнинг фикрича, ривожланиш, тараққиёт худоларига боғлиқ эмас. Анаксимандр биринчи бўлиб одамнинг пайдо бўлиш масаласига қизиқади ва уни балчиқлардан пайдо бўлган, дейди. У биринчи бўлиб, географик карта тузган, қуёш соатини ясаган.

Милет мактабининг кейинги вакили **Анаксимен** (эрамиздан аввал 585-525 й. да яшаган)дир. Анаксименнинг фикрича, дунё ҳаводан ташкил топгандир. Анаксимен ижодида атеистик қарашлар бор эди. Космик ўзгариш худосиз, борлиқнинг доимий ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Милет мактаби вакилларининг таълимоти материалистик характерга эгадир. Уларнинг таълимотича, дунёнинг асосида моддий бир нарса - модда ётади. Улар табиатнинг қонуний ривожланишини модда ва унинг характерига боғлайдилар.

Грек диалектикасини Пифагор мактаби рад этди. Милет файласуфлари дунёнинг асосига материяни қўйсалар, Пифагор мактаби эса сезиш мумкин бўлмаган абстракт рақамни - сонни қўяди. Бу идеалистик фалсафа стихияли материализмга қарши чиқди. Бунга сабаб, билиш жараёнининг қийинчиликлари натижаси эди.

Пифагор, эрамиздан олдин (580-550) яшаган. Пифагор мактаби математика билан қизиққани учун табиат қонуниятининг миқдорий хусусиятларини англашга қаратди. Бу мактаб ғояларида идеалистик

диний фалсафий қараш билан илмий тафаккур элементлари учрайди. Пифагорчилар ўзларининг таълимотларида дунёқараш соҳаси билан миқдор категориясини киритдилар.

Афина файласуфлари материянинг ички тузилиши, моддий элементлар характерини, унинг ривожланиш сабабларини тушунтиришга уринганлар. Бу файласуфлар Левкип ва Демокритлардир.

Левкип (500-440) биринчи бўлиб атеистик қарашни олға сурди. Дунё унинг фикрича, бўлинмайдиган моддий элемент-атомлардан тузилган. Атамос - бўлинмайдиган, грекча сўз. У дунёдаги нарсаларнинг пайдо бўлиши ва йўқолишини зарурият ва сабабият билан боғлайди. Бу таълимот Демокрит фалсафасининг ҳам негизини ташкил қилади.

Эфесс шаҳрида **Гераклит** (475-374) яшаб ўтган. Гераклит дунёнинг асосида олов ётади, дунё мана шу оловнинг қонуний алангаланиб ва сўниб туришидан иборат дейди. Гераклит ҳеч қандай худо ҳам, одам ҳам дунёни яратмаган, дунё ўз-ўзидан қонуният билан сўнувчи, тирик оловдан иборатдир, дейди. Гераклитнинг материалистик таълимоти ҳам стихияли характерга эга, фаразлардан иборат эди. Чунки ўша даврда диалектика ва материализмни фан даражасига кўтаришга имконият йўқ эди.

Қадимги Юнонистонда турли оқимлар пайдо бўлиб, улардан бири софистлардир.

Софистлар (донишмандлар) қадимги грек фалсафасида муҳим ўринни эгаллаганлар. Аввалги грек файласуфлари барча ўзгарувчан ранг-барангликдаги бирлик ҳақидаги масала билан машғул бўлганлар. Улар урф-одатларнинг турличалигини, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий жараёнларнинг фалсафий жиҳатларини асослашга уриндилар. Аммо, муҳим бир фикрга кела олмаганлар. Грек файласуфларининг баъзилари битта универсал умумий ахлоқ ва битта сиёсий идеаллик мавжуд, деб тушунтирсалар, баъзилари бу ҳолатларни жамият ёки ягона бир одам дунёга келтирган, деб фикр билдирганлар. Қисқаси, ҳар бир файласуф

Ўзича оламдаги нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилганлар ва ижод қилганлар. Кейинчалик, жамиятдаги ахлоқий - ҳуқуқий соҳалар билан боғлиқ жиҳатларнинг ҳал этилиши алоҳида киши фаолияти билан боғлиқ, деган тўхтамга келганлар. Аслида ахлоқ, ҳуқуқ, дид, ҳузур-ҳаловат, сиёсат, бошқарув каби жараёнлар ҳақидаги фикрлар хилма-хил. Таҳлили ҳам турлича. Шундай бўлишидан қатъи назар, файласуфлар бу саволларга жавоб топиш учун ижод қилган. Бундай файласуфларни софистлар деб юритганлар.

Софистлар ўз ижодларида кўпроқ ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалар билан шуғулланишган. Софистларга замонавий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, улар бир вақтнинг ўзида муаллиф, журналист, ёзувчи, шоир умуман зиёли кишилар бўлганлар. Улар кўпроқ баҳслашишни олға суриб, ҳақиқатга эришмоқчи бўлганлар. Софистлар нарса ва ҳодисаларни ақлий (рационал) далиллаш санъатидан фойдаланиб асослашга ҳаракат қилганлар. Софистлар мунозара ва музокарада фойдаланиш мумкин бўлган айёрлик ва муғомбирлик, маккорлик усулларида фойдаланиб борлиқни тушунтирганлар. Шу ҳолатга бошқаларни ҳам етаклаганлар. Уларнинг йирик вакиллари Горгий, Фрасимах ва Протогорлардир.

Горгий тахминан милоддан аввалги 483-374 йилларда яшаган. У машҳур нотик эди. Унинг “Табиат тўғрисидаги ёки мавжуд бўлмаган нарса тўғрисида” номли асари бўлган.

Қадимий фалсафа соҳасидаги ижодкорлардан яна бири **Фрасимах** Сукрот замондошидир. Милоддан олдинги 470 йиллар атрофида туғилган, деб тахмин қилинади. Фрасимах ўзининг ҳуқуқ ва адолат тўғрисидаги қарашлари билан барчани лол қолдирган. Фрасимахнинг фикрича, ҳуқуқ зўрларга хизмат қиладиган нарсадир. Ҳуқуқ бу куч қудратдир. Бундай тушунчага зид келадиган фикр ахлоқона гўлликнинг ўзи холос, дея таъкидлаган у. **Протогор** милоддан аввалги 481-411 йилларда яшаб ижод қилган. Унинг фикрича, “Инсон қандай бўлса, шу ҳолида мавжуд бўлган. Инсон жамики нарсаларнинг борлиғи ва йўқлиғи билан маълум даражада мавжуд нарсаларнинг мезони

хисобланади”. Яна қуйидаги фикрни билдиради: “Худолар тўғрисида мен уларнинг на мавжудлиги, на мавжуд эмаслиги ёки уларнинг қандай тусда эканлиги ҳақидаги билимга эга бўла олмайман, чунки идрок этилмаслик ва инсон ҳаётининг қисқалиги билишга тўсқинлик қилади”.

Софистлар этика, ижтимоий фанлар ва эпистемология билан алоқадор бўлган соҳаларни баҳолашда илғор бўлганлар. Бундай фикрлар ҳозирги даврда ҳам долзарб. Чунки булар муаммоли соҳалардир. Уларнинг фикрларида нисбийлик ва мутлақлик, ҳуқуқ ва ҳокимият, альтруизм; индивид ва жамият; ақл-идрок ва ҳис-туйғулар каби атамалар мавжуд бўлганки, булар ҳақида ҳозирги файласуфлар ҳам фикр юритадилар.

Қадимги грек фалсафасини ривожлантиришда **Сукрот** ижоди алоҳида ўрин тутади. У милоддан аввалги 469 йилда туғилиб, 399 йилда вафот этган. Унинг таълимотида ҳам эпистемологик (эпистемология-билим, унинг тузилиши, тузилмаси ва ривожланишини ўрганадиган фалсафий-методологик таълимот) ва этник - сиёсий муаммолар марказий ўринни олган. У софистларнинг кўп қарашларини рад қилган. Унинг ижодида умумий неъмат (олий эзгулик) ва адолат ҳисобланадиган қадриятлар ва меъёрлар мавжуд. Сукрот фалсафанинг билиш муаммосини ҳал этишга интилди. Унинг талқинида **билим - бу бизнинг ўзимиз ва ўзимиз ўзимизнинг мавжудлигимизни кўрадиган вазиятлар ҳақидаги билимдир**. Сукрот ижодида шу нарса характерлики, у билимни тажрибага мурожаат этиш йўли билан изламаган. У билимни тушунчаларни таҳлил этиш йўли билан ўзлаштиришга ҳаракат қилган ва бошқаларни ҳам шунга чақирган. Сукрот ижодида адолатлилик, мардлик, саховатлилик, яхши ҳаёт каби тушунчалар марказий ўрин эгаллаган.

Фалсафа тарихидаги яна бир йирик грек файласуфи **Афлотундир**. Қарама-қарши фалсафий фикрлар асосида Афлотун фалсафаси пайдо бўлди (Афлотун эрамиздан аввалги 427-349 йилларда яшаган). Афина аристократиясининг вакиллари платончилар идеалистик қарашини олдинга сурдилар. Афлотун ижоди асосида ғоялар ётади. Унинг

фикрича, нарсалар асосида ғоя ётади, сезги қабул қиладиган нарса, идея дунёсининг кўланкасидир.

Афлотуннинг фикрича, ҳаётда бир-бирига қарама-қарши бўлган ғоялар мавжуд бўлиб, бу ғоялар ўзгармайди. Сезги органларимизда ифодаланган нарсалар пайдо бўлиши ва йўқолиши доимий ўзгарувчан эмасликдандир. Энг олий ғоя бу худо тўғрисидаги ғоядир. Бу нарса идеализм билан диннинг бирлигини кўрсатади.

Афлотун билиш назариясини ҳам идеалистларча тушунтирди. Унинг фикрича, билим ғоялар орқали пайдо бўлади, тасаввур нарсалар орқали ҳосил бўлади. Абстракт тафаккурни сезгиларга боғлиқ бўлмаган ғоялар дунёсида яшовчи, руҳни “эслаш” жараёни натижаси, деб тушунтирди. Афлотун билиш бу – эслашдир, деган ғоясини ўртага ташлади. У диалектикани илоҳий билимнинг мантиқий назарияси, деб ҳисоблайди. Умумий тушунчанинг аҳамиятини таъкидлаши, киши тафаккурининг фаол ролини (идеалистик бўлса ҳам) ишлаб чиқиши Афлотун ижодининг рационал мағзини ташкил этади.

Афлотун “идеал давлат” таълимотини маъқуллаб, бу давлат фуқароларини уч табақага:

1) давлатни идора қилувчи файласуфлар - доно; 2) давлатни ички ва ташқи душманлардан асровчи кўриқчи аскарлар - жасоратли; 3) жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи деҳқонлар, хунармандлар, итоаткорларга бўлади.

Қадимий Грек файласуфларидан яна бири бу **Арастудир**. Арасту (эрамизгача 384-322 йиллар) фанлар классификациясини биринчи бўлиб тузиб берди (фалсафа, математика, физика). Унинг фикрича, фалсафа борлиқ тўғрисидаги фан, математика ва физика борлиқнинг баъзи хусусиятлари тўғрисидаги фандир.

Арасту Афлотуннинг давлат назариясини танқид қилди ва қулдорлик тузумини тан олди. У ўз ижодида фалсафа фанини амалий фаолиятдан ажратиб олди, яъни билим моддий манфаатдан йироқ бўлса, илмийроқ бўлади, дейди. Арасту объектив табиатни билишни, билимнинг асосий шарти дейди, лекин у изчил материализм

позициясига ўта олмади. Материя Арастунинг фикрича, пассив имконият, шакл фаол ўзгариш манбаидир. Материя билан ҳаракат ўртасидаги боғланишни кўрсатиб, ҳаракат, ўзгаришнинг манбаи эканлигини айтса-да, лекин ҳаракат, буюмларнинг ички зиддиятларида эканлигини кўра олмади.

У билиш жараёнини материалистик асосда тушунтиради. Билиш манбаи табиатнинг ўзидир, деб объектив борлиқни кўяди. Сезгилар орқали олинган ҳиссиёт нарса ва ҳодисалар сиймосидир, дейди. Лекин сезгини чегаралаб кўяди. Сезгилар умумий шаклни, яъни шакллар шаклини - худони билишга имкон бера олмайди.

Арасту ўз ижодида сезгилар асосида топилган билимни тафаккур орқали ҳосил қилинган билимдан ажратиб кўяди. Арасту категориялар классификациясини ишлаб чиқди. У имконият ва воқелик, материя ва шакл, моҳият ва ҳодиса категорияларини диалектика асосида тушунтиришга уринди, лекин тўла диалектик асосда ҳал қила олмади. Дин арбоблари унинг содда диалектикасини улоқтириб, метафизикасини олиб қолдилар.

Қадимги Грецияда эрамиздан олдинги II аср охири I асрнинг бошида Демокрит тарафдорлари кўпроқ материалистик фикрларни олға сурдилар.

Демокрит (эрамиздан олдин 460-370 йилларда яшаган) энциклопедик олим эди. Демокрит атом кўзга кўринмайди, деб ҳаракат билан материянинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Демокрит олам чексиз дунё, ер бир сайёра, дейди. Олам унинг фикрича, бўшлиқ бўлиб, фазода атомларнинг тўкнашиши натижасида турли дунёлар келиб чиққан. Бу дунёлар пайдо бўлади, йўқолади, дейди. Олам ҳақидаги фикрида атеистик қарашлар бор, у ерда зарурият мавжуддир, дейди. Демокрит диний таълимотларга қарши тан билан руҳнинг ўлишини кўрсатади. Ундан ташқари, билиш жараёнининг диалектик босқичини материалистик асосда тушунтирди. Билиш жараёнида биринчи босқич сезги, деб билади. Сезги органларимизга таъсир этиб,

онгимизда тасаввур пайдо қилади. Билим учун тафаккур керак, деб ўргатади.

Демокрит ижоди атеизм тарихида ҳам катта роль ўйнади. Унинг фикрича, худога ишониш кишиларнинг табиат кучлари олдидаги ожизлигидир. Демокритнинг сиёсий, иқтисодий соҳадаги ижоди ҳам демократик эди. Фалсафада икки йўл “Демокрит йўли” билан “Афлотун йўли” орасида кураш кетган. Демокрит йўлини тутганлардан бири **Эпикур**дир (341-270). У, киши бахтиёр бўлиши учун табиат ва унинг қонуниятларини билиши керак, дейди. Фалсафани уч қисмга физика, логика (каноника) ва этикага бўлади. Эпикур физикасида атомизм ҳимоя қилинади ва ривожлантирилади. Атомларнинг бирлашувини ўзига хос эркин ироданинг оқибати, деб кўрсатади. Гарчи бу фикр идеалистик характерга эга бўлса-да, стихияли равишда материянинг ўз ичидаги ҳаракатини эътироф этади. Эпикур ҳам ўз ижодида билишнинг бирдан-бир манбаи сезгиларда, деб билади. Унинг билиш назарияси оддий, лекин материалистик характерга эгадир. У ҳам худони инкор этмайди, балки табиат маҳсули, деб билади.

Греция фалсафасининг яна бир вакили Римлик **Пий Лукреций Кар** (99-55)дир. У Эпикур таълимотини давом эттирди. Қадимги материалистлар сингари Лукреций ҳам материянинг объективлигини илмий равишда тушуниш даражасига етмади. Лукреций нарсаларнинг сифатини объектив характерга эгаллигини, фазо ва вақт масаласини ҳам материалистларча тушунтирди. Сезги масаласини ҳам тўғри ҳал қилган. Унинг ижоди, фалсафаси феодализм жамиятининг тарихий келиб чиқиши ва тарихий тараққиётнинг олдинга сурилишидан дарак берар эди. Феодализм жамиятида синф, ижтимоий табақалар ўртасидаги тўқнашувлар мафкура курашида ўз ифодасини топди.

Феодализм даврининг мафкураси дин эди. Шунинг учун бу даврдаги қарашлар ҳам диний тусда бўлган. Римда феодализм даврида, идеализмнинг турли оқимлари, материализм ва атеизмга қарши курашдилар. Улар – скептицизм, агностицизм, неоплатонизмлардир.

Объектив идеализм, Арасту идеализми ва метафизик таълимотининг давоми эди.

Европа Уйғониш даврида ижод

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши феодализм тузумни суриб чиқади. Бу жараён буржуазия (бойлар) инқилоби билан тугалланди. Лекин бу даврдаги фалсафий дунёқараш шундай кескин курашларга дуч келдики, Коперникнинг назариясини худосизликда айблаш, Жордано Бруно(1548-1600)нинг ўтда куйдирилиши, Галилей асарларининг оловда куйдирилиши ҳам фан ва умуман материалистик фалсафанинг прогрессив тараққиётига тўсқинлик қила олмади. Табиат ходисаларини ўрганувчи табиий фанлар шакллана бошлади. Энди табиат фани билан фалсафа орасидаги муносабат ўзгара бошлади, яъни табиий фанларнинг ўсиши материалистик фалсафанинг ўсишига олиб келди.

Н. Коперник (1473-1543) гелиоцентрик тизимни ишлаб чиқди. Яъни, ер шари ўз ўқи атрофида айланиши билан кун ва туннинг бўлиши, Қуёш атрофида айланиши билан йил фасллариининг ўзгариб туришини исботлаб берди. Птоломейнинг Қуёш системасининг маркази ер деган фикри нотўғри эканлигини кўрсатиб, гелиоцентрик тизимини яратди. Птоломей таълимотича, Қуёш ер атрофида айлангандек кўринади, аслида моҳияти ундай эмас. Коперникнинг прогрессив ғоялари ва ижоди фалсафа тарихида катта роль ўйнади.

Ундан кейинги ўтган олим Жордано Бруно Коперник назариясидан материалистик хулоса чиқарди. Бруно динга қарши курашувчи прогрессив олим эди. Бруно ижодида, олам ҳисобсиз ерлар, қуёшлар системасидан иборатдир. Лекин, Бруно яшаган давр унинг прогрессив фикрларини ривожлантиришга йўл қўймади. Унинг фаолияти инквизиция католик черкови суди давридаги судда қораланиб ўзи эса ўлдирилди.

Янги давр фалсафаси XVI-XVII асрда Англияда келиб чиқди. Англия материализмининг асосчиси **Ф. Бэкон** (1561-1626) эди. Бэкон фалсафаси Англия бойларининг интилишини ифодалайди. Бэкон

тажрибага асосланган билим - ҳақиқий билим, дейди. Ундан ташқари, инсон табиатни ўрганиши ва ўзига бўйсундириши кераклигини уқтирди. Дунёда билимнинг асосий қуроли тажрибадир, дейди ўз ижодида. Билим жараёнидаги тафаккурнинг, назариянинг ролини инкор этмайди. Нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишини аниқлаш ҳақиқий билим гаровидир, дейди. Элементларнинг сифат муайянлигини таъкидлайди. Материя билан ҳаракат ўртасидаги узлуксиз боғланишни эътироф этади.

Бэкон фалсафасида диалектика элементи бўлишига қарамай, унинг материализми асосан механистик эди.

Англия материализмининг иккинчи вакили **Томас Гоббс** (1588-1679) бўлиб, унинг фалсафий ижоди Бэконниқига ўхшарди. Бэконнинг динга ёндашган томонларини тузатиб, уни ривожланттирди. Гоббс ижоди механистик, метафизик тусда эди. Гоббс моддий дунёни бири-биридан реал билиб, фалсафанинг предмети шу оламни ўрганишдир, дейди. Гоббс тараққиётни фақат миқдор ўзгаришларидир, ҳаракат эса механистик ташқи туртки натижасидир, дейди. У моддаларнинг хоссалари, сифати ёруғлик, ҳид, ранг, иссиқлик хос бўлмасдан балки тасаввурларимиздан иборат, деб тушунтиради. Гоббснинг ижоди унинг тафаккур билан материя ҳақидаги фикрида кўриниб туради. Тафаккур материядан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, деган эди у.

Гоббс билиш назариясида моддий дунёнинг кишига таъсир қилиши натижасида ҳосил бўлган ҳиссиётлар тўғрисида тўғри фикр берган. Лекин, унинг хатоси, тафаккур механистик функцияни бажаради, деб изчил бўлмаган материализмга йўл қўяди.

XVII асрда Франция Англияга нисбатан ривожланиши жиҳатидан анча орқада қолган мамлакат эди. Демак, Франция фалсафа соҳасида ҳам Англияга нисбатан орқада эди. Лекин, Франция ўзига хос йўллар билан ривожланди.

Францияда ривожланган ижод дуалистик таснифга эга эди. Франциядаги дуалистик оқим вакили **Рэне Декарт** (1596-1650)дир,

ўзининг “Метод тўғрисида мулоҳазалар” асарида билиш услубини яратишга уринган.

Декарт ўзининг фалсафасида математика аксиомаларига ва ҳатто «худонинг кудратига» ҳам гумонсираш керак, дейди. Тафаккур Декарт ижодида бирдан-бир воқелик ҳисобланади. У шунинг учун ҳам «Мен тафаккур қиламан, демак мен яшайман» деган қоидасини келтириб чиқарди. Тафаккурни материяга қарши қўяди. Бу нарса фалсафанинг бош масаласини идеалистларча ҳал қилишга олиб келди. Билиш назариясида асосий услуб қилиб дедукцияни олади. Яъни, тафаккур умумийдан хусусийга қараб ҳаракат қилади ва мантикий йўллар билан ҳақиқатни очишга имкон беради.

Декарт ижодидаги дуализм онг билан материянинг, тан билан руҳнинг мустақил яшашини исботлашда ўз ифодасини топади. Дунёнинг моддийлигини инкор этади ва дунё икки: руҳий ва моддий субстанциялардан иборат, дейди Декарт.

Декарт шундай камчилиги бўлишига қарамай фалсафа тизимини яратди. У фан соҳасида янги кашфиётлар очди. Масалан, Қуёш тизимининг пайдо бўлиши тўғрисидаги фикрлари, чексиз олам, ҳаво-олов-ерга ўхшаш уч элемент ҳақидаги фикрлари шунга мисол бўла олади.

Декартнинг дуализмини танқид қилиш асосида **Бенедикт Спиноза** (1632-1677) фалсафасининг тизими вужудга келди. Спиноза Голландия бойларининг манфаатини ифодалайди. Спиноза фалсафаси тизимини Декарт рад этиб, дунёнинг асосида моддий субстанция (биринчи асос, материя) ётади, дея эътироф этади.

Спинозанинг фикрича, табиатда икки субстанциянинг бўлиши мумкин эмас. Ундан ташқари, субстанция ўзидан ташқаридаги сабабга, худога боғлиқ эмас, балки у ўзининг сабабидир. Субстанция замонда абадий, маконда чексиздир. Спинозанинг субстанция тўғрисидаги фикри, чексиз материя ҳақидаги материалистик таълимотдир. Лекин шунга қарамай Спиноза субстанция ниқобига ўраб диний фикрни юргизади. Унинг худоси диндорлар худосига ўхшамайди.

Спиноза ижодида, зарурият таъсирида ҳаракат қилувчи худо эркин иродага эга эмас ва ўз олдига ҳеч қандай мақсад қўя олмайди, бу нарса табиатнинг ўзгинасидир. Шу даврда вужудга келган субъектив идеалистлар (Ж. Беркли (1685-1753), Д. Юм (1711-1776)) динга янги йўл очиб, материализмга қарши фикрларни илгари суришга ҳаракат қилишган эди.

Ж. Беркли ўзининг “Инсон билишининг асослари тўғрисида трактат” (1710) деган асарида инсон билишининг объектларини кўздан кечирувчи ҳар бир кимсага бу объектлар ё ҳақиқатан сезгилар воситаси билан идрок қилинадиган ғоялардан ёки эмоциялардан ҳис ва ақл фаолиятини кузатиш натижасида олган идеяларимиздан... ниҳоят хотира ёки хаёлот ёрдами билан ҳосил қилинган идеялардан иборат эканлиги равшандир. Кўриш, эшитиш, ҳидлаш ва бошқа сезгилар қўшилиб бир нарсанинг ифодасини беради, – дейди.

Демак, Беркли ижодида, нарса “идеялар йиғиндиси”дан иборат экан. Унинг фикрича, буларни идрок қилувчи нарса ақл, рух, жон умуман “мен” мавжуд бўлиб, ундан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмасдир. Беркли табиатдаги ҳамма ҳодиса ва нарса сезгилар йиғиндиси (идеялар коллекцияси)дан иборатдир, дейди.

Беркли ижодида субъектив идеализмининг гносеологик илдизи объектив, моддий дунёни абсолютлаштириш билан уни сезгилар таассуроти орқали бирлашишидадир. Лекин, Беркли ғоя, сезгилар мавжуд объектларнинг нусхаси, инъикоси эканлигини инкор қилди. Ўзини субъектив идеализм ва солипсизмда айбланишидан ҳимоя ҳам қилади.

Беркли, Юмлар ўз ижодларида сезгилардан нарига ўта олмадилар. Беркли ва Юм солипсизми идеалистик таълимотнинг энг рационал кўринишидир.

Бу давр француз материалистлари ўз ижодларида диалектикани материалистик нуқтаи назаридан асослашда жуда катта ҳисса қўшдилар, айниқса француз мутафаккирлари Ламетри: Гольбах, Гельвецийлар шулар жумласидандир. Ижтимоий даврнинг ўзи француз

материалистлари олдига шундай вазифани қўйди. Улар идеализмга, динга қарши чиқишда табиатни материалистик асосда тушуниш кераклигини биринчи масала қилиб қўйдилар.

Навбатдаги ижодкор **Мари Франсуа Аруэ** (1694-1778)дир. Француз ёзувчиси, психологи, файласуфи, танқидчиси, публицисти, тарихчиси. Мари Франсуа Аруэнинг тахаллуси Вольтердир. Париж театрининг сахналарида “Эдип” трагедияси шон-шуҳрат келтиргандан сўнг, яъни 1718 йилдан бошлаб шу тахаллусни олган. Вольтер нотариус оиласида туғилди. Оиласи ўша даврдаги аристократлар даврасида яхши мавқега эга эди. “Крестный”- ўғай отаси уни ёшлигидан бошлаб эркин фикрлашга ўргатди. Коллежда таълим олди, лекин у отаси орзу қилган йўлдан бормади. Натижада моддий томондан ўғилни отаси қўллаб-қувватламади. Турмуш тарзини яхшилаш мақсадида молиявий ишларда қатнашди. Бу билан ўзининг ижтимоий ва ижодий фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Шахсий фаолият натижасида, кундалик ҳаётда бойлар синфининг феодал тузуми билан келиша олмаслигини сеза бошлайди. Шу билан бирга, диний фаолият сир-асрорлари билан яқиндан танишади. Келажакда ўз давридаги феодал тузум ва диний фанатизмга қарши кураш бошлаб юборади. Сиёсий эркинлик ғоясини халқ оммаси ўртасида тинмай тарғиб қилади. Бу фаолият ҳукмрон доираларида қораланиб, икки марта (1717,1725) қамалади. Англияда сургунда (1726) бўлади. Умрининг талайгина қисмини сургунликда ўтказди. Англияда сургун бўлган даврида, у мамлакатнинг маданияти, ижтимоий ҳаёти билан яқиндан танишади. Франция ҳаёти билан Англия ҳаётини солиштириб кўради. Бу эса Вольтер фаолиятини революционлаштиради. Ўйриқ асарлар ёза бошлайди: “Файласуфнинг мактублари” (1733), “Метафизика тўғрисидаги трактат” (1734), “Ньютон фалсафасининг асослари” (1738), “Фалсафа луғати” (1764-690), “Жоҳил файласуф” (1760), лирика, шеър, поэма, драммаларидан: “Генриада”, “Брут”, “Орлеан қизи”, “Цезарнинг ўлими” ва бошқалар. Бу асарларнинг барчасида Вольтер ўз даврининг буюк маърифатпарвари-ижодкори сифатида гавдаланди. Унинг бу фаолияти,

айниқса, Россияда ижобий баҳоланди. Унинг таълимоти Россияда вольтерчилик оқимининг келиб чиқишига унинг асос бўлди. Вольтер фаолиятининг таъсирида рус маърифатпарварлари: П. П. Поповский, С. Е. Досницкий, Д. С. Аничков, И. Я. Третьяков, А. Я. Поленов, Я. П. Козельский, Н. И. Новиков, Д. И. Фонвизинлар ижтимоий-сиёсий майдонга чиққанлар. Бу мутафаккирлар Россиядаги феодал крепостной тузумга қарши фаолият кўрсатганлар.

1778 йил 30 май куни даволаб бўлмайдиган касал Вольтер ҳаётини тўхтатди. Полиция унинг ўлимини ошкор қилмаслик чораларини кўради. Пеъсаларини театрларда кўйдирмайди. Барибир, Вольтерни халқ эсан чиқармайди. Черков ва ҳокимият рухсатисиз Париж яқинидаги кабристонда дафн маросими уюштирилади. Унинг тириклигида 19 та асарлар тўплами нашр қилинган бўлса, вафотидан сўнг 70 томлик тўла асарлар тўплами нашр этилди. 1791 йилда таъсис мажлисининг қарори билан унинг жасади солинган тобути Парижнинг улуғ инсонлар қабри Пантеонда жойлаштирилади. У қўйилган жойда инсониятнинг ақлини ривожлантиришга кўшган ижодий хизматлари эътироф этилиб, мавқеи ҳақида фикрлар ёзилиб қолдирилган.

Вольтер материализмнинг деизм шаклини қабул қилган файласуфдир. Маълумки, деизм сўзи латин тилидан олинган бўлиб, худо деган маънони англатади. Яъни, бу сўзнинг фалсафий маъноси борлиқнинг қиёфаси ва мавҳум илк сабабчиси худодир, лекин у табиий ва ижтимоий ҳаёт таракқиётига таъсир этмайди, деб ҳисоблайдиган диний-фалсафий таълимот сифатида шаклланган. Унинг асосчиси инглиз файласуфи Черберидир. Вольтер унинг издошларидан бири. Вольтер кўпгина диний ақидалар, ваҳий, худонинг иродаси тасаввурларини, маросимларни инкор этиб, виждон эркинлигини тарғиб қилган ижодкор. У фан ва фалсафани черков зўравонлигидан, ақли дин тазйиқидан узоқлаштиришга ҳаракат қилди. Бу ўринда Вольтер, Ж. Локк, И. Ньютон, Г. В. Лейбницнинг файласуфлик ижодларини ҳимоя қилди. Субъектив идеализмга қарши чиқиб, унинг барча томонларини танқид қилди. Агностицизмни қўллаб-

қувватламади. Метафизик қарашларнинг фалсафадаги зарарини англаб бу услубни ҳам танқид қилди. Метафизикани танқид қилишда у **Жон Локк** (1632-1704)нинг сенсуализмидан фойдаланди. Унинг “Туғма ғоялар” назариясини юқори баҳолади. Чунки, Жон Локк ҳам метафизик таълимотнинг камчиликларини кўрсатиб берган эди. Локкнинг таълимотида ҳаракат худо фаолияти билан боғлаб тушунтирилса ҳам, ижобий фикрлар баён қилинган эди. У табиий дин тарафдори бўлиб, черковни давлатдан ажратиш зарурлигини, дин эркинлигини қўлларди.

Демак, Вольтер инсон фаолиятидаги ақл ва фаросат жараёнларига диққатни тортди. Инсон сезгилари орқали тасаввурга эга бўлиши ва рух эса ҳар вақт табиатнинг асосини акс эттира олмайди, деб тушунтирди. Инсон уни фақат психик жиҳатдан қабул қилади. Рухнинг бошланиши ёки охири бор деб бўлмайди. Тараққиётнинг бирор босқичи, ҳатто эмбрионал ривожланишга, тараққиётга алоқаси йўқ. Ҳамма мавжудот ўз-ўзича пайдо бўлади, ҳаракат қилади. Бу ўринда Вольтер атомистик таълимот тарафдори бўлиб чиқди. Унинг фикрича, Ньютон ва Бойл ижодлари қадимги Демокритнинг атомистик ижодини тасдиқлайди. Атом бўлинмас субстанциядир. Ўз вақтида бу ғояни Эпикур, Лукрецейлар ҳам тарғиб қилган эдилар, яъни оламнинг элементлари моддий бўлиб, абадий бўлинмас, деган хулосани чиқарган эдилар. Шу билан бирга Вольтер Беркли ва **Г. В. Лейбниц** (1646-1716)нинг борлик ҳақидаги таълимотларини рад қилди. Бунда у табиатшуносликнинг ютуқларига суянди. Улардан фойдаланиб ўзининг материалистик қарашларини ўртага қўйди. Материяни бордан йўқ, йўқдан бор бўлмаслигини ифодалади.

Вольтер ижоди оламни билишга қаратилган бўлиб, билишни чексиз, деб ҳисоблайди. Билиш инсоннинг сезгиларига боғлиқ. Материя онг сезгилари орқали идрок қилинади. Бу идрок эса тажрибага боғлиқ. Тажриба эса инсонлар фаолиятидан келиб чиқади. Табиатни ўрганиш, билиш, тажрибага боғлиқ. Айниқса, табиатни билишда математик тажриба фаолияти муҳимдир. Бу ўринда у Рене Декарт таълимотининг ижобий томонларига эътиборни қаратади ва юқори баҳолайди.

Ньютоннинг бутун олами тортилиш қонуни билан Декарт таълимотини боғлашга ҳаракат қилади. Материя тўғрисидаги фикрларни бойиб бораётганидан қувонади. Лекин, Ньютон таълимотидаги механистик жараённи ўта илмий даражада баҳолай олмади, балки унда табиат “пружина”сини кўради, холос. Бу пружина орқали дейди, Вольтер материянинг битмас-туганмас хусусиятларини очиш мумкин. Бу - натижада олам таракқиётини тўғри баҳолаш ва ундан тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради. Материя хусусиятларини очишда табиий-илмий кашфиётларнинг ролини ижобий баҳолаган Вольтер фанни ардоқлади, фан имкониятларини бекиёс эканлигини кўра билди ва доимий равишда барча асарларида уни тарғиб қилди. Шу маънода Вольтер айтадики: “кўриш ва янгилик яратиш тенгсиз ҳудучилиқдир”. Унингча, фанни ривожлантириш инсон тафаккурига боғлиқ. Тафаккур эса маориф, маърифат орқали такомиллашади.

Тафаккур қилиш билишнинг манбаидир. Билим эса олами ўзгартиришга олиб келади. Билиш ақлий жиҳатларга боғлиқ. Ақл, айниқса, илмий фалсафий билимларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида бениҳоя муҳим роль ўйнайди. Фақат ақлнинг ёрдамида инсон ўзига зарур бўлган ҳақиқатга эришиши мумкин. Ҳақиқат эса бу ақл нуқтаи назаридан аниқ, равшан ва шубҳасиз бўлган назарий хулосалардир.

Вольтер материянинг онга муносабатини ҳам материалист сифатида ҳал этди. Илоҳиётнинг баъзи бир томонларидан фойдаланиб, материализмни тарғиб қилди. Оламда материядан бошқа манба борлигига шубҳа билан қаради. Материя тузилиши жиҳатдан ҳар хил бўлиб, моҳиятан моддийдир. Материя хусусиятлари ҳам чексиз ҳолда универсалдир. Ўтмишдаги кўпгина материалистлар сингари, Вольтер ҳам онгни материяга нисбатан ижодий хусусиятини эътироф этсада, бу материянинг барча турларига мосдир, деган хулосадан узоқлаша олмайди. Унинг таълимотида ҳам жонли табиат билан жонсиз табиат, ҳайвонлар руҳияти билан инсон тафаккури ўртасидаги чегара аралашиб кетди. Лекин, онг ташқи, моддий оламнинг миёда акс этишининг

натижаси эканлигини инкор этмади. Жонсиз табиатдаги акс этиш, жисмнинг бошқа жисмлар таъсири остида ўзгаришида намоён бўлади. Материя тузилишининг мураккаблашуви инъикос кўринишларини ҳам мураккаблаштиради. Энг оддий жониворлардаги таъсирланувчанлик оддий шаклдаги инъикосдир. Таъсирланувчанлик, ўз-ўзини сақлаш ва насл қолдиришда муҳим роль ўйнайди. Нерв тизими ва мияга эга бўлган жонли, кўп хужайрали организмлар тадрижоти жараёнида инъикоснинг руҳий шакли вужудга келади. У организмнинг теварак-атрофдаги муҳит билан сигнал (хабар) тариқасидаги ўзаро таъсир этишини таъминлайди. Мазкур соҳалар Вольтернинг материя ҳақидаги таълимотидан хулосалар сифатида келтирилдики, бу океандан бир томчидир, холос.

Вольтер ижодиётининг марказий ўринларидан бирида инсоннинг турмуш тарзи туради. Бунда ҳам инсонни диний сохталиклардан узоқлаштириш лозим, деган фикрни ўртага ташлайди. Диний жоҳилликдан қутулишнинг бирдан-бири йўли, унинг фикрича, табиат қонунларини билишдир. Инсоннинг эркин яшаши учун уни барча тазйиқлардан қутултириш лозим. Бунинг учун ҳар бир инсон ўзини-ўзи “севиши” керак. Ўзи учун ҳаракат қилиши лозим. Бошқа француз материалистлари сингари Вольтер ҳам инсон ижтимоий муҳитнинг маҳсулидир, деган фикрда эди.

Агар ижтимоий муҳит инсон талабига жавоб бермаса, бундай ижтимоий муҳитдан воз кечиш лозим. Чунки, инсоннинг ўзи шу муҳитга мослашиб қолади, ўзгариш ҳам бўлмайди. Бу жаҳолатдир. Сабаби, жамият олға қараб ривожланмайди. Инсон ва жамият ўзаро диалектик муносабатдадир. Бу муносабат мавжуд бўлмаса ривожланиш ҳам бўлмайди. Жамият инсон талабига жавоб бермаса, у жамиятда ахлоқсиз кишилар, бузуқ ниятлилар, жоҳиллар кўпаяди. Шу сабабли бундай ярамас жамиятни, албатта, янги, такомиллашган жамият билан алмаштириш зарур. Бу вазифа фақат маърифатнинг ривожини орқали амалга ошади.

Вольтер ижоди, ижтимоий муҳит бу – давлат, сиёсий идоралар ва уларнинг чиқарган қонунларидир. Тафаккур жамиятни бошқаради. Тафаккур ривожини қандай бўлса, жамият ҳам шундай ривожланади. Бинобарин, инсон иродаси барча нарсага қодир. Инсон эркин, чунки, ўз онига эга. Ҳаётда ўзи тўғрисида ўйлайдиган инсон иродалидир. Борлиқнинг худоси ҳам заруриятдан келиб чиққан. Шу билан бирга у худолар борасида “ижобий” худоларнинг тасдиқланмаганлигини таъкидлайди.

Вольтер жамиятнинг доимий ҳаракатда эканлигини эътироф этади. У жамият тараққиётини диний қарашлардан изламади. Инсонлар ўртасидаги муносабатларни муроасага келтиришнинг асосий йўли ахлоқий ва ҳуқуқий жараёнларни тартибга солишдир, деб кўрсатди. Ахлоқсиз соҳалар турли жамиятларда турлича характерда бўлган, лекин уни давр талабидан келиб чиқиб тартибга тушуриш керак. Диний ахлоқ ўзининг кечириб бўлмайдиган камчиликларига эга. Ундан қутулиш лозим. Диний ахлоққа эга бўлган инсонлар хатоликларга йўл қўядилар. Унинг фикрича, ҳамма вақт, ҳамма жойда атеистлар ва эркин фикрловчи файласуфлар ардоқланиб келинган ва шундай бўлиб қолади. Айтиш лозимки, Вольтер ижодида дин қаттиқ танқид остига олинган бўлса ҳам, халқ оммасини итоатда сақлаш учун унинг зарурлиги таъкидланади.

Вольтер яшаган давр ўта зиддиятли бўлган бўлса керак, шу боис унинг ижоди ҳам зиддиятлардан холи эмас. Унинг ижодидаги фалсафа муаммоларининг қўйилиши ва уларнинг ечилиши ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Материя, жамият, инсонни билиш соҳаларидаги мунозаралар шулар жумласидандир. Баъзи асарларида худо мутлақо инкор этилган бўлса, баъзиларида эса, у муболағалаштирилади. Масалан, планеталарнинг ҳаракатга келиши худо фаолиятининг натижасидир. Худонинг қаромати билан планета Ғарбдан Шарққа қараб ҳаракат қилади, қуёш эса ўз ўқи атрофида айланади, барча планеталар тортилиши ҳам худонинг таъсиридадир ва бошқалар. Демак, унинг деизми ҳам зиддиятлидир. **Агар**, - дейди у, “**худо бўлмаганда эди, уни**

ўйлаб чиқиш мумкин бўлар эди”. Вольтер фалсафаси қанчалик зиддиятли бўлишидан қатъи назар, инсонларни маърифатга чорлайди. Маърифатнинг кенг қиррали томонларини очиб беради. Шу ўринда айтиш лозимки, Вольтер ўзи яшаган жамиятдаги хусусий мулкчиликни танқид остига олади. Бу соҳада ҳам тенгсизлик борлигини таъкидлайди. У бойлар ва камбағаллар ўртасидаги келишмовчиликларни қонунларнинг мукамал ишлаб чиқилмаганлигида, деб топди. Жамиятдаги барча келишмовчиликлар жамиятни илмий бошқармасликдан келиб чиқади. Жамиятни яхши бошқармаганлар эса бутун умр виждон азобида қийналиб ўтишлари керак. Аслида ҳукмдорлар ўзлари одат қилиб олган бошқарувнинг камчиликларини сезмас эканлар, халқ бундай бошқарувдан норози бўлиб қолаверади. Бу норозиликни инқилоблар ҳал этади. Инқилобларнинг бўлиши тўнтаришлар билан боғлиқ, дейди. У ўз мамлакати ва ватанини ё инқирозга ё кўкларга кўтаради. Таъкидлаш лозимки, Вольтер ўз ватанини кўпроқ эъзозлаган. Ватанга бўлган муҳаббатим, дейди у, мени хорижликлар ютуғидан кўз юмушга мажбур қилмайди. Аксинча, ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, ватанимни жаҳондаги ғазналар билан янада бойитгим келади. Кўриниб турибдики, Вольтер ўз умрининг кўпчилиқ қисмини хорижда ўтказган бўлса ҳам, ватан ишқи билан яшаган.

Вольтер ўз қарашларини бир тизимга солар экан, у ҳамиша тарихни жиддий таҳлил қилар эди. Ўтмишни ўрганган ҳолда хулосалар чиқарарди. Айниқса, жамият тараққиётини баҳолашда турли даврларни ўз даври билан солиштирган ҳолда ёндашар эди. Халқлар ахлоқи ва руҳи билан танишарди. Шу маънода у XVIII асрнинг йирик тарихчиси сифатида ҳам эътироф этилди. Историография (тарих ҳақида ёзув) маърифатпарварлари мактабини ҳам яратадики, бу мактаб, нафақат Францияда, балки чет элларда ҳам ҳурмат қозонди. «Энциклопедия» ва «Буюк Пётр давридаги Россия тарихи» каби асарларида илмий манбаларга асосланиб, тарихий хулосалар чиқарадики, бу хулосалар ҳозирги давримизда ҳам ўз мавқеини йўқотган эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Вольтернинг ижтимоий-сиёсий қарашлари феодал крепостнойлик тузумига қарши қаратилган бўлиб, кўпроқ Франция ҳаётини акс эттирган эди. У ўз ғояларида Франция ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат тузумини ислохотлар билан ўзгартириш масаласини қўйди. Қонунлар ишлаб чиқаришни талаб қилди. Барча фуқаролар тенглигини таъминлаш йўлида тинмай хизмат қилди. Сўз эркинлиги, солиқларнинг барчага баробар бўлишини истади. Лекин, бу соҳаларда ютуқларга эришишнинг амри маҳоллигини ҳам биларди. Шундай бўлса-да, у мамлакатни бошқариш конституциявий монархия томонидан амалга оширилишини орзу қилди. Унинг фикрича, конституцион бошқариш энг адолатли оқилона бошқариш бўлиши мумкин эди.

Вольтер ўз ижодини фақат, Европа тарихини ўрганиш билан боғлаб қўймади. Кейинчалик дунё мамлакатлари тарихини ҳам ўрганишга киришди. Жумладан, Ҳиндистон тарихи тўғрисида ҳам асар ёзди. «Тарих фалсафаси»да тарихни ўрганиш методологиясини ишлаб чиқди. А. С. Пушкин ибораси билан айтганда, Вольтер тарихни ўрганишнинг «янги йўлини топиб, унинг ёритгичини аниқлаб берди». Тарих фанини илмий манба даражасига кўтарди. Тарихни афсонавий сиймолардан тозалашга, бадиий тасвирлашларига чек қўйишга интилди. Ўтмишдаги воқеаларни танқидий ўрганишни тавсия этди ва келажак учун туртки берди. Шу сабабли ҳам, рус мутафаккири Плеханов фикрича, Вольтернинг «Тарих фалсафаси» тарихни илмий талқин қилиш намунасидир. Шу нарса муҳимки, тарихини ёритишда кўпроқ халқ фаолиятини ўрганиш лозим. У тарихчилардан халқларнинг маънавий, ахлоқий, фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий, илмий билиш, санъат ва адабиёт соҳаларини кенгроқ ёритишни талаб қилди. Моддий ҳаёт равнақи ҳақида ёзишларини зарур, деб топди. Вольтер фикрича, тарихни ёзишда миллий бойликлар, савдо-сотик, молия ишлари ҳисобга олинмоғи даркор. У бутун дунё тарихини ёзишда қадимий мамлакатлар фаолиятига эътиборни қаратди. Жумладан, Европа файласуфлари ўртасида биринчи бўлиб, Ҳиндистон, Хитой, араб халқлари,

аборигенлар фаолиятини тўла ёритишга ҳаракат қилди. У тарихни халқ яратади, деб хулоса қилади. Жамиятни ҳаракатга келтиришда инсон фикрлари муҳимдир. Тарих фалсафасини яратиш билан бирга Вольтер, ижтимоий фалсафани асослашда биринчилардан бўлиб майдонга чиқди.

Дени Дидро (1713-1784) Франциянинг Лангр шаҳарида ўзига тўқ хунарманд оиласида туғилди. Денининг отаси икки ўғлини ҳам етук маълумотли қилиб тарбиялаш мақсадида ўша вақтдаги ягона ўқув марказларидан ҳисобланган иезуитлар коллежида ўқитади. Бу коллежда асосан қадимги тиллар, тарих, нотиклик маҳорати, адабиёт ўқитилар эди. Дени 15 ёшга етганда Парижга йўл олади. Сабаби, у ерда ўзини тўла маълумотга, билимга эга қилиш эди. Унинг мақсади ҳам замонавий билим олиб, ҳаёт билан яқиндан танишиш эди. Париждаги Д. Аркур коллежида жойлашиб грек, латин тилини ўрганишда давом этади. Аввалида, математика фани билан қизиқмаса ҳам, сўнг математика ва бошқа фанлар билан жиддий шуғулланади. Ўқишни тугатгандан сўнг отасининг маслаҳати билан икки йил давомида Лангрлик прокурорга ёрдамчи бўлиб хизмат қилади. Лекин уни ҳуқуқий соҳалар унчалик қизиқтирмайди. Бўш вақтларида инглиз тилини ўрганишга киришади. Кейинроқ, умуман, хизмат қилишдан бош тортиб, ўз фаолиятини ижодга бағишлашга қарор қилади. Бу қарор Денининг отасига ёқмаса ҳам, унга ушбу масалани ўйлаб кўришга муҳлат беради. Аслида отасининг асосий мақсади ўғлини руҳоний қилиб тарбиялаш эди.

Денининг фикрича, инсон кам таъминланган бўлса ҳам, у эркин турмуш тарзига эга бўлиши керак, шу билан бирга ташқи таъсирга бўйсунмиш эмас, балки, ҳар бир киши ички қизиқиши, ҳолатига қараб яшаши лозим. 1733 йилдан 1744 йилларгача, Дени ўз йўлини топиш мақсадида жиддий шуғулланади. Шу йиллар давомида турмуш тарзини таъминлаш мақсадида турли ўқув юртларида онда-сонда берилган соатлардан фойдаланиб дарс бериб юради. Чунки бу пайтларда унинг отаси моддий маблағ беришдан бош тортган эди. Дени мустақил иш

тутарди. Натижада шу йилларда унда энциклопедик ақл-фан ташкилотчилиги хусусиятлари шаклланди. Унинг фалсафий қарашларининг дастлабки даврлари 1740-45 йилларга тўғри келади. 1745 йилда инглиз ахлоқшуноси А. Э. Шефтсберининг асари («Исследование о достоинстве и добродетели»)ни таржима қилади. Бу асар унга жиддий таъсир этган эди. Асар изоҳларида айтилган фикрлар бўлажак мутафаккирнинг фикрлари эди. Унда Дени католицизмдан узоқлашиб, диний мутаассибликни жиддий танқид остига олади.

Шундан сўнг, 1746 йилда аноним ҳолда нашр этилган «Фалсафа фикрлари» (Философские мысли)да христианлик билан тўла алоқани узиб материалистик ғоя билан суғорилган деизм (худочилик) фалсафасига ўтади. Шу йилларда Дени Ж. Ж. Руссо, Кондиляк каби ёзувчи ва файласуфлар билан танишади, мунозара ҳамда суҳбатларда қатнашади, ўзини, қийинчилик, қувғин ва танқидларга тайёрлайди.

«Фалсафий фикрлар» ҳаёт юзини кўриши билан парламент томонидан ёқиб юборишга қарор қилинади. Уни олдиндан сезган Дени шу асарнинг ўзидаёқ «муқаддас қутлуғлар»нинг фикрига қарата айтилган фикр ва мулоҳазалардан юз ўгирсалар, уларга нисбатан яна янги ғоялар пайдо бўлишини таъкидлайди. Улар, дейди у, Декарт, Монтен, Локк ва Бейлясарларни доимий танқид остига олган эканлар, мени ҳам шундай қиладилар. Мени айбласалар, осонгина қутулдик дейишлари мумкин, аммо ундай бўлмайди, биламан, келажакда менга ўхшаганларни муҳокама қилиш давом этаверади. Дидронинг бу фикрларни айтишдан мақсади иезуитларни диний соҳада нотўғри йўл тутганларини исботлаб ҳамма динларнинг тенглигини, шу билан бирга инсоннинг борлиқ худосининг борлигига шубҳа қилишига ҳуқуқи борлигини талаб этиш эди. Ҳамма жойда ақл, фахм, идрок (разум), фаолиятга суяниш, жумладан динда ҳам шундай қилиш зарурдир. Таъкидлаш лозимки, Дени христианликни танқид қилиш давомида худочиликнинг камчиликларини, салбий томонларини ҳам оча боради. Натижада даҳрийлик томонига ўтади. Даҳрий материалист сифатида шакллана бошлайди. Бу унинг «Ожизлар тўғрисида хат» (Письмо о

слепых)ида якқол кўзга ташланади. Шу пайтларда Францияда сиёсий вазият анча кескинлашган бўлиб, Дидронинг фаолияти полициячиларга ёқмаётганди. Динга қарши ёзилган асарлари рўкач қилиниб, Дидро 1749 йилда қамокқа ташланади. Лекин у нуфузли таниш-билишлари орқали уч ойдан сўнг қамокдан озод қилинади. Шундан сўнг Дени Дидро йигирма йилдан кўпроқ умрини «Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-хунар изоҳли луғати»га бағишлади. У луғатнинг асосчиси ва муҳаррири бўлди. Дидрода энциклопедия ҳақидаги ғоя XVIII асрнинг 40 йилларида пайдо бўлган эди. Чунки, энциклопедия маърифатпарварликни тарғиб қилишда хизмат қилишини биринчи бўлиб сезган эди. Ўз ғоясини амалга ошириш учун ташкилий ишларда тинмай меҳнат қилар экан, йирик-йирик фалсафий асарлар ёзишдан ҳам тўхтамади. Дидронинг мустақил фалсафий фикрларининг шаклланиши дахрийлик соҳасига ўтиш билан боғлиқдир. Чунки, бу йилларда у Арасту, Платон, Ф. Бэкон, Р. Ж.Локк, Р. Декарт, Б. Спиноза асарларини чуқур ўрганади. «Ожизлар тўғрисидаги хат»дан бошлаб «Физиология элементлари» (1773 йилдан 1780 йилларгача давом этган) гача кўплаб фалсафий муаммоларни ишлаб чиқди. Бу ўринда «Табиатни тушунтиришга оид фикрлар» (1754), «Жиян рамо» (1762), «Даламбер билан Дидро суҳбати» (1769), «Жак-Фаталист» (1773), «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий принциплари» (1770), «Энциклопедия»да ёзилган мақолалар ва асарларини мисол қилиб олиш мумкин. Бу асарларда ва мақолаларда таҳлил қилинган муаммолар Дидронинг буюк мутафаккир бўлиб етишганлигидан далолат беради. Умрининг охиригача ўз ижоди орқали Дидро инсонпарварлик ва маърифатпарварликни тарғиб қилар экан, барча жойлардаги ҳокимият, тиранлар ҳақ-ҳуқуқларини ва беадабликни (невежество) танқид қилди, уларга қарши кураш эълон қилди. Дидро фалсафада материалист ва дахрийдир. Шу ўринда Дидронинг турли асарларидан таржима қилинган фикрларига ўқувчи диққатини тортаминиз. «Одамлар бошқа ҳеч нарсадан кўркмасликларига ишонганларида, - дейди у, - бу дунёда анча тинч яшаган бўлардилар: худо йўқ, деган фикр хали ҳеч кимни

дахшатга солмаган, лекин менга тасвирлаб беришганлари худонинг мавжудлиги ҳақидаги фикр қанча-қанчаларни ваҳимага солмаган, ахир!» (Воронцов В.Л. «Тафаккур гулшани», Тошкент, 1981)- «Қаердаки худо тан олинса, у ерда шахсга сиғиниш мавжуд, қаерда шахсга сиғиниш мавжуд экан, у ерда ахлоқий бурч тартиботлари бузилади ва ахлоқ юз тубан кетади» (Ўша китоб, 265-бет). «Дунёнинг ҳеч бир ери йўқки, у жойда диний қарашлар ўртасидаги тафовут тупроқни қонга булғамаётган бўлса» (Ўша китоб, 267-бет). «Агар ақлни самовий тухфа деб қараб, шу гапни дин хусусида айтсак, у ҳолда само бизга ўзаро келиша олмайдиган ва бир-бирига зид иккита тухфа юборган бўлиб чиқади. Бу англашилмовчиликни тўғрилаш учун дин табиатда мавжуд бўлмаган хом-хаёл бир принцип эканлигини тан олиш даркор» (Ўша китоб, 272-бет).

Биз ушбу фикрларни Дидронинг материалист ва даҳрий бўлганлигини исботлаш учун келтирдик, холос. Дидро XVIII аср мутафаккиридир. Унинг фикрларининг барчаси ҳам абадий эмас, албатта. Давр ўтиши, замоннинг ўзгариши у ёки бу фикрни тасдиқлаши ёки тасдиқламаслиги мумкин. Аммо бу билан Дидронинг энг мураккаб сиёсий бўҳтонлар бўлаётган ўша даврларда ўзининг мустақил ижоди билан инсонларни лол қолдириши ҳақиқий тафаккур соҳибининг ишидир, деган хулосага келинади. Дидронинг асарларида табиат ва жамият, инсон фаолиятида учрайдиган диалектик жараёнлар ўз аксини топган. Айниқса, жамиятни бошқаришда «маърифатли» бошқаришни жорий этиб, унда файласуфларнинг бурчи ва вазифалари мустабид бошқаришларнинг моҳиятини бошқарувчига эслатиб туришга, мураббийлик қилишга чорлайди. Бу камчиликлар Д. Дидрони демократик тамойилларни таҳлил қилиш ва шахсий фикрларни айтишга мажбур қилди ва уни чиниқтирди. Таъкидлаш лозимки, француз маърифатпарварлари жумладан, Дидронинг ҳаракатлари Россия маданий ҳаётига ҳам таъсир қилди.

Маълумки, 1762 йилда Екатерина II император курсисига ўтиргандан сўнг, ўзини маърифатпарвар подшоҳ сифатида кўрсатиш

учун маърифатпарварлар билан хатлар орқали алоқа боғлаган. У Д. Дидрони хурмат қилар эди. Ўша даврда яшаб ижод этаётган Вольтерни алоқаси эса Дидроникдан яхшироқ бўлган. Францияда маърифатпарварлар қувғинликка учраганларидан сўнг Екатерина II Дидрони Россияга таклиф этади. Энциклопедияни чоп этишга ваъда беради. Аммо, Дидро Россияда ўткир маълумотли ҳарф терувчиларнинг йўқлигини пеш қилган ҳолда таклифни инкор қилади. Аслида унинг асосий сабаби, Францияда яқин ёр-биродар ва ўртоқларини, маънавий ва илмий муҳитни ташлаб кета олмаслик эди. Вольтер Дидродан Россияга боришини кўп мартаба ўтиниб сўрайди. Натижада Дидро таклифни қабул қилиб, 1773 йилда Россияга ташриф буюради. Россияда Екатерина томонидан Дидро яхши кутиб олинади. Деярли ҳар куни Дидро император хоним билан икки-уч соатлаб баҳслар ва суҳбатлар қилади. Суҳбатларда Россия ва дунёдаги мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий муаммолари кўтарилади. Дидро суҳбатларда монархия бошқарувининг кўпгина соҳалари бўйича таклифлар беради. Жумладан, конституциявий – монархия бошқарувини, уни эса халқ томонидан сайланишини, крепостнойлик ҳуқуқи, ерга феодал хўжайинликдан воз кечиш, ижтимоий қатламлар ҳуқуқини тенглаштириш, буржуазия асосида иқтисодиётни бошқариш кабилардир. Екатерина ушбу таклифларни сўзда тасдиқлаб, хайрихоҳлик билдирса ҳам, ҳаётга татбиқ этиш тарафдори эмас эди. Халқни маърифатли қилишдек долзарб таклиф ҳам, охирига етказилиб бажарилмаган эди. Ҳатто, Дидро Россияда халқни маърифатли қилишнинг режаларини тузиб, уни бепул амалга ошириш кераклигини уқтирган. Унинг таклифлари негизини маърифатпарварлик ташкил этган бўлиб, бу Россияда ўша пайтда ҳаёлий гап эди. Ҳокимият бошқарувини чегаралаш учун уни халққа бериш лозим. Халқ ичидан сайланган депутатлар ёки фуқаролар йиғини давлат раҳбари иродасини қабул қилиш керакми ёки йўқми, уни шу орган ечиши керак. Лекин Дидро фикрлари қабул қилинмади. Бунга Дидронинг Екатеринани 1767 йилда ёзилган рус давлатининг кодекси ҳақидаги “накази” (буйруғи)га

қилган салбий мулоҳазалари таъсир этган бўлиши лозим. Екатерина II Дидрони сўнгра ақлий ёндашмасликда, шароитни билмасликда, эҳтиётсизликда айблаб унинг дўсти М.Гриммга хат ҳам ёзди. Дидро Россиядан хафа бўлиб қайтди. Чунки, Энциклопедияни Россияда қанчалик ҳаракат қилинмасин чоп этиш муваффақиятсиз тугади. Россиядан қайтган Дидро умрининг сўнгги йилларини Францияда ўтказди. Умрининг охириги йилларида деярли ҳеч қандай асарни ҳам нашр эттирмади. 1784 йилнинг 31 июлида буюк мутафаккир ҳаётдан кўз юмди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Дидронинг ижодий-фалсафий қарашлари тарихий шароитдан келиб чиқди. Шу билан бирга унинг фалсафий қарашлари ўта зиддиятли тавсифга ҳам эгадир. Бундай бўлиши ўша давр учун табиий эди. XVI асрнинг охирида Голландияда, XVII асрда Англияда, XVIII асрда Францияда инқилоблар бўлди. Натижада давлат бошқарувида иқтисодий, сиёсий жараёнларгина ўзгармади, балки инсон фикрлари ҳам шиддат билан ўзгарди.

Дидрони фалсафанинг азалий муаммоларидан бўлган материя ва унинг ҳаракати тўғрисидаги ижодига тўхталадиган бўлсак, материя – мавҳум ҳажм ва геометрик жисм эмас, балки алоҳида, бизни ўраб турган аниқ жисмлардир. Материя кичик молекула ва атом заррачаларидан иборатдир. Атомлар эса бўлинмасдир. Бу қарашлар Дидро яшаган даврдаги материалист файласуфлар таълимотига ҳам тааллуқлидир. Дидронинг фикрича, табиат мангу ва чексиздир. У яратилган эмас. Ғайри-табиий кучлар тўғрисидаги уйдирмаларга ишониш керак эмас. Бизни ўраб турган табиатдан бошқа оламда ҳеч нарса йўқ. Шу табиатдан ташқарида бирор кучнинг ўзи йўқ. Файласуфнинг таъкидлашича, материя каби ҳаракат ҳам абадийдир. Сукунат эса нисбийдир, вақтинчадир. Оламда пайдо бўлиш ва йўқ бўлишдан бошқа нарса йўқ. Олам ҳам, дунё ҳам секинлик билан давом этадиган эволюцион жараёндан иборат. Ҳайвонот оламининг қатор босқичларини бошидан ўтказиб, ҳозирги ҳолатига эга бўлган одамларда табиий ривожланишнинг олий стихияли кўриниши сезилади. Оламдаги

барча нарсалар ва ҳодисалар сабабий (детерминистик) боғланиш ҳамда алоқададир. Сабабий боғланиш ва алоқадорсизликларсиз бирор нарса ва ҳодиса пайдо бўлмайди. Дидронинг ижодий фикрича, сабабий боғланишларсиз тараққиёт ҳам йўқ. Тараққиёт ушбу боғланиш ва алоқадорликларга боғлиқ. Табиат ва жамият, инсон тафаккуридаги сабабий боғланишлар умумий ривожланишнинг асосини ташкил этади.

Материя ва унинг хусусиятлари ҳақида тўхталганда Дидро нотирик материядан, яъни сезмайдиган материядан сезадиган, тирик материяга ўтишни асослашга ҳаракат қилиб ўз фикрларини баралла баён қилган. Ҳис-туйғу, сезиш жонли организмларга хос хусусият эканлигини эътироф этган. Шу билан бирга материяда умумий сезишга ўхшаган ҳолат борлигини ҳам эслатиб ўтади. Мутафаккир оламда зарурият ҳукмронлигини тарғиб қилади. Сабабий боғланишларнинг барчаси ҳам заруриятдан иборатдир.

Бинобарин, совет давридаги адабиётларнинг баъзиларида Дидро ва бошқа материалистлар тўғрисида фикр юритилганда, уларнинг таълимотида кишилар онги ва фаолияти, ҳаракати инкор қилинган, деб таъкидлайдилар. Фикримизча, бундай ҳолатлар Дидро ва бошқа ўша давр мутафаккирларига билдирилган субъектив ёндашишларнинг оқибатидир.

Дидро ижодида оламни билиш муаммоси ҳам марказий ўринларни олган. Дидро оламдаги нарса ва ҳодисаларни инсонлар била олишига шубҳа қилмади. У идеалистик таълимотлардаги агностицизм ва скептицизмларнинг қонун-қоидаларини қабул қилмади. Файласуфнинг таъкидлашича, дунёвий илмлардан барча инсонлар баҳраманд бўлиши лозим. Бу соҳадаги барча ҳаракат бирлаштирилса, у ҳолда, табиатдаги барча жараёнларни билиш тезлашган бўлур эди. Инсоният табиатни билмаслиги туфайли кўпгина қийинчиликларга дучор бўлиб келаяпти. Табиатнинг олий мавжудоти инсон бўлиб, ундаги сезгилар билиш учун қуролдир. Бу ўринда идеалистлардан Ж. Беркли таълимотига қарши чиқиб, сезгилар фаолиятини нотўғри баҳоланганлигини исботлайди. Мазкур соҳада фикр юритувчи

идеалистлар тизимини эътироф этмайди. Жумладан, у шундай фикр айтади: “Фақат ўзларининг мавжудлигини ва ичимизда алмашилиб турувчи сезгиларнинг мавжудлигини маълум деб билиб, булардан бошқа ҳеч бир нарсанинг мавжудлигини эътироф қилмайдиган файласуфларни идеалист деб, атайдилар. Менинг фикримча, бундай ажойиб ва ғаройиб системани, гарчи энг бемаъни система бўлса ҳам, уни рад қилиш ҳаммадан кўра қийинроқдирки, бу ҳол инсон ақли учун, файласуф учун исноддир¹”.

Бундай қарашлар француз материалистлари ижодига тегишлидир. Улар қатъи фикрда туриб билиш муаммосини ҳимоя қилиб чиқдилар. Сенсуалистик материализм нуқтаи – назаридан туриб идеализмни танқид қилдилар. Билишнинг манбаи сезгилардир. Сезилишнинг манбаи эса объектив реаллик билан боғлиқдир. Ғояларнинг барчаси сезгиларнинг натижасидир. Сезгилар орқали моддий оламнинг таъсирини синаб турамыз, ана шу жараён туфайли нарсалар ва ҳодисалар миямизда ўз аксини топади. Натижада билиш пайдо бўлади. Билиш бу нарсанинг сиймосини аниқлашдир. Дидронинг фикрича, жон бу – сезгилар йиғиндисидир. Сезги тана фаолиятини бошқаради. Объектив оламда билиш инсонни ақл-фаросатига ҳам боғлиқдир. Ақл-фаросат ҳам сезгига боғлиқ бўлиб, у ташқи олам таъсирида мияда тафаккур, хотиралаш, мулоҳаза юритишларни келтириб чиқаради. Сезгилар - тафаккур манбаи. У билишнинг пастки босқичи бўлса, тафаккур олий босқичидир.

Маълумки, инсон фаолиятида ҳақиқат муаммоси ҳам долзарбдир. Дидро ўз ижодида ҳақиқатга эришишнинг бирдан-бир йўли билиш назариясидир, дейди. Унинг фикрича, ҳақиқат фикр ва ғояларнинг билиш объектларига мос келишига боғлиқлигидадир. Ҳақиқатга эришиш турли табиат фанлари орқали амалга ошади. Ҳақиқатни билиш бу табиатни билиш демакдир. Дидро ҳақиқатга эришишда кузатиш жараёнини эътиборга олади. «Билиш учун дейди у, бизнинг ихтиёримизда учта асосий усул бор: табиатни кузатиш, фикр юритиш

¹ Дидро асарларининг мукамал тыплами, Париж: Ж. Асеез нашри, 1875, 1-том, 304-бет.

ва тажриба қилиш. Кузатишда фикрлар тўпланади. Фикр юритишда улар тартибга солинади. Тажрибада тартибга солинган фикрлар натижаси текшириб кўрилади¹». Демак, ҳақиқатга эришишнинг асосий йўли тажриба ҳамдир. Ҳақиқат ўлчови тажрибадир.

Дидро ижодининг фалсафаси жамият тараққиётига ҳам қаратилган. Аммо, собиқ совет иттифоқи давридаги дарслик ва монографияларда бу жараён ҳисобга олинмайди. Дидрони ҳам бошқа француз материалистлари сингари жамиятни тушунишда метафизик, идеалист, деб бўрттириб кўрсатадилар. Аслида эса Дени Дидро жамият тараққиётини ўз давридан келиб чиқиб баҳолаган.

Дидро томонидан жамиятда яшаган кишиларни маърифатли бўлишини талаб қилиниши жамиятдаги барча ҳодисаларнинг тўғри таҳлил қилинганлигидан далолатдир. У жамиятдаги яхшилик ва гўзалликни тарғиб қилиш учун эстетика тўғрисида фикр юритади. Бу соҳалар унинг «Энциклопедия»даги «Гўзаллик» (1751), «Гасвирий ойна санъат тажрибалари» (1765), «Актёр тўғрисида парадокс» (1773) ва бошқа асарларида ўз аксини топган. Бошқа француз материалистлари сингари Дидро ҳам шахс ижтимоий шарт-шароитнинг маҳсулидир, дейди. Унингча, шу ижтимоий ҳаёт қандай бўлса, инсонлар ҳам шундай бўладилар. У ўз мамлакатадаги тартибсизликларни ўша пайтдаги дин таъсиридан, деб билди. Дин фаолиятини аёвсиз танқид қилиб, черковни ҳукуматдан ажратишни талаб қилади. Маориф тизимидан руҳоний назоратини узоқлаштириш тарафдори бўлиб чиқди. Жамиятни олға қараб бориши диний эътиқодларни узоқлаштиришга боғлиқ. Жамиятни бошқариш маърифатли ҳукуматга боғлиқдир. У шу даврдаги шароитдан келиб чиқиб, икки-уч асрдан сўнг динга бўлган муносабат, қизиқиш йўқолади ва натижада дин ҳам инқирозга юз тутади, дейди. Жамият эса даҳрийлар жамиятига айланади. Жамият тараққиётида ахлоқ муҳим роль ўйнайди. Феодализм эса ахлоқсизликни келтириб чиқаради, шу сабабли феодализм инсонлар талабини қондирмайди. Феодализмда тарбияланган кишилар табиат талабига жавоб бермайди. Бунинг муҳим сабаби омманинг саводсизлиги, бойлар ва дин

пешволарининг хиёнаткорлиги, алдамчилигидир. Феодализм жамияти тасодифий жамиятдир, ўтмишнинг хатосидир. Шу сабабли феодализмни янги жамият билан алмаштириш лозим. Янги жамият феодализмга нисбатан такомиллашган юқори ахлоқий жамият бўлиши керак. Бундай жамиятга инсонлар маърифат орқали эришади. Дидро ўзининг бундай қарашлари билан Францияда етишиб келаётган инқилобий ҳаракатларга ўз ҳиссасини қўшаётган эди.

Дидронинг ижоди XVIII - XIX асрдаги жамиятшунослар фикрини янада мукаммалаштирди, аниқлаштирди. Жамиятнинг тараққиётини тушунишда унинг инсон ҳақидаги қарашлари муҳимдир. Инсон ақл-фаросати, шахсларнинг фикри жамият тузилишига таъсир этади. Халқ ва жамият ахлоқи инсон ахлоқига боғлиқ. Шу сабабли, жамият тарихи халқ тарихи эмас, балки буюк шахслар тарихидир, деган фикрларни ўртага ташладики, бу фикрлар жамият тараққиётини тушунишда ҳақиқий манбадир. Дидро таълимотида, марксистлар таъкидлаган мавҳум инсон йўқ. Балки аниқ инсон бор. Марксизм бу соҳада ҳам Дидро таълимотига бир ёқлама ёндашади. Тўғри, унинг таълимотида жамият табиат қонунларига бўйсунди, деган фикрлар мавжуд. Бу аслида холисона таҳлилда ҳақиқатдир. Баъзи табиат қонунлари олдида инсонлар кучсизлиги махфий эмас. Албатта, бу билан у, инсон имкониятига беписанд бўлган, дейишдан йироқмиз. Маърифатли жамиятнинг бошқарувчиси инсондир, деб тарғиб қилиш инсонларга бўлган ҳурматнинг амалий ифодасидир.

Дидро ижодида ҳам бошқа француз материалистлари каби «ижтимоий шартнома назарияси» ўртага қўйилган десак, хато бўлмайди. Ушбу назария монархистик бошқаришга қарши ишлаб чиқилган, нисбатан янги прогрессив назария эди. Бу назарияда кўрсатилишича, авваллари жамиятда яшовчи кишилар ўзаро тенг бўлиб, ўзлари ҳамда бойликлари ҳамма вақт хавф-хатарда яшар эдилар. Кейинчалик, ўзаро келишган ҳолда шартнома тузиб, шу асосда ўз мол-мулкани, эркинликларини қўриқловчи жамият, давлат ташкил қиладилар. Бунда барча халқ манфаати учун ана шу давлат хизмат

қилади. «Ижтимоий шартнома назарияси»нинг моҳияти давлат ва кишилик жамиятининг пайдо бўлиши сабабини худо ёки диндан эмас, балки, борликдан, табиатдан, деб кўрсатиш эди. Таъкидлаш лозимки, Дидро ўзининг барча асарларида жамият муаммосининг турли томонларини таҳлил қилиб, ўзининг илғор фикрларини ўртага ташлади. Инсонларни яхшиликка чорлади. Уларнинг ақлий қобилияти эркинлиги, тенглигини, тажрибага эга эканлигини, тарбиядаги эътиборини юқори баҳолади.

Жамиятнинг иқтисодий манфатларини тўғри тушунган ҳолда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тарғиб қилди. Кишиларнинг маънавий эркинликларини қўллаб-қувватлади.

XVIII аср француз материалистларининг марказий, энг йирик маърифатпарвари сифатида шаклланган Дидро таълимотининг кўпгина томонлари ҳозир ҳам эскирган эмас. У ўз фалсафий фикрлари билан инсониятни лол қолдирган буюк аллома сифатида тарихда қолган. Унинг ижоди ва меросини ўрганиш фойдадан холи эмас.

Француз материалистларининг фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак, материя чексиз, бениҳоя кўп нарсалар йиғиндисидир, моддий дунё асосидир. Улар ўз таълимотларида ҳаракат материянинг мавжудлик формаси эканлигини яна бир бор тасдиқладилар. Материя ҳаракати фазо ва вақтда мавжудлигини кўрсатдилар. Илмий билишга асос солдилар. Лекин бу материализм механистик ва метафизик карашлардан холи эмас.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, француз фалсафаси, ижоди моддий дунёни материалистик тушунишдаги асосий манба ҳисобланади.

Материалистик фалсафанинг намоёндалари қаторига рус олимларидан **М. В. Ломоносов** (1711- 1765), **А. Н. Радищев** (1749-1802)ларни ҳам киритиш мумкин.

М. В. Ломоносов табиат ҳодисаларининг асосида зарра ҳаракати ётади, деб ўзининг атом-молекуляр (корпускуляр) назариясини яратди. Материя атомлардан ташкил топган, доим ҳаракатда, фан буни

ўрганиши ва бу соҳадаги назарияни кенгайтириши кераклигини кўрсатади.

Фазо ва вақт В. М. Ломоносовнинг фикрича, материянинг ажралмаган ҳолда ҳақиқий мавжудлигини кўрсатувчи далилдир. В. М. Ломоносов моддаларнинг сақланиш қонунини кашф қилиш билан моддий дунёнинг, яъни табиат тараққиётидаги ривожланиш диалектикасига асос солди.

Олимнинг физика, химия, биология, геология ва бошқа фан соҳасидаги эришган ютуқлари унинг материалистик дунёқарашига далил ҳамда асос бўлди.

Шундай қилиб, XVIII аср материалистлари, ўша даврдаги тиббиёт фани эришган ютуқлар асосида дин ва идеализмга қарши чиққанлар. Бу тарихий ҳақиқат.

Янги давр фалсафаси ва немис классик фалсафасида ижод муаммолари

Француз фалсафаси билан немис классик фалсафаси ижоди XVIII аср охири XIX аср бошида вужудга келди. Бу даврда Германияда капитализм энди вужудга келаётган, феодал муносабатлар емирилаётган эди. Немис классик фалсафаси шу даврдаги буржуа демократик жараёнлар ва инқилобий кўзғолонлар таъсири остида вужудга келди ва ривожланди. Немис классик фалсафасининг ижодкор намоёндалари немис бойларининг мафкурачилари сифатида майдонга чиқдилар. Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига қараганда бир мунча сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қолоқ эди. Немис бойлар синфи қўрқоқ ва кучсиз эди. Ана шундай даврда оддий тил билан айтганда, кўпроқ “Маида ишлар ва катта хаёллар билан шуғулланар эди”.

Шу даврда Германияда Гёте, Шиллер, Лессинг каби адиблар, Кант, Фихте, Гегель сингари файласуфлар етишиб чиққан эди. Булар ижодида немис бойларининг ўзаро келишувчанлиги, қарама-қарши табиати ўз ифодасини топди. Немис идеализмининг вакиллари марксизмгача бўлган метафизик материализм камчиликларидан фойдаланиб, уни идеалистик диалектика асосида танқид қилдилар ва бир қанча доҳиёна ижодий

фикрларни бердилар, чунки бу фалсафий – ижодий тизимни вужудга келтирган олимлар тарихий, табиий ва илмий маълумотларга суянар эдилар. Немис классик фалсафаси бойлар тафаккурининг энг юқори босқичи бўлса-да, лекин унинг ижодкорлари ўзларининг диалектик қарашларидан келиб чиқадиган инқилобий хулосалари олдида ожиз эдилар.

Немис классик фалсафасининг асосчиси **И. Кант** (1724-1804) публицистика, фалсафа ва ҳуқуқ сингари фанлар билан шуғулланган. У немис бойларининг мафкурачиси бўлгани учун унинг ижодида немис бойларига хос иккиланиш ўз ифодасини топган. Олим ўз ижодида идеализм билан материализмни, дин билан фанни келиштиришга уринади, иккинчи томондан, у нарса ва ҳодисани билишни инкор этади (агностицизм). Кант ижоди асарларининг яратилишига қараб икки даврга бўлинади: “Танқидгача” ва “танқидий давр”. Ҳар икки даврда ҳам материализм ва идеализмни келиштиришга уринади. Биринчи даврда унда табиат фанларини ўрганиши таъсирида материалистик томонлар кучли эди. Иккинчи даврда эса, идеалистик ғоялар устун келди. Кант ўз фаолиятини Ньютоннинг космогониясини танқид қилишдан бошлайди. Ньютон олам тортишиш қонунини ўз даври ҳолатидан келиб чиқиб ифодалаган бўлса, Кант унинг пайдо бўлиш ва ривожланишидан бошлайди. Ньютон ижодидаги худога боғланишни фожеа деб, бу масалани Демокрит, Эпикурлар давомчиси сифатида текширади. Қуёш тизимининг пайдо бўлишини туманлик келиб чиқиши билан тушунтиради ва ҳеч қандай туртки йўқ дея, материяни доимий пайдо бўлиши ва йўқолиб туриш муаммосини исботлашга ҳаракат қилади. Кант ўз олдида илмий билишнинг имконияти ҳақидаги муаммони вазифа қилиб қўяди. Унинг фикрича, аввал инсоннинг билиш имкониятини текшириши керак. Бу эса билиш жараёнини билиш лозим бўлган нарсалар билан бир қаторда қўйишга олиб келади. Аммо, И. Кант тафаккурни чегаралаб қўяди. Унинг ижодида, нарсаларнинг воқелиги ўз моҳиятидан фарқ қилади. Объектив дунё бор, лекин улар (наrsa) ўзида бўлиб, уни билиш мумкин эмас, дейди. Кантнинг бу фикри агностицизмга олиб келади. Кантнинг фикрича, воқелик тартибсиз бўлиб, бизнинг онгимизгина тажриба билан боғланмаган ҳолда у воқеликка умумий зарурий қонуниятлар киргизади. Демак, Кантнинг фикрича наrsa онг билан мувофиқлашуви керак.

Кантнинг хизмати метафизик услубни танқид қилиш ва диалектик услубга яқинлашувида, киши тафаккуридаги қарама-қаршилиқларни эътироф қилишидадир. Кант фалсафасидаги идеализм ва материализм соҳалари немис фалсафасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Унинг фалсафаси Г. Гегель идеализми ва Фейербах материализмида намоён бўлди. Гегель (1770-1831) фалсафасида немис идеализми энг юқори чўққига чиққан бўлиб, фалсафадаги етакчи масала объектив идеализм асосида ҳал қилинди. У табиат, жамият ҳодисаларининг асосида дунёвий рух ётади, деб тасдиқлади. Дунёвий рух биринчи, табиат эса ҳосила, дейди. Гегель ижодининг асосини мутлақ ғоя ташкил қилади. Гегель фалсафий тизими билан унинг услуби орасида зиддият бор эди. Бу зиддият немис бойларининг табиатини, яъни бир томондан, эскича феодал муносабатларга қарши кураши бўлса, иккинчи томондан, ўсиб келаётган ишчилар синфининг ҳаракатидан чўчишни ифодалар эди. Гегель фалсафий ижодида ривожланиш ғоясини илгари сурилиши билан диалектик услубга олиб келди.

Диалектик услуб Гегель ижодининг рационал мағзини ташкил қилади. Гегель диалектик ҳаракатнинг умумий шаклларини биринчи бўлиб тўла-тўқис ва онгли равишда тасвирлаб берган.

Гегельнинг бой мазмунга эга бўлган кенг ва чуқур ривожланиш ҳақидаги таълимотига кўпгина файласуфлар ижобий баҳо берган. Гегельнинг пастдан юқorigа, оддийдан мураккабга қараб борувчи диалектик ривожланиш ҳақидаги таълимоти метафизик таълимотга берилган зарбадир. Гегель диалектиканинг қонунларини, гарчанд идеалистик асосда бўлса ҳам, биринчи бўлиб таърифлаган.

Зиддиятларнинг реаллигини эътироф этиб, метафизикага қарама-қарши бўлган фикрни берган Гегель, зиддият ҳаракат ва ривожланишнинг ички манбаини ташкил этишини, қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши диалектиканинг асосий қонуни эканлигини исботлайди.

Гегель ривожланишнинг аста-секин миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришига сакрашлар орқали ўтишини таснифлаб, диалектиканинг миқдор ўзгаришидан сифат ўзгаришига ўтиш қонунини асослади. Ривожланишда эски билан янги ўртасидаги боғланиш мавжудлигини ва ривожланишнинг юқори босқичида инкор этилаётган куйи босқич ижобий мазмунининг сақланишини исботлаб, инкорни инкор қонунини очди. Гегель диалектиканинг асосий қонунларидан ташқари, сабаб ва оқибат, зиддият,

зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, моҳият ва ходиса каби диалектика категорияларини ҳам тавсифлаб берди. Булар Гегель ижодининг илғор томонлари ва унинг асосий хизматларидир.

Гегельнинг хизмати яна шундаки, у биринчи бўлиб, бутун табиий, тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни узлуксиз ҳаракат қилиб, ўзгариб, қайтадан тузилиб, тараққий қилиб турадиган ҳолда кўрсатади ва бу ҳаракат билан тараққиётнинг ички боғланишини назарий жиҳатдан очиқ беришга уринади. Гегельнинг вазифани амалий жиҳатдан ҳал қилмаганлигининг бу ерда аҳамияти йўқ. Унинг тарихий хизмати бу вазифани ўртага қўйганлигида эди.

Гегель ижодининг асосий ютуғи фалсафий тизимидир. У объектив идеалист бўлганлиги учун материализмга қарши эди. У моддий дунёни мавҳум ғоянинг мужассами, узлуксиз ривожланиш жараёни реал дунёга эмас, мутлақ руҳга хос деб, дунёнинг асоси ҳам шу руҳ, деб билди.

Гегелнинг фикрича, воқеликни яратувчи ҳам мутлақ ғоядир. Гегель тизимида мутлақ ғоя ўз ривожланишида уч даврни бошидан кечиради: 1) ғоя: табиатдан олдин пайдо бўлган тафаккур ҳолатида яшайди. У инсондан олдин пайдо бўлган. Унинг фикрича, киши онгидан ташқарида яшовчи мавҳум тафаккур-мутлақ ғоя ётади. У буни «Логика» китобида ифодалаган.

Мутлақ ғоя ўз ривожланишининг муайян иккинчи босқичида ўзининг қарама-қаршисига - табиатга айланади. Яъни ўзини бегоналаштиради.

Учинчи даврда киши тафаккури ижтимоий онгнинг турли шаклларида ўз ифодасини топади ва мутлақ ҳақиқатга эришади. Шу билан мутлақ ғоянинг ривожланиш даври тугайди, натижада ривожланиш бекик доирага айланади.

Гегель ўз ижодида давлат ва ҳуқуқ, эстетика, дин фалсафаси масалаларига тўхталиб, бу соҳада ҳам ўзининг идеалистик фикрларини беради.

Немис фалсафасининг йирик вакилларида бири **Людвиг Фейербах** (1804-1872) эди. У Гегель ва Кант идеализмини танқид қилиб, XVII аср материализмининг илғор урф-одатларини тиклади ва ривожлантирди. Бу даврда - XIX асрнинг иккинчи чорагида Германияда саноат капитализми кучайган, жамият тарихида икки синф – бойлар ва ишчилар синфининг ўсиш даври эди. Бойлар билан бойлар ва бойлар билан ишчилар ўртасида синфий зиддиятлар кучайган эди. Буларнинг ҳаммаси Германиядаги ғоявий

курашнинг кучайишига олиб келган эди. Бу кураш Гегель ижодини тушкунликка тушишида ўз ифодасини топди. Бу даврдаги ёш гегельчилар орасида Фейербах ҳам бор эди. У биринчи бўлиб Гегель идеализмига қарши чиқиб, материализм байроғини кўтарди. У идеализм ва диний соҳаларни танқид қилди. Ижобий ғояларни эса тарғиб қилди. 1839 йили «Гегель фалсафасининг танқиди», 1841 йилда «Христианликнинг моҳияти» деган асарларини ёзди. Фейербахнинг бу асарлари дахрийлик ғояларни ўртага қўйилишида катта роль ўйнайди. Фейербах материянинг доимий узлуксиз ҳаракатдалигини, табиат, материя бирламчи, онг, рух иккиламчи эканлигини таъкидлайди. У фалсафанинг асосий масаласини материалистларча ҳал қилади. Материализмни янги поғонага кўтаради, унга табиий илмий асос беради. У механистик материализм табиатан қотиб қолган, ҳаракатсиз, деган қараш ўрнига табиат ранг-баранг, деб қаради. У ўзининг илмий ижоди орқали билиш назариясини материализм асосида ривожлантирди. Фейербах Кант агностицизмни танқид қилиб, дунёни билиш мумкинлигини исботлади. Унинг фикрича, билиш жараёни сезгиларга, кейин эса тафаккурга ўтиш йўли билан объектив ҳақиқатни билишдан иборатдир.

Фейербах Гегель диалектикасининг рационал мағзига тўғри баҳо бермади, унинг идеализми билан диалектикасини қўшиб улоқтирди. Фейербахнинг камчилиги шуки: у табиатга ва билиш жараёнига тарихан ёндашмади, билиш жараёнида жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ўтиш диалектикасини ва амалиётнинг ролини метафизикларча тушунтирди. Яъни билишнинг субъекти қилиб тарихий-ижтимоий муносабатдан ташқаридаги мавҳум инсонни олади, кишиларни биологик тарзда тушунади, лекин улар орасидаги синфий муносабатни кўрмайди. Инсон ҳаракати фаолиятини кўролмади. Фейербах материалистик тизимни киши физиологияси ва руҳияти асосида кўришга интилди.

У динни жаҳолат ва қоронғулик, деб тушунди, лекин унинг ижтимоий моҳиятини тушунтира олмади. У ижтимоий ҳодисаларга материализмни татбиқ эта олмади.

Шундай қилиб, Фейербах Гегель фалсафасининг асл мағзини улоқтирди. Динга қарши чиқди. Шундай бўлса-да, баъзи файласуфлар унинг ижобий томонларини кўрсатдилар.

Фалсафани янада юқори поғонага XIX аср охиридаги рус файласуф-демократлари **В. Г. Белинский (1811-1848), А. И. Герцен (1828-1889), Н. А.**

Добролюбов (1836-1861), Н. Г. Чернишевский (1828-1880), Д. И. Писарев (1840-1868)лар кўтардилар.

Бу файласуфлар ўз ижодлари билан ўтмиш файласуфларидан шу билан фарқланадиларки, улар эзилган омма мафкурачилари сифатида майдонга чиққанлар. Рус революцион демократларининг хизмати шундаки, улар материалистик мазмунга эга бўлган инқилобий назарияларни олға сурдилар. Улар Гегель диалектикасидан фойдаланишда уни танқид қилиш билан бирга «фалсафанинг алгебраси» Герцен, деб билдилар. Улар динга қарши курашдилар.

Улар омманинг озодликка эришишининг ягона йўли инқилоб, деган ғояни илгари сурдилар. Уларнинг фалсафий асарлари чуқур илмий асосдаги дохиёна асарлардир. Фалсафанинг асосий масаласи - ташқи дунёнинг моддийлиги ва онгнинг иккиламчилигини ҳал қилишда Гегельни танқид қилиб, рух ва тафаккур материя маҳсулидир, материя бирламчи, онг эса унинг маҳсулидир, дея тушунтирдилар. Уларнинг фикрича, материя бу мавжуд ҳақиқатдир, уни ҳеч вақт йўқ қилиб бўлмайди. Масалан, А. И. Герцен шундай дейди: «Хоҳлаганингча моддани абстрактлаштиришинг мумкин, лекин уни ҳеч вақт йўқота олмайсан¹».

Герцен ижоди ва фалсафаси диалектикани материалистик асослади, фалсафани табиат қонунларигагина боғлаб қўймай, жамият қонунига ҳам мослади.

Герцен диалектик услуб ва амалий фаолиятларнинг бирлигини ҳам кўрсатди.

Инсоннинг амалий фаолияти тарихий ижодий кучлардан иборатдир, дейди у. Шунингдек, амалиёт билан назария бирга бориши кераклигини таъкидлади, дунёни қайта куришда фалсафа илмий қурол эканлигини кўрсатди, лекин бу фикрни охирига етказа олмади. Бунга сабаб Россиянинг ижтимоий қолоқлиги эди.

Фалсафа тарихида Герцен диалектикани илмий равишда асослади, у метафизик қарашга қарши чиқди, табиат ва жамият ҳодисаларини бири-бирига боғлиқ равишда, ўзаро таъсирда эканлигини кўрсатди.

Герцен, умумий жамиятда ҳам ҳар бир ҳодиса бошқа ҳодисалар билан боғланган бўлиб, фалсафанинг вазифаси ана шу боғлиқликни очишдир,

¹ Философ. избр. произв. Т. 1. стр 151, 280.

табиат ва жамият тараққиёти жараёни эскининг ўлиши билан янгининг пайдо бўлишидаги курашдадир, деган эди.

Кўриниб турибдики, унинг услуби инқилобий тавсифда эди. Шундай бўлишига қарамай, у жамиятнинг тараққиётида ҳал қилувчи куч, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабати эканлигини кўрсата олмади.

Худди шунингдек, Герцен каби Белинский, Добролюбов, Чернишевскийлар ҳам материя бирламчи, онг иккиламчи, табиат ва жамият ходисалари, ўсиб, ўзгариб туради, улар ўзаро боғлиқ, деб идеалистик қарашга қарши чиқдилар. Жамият бир-бирига қарама-қарши икки синфдан ташкил топган, кишилиқ жамияти тарихи мана шу синфларнинг ўртасидаги курашни ўз ичига олади, деб кўрсатдилар. Улар жамият тараққиётини диалектик асосладилар, лекин шу билан бирга, прогрессив ҳал қилувчи куч дехқон синфидир, дейишдилар.

Ўрта аср ва янги давр Европа ижоди ва фалсафасини ўрганиш ҳозирги давр учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фалсафа ўтмишда ўзининг шаклланиши учун тарихий даврларни бошидан ўтказган. Унинг баъзи муаммолари ҳаёт чиғириқларидан ўта олмаган. Натижада, янги муаммоларни келтириб чиқарган ва ўртага қўйган. Ҳар бир давр ўзининг ютуқларига эга бўлиши билан бирга камчиликларига ҳам эгадир. Фалсафа тарихини ва ўша давр ижодини ўрганиш ҳозирги замон кишиларининг фалсафий тафаккурининг ривожланишига асос бўлади.

Маълумки, фалсафа тарихида тизим ва оқимларни яратган алломалар оз эмас. Уларнинг кўпчилиги фалсафа тарихида ўчмас из қолдирганлар. Улар қолдирган фалсафий мероснинг, ижоднинг жиддий аҳамияти шундаки, бу фалсафий меросни, ижодни ҳозирги кун фалсафаси ва ижоди билан солиштирган ҳолда янги фалсафий назарияларни, янги ижод намуналарини яратиш мумкин. Шунингдек, мазкур манбалар маълум маънода қадриятлар ҳисобланади. Бу қадриятларнинг аксарият қисми инсон фаолияти билан боғлиқ. Унинг тарбияси, дунёқарашига алоқадор. Шу сабабли ҳам Европа фалсафаси дурдоналаридан фойдаланиш инсонларнинг, айниқса, ёшларнинг фалсафий ва ижодий савиясини оширишга ёрдам беради. Назарий ва амалий фаолиятини мустаҳкамлайди.

Таянч тушунча ва иборалар:

Ижтимоий онг, “Ой худонинг отаси”, “Арфист кўшиғи”, Фалес таълимоти, Анаксимен, Милет мактаби, Пифагор, Софист, Левкипп, Гераклит, Протогор, Платон, Арасту, идеал давлат, Демокрит, Лукреций Кар, Коперник, Бекон, Гоббс, Декарт, Спиноза, Беркли, Вольтер, Дидро, Ломоносов, Кант, Гегель, Фейербах, Герцен, диалектик услуб.

Мавзуга оид саволлар:

1. Илмий фалсафий ижод тизимлари қайси даврларда, қаерларда пайдо бўлди?
2. Милет мактабининг моҳияти нимада?
3. Европа уйғониш даври ижодини тушунтиринг?
4. Янги давр фалсафасининг моҳияти нима?

IV боб. Ижоднинг назарий муаммоларини ишлаб чиқишда Шарқ мутафаккирлари қўшган хиссалар

Ўрта Осиёда фалсафий-диний дунёқарашнинг шаклланиши. Қадимги халқлар ижодий фаолияти оғзаки ва ёзма манбаларнинг ифодаси сифатида

Ўрта Осиёдаги қадимги фалсафий қарашларни билиш, ўрганишда ёзув ва тарихий ёдгорликларнинг катта аҳамияти бор. Қадимий ёзувлардаги мазмун ҳам ўз даври фалсафий жараёнларини намоён қилганки, уларда ҳам яхшилик ва ёмонлик, бойлик ва камбағаллик ўртасида курашлар тасвирланган. Қадимий ёзма ёдгорликларга «Авесто», «Бундахшин», «Денхард» ва «Ўрхун-Енисей» ёзувлари киради. Енисей бўйларидаги қадимги ёзувларни аниқлаш XVIII асрнинг бошларида рус олимлари томонидан бошланган. Топилган ёдгорликлардаги ёзувларни аниқлаш қийин кечган. Фақат XIX асрнинг биринчи чорагидаги Григорий Спасскийнинг Енисей ёдгорликлари ҳақидаги мақоласи «Сибирский вестник» (Сибир хабарлари) журналида эълон қилингандан сўнг ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар олимларга маълум бўлади. Аммо, ёзувни ўрганишга ўша пайтда катта эътибор берилган бўлса ҳам, тезликда натижа бермаган. 1889 йили рус сайёҳи ва ёзувчиси **Н.М.Ядринцев** Мўғулистондаги Кошо-хайдам водийсида Ўрхун дарёси бўйларидаги кўпгина ёдгорликларни топиб, улардаги Хитой ёзувига ўхшаш матнларни аниқлаган. Матнларни ўқиш Дания олими **Вильгельм Томсенга** насиб қилди. У дастлаб «тангри», «турк» деган сўзларни ўқигандан сўнг (1893 йил 25 ноябрда) масала ойдинлашди. Кўп ҳарфлар мазмунига калит топилди. Бу орада рус олими **В. В. Радлов** ҳам 15 та ҳарфни ўқиган эди, у Томсен ва ўзининг кашфиёти асосида ёдгорликлардаги матнларнинг таржимасини биринчи бўлиб амалга оширди.

Н. М. Ядринцев топган ёдгорликлар турк хоқони Билқа-Қоон-Моғилён (734-йилда вафот этган) ва унинг укаси Кул-Тегин (732-йилда вафот этган) қабр тошларига ўйиб ёзилган ёдгорликлар эди. Шу

вақтдан бошлаб Енисей ва Ўрхун дарёлари атрофидаги ёдгорликлар «Ўрхун-Енисей ёдгорликлари» деб атала бошлаган. Шунингдек, Ўрхун ёзуви, деб ҳам аталган. Кейинчалик яна кўплаб ёдгорликлар топилди. V-VI асрларга оид 5 та тошдаги ҳамда қоғоз, чарм, ёғоч, ва турли идиш-товоқлардаги ёзувлар ҳам қимматли манбалар ҳисобланади. Бу ёзувларда турк хоқонлигининг давлат тузуми ва динлар ҳақидаги маълумотлар берилган. Хитой йилномаларида кўрсатилишича, турклар ўлганларидан сўнг кўмиш маросими шундай таърифланган: ўлган кишининг бойликлари, жангда минган оти билан бирга олиб куйдирилади. Хоки дафн этилиб, марҳум қанча душманни ўлдирган бўлса, шунча тош унинг қабрига қўйилади, унинг сурати ишланади ва қилган ишлари ўйиб ёзилади. Ўша давр учун бу ҳолатлар ҳам халқ ижоди эди.

Бундай маълумотлар ҳақиқатдан ҳам у даврдаги қабр тошларининг кўпларида учрайди. Хусусан, Моғилён ва Кул-Тегин қабр тошларида ҳам, шундай фикрлар мавжуддир. Моғилён сўнгги турк “улуғ хоқон”ларидан бўлиб, ўз давлатининг чегарасини кенгайтирган ва мустаҳкамлаган. Унга укаси мардлик кўрсатиб ёрдам берган. Қўшни давлатлар билан яхши муносабат ўрнатган. «Йўқсил халқни бойитган», «Оз сонли халқни кўпайтирган», «Адолатли ҳукмдор» бўлган. Ҳудудларда кўпроқ маълум кишиларнинг қаҳрамонликлари акс эттирилган. Ўша пайтлардаги матнларидаёқ қирғиз, уйғур, ўғуз ва яна бошқа халқларнинг, қабилаларнинг номлари тилга олинган. Умуман, ушбу ёзувларнинг аҳамияти шундаки, эндиликда улар бизга ўша даврнинг фалсафаси, турмуш тарзи, ижодиёти ҳақида маълумотлар беради. Урф-одатлар, эътиқод ва бошқалар билан таништиради. Масалан, Енисей ҳавзасидан топилган бир тошдаги ёзувда шундай дейилган: «Менинг давлатим ва менинг хоним, мен сизлардан лаззат кўрмадим, ҳайҳот, мен куёшни ва ойни сезмайдиган бўлиб қолдим.

Менинг дўстларим ва қариндошларим, ҳайҳот мен (сизлардан) узоқлашиб, ўз кумуш халқимдан йироқлашдим.

Ўз қаҳрамонлик шижоатимдан лаззатлана олмадим. Қирқ ёшимда ўлдим, мен Ўчин-Қулуг-Тириг ўғли, мен Қулуг-Туған» ва хоказолар.

Ушбу ёзувлардан кўриниб турибдики, VII- VIII асрларда халқ ва подшоҳлар ўртасидаги муносабатлар ўз хусусиятига эга. Қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар, турмуш тарзидаги воқеалар аста-секинлик билан ривожлана борган. Ана шундай бир даврда Ўрта Осиё ҳаётида ислом динининг кириб келиши билан аҳвол ўзгарган. Маҳаллий диний қарашлар зарбага учраган. Араб босқинчилари Ислом динини халққа сингдириш учун катта куч билан ҳаракат қилганлар. Ўша даврнинг ватанпарварлари (Рафи ибн Лейл, Ҳамза ас Хориж, Абу Муслим, Муқанна ва бошқалар) арабларга қарши чиқиб жиддий зарба берганлар. Шундай бўлишига қарамай, араб маданияти маҳаллий жойларда ўз ўрнини топа бошлаган. Талайгина босқинчилик урушларидан сўнг IX асрнинг охирига келиб Ўрта Осиё мустақилликка эришди. Сомонийлардан сўнг Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар давлатлари пайдо бўлди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Кўхна Урганч, Хива каби марказлар вужудга келди. Бу шаҳарлар Ўрта Осиёнинг маданий марказларига айландилар. Натижада Мовароуннаҳр ҳудудида маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, диний-фалсафий таълимотларнинг ривожланиши учун кенг йўл очилди. Халқ орасидан ақл-идроқи, тафаккури билан дунёни лол қолдирадиган қомусий олимлар етишиб чиқди. Натижада математика, астрономия, химия, минерология, тиббиёт, санъатшунослик, наққошлик каби соҳалар тез ривожланди. Тарихчилар, файласуфлар, ғазал мулкининг султонлари, «муаллими соний», «шайхур раис»лар етишиб чиқдики, бу аждодларимиздан қанча фахрлансак камлик қилади. Ана шу аждодларимиз шарқ уйғониш даврини бошлаб беришган. Улар яратган илмий-фалсафий ижод ва таълимотлар умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотга айланди. Ўзларининг ижодларида ватан равнақи, илм-фан, маданият, эркинлик, фаровонлик ғояларини акс эттирдилар.

Буддачиликнинг Махаяна шакли Кушоншоҳларнинг расмий давлат дини, деб эълон қилинганидан сўнг (айтиш лозимки, кушонларнинг дастлабки пойтахтларидан бири ҳозирги Каттакўрғон ёки Шаҳрисабз атрофларида, Хитойда «То-си», руҳи, деб аталувчи) диний тавоф маркази бўлган. Маҳаллий шаҳарлар Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Сайрам, Косон, Ўш ва бошқа шаҳарларда кўплаб диний ибодатхоналар қурганлар. Буддачиликка оид китоблар тарқатилган. Кушонлар давлатининг асосчиси Канишка Кадфиз томонидан Панжобнинг Жаландхар шаҳрида буддачиликнинг умумжаҳон жомеъ йиғилишида «Махаяна – ҳамма учун бирдек улуғ йўл» давлат дини ва мафкураси, дея эълон қилинган. Аслида у пайтларда Турондаги туркий халқлар тангрига эътиқод қилган. Махаяна таълимотининг фалсафий асоси халқларни бирлаштиришга қаратилган эътиқод-мафкура бўлган.

Таниқли қадимшунослардан бири Б. Я. Ставависский буддачиликни Узоқ шарқда ва Туронда кенг тарқалишида юртимиздаги авлиёлар (роҳиблар)нинг хизмати катта бўлганлигини қайд қилади. Ана шу пайтдаги роҳиблар анъаналарга асосланганлар. Муқаддас сураларни шахсан кўчириб, маҳаллий тилларга таржима қилганлар. Шарҳлар ёзганлар. Ана шундай роҳиблар қаторига Термизлик (олдинги номи Трамита) Дхармамитра, Тошкенти-илоқ воҳасидан Бо Шлипотола, Шримитра, Лақай туркларидан Дхарманандин, Самарқандлик Кан Сэн – Хуэйлар кирадилар. Улар эрамининг III-V асрларида яшаб ижод этганлар. Будданинг асосий ғоялари бўлган қийинчиликдан қутулиш йўллари, ўз истакларидан воз кечишлари, тўла хотиржамликка, осойишталикка, мутлақ маъсудлик ҳолатига эришишларини тарғиб қилган (буддада 4 та қоида ётади: дунёда қийналиш, азоб-уқубат мавжуд, қийналишнинг сабаблари, қийналишдан қутулиш мумкин, қийналишдан қутулишга олиб чиқувчи йўл бор). Кўриб турибмизки, мамлакатимиз ҳудудидаги халқларнинг ўзаро алоқалари туфайли илк ўрта асрларда фалсафий ижод ривожланган. Ўз маданияти, фалсафасини яратган. Халқларнинг фалсафасини яратишда қадимий

динлар муҳим аҳамият касб этган. Ана шундай динлардан бири зардуштийлик динидир.

Зардуштийлик. “Авесто”

Зардуштийлик дини эрамизгача VII-VI асрларда шаклланган. Унга Зардушт исмли аллома асос солган. Баъзи бир муаллифлар эса Зардуштни Хоразмда, баъзилари эса Озарбайжонда туғилган, деб фикр юритишади. Зардушт қаерда туғилишидан қатъи назар, унинг таълимоти ибтидоий жамоа даврининг охири, қулдорлик жамиятининг бошланишида дин сифатида шаклланган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да келтирилган фикрлар мулоҳазамаизни тасдиқлайди. Бу дин Ўрта Осиёда ислом дини тарқалишидан сўнг ҳам баъзи жойларда бирмунча вақтга қадар сақланиб қолган.

Муқаддас китоб эрамизгача VII аср охири VI аср бошларида яратилган. Ундаги асосий ғоялар «Таврот» ва «Қуръон»да келтирилган фикрларга яқиндир. Зардуштийликни қадим даврдаги диний ақидалар, деб тушуниш унчалик тўғри бўлмай, балки уни ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий қарашлари, деб тушуниш керак. Унинг назарий асоси - "Авесто" хулосалари шундан далолат берадики, зардуштийлик фикрлари китоб ёзилишидан олдинги кўп минг йиллик тажриба ва ҳаёт, турмуш тарзларини умумлаштириш сифатида юзага келган. "Авесто"да афсонавий фикрлар билан бирга инсонларнинг ҳаётий тажрибалари ҳам ўз аксини топган. Бу муқаддас китоб қадим асрларнинг тарихи ва ривожланишини, иқтисодий-ижтимоий ҳолатини, фалсафаси, тили, ёзуви, халқ оғзаки ижодининг манбаси сифатида ҳам қадрлидир. Айниқса, ундаги фалсафий жиҳатлар кишини ҳайратга солади. У 21 та китобдан иборат, аммо уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган. Унинг энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, Копенгагенда сақланади. "Авесто" қадимги Эрон тиллари гуруҳидаги тилларнинг қадимги ёдгорликларидандир. Ундаги инсонларнинг орзу-умидлари, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муносабатлар диққатга сазовордир.

Китобнинг асосий мазмуни инсонларнинг худога мурожаат этиб, илтижо қилишларига бағишланган. Худодан тинчлик, чорва моллари, яйловлар, суғориш майдонларини тилаганлар. Китобда Ахурамазда худолик қиёфасидан чиқиб, адолатли шоҳ қиёфасига ўтиши тасвирланган. У адабий ёдгорлик сифатида инсонларнинг маънавий қиёфасини жуда жиддий тасвирлаган.

Авестода меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ботирлик, жасурлик, ва тозалик, моддий тўкин-сочинлик учун кураш қабилар тилга олинганки, улар инсон маънавиятини кўтаришга қаратилган эди. Оқилона турмуш тарзини, унинг маънавий ҳаётини, инсоннинг дунёқараши ва ахлоқий фазилатларини ўзида жиддий ифода этган. Ахлоқий қарашларда инсоннинг бурчи, маънавий поклиги тарғиб қилинган. Аёлларга ҳурмат кўрсатиш алоҳида таъкидланган, тозаликка риоя қилиш, сувлар, табиат маҳсулотларининг тоза тутилиши каби жиҳатлар борки, улар инсонларни маънавий юксалишга даъват қилган.

Китобнинг диққатга сазовор яна бир томони борки, унда жисмоний ва маънавий жараёнлар уч даврга бўлиниб берилган. Биринчи давр: бу энг қадимги давр ҳаётини ифодалайди. Унда яхшилик тантана қилган. Ёруғлик ва инсоний хислат, саодат ҳукмрон бўлган. Иккинчи давр: бу ҳозирги давр бўлиб, унда кураш давом этади. Учинчи давр: келажакдаги ҳаёт. Бу даврда инсонлар ақл-идроқи билан бадавлат бўлиб яшайдилар. Яхшилик енгади, жаҳолат чекинади.

Китобдаги Ахриман худоси ёмонлик хислатларини тарқатадиган худодир.

Таъкидлаш лозимки, китобда деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларига катта эътибор берилган. Жумладан, китобда “деҳқончиликнинг фойдаси ҳақида”ги бўлимда шундай фикр бор: “Моддий олами, ҳақиқатни яратувчи заминдаги энг муҳтарам манзил, қайси?, нимадир?”,- деган саволга яхшилик худоси Ахурамазда шундай жавоб беради: -“Инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорва ва итлари тўқ яшаса, уйда ноз-неъматлар мухайё бўлиб, хотин ва

фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, у манзил мухтарамдир. Кимки ўнг кўли ва сўл кўли билан ерга ишлов берса, меҳнат қилса замин раҳматига мушарраф бўлажакдир".

Ёки «кимки ғалла экса олижанобдир. Ғалла эккан киши эзгулик уруғини сочади. Ахурамазда эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди".

Демак, бу ишларнинг бажарилиши билан инсонлар ёвуз кучлардан халос бўлади. Девларни мағлуб этади.

Юксак маънавийлик зардуштийлик фалсафаси бўйича жаҳолатнинг, ёмонликнинг олдини олишдир. Ундаги қадимги медицина, фазо тўғрисидаги, астрономия ва фалсафага оид нодир фикрлар инсон қалбини ёруғликка чорлайдики, бу ёруғлик албатта, яхшиликка олиб боради.

Булар Ўрта Осиё халқларининг фалсафий – ижодий тафаккурини қадим-қадимларга бориб тақалганидан далолатдир. Ўрта Осиёдаги Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб, Шош худудларида деҳқончилик, хунармандчиликнинг ривожланиши олам, дунё тўғрисидаги фикрларнинг такомиллашишига туртки бўлган. Бу ерларда турмуш ва тил жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилмаган турли қабилалар ва элатлар: массагетлар, хоразмийлар, сўғдлар, парфияликлар ва бошқа халқлар яшаган. Булар кўчманчи чорвадорлар ҳамда аллақачонлар ўтроқ деҳқончиликка ўтган аҳоли эди. Сўнгра бирлашиб, ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларини вужудга келтирганлар. Тарихга қанчалик кириб борилса, бир манбадан келиб чиққан халқларнинг бир-биридан фарқ қиладиган белгилар шунчалик камайиб боради. Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб аҳолиси ўртасидаги нисбат ҳам шундай. Грек тарихчиси Страбон Бактрия, Сўғдиёна, Эрон, Мидия аҳолисининг тили ҳам бирлигини таъкидлайди. Узоқ тарихий жараён давомида қадимги Эрон тиллари гуруҳидаги тиллар заминида кейинчалик тожик, форс ва бошқа тиллар шаклланганлиги каби қадимги туркий тиллар гуруҳидаги тиллар заминида ўзбек, уйғур, туркман, қирғиз ва бошқа туркий тиллар

вужудга келган. Эрон тиллари гуруҳидаги тил асосан, Тожикистон худудидаги аҳолининг тили бўлиб қолган. Бу тил асрлар мобайнида Фарғона, Сўғд ва Хоразмда ҳам сақланиб қолган. Хоразм ёзуви орамий ёзувларнинг энг қадимги хусусиятларини сақлаб қолган ёзувлардандир. Демак, ёзувга эга бўлган Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб халқлари ижоди ва фалсафаси қадимгидир. Бу тилларда сўзлашган халқлар диний ва материалистик қарашларни ўртага қўйганлар. Яхшилик ва ёмонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, яратувчилик фалсафасига эътиборни қаратганлар. Сўғд, Хоразм ва бошқа жойларда етишган олимлар сайёраларни, юлдузларнинг туркумларини ўрганганлар. Уларга номлар берганлар. Буржларни аниқлаганлар. Гороскоплар тузганлар. Физика, математика, фалсафа ва тиббиёт соҳасида ижод билан шуғулланганлар.

2001 йил октябрь ойининг охирида муқаддас китоб «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. Бу тадбир аجدодларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг амалий ифодасидир.

Шарқ Ренессанси (IX – XIV асрлар) Ўрта Осиёда янги фанларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг намунаси сифатида

Фан тараққиётида IX-XII асрда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг ижоди муҳим ўрин тутди. Уларнинг баъзилари ҳақида фикр юритамиз.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (787- 847) илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган. Астрономия, математика соҳаларига оид кўплаб асарлар ёзган. Хоразмий халифа Маъмун раҳбарлигида “Донишмандлар уйи”да ишлаган. Унинг “Ал-жабр вал муқобала” асари, айниқса машҳурдир. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимларига алгебра фанидан дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда. Хоразмийнинг “Астрономик жадваллар”, “Қуёш соати тўғрисида рисола”, “Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола”, “Тарих бўйича рисола”, “Муסיқа бўйича рисола”, “Зиж” каби асарлари илмий-фалсафий аҳамиятга эга. Бу асарлар Хоразмийнинг

буюк математик, умуман қомусий аллома эканлигидан далолатдир. Тўғри, Хоразмий айнан фалсафага оид махсус асар ёзмаган бўлса-да, аммо унинг математика, геометрия, астрономия, география, тарих ва муסיқа илмига оид асарларида илмий исботланган фалсафий фикрлар, ғоялар, назарий таълимотлар сон-саноксиз. Ҳамюртимиз ўзининг бу асарлари билан дунё илмининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган эди.

Ўрта Осиё халқи бой моддий, маънавий, фалсафий тарихга эга. Бу ўлка эрамининг бошларидаёқ қишлоқ хўжалиги, шаҳарлари ривожланган замин эди. Европа ва шарқ мамлакатлари билан савдо, маданий алоқалар ўрнатилиб, ҳунармандчилик тараққий этган эди.

Форобий Абу Наср Муҳаммад (870-950) Сирдарё бўйидаги Форобда кейин Дамашқда билим олди. У йирик тилшунос, мантиқшунос, математик, химик, медик, психолог, этник, муסיқашунос эди. Грек маданиятини яхши билган. Табиатшунослик ва ижтимоий фанларда ижод қилиб илғор фикрларни илгари сурган. Форобий Арастудан кейинги, иккинчи устоз бўлиб танилди. У Арасту асарларини тўғри таржима қилган йирик файласуф. Арастунинг “Категориялар”, “Аналитика”, “Поэтика” каби асарларини таржима қилди. Ўзи эса бир юз эликдан ортиқ асар ёзган. Асарлари йўқолган бўлишига қарамай, улардан бир қанчаси бизгача етиб келган. Уларда метафизикани шарҳлаш, “Эҳсонул-улум” фалсафа, тиббиёт, математика, мантиқшунослик, тилшунослик, сиёсатшуносликларга оид фикрлар берилган. Айнан “Муסיқанинг улуғ китоби” “Ассиёсат ал маданият”, “Фанларнинг келиб чиқиш рисоласи” каби асарлари бизгача етиб келган.

У моддий дунёни моддий объектлар сифатида англайди ва Арастунинг прогрессив қарашини мистикадан озод қилишга уринди, прогрессив фикрларни тарғиб қилди. Олим табиатдан ташқаридаги кучга ишонади ва уни масса, сифат, хусусиятга эга эмас, деб тушунади.

Форобий ижодида материалистик тенденция кучли. У материяни инкор этмайди, уни биринчи асос, деб билади. Унинг фикрича сув,

хаво, олов, осмон, ердаги нарсалар қўшилиб бошқа предметлар пайдо бўлади. Осмон жисми ҳам шундан пайдо бўлган, дейди.

Демак, Форобийнинг ижодида, оламда материя ва шакл бор, лекин улар тенг. Бу ерда уни фанда, фалсафада Арастудан илгарилаб кетган, дея оламиз. Арасту шакл бирламчи, материя иккиламчи, деган бўлса, Форобий эса материянинг ҳаракати объектив, зеро материя объективдир деган хулосага келган. У моддийлик оламнинг ҳаракат манбаи, оламдаги нарсалар ўзгаришда, ҳаракатнинг сабаби турли моддаларнинг бирикишида, - деб кўрсатади.

Унинг фикрича, моддий элементдан ташкил топган нарсалар ўзгармайди, янгиси вужудга келмайди, йўқолмайди.

У моддий оламини, ҳаракат ва ўзгаришда бўлган нарсаларни қуйидаги қисмларга бўлади: 1) осмон жисмлари; 2) минераллар; 3) ўсимликлар; 4) ҳайвонлар; 5) инсонлар. Булар сифат жиҳатидан фарқ қилувчи чексиз ҳодисалардир. Сифат ўзгаришининг сабаби, материя деб билади. Бу стихияли диалектика ва содда материализмдир. Форобий билиш назариясида ҳам прогрессив фикрларни илгари сурган. Одам, унинг сезгиси ақлдан илгари пайдо бўлган, ақл эса моддий олам маҳсулидир. Инсон ҳайвондан ақли билан фарқ қилади, дейди. Инсон билиши сезишдан ақлий билиш тафаккуригача кўтарилади, дейди. Бу - билиш назариясидаги материализмдир. Форобий инсон билими моддий дунё сирини ёрита олмайди, деб фикр юритди. Форобий жон ва тана ҳақидаги масалада тўхталиб жон чиқиши билан тан ўлади, дейди.

Шундай қилиб, Форобийнинг ижодида ўз замонасининг илғор фикрлари мужассамдир.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан яна бири **Абу Райхон Беруний** (973-1048)дир. У катта қомусий олим ҳисобланади. Ўзининг табиий билимлар соҳасидаги ютуқлари билан фан тарихида чуқур из қолдирган. Олим йил ҳисобини, календарни ишлаб чиққан. Унинг “Ҳиндистон” асари эса фалсафа, география, астрономия, минералогияга оид. Мутафаккирнинг фикрича, материя бор нарсаларни ўзгартиради, шаклни яратади. Материя тафаккурнинг ҳам асоси ҳисобланади.

Кишининг билиш имкониятига ишонади, диний хурофотга эҳтиёткорлик билан ёндашади. Материя барча нарсанинг асоси, унингча, ҳамма нарса ўзгаради, ўсади, вужудга келади, ҳалок бўлади. Бу табиий жараён. Материя яратувчи хусусиятга эга, дейди.

Ўша даврнинг буюк мутафаккири, **Абу Али ибн Сино** (980-1037) Бухоро ёнидаги Афшона қишлоғида, Сомоний Нуҳ ибн Мансур саройининг амалдори оиласида туғилган. Бу даврда Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлик қилган давр эди. Лекин ундан кейин бу ер марказга айланди. Фан, маданият ривожланди. Ибн Сино табиб, фармаколог, адабиётчи, химик, астроном, файласуф, этнолог сифатида бошқа фанларнинг ҳам ривожига салмоқли ҳисса қўшган олим. 500 дан ортиқ асар ёзган. Улардан 60 таси бизгача етиб келган. Асарлари Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институтида сақланади. Абу Али ибн Синони қадим даврдаги Гиппократ, Гален, Арасту билан ёнма-ён қўядилар. Унинг “Китоб ал-қонун фит тиб” асари табибларга қўлланма бўлиб келди ва келмоқда. Ундан XVIII асргача анатомия, физиология, терапия, диагностика, профилактика, фармакологиядан энциклопедия сифатида фойдаланилди. Бу асар, лотин тилида Лион, Рим, Неаполь, Венецияда 30 мартадан ортиқ нашр қилинган.

У табиий фанлар билан дин орасидаги муносабатда холислик бўлишини талаб қилади. Ибн Сино анатомия билан яширин шуғулланади, беморларни даволайди. У кишидаги руҳий ҳолат организмга, унинг аҳволига боғлиқлигини, руҳий фаолиятни билиш учун биологик жараённи ва асаб тузилишини яхши ўрганиш кераклигини, шунингдек, дам олиш, саёҳат, жисмоний тарбия, об-ҳаво ва профилактика жараёнлари инсон саломатлигига зарур эканлигини кўрсатди. Ҳали микробларни аниқлашдан олдин, сув орқали касаллик тарқалишини аниқлади. У назария ва амалиёт бирлиги масаласига эътиборни қаратди. Табиатни ўрганиш соҳасида вулқонлар, тоғлар борасида, уларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги илмий фалсафий фикрларни билдирди.

Ибн Синонинг фалсафий, илмий ижоди табиий қарашлари билан боғлиқ асарлари «Китоб аш шифо», «Донишнома», «Нажот» кабилардир. У физика (табиат тўғрисидаги фан), логика (табиат ва инсонни билиш йўллари), метафизика (борлиқни билиш тўғрисидаги), фалсафа борлиқ хусусидаги фанлардир, деб эътироф этди. Ибн Сино бу соҳада Арасту издошидир. У Арастунинг нотўғри қарашларини қабул қилмасдан ўз фикрларини ривожлантирди. Олам мангу яратилган, деб тушунтирди. Мангу материя мавжуд, буюмлар материядан пайдо бўлади. Материя борлиқ манбаидир. Шакл материя билан алоқадир, дейди.

Арастунинг мавҳумлик шаклини рад этди. Ибн Сино билиш назариясида материалистик қарашларни илгари сурган. Унинг фикрича, ақл фаол куч, билиш қуролидир. Инсон тажрибасини биринчи ўринга қўяди, тушунча кейин келади. Моддий дунё бирламчи, тушунча иккиламчи. Инсон ақли узоқ давр давомида меҳнат орқали, ҳиссий қабул қилиши орқали юзага келади. У Арастунинг мантиқ фанини асослади.

Ибн Сино фалсафасида ички қарама-қаршиликлар ҳам учрайди. Илоҳиёт моддий олам ишига аралашмайди, у объектив қонун асосида ривожланади. Фазода бўшлиқ йўқ, фазо материя хусусияти, моддий олам ҳаракатда, материя билан ҳаракат боғланган, вақт ҳам нарсага боғланган, уларни ажратиш мумкин эмас, дейди.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашларига тўхталсак, у адолатсизликка қарши курашган. Унинг-ча, руҳонийлар ҳам, давлат арбоблари, адабиётчилар, ҳарбийлар ҳам аниқроғи, ҳар ким ўз ўрнида бўлиши зарур. Бу фикр ўша давр ижтимоий зиддиятларидан келиб чиққан фикрлар бўлса, ажаб эмас.

Ибн Синонинг жаҳон маданияти ва фани ривожигаги ўрнини назарда тутиб таваллуд топганлигининг 1000 йиллиги (1982 йилда) ўтказилди. Шундай қилиб, фалсафа тарихида Ўрта Осиёлик мутафаккирлар алоҳида ўринга эга.

Темурийлар авлодига мансуб бўлган Шохрух Мирзонинг ўғли – Муҳаммад Тарағай - **Мирзо Улуғбек** (1394-1449) фалсафа, илм-фан тараққиётига беқиёс ҳисса қўшди. У ёшлигиданок ўз давридаги илм-фанга қизиққан. Олимлар, шоирлар, санъаткорлар, диний уламолар, алломалар даврасида бўлиб, илмий баҳсларда қатнашган ва илҳомланган.

Қийин ва мураккаб, зиддиятли шароитда яшаган Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш билан бир қаторда илмий ижод билан шуғулланган. Олимларга раҳбарлик қилган. Ўз устида тинмай ишлаган, ижод қилган. Илмий-фалсафий тафаккурни ривожлантирган. У ўз фаолиятида фалсафа, тарих, мантик, астрономия, математика, табиатшунослик ва ҳуқуқ билимлари билан шуғулланиб асарлар ёзган. Юнон олимларидан Афлотун, Арасту, Птоломей асарлари билан танишган. Улуғбек ўтмиш аجدодлардан, хусусан, Ўрта Осиё олимларидан қолган маданий мерос, фалсафий қарашлардан ўз ижодида унумли фойдаланган. Унинг фалсафасида ақл-заковатни жангу-жадалларга, юрт олиш, бойлик орттиришга эмас, адолат билан ҳукм суриш, мамлакатни обод қилиш, адабиёт, илм-фанни ривожлантириш марказий ўринни эгаллайди. Улуғбек ўз атрофига ўз даврининг «Афлотуни» деб ном қозонган машҳур математик, астроном Қозизода Румий ва таниқли олимлар Али Қушчи, Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Биржандий, Мирам Чалабий, Гиёсиддин Жамшид, Муҳаммад ибн Умар Чағниний кабиларни тўплаган. Улуғбек шу олимлар иштирокида кенгашлар ўтказиб математика, астрономия, геометрия фанлари юзасидан тадқиқотлар олиб борган. Оби раҳмат сойи ёқасида расадхона қурдирган. Кўриниб турибдики, у табиат муаммоларини ечиш билан бирга диний эътиқоддан воз кечмаган. Унинг фалсафасида моддийлик ва маънавийлик мужассам эди. Улуғбек 1437 йилда «Зижи Кўрагоний» рисоласини ёзиб тугатган. Унинг асари ҳозиргача олимлар қўлидан тушмайди. Ўз расадхонасида ижод қилиб, 1018 та юлдузнинг мувозанатини аниқлаган.

Мирзо Улуғбек илмий кузатишлар олиб бориш ва мадрасада фалаккиёт илмидан ваъз айтиш билан бирга маданий-маиший ишларга ҳам жиддий эътибор берган. Ўнлаб мадраса, хонақоҳ, масжид, карвонсаройлар қурдирган. Олдинроқ бошланган Бибихоним масжиди, Гўри амир мақбараси, Шоҳи зинда ансамблининг қурилишини ниҳоясига етказган. Улуғбек ҳақида юзлаб асарлар мавжудки, уларда у донишманд файласуф, адолатли султон, ижодкор устоз сифатида мадҳ этилади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида «Улуғбек мадҳияси» деган махсус боб мавжуд. Унда Улуғбек заминда осмон яратган олим, деб таърифланади:

Расадким боғламиш зеби жаҳондир,
Жаҳон ичра яна бир осмондир.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматга деганча аҳли айём,
Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком.

«Зижи Кўрагоний» асари назарий-кириш қисм ва тўртта катта бобдан иборат. Биринчи бобда муаллиф хитойлар, ҳиндлар, греклар, эронийлар ва бошқа халқларнинг календарлари билан танишиб, ўз фикрларини билдиради. Иккинчи бобда эса амалий астрономия, учинчи бобда сайёралар назарияси ва тўртинчи бобда астрология ҳақида ўз фикрларини билдиради. Узоқ йиллар кузатиш ва илмий текширишлар натижасида Улуғбек фазодаги сир-асрорларни ижод қилишда, йил, ҳафта ва кеча-кундузларни белгилашда улкан ютуқларга эришади. Ўзидан олдин ўтган Эротосфен, Гиппарх, Птоломей, ал - Батонний, ибн Юнус, Носириддин Тусий ва бошқа астрономларнинг бу соҳадаги ютуқларини орқада қолдирган эди.

«Зижи Кўрагоний» асаридан ташқари, Улуғбек, «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисола-дар илму мусиқа» асарларини ҳам ёзиб қолдирган. Улуғбек ижоди дунёвий фалсафа бўлиб, жаҳон табиатшунослиги, ижтимоий фанларини ривожлантиришда муҳим ҳиссадир.

Ислом. Диний ақидаларни ҳаётий муаммоларга ижодий татбиқ этиш масалалари

Ислом дини дунёда эътиқод қилувчилар миқдори жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Ислом сўзи арабча «Худога ўзини топшириш», «итоат», «бўйсунуш» маъносини беради. Бу динга ишонувчилар арабча «Муслим» деб аталади. Унинг кўпчилик шакли бўлган «муслимун» сўзининг бошида халқлар орасида турлича: форсларда – мусулмон, ўзбекларда - мусулмон, қирғиз-қозоқларда - мусулмон, Украина-Россияда - босурман, деб аталади. Муҳаммад исмини Магомед, деб айтадилар. Ислом динининг келиб чиқиши масаласини турлича талқин қиладилар. Худо томонидан юборилган охириги таълимот, дейдилар. Бу биринчи нуқтаи назар, иккинчи нуқтаи назар: VI аср охири – VII аср бошларида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу даврда қабилалар тугатила бошлаган. Синфий жамият юзага келган. Ҳукмрон синфлар жамиятга эгалик қилган, яъни эзувчи синфлар равақ топган. Аввал мушрикийлик, яъни кўп худолик бўлиб, энди унга барҳам бериш пайти келган. Қадимий маънавият ва маданият янада ривожланиб, қулдорлик тузумини пайдо қилган. Яман ярим ороли орқали карвонлар Ҳабашистон, Ҳиндистон, Сурия, Миср, Византия ва Эронни боғлаган. Маккада карвонлар тўпланган. Савдо, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдогарлик тараққий этган. Мадина ҳам, Макка ҳам ўша пайтда диний марказ бўлган. Ундаги Каъба ибодатхонаси, у ердаги қоратош ва уч юздан ортиқ қабила худоларининг санамлари туфайли бу жойлар эътиқод марказига айланган. Қуръоннинг 108 – «Ал-Кавсар» (Чашма булоқ) сурасида Арабларнинг Каъба зиёратига келиб, қурбонлик сўйиш одатлари ўз ифодасини топган.

V-VI асрларда Маккада арабларнинг Қурайишлар қабиласи ҳукмрон бўлиб, савдо қилиш натижасида бойиб кетган. Пул муомаласи, судхўрлик кенг ривожланган. Қул савдоси бўлган. Синфий қарама-қаршилиқлар кучайган. Бу жойларда яҳудийлар ва христианлар ҳам

яшаган. Ислом динининг пайдо бўлишига яхудий ва христиан динлари таъсир этган.

Якка худоликка ишониш ислом динигача ҳам мавжуд эди. Уни дастлаб Ҳанифлар (ҳақиқат изловчилар, эътиқод қилувчи) тарғиб қилган. **Муҳаммад** пайғамбар 570 йилда туғилган. У Маккадаги Қурайиш қабиласига мансуб бўлган Ҳошимийлар хонадонидандир. У 609-610 йилда Маккада якка худога эътиқод қилиш борасида тарғибот бошлаган. Қурайишларга уммавийлар қабиласи қаршилик кўрсатган. Зиддиятлар келиб чиққан. Маккада аҳвол кескинлашган. Шундан сўнг Муҳаммад Мадинадаги Авс ва Ҳазраж қабилалари вакиллари билан музокара олиб бориб, улар ёрдамида Мадинага ўтган. Натижада 622 йили юз берган кўчиш (арабча «ҳижра») дан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланган.

Муҳаммад Ҳошимийлар мавқеини тиклаш учун уммавийларга қарши курашган. Мадинада мусулмонлик тез қабул қилинган. Мусулмонликни қабул қилиш баъзида тинчлик – баъзида уруш йўли билан амалга оширилган. Мадина кучли давлатга айланиб, Муҳаммад кўлида бирлашган. Унинг мавқеи Маккага нисбатан жиддий кучая борган. Натижада Макка задогонлари Муҳаммад билан келишиш йўлини топганлар. 630 йили Мадина кўшинлари Маккани қаршиликсиз қўлга олади. Кейинчалик Макка аҳолиси ҳам Муҳаммаднинг ёрдамчиларига айланган. Муҳаммад 632 йил июнь ойида Мадинада вафот этади. Ундан сўнг унинг ўринбосарлари - халифалар давлатни бошқарганлар. Шу сабабли араб халифалиги, деб юритилади.

Муҳаммаднинг илк сафдошлари (қайнотаси) **Абу Бакр** (632-634), кейин **Халифа Умар** (634-644), ундан сўнг **Халифа Усмон** (644-656) ва **Ҳазрати Али** (656-661) даврларида истилолар бўлди. Айниқса, Усмон ва Али даврида Кавказ ва Ўрта Осиёга кураш бошланган. Араб истилочилари VII асрнинг 70 йилларида Эронни босиб олиб, Ўрта Осиёга хужумни бошладилар. Араблар (Мовароуннахр – икки дарё ўртасидаги ерлар) аввал босқинчилик хужумларини қилдилар, кейинроқ VIII аср бошларида ва VIII аср ўрталаригача Ўрта Осиёни

тўла босиб олганлар. Мовароуннахрда уларга қарши Муқанна, Сумбод Муғ, Гурак ва бошқа саркардалар кўзғолон кўтарганлар. Босқинчилик натижасида: маҳаллий маданият, фалсафа, маҳаллий динлар, маънавий кадриятлар чекланган, инқирозга юз тутган.

Ислом динининг асосий манбаси яъни, **биринчиси Қуръондир**: унда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар ўз ифодасини топган. Ислом анъанасида Қуръон Оллоҳ томонидан Муҳаммадга 22 йил давомида фаришта Жаброил орқали нозил қилинган (уқтирилган). Ваҳийлар Муҳаммад даврида тизимли ёзиб олинмаган, балки Абу Бакр даврида ёзилган. Буни Муҳаммадга котиблик қилган Зайд ибн Собит амалга оширган. 632 йил охирида Қуръоннинг матни тайёр бўлган. Манбаларда у «Сухуф» (саҳифалар) деб юритилган. Улар ўртасида тафовутлар ҳам бўлган. Халифа Усмон Зайд ибн Собитга Қуръоннинг матнларини таққослашни ва ягона тўплам тузишни буюрган. Бу тўплам «мусҳад» деган ном олган. Усмон бошқаларнинг «Сухуф»ини йўқотишга буйруқ берган. Янги тўпламнинг асл нусхаси (айрим маълумотларга қараганда VII асрда) кўчиртирилиб, Куфа, Басра, Дамашқ ва бошқа шаҳарларга юборилган.

Қуръондаги тафовутларни йўқ қилиш учун унга араб ёзувидаги хос белгилар қўйиб чиқилган. «Мусҳаф»дан кўчирилган энг қадимий 4 та нусхаси ҳозиргача сақланиб қолган. Улардан бири Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармасида сақланади. Қуръон 114 сурадан иборат бўлиб, ҳар сура оятларга бўлинган. Суралар номланган. Масалан, 1-сура «Фотиха», 2-сура «Бақара» ва ҳ.к. Суралар 610-622 йилларда Маккада (90 сура), 622-632 йилларда Мадинада (24 сура) нозил этилган.

Қуръоннинг асосий ғояси яқка худоликдир. Яъни, Оллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Шу билан боғлиқ ҳолда унда пайғамбарлар, охират, тақдир ва бошқа ақидалар баён қилинган. Ислом динининг асосий талаби: эътиқод, намоз, рўза, закот, ҳаж. Қуръонда мусулмонларнинг фалсафий ва ахлоқий, ҳуқуқий қарашлари ўз аксини топган. XII асрда Европанинг баъзи халқлари тилларига таржима

қилинган. XVIII асрда эса Европанинг кўпгина тилларига, жумладан, рус тилига 1878, 1894, 1907 йилларда таржима қилинган. Ислом динининг **иккинчи манбаси** Сунна (араб тилида одоб, анъана, хатти-ҳаракат)дир. Сунна исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган. Муҳаммаднинг сўзлари, қилмишлари, хатти-ҳаракатлари ҳадисларда акс эттирилган. Сунна исломда Қуръондан кейинги - уни тўлдирувчи манба. Сунна VII аср ўрталарида йиғила бошлаган. Унда қарама-қаршилиқлар, яхши ва ёмон қадриятлар тўғрисида фикр юритилган. Бир, икки аср давомида ҳадислар кўпайиб кетган. IX асрда тизимга солинган. Аниқ, ишончли ҳадислар ҳамюртимиз Имом Исмоил Бухорий томонидан тўпланган.

Ислом динининг **учинчи манбаси** – шариат бўлиб, у ислом динининг ҳуқуқий тизимидир. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий нормаларга ва амалий диний талабларга ҳам қонуний тус берилган.

Исломда жамиятни бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Кейинчалик, феодализм ривожланиши билан диний фаолиятни қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини яратганлар. Унга асос қилиб, Қуръон ва Сунналар олинган. Шариат қонунлари XI-XII асрларда тўла шаклланган. Шариатда давлат ҳуқуқи нормалари, мажбурият, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқлари, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Шариат, хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас, деб ҳисоблайди. Киши фаолияти икки турга - ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Шариат шаклланиб тугаллаган даврда 5 та категория вужудга келган: 1. Фарзнинг бажарилиши қатъи ва мажбурий бўлган; 2. Мансуб (суннат)-мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланган; 3. Мубаҳ – ихтиёрий нормалар; 4. Макруҳ – номаъқул нормалар; 5. Ҳаром - қатъи равишда таъқиқланган ҳаракатлар.

Тўртинчи манба: тафсир (араб-шарҳ, тушунтириш, изоҳ) ислом анъанасида Қуръон, ҳадислар ва бошқа диний манбаларни талқин

қилишдир. Қуръон тафсирларида Қуръоннинг матни айнан шарҳлаб берилади.

Бешинчи манба: калом (араб,—сўз, нутқ) ислом илоҳиётининг илк шакли. Фалсафий таълимот сифатида араб халифалигида VIII асрда пайдо бўлган. IX асрга келиб, Ўрта Осиёга тарқалган. Калом тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. Калом асосчиси **ал – Ашъарий** (873-935)дир. Каломда айтилишича, Оллоҳ ҳам инсоний хусусиятларга эга, деб тушунтирилади. Каломчилар Қуръонга суяниб жаннат ва дўзахни азалий мавжуд, деб билади. Инсонда эркинлик йўқ, барча қилмишлари учун инсонлар Оллоҳ олдида жавоб беради.

Олтинчи манба: фикҳ (араб-тушуниш) мусулмон ҳуқуқшунослигини ишлаб чиқувчи соҳа. Ҳуқуқшунослик фани сифатида ҳам қўлланилади. Шариат манбаларини ишлаб чиқиш, шариатни ҳаётга тадбиқ қилиш билан шуғулланади. Фикҳ билан шуғулланган олимлар (Ўрта Осиёда) **Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий**лардир. Ҳуқуқда 4 мазҳаб (йўналиш) бор: ханафия, моликия, шофиъия ва ҳанбалиялар.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги фалсафа ана шу манбаларга асосланиб тарғиб қилинган. Олам тўғрисида ислом дини маълумотларидан келиб чиқиб таъриф берилган.

Ватанимиз жаҳондаги йирик маданий марказларидан бири бўлиб келганига шубҳа йўқ. Ўша қадимги даврлардаёқ мамлакат ичкарисида иқтисодий, маънавий, сиёсий, ўзига хос турмуш тарзи, халқнинг характери мукаммалашган. Шарқ мамлакатлари – Ҳиндистон, Хитой билан бўлган иқтисодий, сиёсий соҳадаги муносабатлар мамлакатимиз раўнақининг орқада қолишига йўл қўймаган. Ўз навбатида мамлакатимиз ҳудудида ривожланган илғор урф-одатлар, Шарқ мамлакатлари маданияти, фалсафасига ўз таъсирини ўтказган. Инсонийлик сифатлари кенг тарқалган. Ана шундай инсоний-фалсафий фазилатларидан бири диний бағрикенгликдир.

Бағрикенглик – дунёдаги турлича бой маданиятлар, урф-одатларни ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён

қилишнинг хилма-хил усулларини хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Қисқача айтадиган бўлсак, **бағрикенглик - турли-туман жараёнлардаги бирликдир. Бағрикенглик, маънавий соҳадагина эмас, балки, сиёсий, ҳуқуқий, демократик йўналишларни ҳам қамраб олади. Бағрикенглик, тинчликни таъминловчи, урушларни, барча келишмовчиликларни йўқ қилувчи, ҳақиқий тинчлик маданиятига етакловчи жараёндир.**

Диний бағрикенглик халқаро вазиятни соғломлаштиришга, янгича ёндашишга ёрдам беради. Дин эса ижтимоий онг сифатида инсон фаолиятини қамраб олади. Бағрикенглик ижтимоий онг мазмунига тобора инсоний моҳият касб эта бориши, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари барқарорлигига эришиши, маконда меҳр-шафқат, одамийлик тамойилларини такомиллашувига ёрдам беради. Бағрикенглик инсоннинг ўз-ўзини асрашига кўмаклашади.

Бағрикенглик кенг маънода барча халқларнинг яшаш учун курашиш ҳуқуқининг тасдиқланиши билан объектив равишда боғлиқдир. Дунё ҳамжамияти куч ва зўрлик, якка ҳокимликни заифлаштириш йўлларини излаб келади. Асрлар давомида инсонлар бағрикенгликнинг ҳақиқий пойдеворини топишга интилиб келдилар. Бу соҳада диний манбаларга мурожаат қилдилар. Чунки одамлар ўртасида барқарорлик жиҳатларига эҳтиёж туғилади. Барқарорлик мувозанат шароитидагина алоҳида шахс, халқ эркин маънавий шаклланиш имкониятига эга бўлади. Диний бағрикенгликни такомиллаштириш мамлакатлар ўртасида, минтақалар ва бутун дунё ҳамжамияти миқёсида дўстона муносабатларни қарор топтиришнинг муҳим омилдир. Шу сабабли ҳам Ўрта Осиёнинг ўрта аср мутафаккирлари айнан диний бағрикенглик ҳақида илмий фикрларни айтиб кетганлар. Эндиликда таржима қилиниб, халқимизга тортиқ этилаётган адабиёт, илмий манбалардан ўқиб хулоса қиламизки, бағрикенгликнинг фалсафий жиҳатлари ҳар бир шахс, ҳар бир халққа тааллуқлидир. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд

Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоийнинг «Хамса», «Ҳолати Сайид Ҳасан Ардашер», «Маҳбуб ул-қулуб», Бобурнинг «Бобурнома», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» ва бошқа асарларида муаммонинг ечимига оид ибратли фикрлар бор.

Диний билимлар, дунёвий билимлар билан ўзаро алоқада бўлиши бағрикенгликни тақозо этади. Айниқса, буюк муҳаддислар ҳадислар тўплашда бу жараёнларга эътиборни қаратганлар. Жумладан, **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий** (810-870) ҳадисларида бағрикенглик жиҳатлари очиб берилган. Имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг «сахих» ва 200 минг «ғайри сахих» ҳадисларни ёд олган. Ҳадис илми бобида ниҳоятда иқтидорли бўлган. Минглаб шогирдлар тарбиялаган. Муслим ибн Ҳажжож, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Форобий, Абу Бакр ибн Ҳузайма каби машҳур муҳаддислар шулар жумласидандир. Имом Бухорийнинг «Ал-Жомъи ас-сахих» (Ишонарли тўплам) деб номланган тўрт жилддан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг мукаммалдир. Тўпламда ҳадислардан ташқари ислом ҳуқуқшунослиги, маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига доир маълумотлар ҳам бор. Тўрт жилдликка 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та «сахих» ҳадислар киритилган. Бу тўплам жуда кўп марта чоп этилган. Унга шарҳлар берилган.

Имом Бухорийнинг яна бир қанча асарлари бор. «Ал-адаб ул Муфрад», «Китоб асмоъ ис-саҳоба», «Китоб афъол ил-ибод», «Китоб бадъ ил-маҳлуқот», «Китоб бирр ил-волидайн», «Таърих ус-сиқот ва-з-зуъафо мин рувот ил-ҳадис», «Таърихи Бухоро» ва бошқалар.

Имом Бухорийнинг ижоди қадриятларимизни тиклашда, кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик сингари умуминсоний фазилатларни сингдириш ва қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Муҳаммад пайғамбар «Кимгаки Оллоҳ-таоло яхшиликни раво кўрғайдир, уни дин илмидан баҳраманд қилғайдир, илмга илм олмоқ йўли бирлан эришилғайдир» деганлар. Мазкур фикрда

диний билимлар билан биргаликда дунёвий билимлар ҳам эътиборга олинган.

Ислом динида буюк инсонлар ўз номларини буюк ишлар билан муҳрлаб кетганлар. Шулар орасида Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (тахаллуси Имоми Аъзам (699-767)) алоҳида ўрин тутди. У ханафий мазҳабининг асосчиси ва имоми, илоҳиётчи олимлардан биридир. Келиб чиқишлари қобуллик эътиборли оилаларга бориб тақалса-да, у кишининг боболари Марзубон халифа Умар ибн ал-Ҳаттоб (634-644) даврида исломни қабул қилиб Куфа (Эрон)га кўчиб келган ва у ерда муқим бўлиб қолган. Демак, Абу Ҳанифа шу ерда ўзига тўқ шойиحي савдогар оиласида туғилган. Отаси вафотидан сўнг унга тегишли дўкон Абу Ҳанифага мерос бўлиб қолган. Халифаликнинг бош қозиси вазифасини бажармаганлиги учун Халифа Мансур (хукмронлик йиллари 754-775) томонидан қамалган ва зиндонда калтаклаб ўлдирилган. Бу киши "Имом Аъзам" ("Энг буюк Имом") деган фахрли унвонга сазовор бўлган тарихий шахсдир. Шу сабабли ханафийлик халқимиз ўртасида Имом Аъзам мазҳаби, деб ҳам юритилади. Бу инсон Қуръони Каримни тўла ёд олган. Суннийликни ташкил этувчи тўрт мазҳаб асосчилари ўртасида фақат Абу Ҳанифагина пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларининг айримлари билан суҳбатда бўлган. Барча исломий илмларни чуқур ўрганган. Натижада мусулмон ҳуқуқшунослигига асос солган. "Фикҳ бўйича энг катта китоб", "Тавҳид асослари" , "Олимлар ва ўрганувчилар китоби" , "Рисола китоби", "Васият ҳақидаги китоб" кабилар Абу Ҳанифа қаламига мансуб. Абу Ҳанифа асарларининг аслияти бизгача етиб келмаган. Асарларида Тавҳид (ягона Оллоҳга ишониш), Оллоҳнинг сифатлари, каломи-Қуръон, Оллоҳнинг қудрати, ирода эркинлиги, гуноҳ ишлар ва уларга белгиланган жазо, хайрли амаллар ва уларнинг ажри, иймон-эътиқод ва бошқа ҳуқуқий муаммолар батафсил ёритилган. Абу Ҳанифанинг баъзи асарларида диндаги биринчи фирқачиларга қаршилик кўрсатиш сезилиб турган. Абу Ҳанифа ижодига "Ал-Муснад" тааллуқли бўлиб, у ҳадислар тўпламидан иборатдир.

Абу Ҳанифа ижодининг марказий ўринларидан бири бу ҳокимият билан диний муассаса ўртасидаги муносабатдир. Бу таълимотда таъкидланишича, ҳар қандай жомеъ масжидини очиш учун ҳукумат рухсатини олиш лозим. Бу эса мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар билан боғлиқ. Жамиятни бошқариш соҳасида дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги келишувчилик давр талабидир. Шу сабабли ҳам бу мазҳабни кенг маънода бағрикенглик ва тараққиётга тарафдор мазҳаб, деб эътироф этадилар.

Абу Ҳанифа ва унинг издошлари қиёс (таққослаш) усулидан (яъни кўрилаётган масалага ўхшаш олдин содир бўлган ҳолатлар билан) фойдаланиб, истиҳсон (яхшиси ёки афзалини танлаш) тамойилини ишлаб чиққанлар ва кундалик ҳаётга татбиқ этганлар. Бу эса инсонни, давлат ва жамиятнинг фаолиятини эътироф этиш билан боғлиқ эди. Бундай ёндашиш халқларнинг бирлашиши учун уларнинг урф-одатларини ҳисобга олишни тақозо этарди. Шу сабабли ҳам ислом динини тезда тўғри тушуниш ва унга бўйинсуниш кўпроқ туркий халқлар ўртасида кенг тарқалди, у эъзозланди. Диндаги ушбу бағрикенглик натижасида дунёнинг кўп мамлакатларида ислом эътироф этилди. Ҳанафийликнинг "мослашувчанлиги", ижтимоий-иқтисодий маданий соҳаларни илмий идрок этиш, кўпгина мамлакатларда ҳукмрон дин сифатида эътироф этилишни тезлаштирди, унга қизиқувчилар сафи орта борди. Натижада бу таълимотнинг тарафдорлари, асосчилари кўпайди. Шулар қаторида Абу Мансур Мотуридий, Абу Исҳоқ ал-Ҳаким ас-Самарқандий, кейинроқ етишиб чиққан Абул Муъин ан-Насафий, Нуриддин ас-Собуний ал-Бухорий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Бурҳониддин ал-Марғиноний кабиларни олиш мумкин.

Суннийлик таълимотининг "отаси" деган юксак эътирофга сазовор бўлган Самарқандлик **Абу Мансур ал-Мотуридий** (Ислом қомуси бўйича) 870 йилда Самарқанднинг Мотуридий мавзесида туғилиб, 944 йилда (баъзи адабиётларда 941) вафот этган. Қабри Самарқанднинг Чокардиза қабристонидадир. Бу жой ҳозир зиёратгоҳга айлантирилган.

Буюк даҳо, мутафаккир Алишер Навоий Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандийни диннинг иззатли султони, деб атаган. Бу инсон бизга кўплаб илмий мерос қолдирганки, улардан барча мусулмон халқи баҳраманд бўлиб келаётир. Булар жумласига қуйидагилар киради:

"Таъвилати Аҳли сунна" - Қуръон ва суннанинг расмий таъвиллари, яъни расмий исломий талқини, шарҳлари битилган китоб; Шариат асослари ва софлиги ҳақидаги китоб; "Китоб ул-Жадал" - диний-ахлоқий баҳс мунозараларда ғолиб келиш ҳақидаги китоб; "Китоб ул-Усул" - диний таълимот услубиётига оид асар; "Рисолат ут-Тавҳид" - Оллоҳнинг яккаю-ягоналиги, бирлиги, ваҳдоният дини, яъни илм-ул ақоиднинг назарий асослари ҳақидаги ва бошқа ўнлаб асарларни тилга олиш мумкин.

Кўриниб турибдики, Мотуридийнинг илмий фаолияти ислом динини илмий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўлган. Айниқса, диний ниқоб остида нотўғри йўлга кирувчиларни танқид остига олган. Алломанинг фикрича, маълум диний йўналишларнинг ҳақиқий ёки сохталигини кўрсатувчи ишончли далиллар мавжуд. Ушбу далилларни билишда, аниқлашда инсонларга қайси соҳалар тўсқинлик қилиши мумкинлигини очиб бериш зарур. "Китоб ат-Тавҳид"да бу соҳада шундай фикрни билдиради: "Бу - кўр-кўрона тақлид бўлиб, жуда кенг тарқалган иллатдир, яъни бунда жуда кўпчилик бирон-бир маънавий ёки диний йўлбошчига, унинг фикрлари мазмун-моҳиятини тушунмаган ҳолда кўшилишга кучли мойиллик билдиради. Мана шу сабаб натижаси ўлароқ, ҳар бир фирқа ва ҳар бир йўналиш шу пайтга қадар ўз тарафдорларига эга бўлиб келмоқда. Бу мухлислар қачондир қабул қилинган сохта таълимотга садоқатда қатъилик намойиш этмоқдалар ва яна ўзларини ҳақиқатнинг ягона эгалари ҳисобламоқдалар." Ушбу фикрлар ҳозирги замон ақидапарастлар фаолиятига, диний фундаментализм, диний экстремизм, террорчилик ҳаракатлари иштирокчилари фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Мотуридий ижодининг фалсафий жиҳати шундаки, унда ўхшашлик ёки тақлид бир категория сифатида шарҳланади. Жумладан,

ҳақни ноҳақдан ажратишнинг учта усули бор: 1) Жами жонзотларга хос бўлган сезги аъзолари. 2) Инсонга хос бўлган ақл орқали амалга ошириладиган назарий хулосалар 3) Ишонтиришда қўлланиладиган нақл ва ахборотлар. Бу фикрлардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланиб иш юритилса, фойдадан холи бўлмас эди. Мотуридий исломни ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмасдан, исломдаги ботил оқим ва фирқалар фаолиятини аёвсиз танқид қилди. Ўша пайтларда пайдо бўлган бир қанча: ҳарурийлар, рофизийлар, қадарийлар, жабарийлар, жаҳмийлар, муржиъийлар, ҳозижийлар, мутаъзимийлар, карромийлар, исмоилийлар ва бошқа оқимларни диний ёндашувдаги заифлигини далиллар билан танқид қилган. Унинг фикрича, инсон имтиҳон учун яратилган. Шахсий интилишлари инсонни баъзида тўғри йўлдан адаштиради. Уларга инсон ўзидаги ижобий имкониятлардан келиб чиқиб қарши турмоғи лозим.

"Китоб ат-Тавҳид"да шундай фикрларни ўртага ташлайди: "дин буюкларга эътиқод қилиб, тақлид қилишга эмас, далилларга асосланмоғи керак", "ҳеч ким гуноҳ содир қилгани туфайли кофир деб эълон қилинмайди. Биз жами "қибла кишилари"ни мўъмин деб биламиз, уларнинг қалбини эса Оллоҳга ҳавола этамиз", "бидъатчилар билан шунчаки дўстона муносабатда бўлишнинг ўзиёқ хатодир", "суннатнинг тўғрилигини аниқлаш учун, бир-бирига зид нақлларга таяниш мумкин эмас, балки мустақил фикрлаш керак", "72 гуруҳ мавжуд, фақат 73-чи гуруҳгина нажот топдики, бу - жамоадир" ушбу фикр ўн аср олдин айтилган бўлса-да, бугунги кун фаолиятини ҳам акс эттиради.

Умумий хулоса шундан иборатки, Абу Мансур Мотуридий ижодида, диний соҳа бўйича, диннинг асоси Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлардир. Турли назарияларга, мазҳабларга, бошқача фикрларга ҳеч қандай ўрин йўқ. Чунки, мазҳабларнинг хато талқинидан бузук ниятли кишилар фойдаланиб ислом дини обрўсига путур етказдилар. Исломда ўзгартиришлар, ислоҳотлар ярамайди.

Ўтмишда ўчмас из қолдирган буюк сиймолардан яна бири бу ал-Марғинонийдир. Аллома Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг тўлиқ исми

Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинонийдир. У киши 1123 йилда туғилиб 1197 йилда вафот этган. Ўз даврининг илмларини мукаммал ўрганган. Айниқса, ислом динининг асосий манбалари Қуръони Карим ва ҳадисларни таҳлил қилиш натижасида Фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида обрў эътибор қозонган. Қуръони Каримни ёд олган. Ҳадисларни таҳлил қилган. Самарқанд шаҳрига кўчиб бориб, ўша ерда яшаган. 1149 йилда ҳаж сафарига бориб ислом динининг алломалари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг асарларини мутолаа қилган. Ўзининг "Китобул-машоих" ("Шайхлар ҳақидаги китоб") асарида 40 дан ортиқ шайхлар ва алломаларни тилга олган. Ал-Марғинонийнинг бизгача етиб келган асарларидан "Бидоят ал-мунтахий" ("Бошловчилар учун дастлабки таълим"), "Кифоят ал-мунтахий" ("Яқунловчилар учун тугал таълим"), "Нашр ул-мазҳаб" ("Мазҳабнинг ёйилиши"), "Китоб ул-мазид" ("Илмни зиёда қилувчи китоб"), "Маносиқ ул-Ҳаж" ("Ҳаж маросимлари"), "Мажма ул-Навозил" ("Навозил бўлган нарсалар тўплами"), "Китоб ул-Фароиз" ("Фарзлар китоби") ва бошқалардир. Айниқса, яратилган "ал-Ҳидоя" асари ислом дини оламида ҳанафий мазҳабининг қўлланмасига айланди. Ушбу китобда ислом динидаги ҳуқуқий масалалар кенг кўламда ёритилган. Бу китоб ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки унда инсон фалсафасига катта ўрин берилган. Жумладан, ушбу китобда никоҳ, талоқ қилиш, қулларни озод қилиш, топиб олинган насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки, таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж каби масалаларнинг шарҳи берилган. Китобнинг биринчи, иккинчи қисмларида юқоридагилар ёритилса, учинчи, тўртинчи қисмларида пул, савдо-сотик, кафолат, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, даъво, сулҳ, мерос, шартнома тузиш, ташландиқ ерларни ўзлаштириш, овчилик, гаровга бериш, жинойтлар хусусида, хун тўлаш, васият каби бошқа масалалар ҳам ёритилади. "Ҳидоя" китоби асрлар давомида мусулмон мамлакатларида ҳуқуқшунослик бўйича муҳим қўлланма ҳисобланган. Ўрта Осиёда эса 1917 йилдан 1930 йилларгача шариат қозилари бекор

қилиниб, совет суд тизими жорий этилган пайтларгача риоя қилинди. Ушбу китоб 1893 йилда рус тилига Н. П. Гродеков томонидан (инглиз тилидан) таржима қилинган эди. 1994 йилда "Ҳидоя" қайта нашр этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг китоб муаллифи Бурҳониддин Марғиновичга ҳурмат ва эътибор кучайтирилди. 2000 йилда унинг 910 йиллик таваллуд санаси нишонланди.

Ижодий ғояларнинг пайдо бўлишида Ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Йазид Бистоний, Мансур ал-Халлож, Абу Бакр ибн Мусо ал-Воситий, Абу Райҳон Беруний, Абулқосим Фирдавсий, Абдулла Жафар Рудакий, Юсуф Боласоғуний, Абу Бакр Наршахий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад ибн Абдуллоҳ, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Мавразий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қошғарий каби юзлаб алломаларнинг хизмати каттадир. Ислом дини асосида пайдо бўлган тасаввуф илми ҳам диний ижоднинг бир намунасидир.

Тасаввуф илми ёки суфийлик диний оқими VIII асрда араб мамлакатларида вужудга келган. Дастлаб суфийлар шахсий истакдан тўла воз кечиш ғоясини тарғиб қилганлар. Тасаввуф мусулмон мамлакатларидаги ижтимоий тараққиётнинг хусусиятлари билан боғлиқ равишда вужудга келган. Унда неоплатонизм таълимоти, иудаизм, христианлик, зардуштийлик ва айниқса буддизмнинг таъсири бор. Тасаввуф тарафдорлари ахлоқий жараёнларни тарғиб қилиб, худога яқин бўлишни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Шахсий манфаатдан воз кечишни талаб қилганлар. Тасаввуф ҳам хилма-хил шакл ва оқимларга эга. Тасаввуф ижодиётининг асосий мақсади, объекти инсон ва худо.

Тасаввуфда инсон 4 та босқич орқали камолатга эришади. Биринчи **шариат** қонунларидир. Шариат қонунларига барча мусулмонлар бўйсунуши керак. Фақат шундан сўнг иккинчи босқич - **тариқат**га кўтарилади. Бунда муридлар ўз пирларига итоат қилиши, ўз "мен"идан воз кечиши шарт ҳисобланган. Бу босқичдан ўтганлар учинчи босқичга – **маърифат**га кўтарилади. Бунда коинотнинг бирлиги

худода мужассам бўлишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, балки қалб билан англаш керак, дейилади. Тўртинчи босқич **ҳақиқат**. Тасаввуфда ҳақиқатга эришув суфийликни «шахс сифатида тугатиб» худога сингиб ва натижада абадийликка эришиши, деб қайд этилган. Бунга тасаввуфчилар махсус рухий ва жисмоний ҳаракатлар (психофизик), сиғиниш ва ибратлар орқали эришади, улар ҳақиқий бойлик бу - моддийлик эмас, балки маънавийликдир, дейдилар. Ғаззолий тасаввуфни ислом дини билан яқинлаштириб, уни кейинчалик расмий таълимот сифатида тан олишга йўл очган. Мовароуннаҳрда тасаввуфчилик Юсуф Ҳамадоний тариқати(ХII аср)дан бошланган. Ундан ташқари, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавий тариқати, ХIII-ХIV асрда Нақшбандия тариқатлари юзага келган. Улар таъсирида Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Вали таълимотлари ҳам пайдо бўлган. Собиқ Иттифок даврида бу таълимотларни реакцион таълимот сифатида тақиқлаганлар. Булар инсонларни жамият ҳаётидан четга тортади, қизгин фаолиятни сўндиради, деб тушунтирилган.

Тасаввуф таълимотида **Аҳмад Яссавий** (1041 йилда туғилган. Илмий адабиётларда вафоти 1165-1167 йиллар деб кўрсатилган) таълимоти муҳим аҳамиятга эга. Яссавий буюк шайх сифатида мусулмонлар ўртасида эътибор қозонган. Ривоятларга кўра, Аҳмад Яссавий пайғамбардан ортиқ умр кўришни гуноҳ деб билиб, 63 ёшида ер тўлага – чиллахонага кирган. Умрининг охирини шу чиллахонада ўтказган. Мавлоно Хусомиддин Сиғноқийнинг рисоласида Аҳмад Яссавий 130 йил умр кўрган, деб маълумот берилади.

Аҳмад Яссавийнинг шеърлар тўплами «Девони ҳикмат» деб номланади. «Девони ҳикмат»нинг етакчи ғояси дин ва тасаввуфдир. Аҳмад Яссавий ислом динининг қонун-қоидалари ва урф-одатларининг йиғиндиси бўлган «шариат»ни, тасаввуф моҳияти бўлган «тариқат»ни, ишқи-илоҳий-«маърифат»ни, худо ва унга эришмоқ-«ҳақиқат»ни тарғиб қилган. «Девони ҳикмат»да «Эй дарвеш, билгил ва огоҳ бўлғилким, аввал калимаи шариат, иккинчи калимаи тариқат, учинчи

калимаи маърифат, тўртинчи калимаи ҳақиқатни билмоқ керак. Суфий бўлиб бу калималарни билмаса суфий эмас» - дейилади. Аҳмад Яссавийнинг ижодида диний оламга ғарқ бўлиш билан бирга таркидунёчилик бирлашиб кетган. Золимлар қораланган, камбағаллар фаолияти яхшилик билан боғланган. Унинг ижодида инсонларни яхшиликка чорлаш, бойликка берилмаслик, мансабни суистеъмол қилмаслик ғоялари етакчи ўринни эгаллайди.

Тасаввуф фалсафаси **Абдухолик Гиждувоний** (1220 йилда вафот этган) ижодида ҳам ривожлантирилди. Унинг васиятномасида жамоатга мулозим бўлиш унга хизмат қилиш муқаддас вазифа эканлиги уқтирилади. Оллоҳга яқинлашишнинг йўли шудир, деб кўрсатади у. Шу билан бирга инсонларни чиллахонада ҳадеб ўлтиравермасликка, Оллоҳга тоат-ибодатни ҳаддан ошириб юборилмасликка чақиради. Меҳнат қилишга чорлайди. Бир сўз билан айтганда, унинг фалсафаси Яссавий таълимотидан илғорроқ эди.

Тасаввуф фалсафасининг йирик сиймоларидан яна бири **Нажмиддин Кубро**(1145-1221) дир. Тасаввуфдаги Кубровия тариқати Кубро томонидан яратилган. У йирик олим сифатида «Жамолнинг муаттарлари ва камолотнинг эгалари», «Ўнта қонун ва қоидалар» номли асарларнинг муаллифидир. Нажмиддин Кубро ижодида ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ғоялари мужассамлашган. Шахсий фаолияти билан мазкур соҳаларда намуна кўрсатган.

Тасаввуф фалсафаси XIV асрда **Баҳоуддин Нақшбанд** (1318-1389) томонидан ривожлантирилди. Унинг ижоди сулуки нақшбандия, деб аталади. Нақшбанд таҳаллус бўлиб, айнан маъноси матога гул-нақш солишни билдиради. Нақшбанд кишилар ҳаётида хилватчилик, таркидунёчилик билан ҳаёт кечиришни тарғиб қилмайди, балки бу дунёда шод ва хуррам яшаш керак, дея такидлайди. Аммо бу ҳолат келажакни, худони эсдан чиқаришга олиб келмаслиги лозим. Унинг таълимотида «киши зоҳирда одамлар билан, ботинда (ичдан) эса худо билан бўлиши керак» деган фикр ётади. Унинг ижоди инсонларни ўз

кўли билан, меҳнати билан, меҳнат орқали келадиган даромад билан кун кечириш, тирикчилик қилиш соҳаларини ёритиб беради.

Ислом дини сингари тасаввуф таълимотининг асосчилари ҳам инсонларни яхшиликка, хур ва фаровон ҳаёт кечиришга, тинчликнинг барқарор бўлишига ундайдилар. Бу таълимотлар Ватанимиз ҳудудидаги инсонларни диний ақидалар орқали инсофли бўлишга чақирган.

Шу сабабли ҳам илк ўрта асрлардаги Ватанимиз маданияти Шарқ ва Ғарб цивилизациясига улкан ижодий ҳисса бўлиб қўшилган. Туркистонда ўсиб-улғайиб ижод қилган юзлаб, минглаб олимлар, диний уламолар, шоирлар яратган асарлардан жаҳон халқлари баҳраманд бўлиб келмоқда. Айниқса, диний таълимотларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган улуғ шайхлар, авлиёлар хизматлари бениҳоядир. Ҳозирги вақтда ҳам улуғ алломаларимизнинг ижодий фаолиятини ҳаётга татбиқ этиш давом этмоқда. Жумладан, «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган тамойил Ўрта асрлар диний фаолиятининг давоми десак, хато бўлмайди. Бу тамойилда юртдошларимизнинг урф-одатлари, илоҳиётга бўлган муносабатлари ўз аксини топган.

Таянч тушунча ва иборалар:

Қадимги ёзма ёдгорликлар, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, Кушонлар, Буддизм, Зардушт, Авесто, Ренессанс, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн-Сино, Зижи Кўрагоний, Ислом, бағрикенглик, Имом-Аъзам, Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Яссавий, Нақшбанд.

Мавзуга оид саволлар:

1. Ўрта Осиёда фалсафий-диний дунёқарашнинг шаклланишини эсланг.
2. Зардуштийлик. Авестода ижод.
3. Шарқ Ренессанси давридаги ижод.
4. Ислом дини ва бағрикенгликни тушунтиринг.

V боб. Ижодий жараённи ифода этиш шакллари ва методлари

Методологик билим поғоналари. Методларнинг сифат жиҳатдан хилма-хиллиги ва ривожланиши

Ижодда билишнинг аҳамияти беқиёсдир. Унинг (билишнинг) асосий муаммоларига: нарса ва ҳодисалар, уларнинг манбалари, табиат таракқиёти босқичлари, услуб ва методологияси, ҳақиқат, инсонларнинг билувчанлик фаолияти билан амалий фаолияти ўртасидаги боғланиш кабилар киради. Фалсафа тарихида билиш муаммосини ҳал этишда турли йўналишлар баҳс юритиб келадилар. Юқорида биз уларнинг гувоҳи бўлдик. Булар: материализм, идеализм, агностицизм, рационализм, иррационализм, сенсуализм, монизм, эклектизм ва бошқалардир. Масалан, Платон, Беркли, Кант, Гегель каби файласуфлар нарсаларнинг моҳиятини инсон томонидан билиш мумкин эмас, деб агностицизм (а - мумкин эмас, гнозис – билиш, демакдир) йўналишида бўлганлар. Демокрит, Френсис Бэкон, Джон Локк ва XVIII асрдаги француз материалистлари эса билишни борлиқнинг инсон онгида акс этишидир, деб таълим берадилар. Яъни, билишда инсонларнинг **амалий фаолияти** ҳал қилувчи ўринга эга, деб тушунтирдилар.

Билиш мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқич (поғона)ларни босиб ўтади. Биринчи босқич бу инсонлардаги **сезги** фаолиятидир. Сезги орқали инсон нарса ва ҳодисаларни мушоҳада қилади. Сезгилар беш хилдир: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тери орқали сезиш, там билиш. Сезиш, нарса ҳодисаларни мушоҳада қилишга боғлиқ. Иккинчи босқич эса нарса ва ҳодисаларни **тафаккур** қилиш фаолиятидир. Тафаккур инсонга берилган олий неъматдир. Инсонлар нарса ва ҳодисаларни ўз тафаккури орқали, улар аниқ ёки мавҳум бўлишдан катъи назар ўз миёсида қайта ишлайдилар. Бунда инсон фикрлаш жараёнида турли тушунчалардан фойдаланадилар. Инсон миёсида тушунчаларнинг пайдо бўлиши у ёки бу билимнинг пайдо бўлишидир.

Билимнинг пайдо бўлиши эса инсон ижоди учун асосдир. Бу босқич сезиш ва мавҳум фикрлаш ёрдамида амалга ошадиган асосий босқич. Билишнинг ҳақиқийлиги шу босқичда кўринади. Демак, амалиёт энг муҳим босқичдир. Босқичларнинг ҳар бири маълум вазифани бажаради. Мабодо шу босқичларнинг бирортаси бўлмаганда ижод қилиш мумкин эмас эди. Ижод жараёнида босқичларни бир-биридан фарқ қилиш талаб этилади. Демак, **билишнинг бошланиши сезгидир**. Чунки у инсон онгини ташқи олам билан боғлаб турувчи ягона воситадир. Инсонлар сезги орқали объектив оламдан биринчи таассуротни оладилар. Ташқи олам сезгилар орқали инсоннинг ўзига ҳам таъсир этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сезгиларнинг ўзи ҳам олам тўғрисидаги билимимизнинг бошланишидир. Шундай экан, билиш жараёнида сезгилар ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир. Сезгилар орқали инсон ташқи оламдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги хусусият ва белгиларни, мазмун ва моҳиятни, тафовутларни биладилар.

Бинобарин, кўз билан нарсаларнинг, ҳодисаларнинг ранги, шакли, катта-кичиклиги кўрилади. Тери сезгиси орқали нарсаларнинг эгилувчанлиги, каттиқ-юмшоқлиги, текислиги ёки ғадир-будирлиги ҳақида маълумот олинади. Эшитиш воситаси орқали товушларнинг хилма-хиллигини, ҳид сезиш орқали нарсалардаги баъзи ҳолатлар билинади. Кўрдикки, ҳар бир сезги органининг ҳам алоҳида хусусияти бор. Бу хусусиятлар идрок қилиш учун хизмат қилади. Идрок сезишнинг мураккаброқ шаклидир. Идрокда сиймолар бир-бири билан боғланиб ягона сиймо қиёфасига киради. Сезгида алоҳидалик, идрокда эса мужассамлик тақозо этилади. Хулоса қилганда, сезги, идрок, тасаввурлар билишнинг биринчи босқичини ташкил этади. Бу ўринда файласуф Омонулла Файзуллаевнинг диний илм ва билимлар ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. Жумладан: “Илм-билимдан чуқур ва юқори. Тасаввуф илмий билимни оддий билимдан ажратади. Ҳар бир нарса ҳақидаги эгалланган ахборот билим бўлиши мумкин, лекин Худо ҳақидаги билим илмдир, яъни кенг кўламда чуқур мулоҳазалар юритиш натижасида вужудга келган билимдир. Оллоҳни чуқур тушуниш, яъни

аввалги вақтдагига караганда кўпроқ, яқинроқ билиш мумкин, лекин уни мутлақ, тўла-тўқис, буткул билиб бўлмайди. Ҳозирги замон тили билан айтганда билиш асимптотик равишда ривожланиб боради. Нега? Чунки, аввало, одам, билувчи мутлақ етук даражага кўтарилмайди. Дарҳақиқат, ақл эса доираси чегараланган билимда онгнинг ҳам айрим жиҳатлари намоён бўлганини билдиради?!

Шу маънода тасаввуф куйидаги хулоса – ўхшатишга келади: билим – бу бир гилам, тўла тўқилган гилам. Лекин, у гилам пайғамбар замонидан кейин шундай тахланганки, биз фақат унинг хошияларидаги кўриниб турадиган билимларни эгаллаямиз, холос.

Тасаввуфча, “Билим - Оллоҳ томонидан қалбларга инъом қилинган жумлалардир. Билим – шу жумлаларни бир-биридан ажратиш қобилияти. Тўғри йўл – буни қалб билан сезиш қобилияти”. Билим – билишнинг натижаси экан, у мантиққа бўйсунадиган жумла ёки жумлалар тизимидир. Билимни нобилим ахборотдан ажратиш, яъни адекватликни ноадекватликдан ажратиш жараёни билиш вазифасига киради. Шунинг учун таъкидланади: билимнинг тил билими қисми бор. Шу билан бирга “тил билими” дан, “қалб билими” ажратилади. Қалб билими, аввало, қалбнинг ўзини билишдан бошланади. Қалбни билиш асосида “ворис билими” ётади.

“Ворис билими” дунё ҳақидаги тушунчалардир. Шундай қилиб динни тушуниш – дастлабки қадам, шундан бошланади “тўғри йўл”.

Билим ҳақида гапирилар экан, суфий оддий одамдан фарқ қилади. Ҳар бир одам билимдон бўлиши шарт эмас. Оддий суфий бўлиши учун махсус тайёргарликка эга бўлмоғи шарт. Суфийлар қўйилган мақсадни – одамни мукамал ўрганиш учун Оллоҳга ишониш лозимлигини тушинганидан кейин билишга ўтадилар, билганларидан кейин хатти-ҳаракат қиладилар, ундан кейин билишни эгаллайдилар, билишни эгаллаганларидан кейин тўғри йўлга чиқиб оладилар. Ундан кейин жамиятда фаол қатнашадилар.

Ана шундан кейин, одам ўз-ўзини била бошлайди. Демак, одам ўзини билиши учун Оллоҳни билиши керак, Оллоҳни билиши учун ўзини билиши керак. Бу жараён чексиз давом этади.

Билишнинг асосий таянчлари ва поғоналари. Тасаввуфда билишнинг икки таянчи бор: 1) Қуръон – ғоявий йўл кўрсаткич, 2) Шу кўрсаткич ёрдамида одам билимини ошириб боришлиги, маорифи. Дарҳақиқат, тасаввуфда билим, эътиқод, нур тушунчалари бир-бирига айнан яқин. Ф. Раузентал таъкидлайди: “Билимни, ақлни нур билан тенглаштириш қадим замонлардан исломга ўтган”.

Билишнинг поғоналари. А) одамнинг хатти-ҳаракати кўр-кўрона эмас, балки билиб олинган йўл бўйича давом эттирилади. Билмасдан иш бошламаслик керак, дейилган назлга итоат қилмоқ лозим, Б) одам ўзини, дўст ва душманини билиши керак, В) Оллоҳни билишга ҳаракат қилишда Оллоҳнинг нима мумкин, нима мумкин эмас, деганини эсдан чиқармаслик керак, назарий билим амалий билим билан биргаликдагина маърифатни ташкил қилади.

Билим ҳамма вақт ўзининг маълум ҳолатига эга. Билимнинг ўзгариши ҳолатнинг ўзгаришидир. Уйқу – билимсиз ҳолат. Уйғонганда билим намоён бўлади. Шунинг учун гуноҳкор ўзини поклаганидан кейингина билимли, дейиш мумкин. Ўлик одам эмас, тирик одам билимли бўлади. Ёки билиш ёрдамида тирилиш мумкин. Оддий одамнинг огоҳ ҳолатига қараганда суфийнинг туши афзалдир.

Одамнинг билимли бўлиш нияти бўлса, аввало шу ҳақда нияти изчил бўлмоғи лозим. Ният қалбдан бўлиши керак. Ниятни амалга ошириш учун руҳ ихтиёри билан интилиб ҳаракат қилишни талаб қилади.

Билимдонлик ички дунёнинг поклигидир. “Диндорнинг ички ҳолати ташқи хатти-ҳаракатига мос бўлиши керак”. Нафс камчиликларидан халос қилиш ниятини фақат билим, Оллоҳдан кўрқишгина уддасидан чиқади.

Одам худони билиш учун ўз-ўзини билиши керак экан, ўз-ўзини билиш ўзи ҳақида ахборот йиғишигина эмас, балки айни пайтда

эмоционал ўзгариб бориб нопок хусусиятлардан тозаланиш, шу йўсинда дунёсини бойитиб олий билишга ўтилади. Ўз-ўзини, шунингдек табиатни билиш – бу одамнинг ўзига, қобилиятига, ниятига, хатти-ҳаракатига ва шароитига боғлиқ. Бу – Оллоҳни билишнинг, олий билиш йўлининг бир қисмидир. Яъни субстратидир. Шу субстратга табиат билимларидан ташқари арифметик билимлар, ҳуқуқ билимлари, ҳар хил илмий мунозаралар киради.

Одам ўзини билмаса яшай олмайди. Бу оддий турмуш тақозоси. Агар бунга қўшимча равишда, Оллоҳни билсанг, аввало қалбинг фароғатда бўлади. Бундай қалб сени юксакликка кўтаради. Ва ақлинг янада равон ишлайди ҳамда шу тарзда давом этаверсанг, билиминг ва онгнинг бошқаларга нур бахш этади. Борган сари Оллоҳга яқинлашиб борасан, деб таълим беради тасаввуф.

Ақл. Гап ақл ҳақида кетар экан, тасаввуфда айтилади:

- 1) ақл – Оллоҳ томонидан берилган тўғри йўл кўрсаткич;
- 2) ақл ҳам поғоналидир: заифлик ва камчилик, баланд-паст бўлиши мумкин, умумий заифлиги – Оллоҳни тўла била олмаслиги;
- 3) ақл-заковат – юксак руҳнинг жавҳари, субстанцияси, хазинаси, тили;
- 4) ақл – руҳнинг юксак даражада намоён бўлиши;
- 5) ақл – интеллектуал марказ, у икки хил намоён бўлади: а) қуйи поғонада ташқи томонга қаратилган, б) юқори поғонадаги ички кўриниш /”баспра”/. Бундай одамлар кўп эмас. Улар шариат нури билан суғорилади.

Тасаввуф ўз-ўзини билишда ақл, рух, нур муносабатларини шундай баён этади: руҳдан ақл нури чиқади. Ақл нурида барча билимлар шаклланади. Нур а) пастга қараб нафсга тушади, яратилганни парчалайди, осойишталикни бузади, ножўя иш қилади, б) юқорига қараб кўтарилади, тўғриланади, юрак руҳга мадад беради, Оллоҳга яқинлашиш йўли имкониятини топади, энди яратувчи нимани яратгани билинади.

Суфий ҳеч вақт ўзини ўрганишни тарк этмайди. Рухни билиш билан Оллоҳни билиш орасидаги алоқа доимийдир. Ўзимни билдим дейиш - Оллоҳни билдим, дейишдир. Кечани билиш билан кундузни билиш орасидаги алоқа қандай бўлса, у алоқа ҳам шундайдир”¹.

Ижодни ифода этиш усуллари

Билишда эмпирик ва назарий босқичлар ҳам эътироф этилади. Эмпирик ёки тажрибавий услуб ҳам билиш учун муҳим аҳамиятга эга. Тажрибага эга бўлиб, нарса ва ҳодисалар таҳлил қилинганда олинган маълумотлар ишонарли бўлади. Бунда сезгиларнинг таъсири кучли бўлади. Сезгилар берган маълумотларни мантиқий таҳлил қилиш билан билимга эга бўлинади. Тажриба орқали олинган билим ҳаётийдир. Бу билимни инсон фан, амалий фаолиятда кўпроқ татбиқ этади ва қўллайди. Билимда ўтказилган тажрибани ўта муболағалаштириб ҳам бўлмайди. Унга ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Билишнинг бошқа усуллари аҳамиятини пасайтирмаган ҳолда уларнинг ҳар биридан ўз ўрнида фойдаланиш зарур. Жумладан, билишда бирёқламаликдан узоқлашган ҳолда назарий тафаккурни ҳам эътироф этиш керак. Ана шунда ижод ўзининг тўлақонлилигига эришади.

Назария деганда, у ёки бу воқеликнинг у ёки бу соҳасини инсон тафаккурида умумлашган ҳолда ифодаланишига тушунилади. Назария фалсафий маънода кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода олганда у кишиларнинг амалий фаолиятдан фарқли ўлароқ умуман, фан, билим демакдир. Назария амалий фаолият асосида пайдо бўлади. Назария тажрибани умумлаштирибгина қолмасдан, нарса ва ҳодисаларнинг янги томонларини алоқа ва боғланишларини очиб беради. Шу билан бир қаторда томонларни, алоқа ва боғланишларни амалиётда ижод қилишга кўмаклашади. **Тор маънода эса, назария деб қатъи муайян шаклга эга бўлган кундалик билим тушунилади.**

Ижодкор бирон-бир нарса ва ҳодисани билишда унинг ташқи томонини таҳлил қилишдан бошлайди. Унинг маълум хосса ва

¹ О.Файзуллаев. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т., 2006 й. 26-28 бетлар.

хусусиятларининг тамойилларини ўзида қайд қилади. Сўнгра ижод қилувчи нарса ва ҳодисанинг (объектнинг) моҳиятига чуқурроқ ёндаша бошлайди. Объектга тааллуқли қонунларни очиб олади, қонунларнинг хоссаларини изоҳлайди. Объектнинг айрим томонлари ҳақидаги билимларни бир бутун, яхлит тизим сифатида шакллантирилади. Шу йўл билан ҳосил қилинадиган мукамал, ҳартомонлама чуқур билим ички мантиқий тузилишга эга бўлган назариядир. Барча фан назариялардан иборат. Масалан: ҳозирги замон физикаси квантлар назарияси, нисбийлик назарияси, элементар зарралар назарияси ва бошқа назариялардан ташкил топган. Таъкидлаш лозимки, олам нарса ва ҳодисалари ҳақидаги назарияларнинг ўзи ҳам назарияга тааллуқли бўлиши мумкин. Бундай ҳолда бу жараён метаназария деб аталади. Амалий фаолиятда назарияларни бир-биридан фарқ қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай назария қанчалик ҳақиқат бўлмасин, объект ҳақида тўла, узил-кесил, мутлақ тугалланган билимни бера олмайди. Тараққий этиб бораётган билим янги далилларни, қоидаларни очиб бераверади. Бу далил ва қоидаларнинг моҳияти, мазмуни эски назарияга мос келмасдан унинг доирасига сиғмайди. Натижада, назарияни ўзгартиришни ёки янги назария яратишни талаб этади. **Бир назарияни иккинчи назарияга ўтиши билиш назариясининг қонуниятли ҳодисасидир.** Албатта, бу жараёнда эски назариянинг маълум бир жиҳатлари янги назарияда сақланиб қолишини ҳам унутмаслик лозим. Изланувчи ёки ижодкор уларни инобатга олганда, фаолияти унумли бўлади.

Илмий ижодда тавсиф этиш (характерлаш) муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар бир нарса ёки ҳодиса ўзининг тузилиш мазмун, ички ва ташқи фаолияти, боғланиши, ўзаро муносабатларига эга. Ана шу томонларни тавсифлаш учун ҳам билим керак. Тадқиқотчи ўз объекти ҳақида билимга эга бўлмаса, у изланиши жараёнида боши берк кўчага кириб қолиши мумкин. Демак, тадқиқотчи ўзининг объекти ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлгандагина уни тавсифлай олади. Тавсифлашда бирёкламаликдан узоқлашиш зарур. **Нарса ёки ҳодисага**

турли томондан ёндашиб, у ҳақида батафсил билимга эга бўлишни таъминлаш тавсиф этишдир. Масалан: бирор кишининг фаолиятини тавсифлаш учун, уни қаерда, қандай оилада туғилганлиги, касби кори, билим даражаси, оилавий ҳолати, теварак атрофга бўлган муносабати, жамиятга бўлган қарашлари, сиёсий муносабатларда ўзини тутиши, қизиқувчанлиги ва бошқа томонларини мукамал билиш керак. Ушбу хислатларнинг ҳисобга олинishi натижасида ўша кишига нисбатан тўлароқ тавсиф берилади. Демак, тавсифлашда диалектик ёндашиш яхши натижаларни беради. Диалектик ёндашишда нарса ва ҳодисаларнинг ҳолатига яқиндан кириб борилади. Бундай қилиш тавсифлаш жараёнида хатолардан сақлаб қолади.

Илмий ижодда тушунтириш услуби ҳам зарурий ҳолатдир. Объектни тушунтириш учун шу объектни ижодкор ўз тафаккурида қайта ишлаган бўлиши керак. Аниқроғи мукамал билимга эга бўлиши лозим. Тушунтириш ва тушуниш инсон фаолиятининг ажралмас қисмидир. Тушунтириш ва тушуниш бўлмаганида эди, ривожланиш ҳам бўлмас эди. **Тушунтириш деганда, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, улар тўғрисида тингловчига билим бериш тушунилади. Тушуниш эса, тушунтириш натижасида ҳиссий қабул қилинган билимлар йиғиндисидир.** Тушунтириш ва тушуниш илмий ижоднинг муҳим томонларини ташкил қилади. Тушунтиришда ҳам турли босқичлар мавжуд:

1. Объект ҳақида бошланғич билимга эга бўлиш;
2. Тушунтириш учун зарур бўлган шарт –шароитлар зарурлиги;
3. Объектни асослаш учун моддий ва маънавий далил ва бошқалар.

Тушунтириш ва тушуниш диалектик муносабатда бўлиб, иккала ҳолат мавжуд бўлмаса ижод тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Чунки булар ижоднинг икки томонидир. Бирор объектни тушунтириш бир ёки бир неча марта бўлиши мумкин. Бу субъектнинг ҳолатига, зехнига, қабул қилиш ҳиссиётига ҳам боғлиқ. Шахс тушунмаган жараёни тушуниш учун турли воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Воситалар эса графиклар, видеофильмлар, тажрибалар, моделлар, кўргазмалар қуроллар бўлиши мумкин. Тушунтириш ва тушунишда такрорлаш муҳим аҳамиятга эга. Такрорлаш изланувчи шахснинг эса тутиш қобилиятини чиниқтиради, олаётган билимини мустаҳкамлайди. Демак, тушунтириш ва тушуниш ижодий фаолиятнинг муҳим томонларидир. Айниқса, бу жараёнлар иқтисодий тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга. Сабаби иқтисодий объектни тушуниш кўп омилларга боғлиқ. Бу омиллар инсоннинг турли фаолиятларидир. Иқтисодиёт соҳасидан изланиш олиб бораётган ижодкор объектни тадқиқ қилишда уни жамоа, жамият учун зарур ёки зарур эмаслигини тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган далилларга эга бўлиши керак. Бу далилларни изланувчининг ўзи яхши тушунмаса уни тушунтириш қийин бўлади. Иқтисодий тадқиқотчининг билим даражаси муаммони тушуниши билан боғлиқ. Тадқиқот натижасида эришилган янгилик қонун ва қарорлар қабул қилиш учун асосдир. Шу сабабли ҳам иқтисодий соҳада тушунтириш ва тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий ижодда индукция ва дедукция усулларидан ҳам фойдаланилади. **Индукция - жузъийликдан умумийликка қараб бориш жараёнини ўзида мужассамлаштирган тушунча.** Индукция ижод соҳасида ҳам амал қилади. Унда объект ҳақида хулоса чиқарилади. Индуктив хулоса чиқаришда билимнинг хусусий муҳокамаларидан умумий қоидаларига қараб ҳаракат қилинади. Тўлиқ ва нотўлиқ индукция мавжуд бўлиб, тўлиқ индукцияда бир туркумдаги объектлар ҳақида умуман шу туркумдаги объектларнинг ҳаммасини қамраб олиш асосида хулоса ҳосил қилинади. Нотўлиқ индукцияда эса объектларнинг баъзиларини қараб чиқишга асосланиб хулосалар чиқарилади, яъни бунда объектнинг асосий белгилари, алоқа ва муносабатлари таҳлил қилиниб хулосалар олинади. Тўлиқ индукция амалиётда камроқ қўлланилса, нотўлиқ индукция кенгроқ фойдаланилади. Аммо нотўлиқ индукцияда тўла маълумот олиб бўлмайди. Шу сабабли иккала жиҳатни бир-бирдан ажратиб

бўлмайди. Ушбу усулларни фан тарихида ишлаб чиқишда Арасту, Ф.Бэкон, Р.Декарт, Дж. С. Милль ва бошқаларнинг ўрни катта бўлган.

Индукция усули ҳамма фанларда қўлланилади. Масалан: индуктив йўл билан рус олими Д.И.Менделеев кимёвий элементларнинг даврий тизими қонунини кашф этган. Индукция дедукция билан боғланган. **Дедукция умумий хулоса чиқариш маъносини беради, яъни хулосалар умумийликдан жузъийликка томон боради. Бу дедукциянинг асосий тамойилидир.** Масалан: “ҳамма металллар электр ўтказувчилардир” деган хулосалар умумий хулосалар бўлса, темир ўтказувчи, дейилганда у хусусийдир. Дедукцияда исбот ёки асослардан натижа чиқариш тушунилади. Бунда хулоса мантикий қонунларга суянган ҳолда чиқарилганлиги сабабли у ишончли бўлади. **Аниқроқ айтилганда дедуктив хулоса ҳукмлар йиғиндисидан иборатдир.** Ушбу услуб билимнинг маълум соҳасида далилли ашёни тўплангандан сўнг мазкур материални (ашёни) чуқурроқ ўрганиш, уни тизимлаштириш, бутун натижаларини жиддий суръатда хулоса қилиб чиқариш ва шу каби вазифаларни бажариш мақсадида қўлланилади. Эндиликда дедуктив услуб турли шаклларда, асосан аксиоматик, гипотеза-дедуктив усуллар шаклида қўлланилади. Мавжуд далилли ашёдан дедуктив назариялар яратилади. Назария чиқаришда бошланғич қоидалар мажмуи танлаб олинади ва улардан фан қонун-қоидаларидан фойдаланиш йўли билан қолган бутун билим хулоса қилиб чиқарилади. XX асрнинг бошларигача дедукция ёрдами билан математика ва мантик назариялари тузилган бўлса, ҳозирги пайтда физика, биология, лингвистика, социология, педагогика, психология, иқтисодиёт ва бошқа фанларнинг назариялари ҳам ишлаб чиқилиши учун қўлланилишига ҳаракат қилинмоқда.

Хусусий хулосалардан умумий хулосаларга ўтиш абстракциясиз бўлмайди. Умумий қонунлардан фойдаланиш учун эса абстракциядан аниқ бўлган ҳолатга ўтиш лозим. **Умумий фикрдан, қонундан хусусий қонунларни мантикий равишда келтириб чиқариш, кашф этиш, ижод қилиш дедукциянинг асосий вазифасидир.** Ўз вақтида

буюк аллома ал- Хоразмий ҳар хил хусусий ҳоллардан индукция йўли билан ўзининг “уч квадратли” тенграмасини тузган. Индукция ва дедукция ўзаро боғланиш муносабатида бўлганда ижод равақ топади. Ҳозирги пайтда индукция ва дедукция усуллари фан ва техникада, иқтисодиётда кенг қўлланилмоқда ва турли назарияларни ишлаб чиқишда қўл келмоқда.

Илмий тадқиқот олиб боришда **анализ ва синтез усуллари ҳам қўлланилади. Анализ ва синтез маълум қисмлар билан бир бутун орасидаги алоқа ва муносабатлар, хусусиятларни аниқлаш йўли билан билим берадиган жараёнлардир.** Анализда бутун тизим моддий ёки фикран қисмларга ажратилади. **Анализ бутунни билишнинг асосий ва зарурий босқичидир.** Анализ ва синтезлаш жараёни инсонларнинг назарий, амалий фаолиятларидан келиб чиққан ва такомиллаша борган. Инсонлар ўз тафаккури орқали турли соҳаларни анализ ва синтез қилиб кейинчалик кундалик эҳтиёжидан олинган натижаларни ҳаётга татбиқ этганлар. Аввал бутунни қисмларга ажратиб, сўнг бу қисмларни бир-бирига қўшиб бутунни яратганлар. **Қисмлар аввал алоҳида – алоҳида бўлақларга бўлиниб ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.** Бу хулосалар бутун учун синтездир. Илмий ижодда анализнинг ўзи якка ҳолда натижа бермайди. Шу сабабли синтезга мурожаат қилинади. Ўз навбатида синтез ҳам шундай тавсифга эгадир. Мураккаб тизимли объект ўз бўлақлари йиғиндисидан иборат бўлмаганда уни тафаккурда ўзаро алоқадорликни тўлалигича қайтадан ҳосил қилиш учун синтездан фойдаланилади. Демак, синтез ва анализ услублари бири иккинчисини тақозо этади. Айнан синтез йўли билан инсон ўз тафаккури орқали кўплаб аниқликлар ва муносабатларни аниқлайди, яхлитликни келтириб чиқаради. Синтез бутунликни таъминлайди. Анализ ва синтез ижоднинг атиги бир-бирини тўлдирувчи, бир-бири кетидан боровчи тор жараёни эмас. Анализ ва синтез ижоднинг ҳар бир босқичида объект алоқадорлигини ҳам ифодалайди. Анализ синтезсиз самарасиздир. Бинобарин, анализ қилинганда ижодкор нарсанинг бўлақларига тўла тушуниб этади.

Шундай бўлса-да, синтезга мурожаат қилади. Синтез объектнинг бирикувини қай ҳолатда боришини тушунишга ёрдам беради. Демак, анализсиз синтез, синтезсиз анализ бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда ижод жараёни ҳам тўлиқ бўлмайди. Анализнинг асосий вазифаси мураккаб тизимли бутунни, унсурларини, сифатини ўрганишдан иборат. Чунки бутуннинг моҳияти бўлаклар орқали очиб берилади. Нарсаларни, объектларни тавсиф қилиш анализга боғлиқ. Масалан: иқтисодий соҳаларни анализ қилиш ишлаб чиқариш жараёнининг тараққий этишига имкон яратади ёки аксинча, ишлаб чиқариш усулини билиш учун аввало ишлаб чиқариш кучларини, ишлаб чиқариш муносабатларини, таклиф ва талабларни якка-якка анализ қилиш лозим. Бу ҳолатлар тафаккур орқали амалга ошади. Зеро, тафаккур ижод жараёнининг ўзагидир. Анализ ва синтез қотиб қолган жараёнлар эмас. Улар таъсирида ҳам янги фикрлар ижод намуналари келиб чиқади. Масалан: фан тараққиётини анализ қилиш натижасида янги фанлар пайдо бўлади ва ривожланади. Улар эса фалсафий синтез қилинади. Мураккаб тизимларни бирданига билиб бўлмайди. Уларни ташкил қилган бирлашмалар алоҳида-алоҳида ўрганилиб, сўнг бутунлигича ҳам ўрганилади.

Илмий ижод **қиёслаш** усулидан ҳам фойдаланишни тақозо этади. **Қиёслаш тадқиқ қилинаётган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни билишга, уларнинг алоқа ва муносабатларини аниқлашга ёрдам берадиган билиш усулидир.** Қиёслашнинг икки тури мавжуд:

1. Алоқадор бўлмаган объектларни қиёслаш;
2. Алоқадор бўлган объектларни қиёслаш.

Ушбу усуллар ёрдамида тадқиқотчи ўз тадқиқоти жараёнида янги хулоса ва мулоҳазаларни беради. Янги илмга эга бўлади. Бу услуб анализ услуби билан алоқа ва муносабатдадир. Улар бири иккинчисини тўлдиришга ёрдам беради.

Илмий ижодда абстракциядан ҳам фойдаланилади. **Абстракция деб, кўп қиррали объектларнинг ҳар бирини якка-якка ҳолда эмас,**

балки маълум бир қисми ҳақида умумий фикр юритишга айтилади. (Абстракция - узоқлашув, мавҳумлик). Абстракцияда манбанинг баъзи хусусиятлари ва боғланишлари фикран ажратилади. Унинг бошқа хусусиятлари ва боғланиш ҳамда муносабатлари назардан соқит қилинади. Бунинг таъсирида пайдо бўлган тушунча, тасаввур, абстракциядир. Абстракцияда нарса аниқ ҳолда билинмайди, мавҳум ҳолда инсон кўз ўнгида гавдалантирилади. Масалан: кундалик ҳаётда учрайдиган ҳодисалар, ўрикнинг пишиши, самолёт учиши, қуёшнинг кўриниши аниқдир, лекин булар доимий ҳаракатни билдиради. Аслида бу жараёнлар абстракциядан далолат беради. Шунинг унутмаслик керакки, абстракция аниқ нарсалар учун умумий бўлган белгиларни ажратиш кўрсатиш имконини беради. Унда предметдан узоқлашиб, четлаб ўтиш намоён бўлса-да, аслида уларнинг моҳияти мазмунига кириб боришига шароит яратилади.

Абстракция ҳар хил қўшимча таъсирлардан йироқлашган ҳолда, объектларнинг асосий муҳим хусусиятларини ажратиш олиб, соф ҳолда қараб чиқиш ва шунга асосан уларнинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Инсонларнинг амалий фаолияти қанчалик мураккаблашиб боргани сари, уларнинг абстракциялаш қобилиятлари ҳам тараққий этиб, такомиллашиб боради. Амалий эҳтиёжлар охири оқибатда турли фанлар билан бирга абстракцияларни вужудга келтириб, объектларнинг кўплаб хусусиятларидан қайси бирини ажратиш кўрсатишини аниқлаб беради. Бинобарин, **жонли мушоҳададан назарий жиҳатларга ўтиш аниқликдан абстракцияга ўтиш демакдир.** Ижод бу билан охирига етмайди, албатта. Аниқликдан абстрактликка ўтиш ҳам зарур. Демак, абстракция инсоннинг, ижодкорнинг онги тафаккури билан боғланган. Инсонсиз абстракция, абстракциясиз инсон бўлиши мумкин эмас.

Такидлаганимиздек, абстрактлаштириш объектларни мукамал билишда фикрий жиҳатдан кўмаклашади. Масалан: иқтисодий назария ҳам турли тушунча ва қонунлардан ташкил топади. Бозор, пул, қиймат, товар, ишлаб чиқариш усули, бозор муносабати, қўшимча қиймат,

рақобат, даромад, ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари каби тушунчалар абстракциялаш ҳолатининг маҳсулидир. Абстрактлаш жараёни мантиқ ва математикада устувор характердадир.

Демак, абстрактлаштириш орқали ҳам билимга эга бўлинади. Бу жараён, яъни **абстрактлаштириш идеаллаштиришнинг бир туридир**, ёки аксинча. Бу соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғланган. **Идеаллаштиришда объектнинг моддийлик жиҳатларини инкор этиб, хаёлий бир нарса ёки ҳодисани топишга қаратилган жараён тушунилади.** Идея сўзи лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида “ғоя” бўлса, идеаллаштириш деганда, умуман ғоялаштиришни тушунмаслик керак.

Идеаллаштириш ва абстрактлаштириш ўртасида умумийлик ҳамда тафовут ҳам бор. Иккала соҳада ҳам мақсадни бажаришда соҳадан узоқ туриб иш юритилади. Аммо уларнинг соҳадан узоқ туришлик хоссаси бир хил эмас.

Демак, нарса ва ҳодисадан умуман узоқ туриш, бу идеаллаштиришнинг юқори нуқтасидир. Абстрактлаштиришда биринчи, иккинчи, учинчи каби даражалар бўлади. Абстракция ёрдамида олинган мукамаллик натижаси идеаллаштиришдир. Бинобарин, **идеаллаштириш деб, табиат ва жамиятдаги нарса ёки ҳодисани ўрганишда унинг барча хусусиятларини ўрганиб эмас, балки фақат керакли бир хусусияти орқали ўрганиш мумкин эканлигини тушунмоқликка айтилади.** Идеаллаштириш ўринсиз бўлса, турли хатоликларга олиб келиши мумкин. Айниқса, тарих воқеаларини идеаллаштириш бунга мисол бўлади. Тарихий воқеаларни қандай бўлган бўлса, шундайлигича тушунтириш лозим. Акс ҳолда нотўғри, ёлғон хулосаларга олиб келади ва ижод ҳамда ижодкорни чалкаштиради.

Илмий ижодда **аналогия** (ўхшашлик) услубидан ҳам фойдаланилади. Аналогия бу - ўхшашлик, мослик маъноларини беради. **Демак, аналогия нарса ва ҳодисалар ўртасида бирон-бир жиҳатдан ўхшашликни кўрсатувчи жараёндир.** Нарса ва ҳодисаларни тадқиқ

қилишнинг маълум бир усули билимни кенгайтириш воситаси ҳамдир. **Нарса ва ҳодисалардаги маълум бир бошқа белгилар билан ўхшашлигини билгач, биз уларнинг бошқа белгилар билан ҳам ўхшашлиги ҳақида хулоса чиқара оламиз. Бундай хулоса чиқариш ўхшашлик бўйича хулоса чиқариш, дейилади.** Бу эса ўз навбатида бир нарса ёки ҳодиса ҳақида олинган билимларни бошқа нарса ёки ҳодисага ўтказишга имкон беради. Ижод, билимни бундай кўчириш кўпинча эҳтимолликка асосланган ҳолда қисман тўғри бўлиб чиқади. Чунки нарса ва ҳодисалар ўртасида ўхшашлик тўлиқ эмас. Мутлак ўхшашлик йўқдир. Ҳеч бўлмаганда ҳар бир нарса ёки ҳодиса макон ва вақтда жой олиб ҳаракат қилишида фарқ бор.

Нарса ва ҳодисаларни фақат ташқи қиёфаларига қараб ўхшашлигини топиш ижоднинг охириги нуқтаси бўлмаслиги керак. Қачонки ички ўхшашликлар ҳам инобатга олинса, унда ҳар бир ижодий хулоса яхши натижа беради. Фанда кўпинча баъзи мураккаб масалаларни бошқа оддийроқ масалалар ёрдами билан ечишга, баъзи ҳодисаларда юз берадиган жараёнларни, мабодо уларни бевосита тадқиқ қилиш имкони бўлмаса, бошқа ҳодисаларда ўрганишга тўғри келади. Ана шу ҳолатда аналогияга, ўхшашликка мурожаат қилишга тўғри келади. Аналогияда, ўхшашликда текширилаётган нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти жиҳатидан умумийлиги асос қилиб олинади. Бундай ёндашиш нарса ва ҳодисаларнинг асл мазмунини тушунишга ёрдам беради. Айтиш лозимки, маълум ўхшашликларни билиш натижасида билинмаган ўхшашликни келтириб чиқариш, топиш, ижодда янгиликдан иборатдир.

Ижодда аналогия, ўхшашлик услуби **моделлаштириш** услубига яқин туради. Улар ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа бор.

Моделлаштириш деганда, ижод объектининг ҳар хил шаклларини моддий ва фикрий жиҳатдан яратиш усули тушунилади. Илмий ижодда кўпроқ ушбу усулдан ҳам фойдаланилади. Моделлаштириш усулида предметнинг ўрнига бошқа, яъни ўша предметнинг модели яратилади ва ўрганилади. Ҳозирги вақтда

иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг турли моделларидан фойдаланилади. Моделлар ёрдамида бутунлай янгича модел пайдо бўлиши мумкин. Бунга мисол бозор муносабатларига ўтишнинг “ўзбек модели” пайдо бўлишидир. Аслида иқтисодиётда Швеция, Хитой, Япония, Америка, Тайван, Жанубий Корея, Туркия моделлари мавжуд. Модел сўзи намуна, тимсол маъноларини англатади. **Модел-элементлар тизими бўлиб, бу тизим тадқиқ этилувчи нарсанинг (асл нусхасининг) муайян томонларини, алоқа ва боғланишларини қайтадан яратилишидир.** Гипсдан, картондан, пластмассадан, тахтадан ва бошқа материаллардан ясаладиган, айнан инсонларнинг, музейларда, ўқув юртларида ва бошқа жойлардаги макетлари моделларнинг намуналаридир. Ушбу моделлар турли соҳаларни ўрганиш учун кенг фойдаланилади. Ҳозирги замон фани нарса ва ҳодисаларнинг хусусият ва хоссаларини қайтадан яратиш учун кўпроқ белги моделларга, яъни математик ёки мантиқ белгиларининг махсус тузилмаларига эътиборни қаратмоқда. Масалан: агар бирон-бир иқтисодий ташкилот-корхона, саноат тармоғи учун характерли бўлган алоқалар, жараёнларни ифодаладиган тенгламалар тизими тузилса, худди ана шу нарса айти тузилманинг белги (математик) модели бўлади. Моделлаштириш учун муайян ўхшашлик (аналогия) тадқиқ қилинувчи объект билан унинг модели ўртасидаги мувофиқлик асос қилиб олинади. Бу ҳолат моделдан ҳақиқий изланаётган объектга ўтишга, унда модел ёрдамида олинган натижалардан фойдаланишга ёрдам беради. Моделнинг асл нусхаси билан яратилган нусхаси ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Бу тафовут изланувчи томонидан аниқланиши талаб этилади. Ушбу услуб тадқиқотчининг меҳнатини енгиллаштиради. Маълумки, шундай нарса ва ҳодисалар борки, уларнинг катталиги, узоқлиги ёки кичик бўлганлиги сабабли унга бевосита ёндашиб бўлмайди. Шу муносабат билан моделлаштириш усулига мурожаат қилинади. Моделлаштириш объект ҳақида ҳиссий тасаввурни пайдо қилади. Бу айниқса, маъхум нарса ёки ҳодисани тадқиқ қилишда янада муҳимдир. Масалан: Н. Борнинг атом модели

атомнинг кўпгина хусусиятларини, жумладан беқарорлигини ёки узоклаша олишини билишга ёрдам беради. Моделлаштириш усули нарса ва ҳодисаларнинг тарихий, яъни билиб олинган томонларини изоҳлабгина қолмайди ва фақат шунинг учунгина яратилмайди. Моделлаштириш нарса ва ҳодисаларнинг маълум бўлмаган томонларини англашга, билишга ҳам чорлайди. Билиш имкони бўлмаган жараёнларнинг ҳам хусусиятларини очишга ёрдам беради. Моделлаштиришда ҳозирги замон техникавий ютуқлар кўл келмоқда. Айниқса, бунга электрон ҳисоблаш, компьютерлаштириш соҳалари мисол бўла олади.

Илмий ижодда **тизимли ёндашув ҳам мавжуддир. Тизимли (системали) ёндашув деганда, қисмлардан ташкил топган ва муайян тарзда бир-бири билан боғланган ҳамда бир бутун яхлитликни ташкил этадиган жараёнларнинг ҳаммаси тушунилади. Тизимлар:** оддий, мураккаб турларга бўлинади. Масалан: оддий тизимга мисол қилиб ошхонадаги идиш-товоқлар йиғиндисини олиш мумкин. Мураккаб тизимга эса, ўсимликлар, ҳайвонот олами тизимларини олиш мумкин. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш тизими, ишлаб чиқариш муносабатлари тизимлари мураккаб характердадир. Илмий ижодда нарса ва ҳодисаларга тизимли ёндашиш талаб этилади. Тизимли ёндашиш натижасида олинган натижалар ҳақиқатдан узоклашмайди. Шу сабабли тизимли ёндашув олдида турли вазифалар туради. Булар қуйидагилар:

- илмий ижодда нарса ва ҳодисаларни фақат яхлитликда эмас, умумийликда мураккаб тизим сифатида таҳлил қилиш;
- тизим ва тизимларнинг моҳиятини илм жиҳатдан тутган ўрнини аниқлаш;
- тизим ва тизимлар ҳақида холисона билимга эга бўлиш;
- олиб борилаётган тадқиқот тизими бошқа тадқиқотлар тизимидан фарқ қилиши ва бошқалар.

XX асрда пайдо бўлган фанлар барча соҳаларда тизимли ёндашувни талаб этмоқда. Сабаби табиат ва жамиятдаги барча нарса ва ходисалар якка ҳолда эмас, балки ўзаро боғланган ва алоқададир.

Таянч тушунча ва иборалар:

Тажриба, назария, тавсиф, тушуниш, тушунтириш, индукция, дедукция, анализ, синтез, абстракция, аналогия, моделлаштириш, тизим.

Мавзуга оид саволлар:

1. Методологик билим поғоналари нима?
2. Ижодни ифода этиш усулларини айтинг.

VI боб. Башорат ва илмий башорат ижодий жараён сифатида

Фанда башорат тушунчаси. Башорат ва ҳозирги замон иқтисодиёти

Башорат – у ёки бу воқеаларни олдиндан айтиш, мавжуд бўлган, лекин ҳали тажрибада қайд этилмаган воқеалар ёки ходисалар ҳақидаги билимдир. Башорат ҳам инсон фаолияти билан боғланган. Масалан, 1503 йилда туғилган Микаэл Нострадамуснинг башорати 2240 йилни қамраб олган бўлиб, 1557 йилдан 3797 йилгача давом этади. **Нострадамуснинг башорат китоби «Центруя» деб аталган.** Юз мисрадан иборат бу китоб шеърӣ услубда ёзилган. Унинг башорати бутун Европани ва ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган. **Нострадамус башоратининг бир қисми ҳаётлигида ҳамда кейинги йилларда амалга ошган.**

Масалан, 1582 йилда Григорий тақвими жорӣ қилинганлиги, 1597 йилда чакмоқтошдан милтикнинг кашф этилиши, 1609 йилда Галилей таълимотининг пайдо бўлиши, 1536 йилда Канаданинг кашф этилиши, 1546 йилда Португалларнинг Японияга етиб бориши, 1618 йилда термометрнинг ихтиро қилиниши, 1642 йилда Австралиянинг кашф этилиши, 1769 йилда Англияда буғ машинасининг кашф этилиши, 1812 йилда Наполеоннинг Россияга ҳужуми, 1841 йилда телеграфнинг ихтиро қилиниши, 1876 йилда телефоннинг вужудга келиши, 1895 йилда рентген қурилмасининг яратилиши кабилар. Булардан ташқари, Нострадамус кўплаб бошқа воқеаларни, ҳалокатлар, касалликлар, зилзила, очликлар бўлишини башорат қилган. Таъкидлаш лозимки, Нострадамус ўз вақтида Библия ва кўплаб донишмандларнинг асарларини чуқур ўрганган. Унинг башорати шуларнинг натижаси бўлса керак. Демак, башорат ҳам инсоннинг билимига боғлиқдир. Нострадамус юлдузлар фаолиятини ҳам чуқур таҳлил қилган. Бу илмий башоратдир. Чунки олдиндан айтиб беришни объектив қонунлари башоратчининг назаридан четда қолмаган. Олдиндан айтиб бериш у ёки бу шахснинг истеъдодига ҳам боғлиқ.

Фан тараққиёти қанчалик илгариласа, олдиндан айтиш жараёни шунчалик тезлашади. Башорат қилиш деганда яна шундай жараёнлар тушуниладики, бирон-бир ҳодисанинг ривожланиш истиқболлари махсус илмий равишда ўрганилиб хулосалар чиқарилади. Башорат қилишга мисол қилиб ойнанинг ва қуёшнинг тутилиши, кунлик, ойлик, йиллик об-ҳаво ўзгаришларини, жамоада бўладиган баъзи ҳодисаларни олиш мумкин.

Ҳозирги замонда иқтисодий соҳаларни башорат қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий башоратда турли усуллардан фойдаланилади. Иқтисодий ривожланишни ўрганишда билишнинг махсус услублари зарур бўлади. Усуллардан экстраполяция, тарихий аналогия, тарихийлик-мантиқийлик, моделлаштириш, индукция ва дедукция кабилар иқтисодий ривожланишни белгилашда фойдаланиладиган усуллардир. Иқтисодий назарияларни ишлаб чиқишда футурология, экология ва бошқа фан усулларида ҳам фойдаланилади. Иқтисодчи олимлардан Ж. Гэлбрейт узоқ муддатли иқтисодий башорат асосида янги индустриал жамият назариясини ишлаб чиққан бўлса, Д. Белл шундай ёндашиш натижасида постиндустриал жамият назариясини, Р. Арон эса, ягона индустриал жамият назариясини, У. Ростоу эса ўсиш босқичлари назарияларини яратдилар.

Башорат қилиш учун воқеликни мукамал билиш талаб этилади. Башоратни пайдо қилувчи қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу қонуниятларнинг ўрни тўғри белгиланганда башорат натижалари бўлади. Маълумки, ҳозирги инсон ўта зиддиятларга бой даврни бошидан ўтказмоқда. Шунга қарамасдан, XXI аср жамиятларида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни аниқ ва равшан башорат қилиш талаб этилади. Бу жойда иқтисодиёт университетида тайёрланган «Илмий ижод методологияси» қўлланмасидан қуйидаги мулоҳазаларни олиш кифоядир: “Илмий ижод ва прогноз қилиш методологиясидан иқтисод, демография, социологияда бозор иқтисодининг ривожланиш тенденцияларини ҳамда ҳозирги кун жараёнлари ва бўлажак

жараёнларни иқтисодий ўрганишнинг муайян методларига татбиқан фойдаланилади. Масалан, Д. Медоуз иқтисодий прогноз қилиш ёрдамида инсониятнинг глобал муаммоларини анализдан ўтказди, худди шундай тадқиқотларни Ж.Форрестер ҳам ўтказди, америкалик таниқли сиёсат арбоби З. Бжезинский илмий прогноз қилиш асосида демократия, сиёсат институтлари, эркин бозор иқтисоди, ҳозирги замон ахборот, компьютер технологияларига асосланган ҳозирги замон ва келажак технотрон жамияти назариясини яратади.

Э. Тоффлернинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг учинчи тўлқинига мансуб юксак даражада саноатлашган жамиятни шакллантириш борасидаги тадқиқотлари, Ф.Фукуяманинг «тарих якуни» ва тараққиётнинг тарихдан кейинги босқичига бутун инсониятнинг ўтиши концепцияси асосига қурилган прогнозлари, С. Хантингтоннинг Ғарб (христианлик) ва Шарқ (ислом, буддизм, ламаизм ва бошқалар) қадриятлари бир-бирига тўла номувофиқлиги негизида келажакда икки цивилизация – Ғарб ва Шарқнинг муқаррар тўқнашуви содир бўлиши ҳақидаги прогнози катта ижодий ва прогностик қизиқиш уйғотади.

Рим клубининг яқин тарихий истиқболда бутун инсониятнинг глобал ривожланиши жараёнларини прогноз қилиш борасидаги фаолиятини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Италиялик иқтисодчи ва тадбиркор А.Печчеининг ташаббуси билан 1968 йилда ташкил этилган Рим клуби олимлар, иқтисодчилар, бизнесменлар ва сиёсатчиларни бирлаштирган халқаро ноҳукумат ташкилотдир. Рим клубининг фаолияти ҳозирги даврнинг глобал муаммоларини муттасил кузатиб бориш ва прогноз қилиш, ижтимоий тараққиётнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, экологик, озиқ-овқат, хом ашё, демографик ва бошқа компонентларининг ривожланиш йўллари ва тенденцияларини аниқлашга йўналтирилган. Рим клуби XX асрнинг охиридаёқ ўз илмий прогнозлари асосида иқтисод, аҳоли ва ҳоказолар ўсишининг «энг юқори чегараси» ҳақида глобал хулосалар чиқарди ва шу билан бир

вақтда, бу иқтисодий, ижтимоий – сиёсий ва демографик муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилди.

Иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни илмий прогноз қилишнинг улкан эвристик ва прогностик аҳамиятини қайд этган ҳолда, илмий прогноз қилишнинг реал имкониятларидан келиб чиқиш кераклигини уқтириб ўтмоқчимиз, зеро, ҳар қандай, ҳатто жуда аниқ ва ишончли прогноз ҳам ҳаққоний эмас, балки эҳтимол тутилган билимдир. Эҳтимол даражаси жуда баланд бўлган тақдирда ҳам прогноз амалда руёбга чиқиши ёки қоғозда амалга оширилмай қолиб кетиши мумкин.

Масалан, прогноз қилишнинг турларидан бири – экстраполяция қилишнинг афзал жиҳатлари билан бир қаторда қуйидаги жиддий камчиликларга эга: келажак сари ҳаракатланишга қараб экстраполяциянинг аниқлик даражаси пасайиб боради. Бинобарин, ўтмиш ва келажак ўртасида аналогия ўтказишнинг прогностик қиммати жуда кам, зеро, келажакнинг асосий жиҳатларини ўтмишни такрорлаш билан боғлаш мумкин эмас. Бунини яхши тушунган Гегель шундай деб ёзган эди: «Хукмдорлар, давлат арбоблари ва халқларга тарих тажрибасидан ибрат олишни маслаҳат берадилар. Аммо тажриба ва тарих халқлар ва ҳукуматлар тарихдан ҳеч нарсани ўрганмаганликларини кўрсатади. Ҳар бир даврда шундай алоҳида шарт-шароитлар вужудга келади, ҳар бир давр шундай индивидуал ҳолатга эга бўладики, бу даврда фақат мана шу ҳолатдан келиб чиқиб қарорлар қабул қилиш зарур ва мумкиндир».

Иқтисодий илмий тадқиқот фаолиятида моделлаштириш ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. Прогностик модел – бу прогноз объектининг иқтисодий модели (ёки схемаси) бўлиб, уни ўрганиш объектнинг келажакдаги (иқтисодий) ҳолатлари, шунингдек, бу ҳолатларга эришиш йўллари ҳақида ахборот олиш имконини беради.

Сценарий ёзиш деганда мавжуд вазиятдан келиб чиқиб келажак ҳолати қадам-бақадам қандай шаклланиши мумкинлигини кўрсатиш мақсадида ҳодисаларнинг мантиқий изчиллигини аниқлаш методи тушунилади. Бу таърифни америкалик таниқли прогнозчи Г. Кан

берган. Моҳият эътибори билан бу метод эксперт баҳолаш методига яқин, аммо бунда у иқтисодий моделлаштиришга хос бўлган тизимли ёндашувни ўзида мужассамлаштирган.

Ҳозирги замон иқтисод фанида қайси иқтисодий вазифа биринчи навбатда ҳал этилишига қараб илмий прогноз қилишнинг икки тури: тадқиқотчилик прогнози (изланиш йўсинида прогноз қилиш) ва норматив прогноз қилиш тафовут этилади. Тарихий тенденцияларни анализдан ўтказиш асосида иқтисодий ривожланишнинг объектив мавжуд тенденцияларини прогноз қилиш тадқиқотчилик прогнози деб аталади. Мазкур прогноз тури ривожланишнинг инерциялилик белгисидан фойдаланишга асосланади. Бунда замонда мўлжал олиш «ҳозирги замондан келажакка» схемаси бўйича амалга оширилади.

Иқтисодий прогноз – бу ҳозирги замондан прогноз сарҳадига томон инерция бўйича ҳаракатланишда иқтисодий ривожланишни кўриб чиқиш натижасида олинган прогноз объектининг келажакнинг маълум давридаги ҳолати манзарасидир. Келажакнинг маълум белгиланган даврида муайян иқтисодий, ижтимоий–сиёсий ва бошқа мақсадларга эришиш имконини берадиган иқтисодий ривожланиш тенденцияларини прогноз қилиш норматив прогноз қилиш, деб аталади. Бу ҳолда замонда мўлжал олиш «келажакдан ҳозирги замонга» схемаси бўйича амалга оширилади.

Иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни прогноз қилиш методологияси тадқиқ қилишнинг қуйидаги асосий босқичларини ўз ичига олади: прогноз қилишдан олдин мўлжал олиш (прогноз объектини, предметини, тадқиқот мақсадлари, вазифалари, ишчи гипотезалари, методлари, тузилиши ва ташкилотини аниқлаш); прогноз муддати (маълумотлар тўплаш, объектнинг иқтисодий ривожланишига уларнинг таъсирини ўрганиш, олинган маълумотларни қайта ишлаш); объектнинг хусусияти ва тузилишини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар ва ўлчамлар тизимини ўз ичига олувчи бошланғич модел; тадқиқотчилик прогнози (истикболлар ва муаммоларни аниқлаш учун прогноз фонидаги омилларни эътиборга олган ҳолда бошланғич моделни

келажакка проекция қилиш); норматив прогноз, яъни бошланғич моделни келажакка проекция қилиш; прогностик моделларнинг ҳаққонийлик даражасини баҳолаш ва уларга аниқлик киритиш; экспертларни сўровдан ўтказиш; прогностик моделлар асосида қабул қилинадиган қарорларни мақбуллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Иқтисод соҳасида прогноз ва илмий башорат қилишнинг вазифаси ўрганилаётган объектнинг иқтисодий ривожланиши сабаблари, қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучларини очиқ бериш, улар асосида келажак ҳақида ахборот олишдан иборат. Иқтисодий ривожланишни прогноз қилиш натижаларидан ижтимоий жараёнларни мақбул бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Илмий билиш ва ижод нафақат келажакни башорат ва прогноз қилиш, балки уни онгли равишда шакллантириш имконини ҳам беради. Фаннинг эвристик маъносини «Башорат қилиш учун билиш, билиш учун башорат қилиш», деб таърифлаш мумкин. Илмий ижод тарихи кўп жиҳатдан илмий башорат тарихидир. Унинг кучи ва қамрови фаннинг ижодий, билиш салоҳиятининг етуқлик даражасини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ишлаб чиққан «Бозорга ўтишнинг ўзбек модели» демократия, бозор иқтисодиётига ўтиш ва фуқаролик жамияти қуриш шароитларида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини теран ижодий-илмий башорат қилишнинг ёрқин намунасидир. Бу модел иқтисод, социология, политология, ижтимоий прогноз соҳасидаги жаҳонга машҳур мутахассисларнинг олқишига сазовор бўлди.

Мазкур модел иқтисодий ривожланиш соҳасида иқтисодий-хўжалик фаолиятини ҳар томонлама анализдан ўтказиш ва бу фаолиятнинг барча омилларини эътиборга олиш вазифасини ҳал қилади. Бундай анализ жамият тараққиётининг ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавий омилларида содир бўлган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда иқтисодий ривожланиш жараёнларини тушунтириш, башорат қилиш ва бошқариш учун зарурдир. «Ўзбек модели» илмий ишлаб чиқилган ва

хаётга муваффақиятли татбиқ этилаётган ижодий башорат намунаси сифатида бозор, фуқаролик жамияти ва ҳар томонлама ривожланган демократия сари Ўзбекистоннинг ҳаракатини ижтимоий бошқаришнинг илмий ва методологик негизини ташкил этади.

«Моҳиятни тушуниб етмасдан, юмук кўз ва шошма-шошарлик билан мақсад сари эркин сузишга чиқиш мумкин эмаслигини биз ҳаммамиз яхши тушунишимиз керак,- деб қайд этади И.А.Каримов. – Бунинг учун авваламбор аниқ йўналишни белгилаш, мустаҳкам кемани танлаш, ишончли жамоани тўплаш, уни оғир шароитларда сузишга ўргатиш ва фақат шундан кейин йўлга чиқиш керак. Бу эса жуда оғир ва мураккаб вазифадир. Буларнинг барчасини эътиборга олиб, биз мустақилликни кўлга киритган пайтимиздан бошлаб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг назарий ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш билан шуғулланаяпмиз».¹

Башоратнинг турлари

Илмий ижод кўп қирралидир. Шу сабабли ижод жараёни башоратни ҳам қамраб олади. Мақсад башоратлардан унумли фойдаланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш инсонлар турмуш тарзини юксалтиришга ёрдам беради. Келажакни башорат қилиш бу - келажакни олдиндан тушуниш, кўра билиш, унинг табиатини, хусусиятларини аниқлаш билан чегараланиб қолмайди. Башоратнинг хусусиятларидан яна бири бу - башоратнинг қандай қилиб воқеликка ўтиш жараёнини ҳам олдиндан айтишдир. Бунинг учун башоратда қўлланилаётган математик ҳисоб-китоблар аниқ ва равшан бўлиши лозим. Ҳисоб-китоблар воситаси билан ҳали маълум бўлмаган нарса ёки ҳодисани башорат қилиш фан тарихидан маълум. Бу ҳақда О. Файзуллаев қуйидаги далилларни келтиради: “Нептун планетаси ҳам мана шундай йўл билан кашф этилган. Гап шундаки, 1846 йилгача қуёш системасида фақат еттита планета бор, охиригиси Уран деб ҳисобланар эди. Астрономлар Уран ҳаракатини кузатар эканлар, бу осмоний жисм

¹ Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. Т.: Янги аср авлоди. 2004й. 66-70 бетлар.

ўз орбитасидан сал-пал четга чиқаётганини аниқладилар. Математик Леверье Уран ҳаракати тенгламаларини синчиклаб текшириб, номаълум бир осмоний жисм унинг ҳаракатига таъсир кўрсатаётганини аниқлади ва бу номаълум планетанинг ўша вақтда осмонда ишғол этган ўрнини, координаталарини олдиндан айтиб берди. Астроном Галле осмоннинг Леверье кўрсатган томонида яшириниб ётган Нептун планетасини ўзи ясаган телескоп ёрдамида кашф этди. Ана олдиндан кўришнинг математик усули! Бу усулдан ҳозир кенг фойдаланилмоқда.

Д.И.Менделеевнинг фикр юритиши – илмий башоратнинг ажойиб намунаси бўла олади. Менделеев кимёвий даврий қонунни кашф этганида (1869), ҳаммаси бўлиб 63 та элемент маълум эди. Табиатда бошқа элементлар борми? Бу саволга Менделеев «ҳа, бор» деб жавоб берган. Унинг ўзи учта элементнинг жадвалдаги ўрнини ва хоссаларини олдиндан айтиб берди. Бу элементлар кейинчалик топилди: галлий (1875), скандий (1879), германий (1886).

Менделеев жадвалида кўрсатилган 92 элементдан тўрттасининг ўрни кўп вақт бўш ётди. Уларнинг мавжудлиги олдиндан билинган эди, лекин қани улар? Улар табиатда топилмагач, сунъий усул билан олишга тўғри келди. Чунончи, 1937 йили уларнинг бирини олишга муваффақ бўлинди. Бу янги элемент техника йўли билан топилгани учун, унга технеций, деган ном берилди. Шу усул билан қолган учтаси ҳам топилди. Улар: астат, прометий ва франций. Шундай қилиб, 92 элементнинг ҳаммаси фанга маълум бўлди. Уларнинг 29 таси мўлжаллаш, тусмоллаш, башорат асосида кашф этилди.

Кимёвий элементлар яна борми? Назарий физика 92 рақамдан кейинги элементларни олдиндан кўрди ва бу саволга ижобий жавоб берди. Экспериментал физика буни тасдиқлади. Кашф этилган сунъий кимёвий элемент даврий системада 103 катакни тўлдириб турибди. 104-элементни Г. Н. Флёрв ўз лабораториясида 1964 йили кашф этди. Олимлар 105-элементни ҳам топдилар. Илм-фан яна бошқа кимёвий элементлар борлигини олдиндан кўраяпти”¹.

¹ О. Файзуллаев., Фалсафа ва фанлар методологияси. Т., 2006 й. 50-бет.

Башоратнинг турлари: 1. Оддий, 2. Индуктив, 3. Диний, 4. Илмий башоратлардир.

Оддий башорат бу кундалик ҳаётда учраб турадиган, турмуш тарзидан келиб чиқадиган башоратдир. Оддий башоратларда тафаккур орқали исбот талаб қилмайдиган оддий жараёнлар ҳақида фикр юритилади. Масалан, баҳорнинг келиши, келажакда мевачеваларнинг мўл бўлишидан далолатдир. Демак, инсон ўз тафаккури орқали келажакни ўз замони билан боғлаб хулоса қилади. Бу хулоса тўғри чиқади. Башорат турлари эҳтиёжга боғлиқ.

Индуктив башорат кўпроқ фараз қилиш билан боғлиқдир. Аммо фараз ҳам инсоннинг ақл-заковати, идрок қилиши билан боғлиқ. Ақл эса, инсон руҳининг юксак даражада такомиллашуви ва унинг намоён бўлишидир. Ақл инсон миясининг маҳсули. Ана шу ақл барчада бўлса-да, аммо бир-биридан фарқ қилади. Баъзилар ақллари амалиётда чархласалар, бошқалар фан орқали ривожлантирадилар. Айримлар турмуш тарзидан фойдаланадилар. **Ақл ҳам объектив олам тўғрисидаги билимдир.** Демак, интуицияда ақл ва фаросат етакчи ўринга эга.

Диний башорат эса инсонлар ва бутун олам фаолиятига бағишланган. У келажакни айтиб беришга қаратилгандир. Диний башорат пайғамбарлар ва Оллоҳ номи билан боғланган. Тўғри, пайғамбарлар Оллоҳдан келган ваҳийлар орқали башорат қилсаларда, улар ҳам башоратларни воқелик билан боғлаганлар. Масалан, Имом Исмоил Бухорийнинг ҳадиси шарифларида шундай воқеа ҳақида фикр юритилади: «Анас Ибн Молик разияллоҳу анху ривоят қиладилар: «Макка аҳли Расулуллоҳу алайҳи ва салламдан (пайғамбар эканликларининг исботи учун) мўъжиза кўрсатмоқликларини талаб қилди. Шунда ул зот ойни иккига бўлиб кўрсатдилар, хатто одамлар Ҳироъ тоғини ойнинг икки бўлаги орасида кўришди (яъни, бир бўлаги тоғнинг у томонида ва иккинчи бўлаги тоғнинг бу томонида турди) ». Кўриб турибмизки, бу диний башорат талаб асосида заруриятдан келиб

чиққан ҳолда, амалга оширилган. Қиёмат кунлари ҳақидаги фикрлар ҳам диний башоратдир.

Илмий башорат ижод шакли сифатида

Олдиндан кўришда объектив зарурий шарт-шароитлар кифоя қилмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижодкор олдиндан объект ривожини айтиб бериш қонуниятларига асосланган назарияни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Шу сабабли ҳам **илмий башорат деганда, келажакдаги ҳодисалар, нарсалар ривожини, оқибатларини, хусусиятларини олдиндан айтиб бериш имкониятини тушуниш керак.** Айниқса, ижод жараёнида илмий башорат илмий далилларга ички ва ташқи шарт-шароитларга қатъи риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Акс ҳолда илмий башорат куруқ гап бўлиб қолаверади. Чунончи, назария ҳам объектив реалликни тўғри акс эттирган бўлиши лозим. Шундагина илмий башорат ижод шакли сифатида шаклланади. Ижодда илмий башорат ҳам билишнинг ўзига хос шаклидир. Сабаби, унда ҳам турли манбалар, ахборотлар ҳақида фикр юритилади. Таъкидлаш керакки, илмий башорат ижод жараёнида эҳтимолликни инкор этмасдан балки унга яқин туради. Зеро, билиш жараёни ҳали ривожланмаган ҳолатни билишга чорлайди. Илмий башорат табиат, жамият тўғрисидаги илмий билимни ҳар томонлама таҳлил қилиб, инсонни билим билан бойитади. Унутмаслик керакки, илмий ижодда илмий башорат маълумдан номаълумни ҳам келтириб чиқаради. Демак, унда, илмий ижод жараёнида илмий башорат амалга ошириладиган тадқиқотларнинг хилма-хиллигидан келиб чиқиб иш тутиш керак. Бинобарин, башорат ўта аниқликни талаб қилмаса-да, шу аниқлик атрофида фикр юритади ва илмий ижодга ўз хиссасини қўшади. Илмий башорат эвристик характерга эга. Шу сабабли ҳам илмий башоратни эътироф этадилар. Олам чексиз бўлганидек, башорат чегараси ҳам чексиздир.

Яна шундай башоратлар борки, масалан, фазодаги сайёраларнинг жойлашуви, ҳолати, таассуротини ўрганиб ҳам фикр билдирганлар.

Хожа Али Термизий ўзининг “Наврўзнома” рисоласида Наврўзни хафтанинг қайси куни кирса, ўша йили қандай воқеалар содир бўлишини баён қилган бўлса, “Солнома” асарида эса Наврўзнинг қайси мучал йили кирса, қандай ҳодисалар рўй беришини баён қилган. Биз бу ерда “Наврўзнома”дан Хожа Али Термизийнинг башоратларини қандай ёзилган бўлса, шундайлигича келтирамиз:

“Агар **Наврўзи Олам якшанба куни** доҳил бўлса (кирса), Шамс (Қуёш)га тааллуқли бўлур. Ул сол (йил) неъматлар кўп бўлиб, тўқлик бўлғай, фитна ва ёмонлик оз бўлғай, ғўзаларга яхши бўлғай, тоғлардаги полизлар ва экинлар яхши бўлғай ва дехқонларнинг экинлари биткай. Йилни аввалинда арзони (арзончилик) бўлғай, охирида андак қимматли (қимматчилик) бўлғай, аммо тез ўтгай. Халқ орасида муҳолафатчилик (қарама-қаршилиқ) бисёр бўлғай. Халойиқ орасида вабо бўлғай. Ва машриқ тарафидин андак фитна ва ховфи хунрези (қон тўкиш) бўлғай ва оғирлик охири бахайр бўлғай. Экинларни эртароқ эқмоқ керак. Валлоҳу аълам биссавоб.

Агар **Наврўзи Олам душанба куни** доҳил бўлса, Қамар (Ой)га тааллуқли бўлғай. Ул йил тўқлик бўлғай, неъматлар кўп бўлғай, ёмғир кўп ёқғай. Подшоҳларга андак хавфлик бўлғай ва баъзи савдогарлар холи заиф бўлғай. Ғўза экин яхши бўлғай. Кунжут, тарик қўноқ миёна (ўртача) бўлғай, қор-ёмғир йилнинг аввалинда бўлғай. Тоғларда ва Ироқда зилзила бўлғай. Ва баъзи полизларга офат етгай. Ва баъзига давлат бўлур. Аммо буғдой ширин бўлур, тез ўтгай, савдогарлик баста (ёмон) бўлғай. Бу йил заифларнинг аҳволи хўб бўлғай. Аммо катталарга бисёр мансабдорлик бўлғайлар. Валлоҳу аълам биссавоб.

Агар **Наврўзи Олам сешанба куни** доҳил бўлса, Мирриҳга (Марсга) тааллуқли бўлур. Ул йил фараҳ (шодлик)лик бўлғай ва кундан-кун таомлар кўп бўлғай, чаҳорполар (хайвонлар)га маъмурчилик бўлғай. Аммо одамлар орасида жанжал кўп бўлғай. Машриқ тарафнинг подшоҳига ташвиш кўп еткай. Ул йил экинларни эрта экса, яхши бўлғай, кечига офат текгай ва мевалар оз бўлғай. Йил охирида сел кўп бўлғай, ул йил ёмғир кам бўлғай. Бу йилда ҳам неъмат

кўп бўлгай ва нархлар арзон бўлган ва гиёҳлар бисёр бўлгай. Аммо бу йилда узум кўп бўлгай ва заифларнинг аҳвони танг бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврўзи Олам чаҳоршанба (чоршанба) куни** доҳил бўлса, Аторуд (Меркурий)га тааллуқли бўлгай. Ул йил қаҳатчилик бўлгай, кон тўкмоқ ва фитна-фасод кўп бўлгай. Аммо тезлик бирлан тартараф бўлгай. Ул йил полизлар кўп яхши бўлгай, аммо Хуросон тарафида арпа, буғдой қиммат бўлгай, мош, ловия, тарик, қўноқлар кўп бўлгай. Ул йил йилон, чиён, қуртлар кўп бўлгай. Ўлим заифларга ва ёш болаларга кўп бўлгай, аммо савдогарчилик кўп яхши бўлгай. Аммо ҳалойиқлар орасида кўз оғриғи кўп бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврўзи Олам панжшанба куни** доҳил бўлса, Муштарий (Юпитер)га тааллуқли бўлгай. Ул йил баъзи жойларда неъматлар кўп бўлуб ва баъзи жойларда оз бўлгай. Ёмғирлар ўз вақтида ёқгай, қор-ёмғир кўп бўлгай. Подшоҳлар ҳоллари яхши бўлгай ва ҳамма хунарпеша (хунарманд)лар касбларидин хурсанд бўлгайлар. Ва дарёлардаги киштилар (кемалар)га саломатлик бўлгай, лекин ҳалойиқлар орасида ёлғон сўз кўп бўлгай, беморлик кўп бўлгай, савдогарлик яхши бўлгай. Ул йил сипоҳ (лашкар)ларнинг аҳволи хўб бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврўзи Олам жума куни** доҳил бўлса, Зухрага тааллуқли бўлгай. Ул йил фараҳ (шод)лик ва фаровонлик бўлгай. Ёмғир кўп ёқгай, совуқ қаттиқ, қиш узун, йил охирида андак қиммат (чилик) бўлгай. Ғалла сақламоқ керак, бозургонлик савдогарчилик кўп яхши бўлгай ва кечки (зироат)га офат еткай. Ул йилда нархлар арзон бўлгай неъмат, фарох (кўп) бўлгай, зироатлар хўб бўлгай. Кунжут миёна (ўртача) бўлгай. Сипоҳ (лашкар)ларнинг ҳоли забун (оғир) бўлгай. Валлоҳу аълам биссаваб.

Агар **Наврўзи Олам шанба куни** доҳил бўлса, Зухал (Сатурн)га тааллуқлидир. У йил баъзи шаҳарларда қаҳатчилик бўлгай, ёмғур кўп ёқгай, хунрезлик (қон тўкишлик) ҳам кўп бўлгай. Жануб соридин (томондин) лашкар пайдо бўлур, уруш ва суқуш ва ўғри ва қароқчи кўп

бўлғай, фитна ва ёлғон фош бўлғай. Кузги экинлар яхши бўлғай ва мевалар камроқ бўлғай, йил охирида совуқ каттиқ бўлғай, киши узок бўлғай”.¹

Илмий башорат қилишда фалсафий хулосалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки фалсафа фанининг хусусияти ҳам илмий башоратга яқиндир. Аммо фалсафа фани реал имкониятларга асосланган ҳолда ўз муамоларини ривожлантиради, муаммоларни ечишга кўмаклашади. Шу билан бирга фалсафа фани илмий ижоднинггина методологияси бўлиб қолмай, илмий башоратнинг ҳам методологиясидир. Башоратчи ана шу методологияга суяниб ўз фикрини баён қилса, танланган йўл тўғри чиқади. Башорат натижаси унумли бўлади. Ижтимоий ҳаётни башорат қилишда ўтмиш, ҳозирги, келажакдаги жараёнлар ҳисобга олинади. Ёки табиатшунослик бўйича ижод қилувчи олим дастлабки аниқ билимларга эга бўлса ва унга амал қилса, тажрибалари моҳиятини тўла тушунган ҳолда амалга оширса, ижод жараёнида тасодифларни назардан четда қолдирмаса, у ҳолда олдиндан айтиб бериш жараёни ишонарли бўлади. Мураккаб объектларнинг хатти-ҳаракатини олдиндан айтиб бериш битта ёки иккита назарияни эмас, балки бирқанча назарияларни ҳам қамраб олиши мумкин. Чунки бу назариялар жараённинг айрим томонларини, омилларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши мумкин. Демак, баъзи башоратларни ўртага қўйишда бир фаннинг ўзи камлик қилиши мумкин. Бундай ҳолатда илмий башорат қилиш учун бир неча фанлар қонуниятларидан фойдаланилади.

Инсоният XXI асрга ўтар экан, унинг олдида янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Бу муаммоларни илмий тушунтиришда фаннинг ҳаракати камлик қилади. Демак, тараққиётни илмий башоратсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Изланувчи илмий башорат жараёнида илмий ижод билан шуғулланар экан, ижтимоий тараққиётни қайси йўналишда ҳаракат қилиши, бу ҳаракат қандай суръатлар билан боради, қандай тўсиқлар бўлиши мумкинлиги, тўсиқлардан қандай ўтиш зарурлиги,

¹ Хожа Али Термизий. “Наврўзнома”.

инсон фаолиятига қандай йўсинда таъсир қилиши кабиларни таҳлил қилади. Пировардида, тараққиётнинг истиқболи нимада эканлигини билиш учун жавоб излайди.

Иқтисодий–ижтимоий башоратлар маълум бир даврни ўз ичига олади. У давр қисқа ёки узун бўлиши мумкин. Бу башоратларда саноат, қишлоқ хўжалиги, моддий бойликлар, бошқарув жараёнлари ҳисобга олинади.

Узоқ даврни ўз ичига оладиган башоратлар маълум бир давлатлар, мамлакатлар фаолиятини қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда, фаолият кўрсатади. Бундай соҳаларга экологик жараёнлар, демографик хусусиятлар, озиқ-овқат муаммолари мисол бўла олади.

Таянч тушунча ва иборалар:

Башорат (илмий), постиндустриал жамият, иқтисодий башорат, сценарий ёзиш, прогноз қилиш (илмий), Рим клуби, экстрополяция, башорат турлари, илмий башорат, индуктив башорат.

Мавзуга оид саволлар:

1. Илмий изланишда прогнозни башорат қилиш қандай рол ўйнайди?
2. Фундаментал илмий ёки техникавий кашфиётларга олиб келган илмий башоратларга мисоллар келтиринг?
3. Иқтисодий тадқиқотларда илмий ижод ва башорат методологияси қандай рол ўйнайди?
4. И. А. Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» ишлаб чиқилиши илмий башоратнинг ёрқин намунаси сифатидами?

VII боб. Илмий тадқиқот ва ижод тизимида далил (факт)

Далил фалсафий категория сифатида. Далил турлари.

Илмий ижодда далиллар ўта муҳимдир. Далил бу - факт маъносида ишлатилади. Биз бу мавзунини ёритар эканмиз, факт сўзинини далил деб қабул қилдик. Далил бу - ҳақиқатни тасдиқловчи, инкор этиб бўлмайдиган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимлар мажмуаси. Далилнинг асосан иккита хусусияти бор:

1. Ҳаётий бўлган реал воқеалар, хусусиятлар, муносабатлар, алоқадорликлар, ўзгаришлар, жараёнларни ўзида ифода этади.
2. Ҳақиқатни исботловчи фикрларнинг тўлақонлилигини, инкор этиб бўлмаслигини, реалликка мослигини қарор топтиради.

Теварак атрофдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги, барқарорлиги, ҳодисаларга муносабат каби жараёнлар далилларга суянган ҳолда таҳлил қилинади, мушоҳада қилинади. (Аслида эса далил бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин). Бу объектга нисбатан шундай характерда бўлади. Сабаби, шундай нарса ва ҳодисалар борки, улар далил ва исботни талаб қилмайди. Демак, ана шу нарса ва ҳодисани тасвирлаш учун далилга мурожаат қилиш шарт эмас. Аммо, илмий ижодда эса далил зарурий талабдир. Фаннинг ажралмас қисмидир. Чунки фан янги, ҳақиқий билимларни бериш учун далилларга суянади. Ҳар бир ижод намунаси фалсафанинг категорияси бўлмиш – сабаб ва оқибат, имконият ва воқелик, мазмун ва шакл, зарурият ва тасодиф, моҳият ва ҳодиса бутун ҳамда қисмлар орқали, яъни уларнинг методологик хусусиятларидан фойдаланиб, ўз хулосаларини чиқаради. Бу хулосалар далил тушунчаси орқали амалга оширилганда ижодда мустаҳкам ўрин олади. Ижод натижаси ҳақиқатга айланади.

Далил фалсафий категориядир. Демак, у универсал характерга эга бўлиб, барча нарса ва ҳодисаларга тааллуқлидир. У ҳақиқатни тўлдирувчидир. Баъзи олимлар далилни ҳақиқат синонимидир, деб

тушунтирадилар. Бизнингча, бундай караш етарли эмас. Бу категориялар ўзаро яқин бўлсаларда, улар турлича вазифаларни бажарадилар. Аввало, ҳақиқат тушунчаси далил тушунчасига нисбатан кенг маънодаги тушунча бўлиб, у нисбий ёки мутлақ характерга эга. Ҳақиқатнинг нисбийлигини қўшимча далиллар билан тўлдириш мумкин ва ҳоказо. Ҳақиқатлар далилларнинг йиғиндисидир.

Шундай экан, далил бу воқелик ҳақидаги объектив ҳолда олинган ва исботланган, ўзгармайдиган ҳақиқий билимдир.

Далилнинг турлари қуйидагилар: 1. Ҳақиқий далил; 2. Ёлғон далил; 3. Тўлиқ далил; 4. Тўлиқ бўлмаган далил; 5. Тахминий далил; 6. Исботланмайдиган далил; 7. Исботланган далил; 8. Илмий далил ва бошқалар. Далил турлари воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг характеридан келиб чиқади. Далил алоҳида-алоҳида олинган нарса ва ходисаларни ўзида акс эттиради. Умумий далил бўлиши мумкин эмас. Далил – конкрет-аниқдир. Масалан, ҳақиқий далилда объект тўғрисида тўла тавсиф мужассамдир. Бу тавсиф ҳақиқатга зид келмасдан, балки қонун ва қонуниятлар асосида вужудга келган. Ёлғон далил эса бунинг акси бўлиб, қонунлар ва қонуниятга мос эмасдир. У фақат инсоннинг тафаккурида акс этади, холос. Ёлғон далиллар шубҳали бўлиб, уларни бир неча бор текшириш, аниқлаш талаб этилади. Ёлғон далиллар инсон томонидан ноҳўя иш ва фаолиятларда кўпроқ фойдаланилади. Аммо, ёлғон далиллардан ҳам воз кечиб бўлмайди. Ундан фойдали томонларини олиб, ҳаётга татбиқ этиш лозим. Масалан, шундай воқеа ва нарсалар бўладики, у тўғрисида (вазиятга қараб) ёлғон далил айтишга тўғри келади, яъни иккала қарама-қарши томонларни мослаштириш, келиштириш учун вақтинча ёлғон далилдан фойдаланиш мумкин.

Бу дегани, албатта ёлғон далиллар илмий ижоднинг асоси экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ёки тўлиқ бўлмаган далиллар тўғрисида сўз юритганда, изланувчи ўз фикрининг илмийлигини исботлаш учун қўшимча далиллар топишга ҳаракат қилади. Қўшимча далиллар эса тўлиқ бўлмаган далилни тўлиқ далил бўлгунича

кўмаклашади. Қўшимча далиллар илмий ижодда катта аҳамиятга эгадир.

Илмий ижодда шундай далиллар борки, уларни қайта исботлашга тўғри келади. Чунки давр ўтиши билан ҳар қандай далил қайта исботланишини талаб этади. Бу ҳолат айниқса, илмий кашфиётларда кўпроқ кўзга ташланади. Исботланган далиллар аммалиётда тўғридан-тўғри фойдаланилади.

Илмий ижод илмий далиллар негизида иш юритади, фаолият кўрсатади. Илмий ижодда далилларга эришиш оғир ва машаққатли меҳнатни талаб этади. Вақт ва сабрликни истади. Далилларни қўлга киритиш бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Иккала жараён ҳам зарурий ҳолатдир. Бевосита далилларни қўлга киритишда нарса ва ходисанинг ўз ҳолати, тараққиёти, ривожланиши кифоя қилади. Билвосита далилларни қўлга киритиш маълум шарт-шароитлар, қўшимча ашёлар, техник воситалар, кўргазмали қуролларни талаб этади. Изланувчи ижодкор бунга руҳий ва амалий жиҳатдан тайёр туриши керак. Демак, далилларни қўлга киритиш субъектив ва объектив шарт-шароитларга боғлиқдир.

Далил инсоннинг билим доирасини кенгайтиради. Билим инсоннинг ажралмас қисмидир.

Моддий олам оддий билим ости бўлган чексиз, ранг-баранг нарса ва ҳодисаларнинг йиғиндисидан иборатдек бўлиб кўринади. Аммо оддий кузатиш асосида ҳодисаларнинг моҳиятини билиш мумкин эмас. Агар билиш оддий кузатишдангина иборат бўлса, у вақтда биз ҳодисаларнинг қонун ва қонуниятларини асло била олмас эдик. Шу сабабли ҳам далилнинг асосий вазифаси моддий оламни билишда иштирок этиб, у тўғрисида инкор этиб бўлмайдиган фикрлар тасдиғини беришдир. Олам ва унинг қонуниятларини билиш осонликча кечмайди. У ҳақиқий илмий далилни, ижодни талаб этади. Оламни билиш ғоят мураккаб жараёндир.

Далиллар фаразларни таҳлил қилиш учун ҳам асосдир. Чунки фаразлар ҳали ҳақиқий илм эмас. Фаразлар ҳам билишнинг маълум

чегараси бўлса-да, инсон фаразларга асосланиб фаолият кўрсатмайди. Фаразларнинг ҳақиқийлигини текшириш, аниқлаш далиллар ёрдамида амалга ошади. Фаразларнинг ҳаётийлигини тасдиқлаш ёки инкор қилиш воқеликнинг характериға қараб тажриба ёки кузатиш, моделлаштириш, мантиқий ёндашишлар орқали амалга оширилади. Ҳар бир тадқиқот, маълумки, фаразларни ўртага ташлаш билан бошланади. Бу фаразлар тадқиқот негизини ташкил этса-да, далилга муҳтож. Ана шу далил орқали тадқиқот натижаси кўринади. Таъкидлаш лозимки, назариялар ҳам далиллар ёрдамида ўртага қўйилади ва ўз навбатида исботланади. Назариялар далилсиз, далиллар назариясиз бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда назариялар инсон миясидаги мулоҳазалардан иборат бўлиб қолаверади.

Далилнинг илмий тадқиқотдаги ўрни ва аҳамияти

Жамиятдаги баъзи муаамоларни айрим ижтимоий гуманитар фанларда, далиллар орқали тасдиқлаб бўлмаса-да, улар мантиқий далилларга асосланади. Мантиқий далиллар ҳақиқатга яқин далиллардир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мафкурамиз ҳақида фикр юритганида қуйидаги муҳим жараёнларни таъкидлайди: “... жамиятимиз мафкураси, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маъно-мазмунини белгилаб беради.

Эндиги энг долзарб вазифамиз – бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт, замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат.

Бунинг учун биринчи галда тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши–жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратилиши зарур”.

Бу вазифалар реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қўйилган. Мазкур вазифа кўпроқ гуманитар соҳаларга тааллуқлидир. Уларни амалга ошириш учун мантиқий далиллар асосида иш юритиб, дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётларнинг таъсирчанлигига эътиборни қаратиш долзарбдир. Тасдиқдан ўтказиб ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлмаган жамият тараққиётини фақат изчил тушунтириш, уларнинг ҳақиқат эканлигини тарғиб қилиш йўли билан ҳаётийлигини таъминлаш мумкин. Тушунтириш натижасида ҳар бир инсон ўзи яшаётган жамият ёки давлатнинг мақсадини теран англайди ва уни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Илмий тадқиқотда далил тўплаш бир қанча усуллар орқали амалга оширилади. Бу усулларга: кузатиш, тажриба ўтказиш, қиёслаш, анализ ва синтез қилиш, умумлаштириш, формаллаштириш, баҳс қилиш ва бошқалар кирази. Ана шу усуллар орқали далиллар тўпланганда объект объектив ҳолда тавсифланади. Объектив ҳолда тўпланган далил илмий ижодда юқори баҳоланади. Илмий билимда ёки илмий тадқиқотда далилнинг қуйидаги вазифаларини эътиборга олиш лозим:

1. Олдинги билимлар асосида янги билимларни ҳосил қилиш;
2. Нарса ва ҳодисалар тараққиётини тўғри акс эттириш;
3. Объектларнинг фаолиятини тўғри тавсифлаш учун асос шарт эканлигини ҳисобга олиш;
4. Объектив воқеликни тўғри тушунтиришдаги иштирокини эътироф этиш ва бошқалар.

Илмий ижодда юқорида таъкидланган далил турлари иштирок этиши мумкин. Албатта, уларнинг барчаси ҳақида тадқиқотчи тўла тасаввурга эга бўлиши, уларни бир-биридан ажратиши зарурдир. Акс ҳолда далиллар самара бермаслиги мумкин. Илмий далиллар кудратли кучга эга. Улар олдиндан айтиб беришни ҳам қуроолантиради. Масалан: “ Қушлар ва ҳашоратлар, яъни ҳаводан оғир объектлар фазо муҳитида учишга қодирлиги буюк механик Н.Е.Жуковский томонидан ҳозирги замон аэродинамикасининг негизини ташкил этувчи кўтарма куч назариясининг яратилишига олиб келди. Барча энг янги авиация ва

космонавтика воситалари – ракеталар, самолётлар, вертолётлар, дирижаблларни лойihalаш Жуковский кашф этган аэродинамика асосида амалга оширилди.” (мисол “Илмий ижод методологияси”. 73-74 бет).

Далиллар илмий тадқиқотнинг турли методларини онгли равишда ҳамда ижодий қўлланилиши натижасида олинади. Ижодий фаолият мураккаблиги сабабли, бу мураккаблик далиллар олишда ҳам намоён бўлади. Таъкидлаш лозимки, далиллар мавхум бўла олмайди. Ҳар қандай далил аниқдир. Бу аниқлик далиллар натижасидир. Фанларда далиллар ўз ҳолича кўзга ташланавермайди. Объектив реал нарса ва ҳодисаларни ўнлаб, юзлаб чиғириқдан ўтказиш натижасида пайдо бўлади.

Далилларни нисбий ҳамда мутлақ далилларга бўлиш йўли билан фарқлаш керак. Улар бир хил эмас. Масалан, Ўзбекистоннинг мустақил бўлганлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун мутлақ далилдир. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши, янги жамиятнинг пайдо бўлиши нисбийдир. Чунки янги жамиятнинг пайдо бўлиши жараёнида бозор муносабатларига ўтишнинг мазмун моҳияти давр талабидан келиб чиқиб, янги далиллар билан тўлдирилиши мумкин. Бу жараёнлар маълум фанлардаги ҳозиргача маълум бўлган далилларни тўлдираверади ва тармоқларини кенгайтиради.

Далиллар тўплашда услубларни тўғри танлай билиш катта аҳамиятга эга бўлиб, тўғри услуб танланганда хатолардан холи бўлиши мумкин. Аниқроғи, илмий тадқиқотнинг равнақи, келажаги услуб танлашда мужассамлашган. Илмий тадқиқотга далиллар ҳаёт бахш этади. Натижада фан тараққиёти ҳам жадаллашади. Унинг тизимида янги соҳалар пайдо бўлади.

Далиллар тўплаш фан нуқтаи назарида чексиздир. Сабаби, билишнинг ўзи ҳам чексиздир. Бу чексизлик оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг битмас-туганмаслигига олиб боради. Ана шу тариқа далиллар тўплаш инсон фаолиятдан доимий ўрин олган.

Илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчи ўз ижодида далил айтмаслигини сезган ҳолат ижобий ҳолатдир. Ушбу етишмаслик олимнинг илмий салоҳиятини, дунёқарашини оширишга мажбур қилади. Бундан ҳар қандай фан ҳам, изланувчининг ўзи ҳам фойда кўради, холос. Далилларни излаш жараёнида янги далилларга дуч келинади. Бу эса ўз навбатида янада янги далилларни очишга имкон яратади. Шундай экан, тадқиқотда далиллар узлуксизликни тақозо этади. Ушбу қонуниятлар таъсирида янги кашфиётлар пайдо бўлади. Бу эса ижодий изланувчи тафаккурининг ёрқин фаолиятини келтириб чиқаради. Янги далилларни ўз доирасида ўрганиш таъсирида, яъни уларни таҳлил қилиш, ўхшашлигини билиш, алоқа ва муносабатларга эътиборни қаратиш, фойда ва зарарини баҳолаш йўли билан ҳаётга татбиқ этиш жараёни ҳал этилади. Илмий тадқиқотда илмий далилларни тўплашдан мақсад ундан кундалик ҳаётда изчил фойдаланишдир. Ҳаёт, турмуш тарзи учун фойдали бўлмаган далиллар тўплашдан узоқ бўлиш ҳар бир тадқиқотчининг муҳим вазифасидир.

Илмий тадқиқотда далиллар ижодий изланувчининг илмий оламини яратади. Далиллар ижодкорга ҳаво ва сувдек зарурдир. Тадқиқотчи яратаётган янгилик, кашфиёт мантиқий далиллар, фаразлар, назариялар, мантиқий хулосалар жараёнида пайдо бўлади. Натижада эски далиллар инкор этилиб янгилари пайдо бўлади.

Демак, илмий тадқиқотда илмий далиллар нисбий ва мутлақ ҳақиқатни қарор топтиришда асосий қуролдир. Илмий тадқиқотда далил тўплаш изланувчидан маҳорат ва меҳнатни, изланувчанликни ва сезгирликни, тадбиркорлик ва хушёрликни, мутлақо софликни, объектив хулоса чиқаришни талаб этади. Тадқиқотчи эсан чиқармаслиги лозимки, изланиш натижасида олган янгиликлар, тавсиялар, хулосалар фақат ўзиники бўлиб қолмайди, балки улар жамият мулкига айланади. Ушбу жараёнларни ўз фаолиятида мужассамлаштирган шахслар фан тарихида оз эмас. Улар ўз далилларининг ҳақлигини исботлаш йўлида ўз жонларини фидо этганлар. Буларга мисол инквизация давридаги олимлар (Галилей,

Коперник, Жордано Бруно) фаолиятidir. Шундай экан, далиллар илмий ижоднинг таркибий қисмларини ташкил этади. Бу жараёнсиз изланувчи фаолият кўрсата олмайди.

Илмий тадқиқотларда далилларни тасдиқлаш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Сабаби, тадқиқотчининг эришган далиллари баъзи бошқа изланувчиларни шубҳага тушириши мумкин. Бу шубҳа изланувчини саросимага олиб келади. Шу сабабли тадқиқотчи ўзи эришган далилни охириги нуқта деб билмаслиги керак. Олдиндаги қарама-қаршиликларга руҳан тайёр туриши, матонатли бўлиш талаб этилади. Далиллар турли жараёнлардан муваффақиятли ўтгандан сўнг, натижаси кўринади. У ўзини амалиётда тасдиқласа, бу далилнинг келажаги порлоқдир.

Далил субъект ва объектнинг фаоллиги натижаси сифатида

Илмий ижод жараёни субъект(эга) ва объект(нарса) фаолиятига боғлиқ. Субъект ва объект далилнинг икки қанотидир.

Субъект ва объект ҳам фалсафий категориялардир. Субъект – бу объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш ва уларни нисбатан ўзгартиришга таъсир этадиган фаолият эгасидир. Объект – бу субъектнинг изланиш манбаи бўлиб, субъектга билим берадиган воқеликдир.

Субъект деганда, кўпроқ шахс, инсон фаолияти тушунилади. Шу билан бирга илмий изланишда иштирок этадиган замонавий техник воситаларни ҳам, инсоннинг ўзини ҳам субъект қаторига киритиш мумкин. Асосий субъект бошқа жонли мавжудотдан ўзининг амалий фаолияти билан фарқ қилади.

У воқеликни билибгина қолмайди, балки уни нисбатан ўзгартиради. Табиат ва жамият билан ўзаро мулоқотда бўлади. Ушбу жараёнда субъект фаол, объект эса пассивдир. Худди шу фаоллик инсонни субъектга айлантиради ва субъект табиий ҳамда сунъий воситалар ёрдамида табиат, жамият ҳодисаларига, нарса ҳамда жараёнларга, яъни ўз фаолиятининг объектига таъсирини ўтказди. Бу эса илмий далил тўплашнинг муҳим жиҳатларидир. Субъект фаолияти ҳақида И. Кант,

И. Г. Фихте, Г. Гегеллар тўхталиб, унинг фаоллигини кўп маротаба таъкидлаганлар. Объект фаолиятини ўзгартириш субъектга боғлиқлигини исботлашга ҳаракат қилганлар. Объектни тадқиқ қилиш субъектнинг онгига, тафаккурига жоиздир, деб тушунтирганлар. Онгнинг фаоллиги объектга нисбатан бирламчидир. Субъект тадқиқот жараёнида далиллар асосида иш юритиб объектга нисбатан амалий, ҳиссий, моддий жиҳатдан таъсир кўрсатади, уни ўзгартиради.

Ҳар бир объектда далиллар алоҳида-алоҳида бўлиши мумкин. Объект ўз фаолиятида жиддий эътибор беришни талаб этади. Бунда субъект объектга нисбатан аниқ ёндашади. Яъни, табиат ва жамият ходисаларини инсон(субъект) ўз ҳаётига яроқли шаклда ўзлаштириб олиш учун турли воситалардан, кўл ва оёқ, онг ва кўз, қулоқ ва хид билиш органлари, ҳаракат ҳамда бошқа жараёнлардан фойдаланади, уларни ишга солади. Шу сабабли субъект объектга нисбатан тубдан фарқ қилади. Демак, субъектнинг фаолияти тадқиқот далилларига нисбатан ҳам таъсирчандир. Субъектнинг фаолияти объектга нисбатан пайқаб олган қонуниятларга ҳам боғлиқдир.

Субъект ва объектнинг ўзаро таъсири далилнинг зарурий томонларидир. Таъкидлаш лозимки, субъект объектнинг ўрни, алоқалари, муносабатлари, қонуниятлари ҳақида тегишли билимга эга бўлмаса далил тўплай олмайди. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, яққаланган айирим шахс оламни билиш ва ўзгартиришга қаратилган фаолиятнинг субъекти бўла олмайди. Шахс жамият яратган меҳнат қуролларидан, тилдан, жамғарилган билимлардан, манбалардан фойдаланганлиги учун субъект бўлиб қолади. Бинобарин, доимо маълум бир ишлаб чиқариш усулига, маънавий - маданий тараққиётнинг маълум субъекти сифатида майдонга чиқиши мумкин. Унутмаслик керакки, далиллар эгаси бўлган субъект ва объект қарама-қарши томонларни ташкил этади. Қарама-қарши томонлар далилнинг ички ва ташқи томонидир, диалектикасидир. Далиллар ўз фаолияти пайдо бўлиши билан ҳам қарама-қарши фикрлар мажмуасидан иборатдир.

Қарама-қарши томонлар ҳал этилса, субъект томонидан далилларга эришилади. Субъектнинг ижодий ҳаракатининг натижаси далилларнинг пайдо бўлишидир. Субъект ва объект ҳодиса ва нарсалар умумий ҳаракатининг, томонларининг бир қисмидир. Нарсалар субъектсиз, жонсиз табиатлидир. Табиат ва жамиятни ўзгартириш субъект далилларига боғлиқдир. Маълумки, жамият ўз қонунларига мувофиқ ривожланади. Унга: онгга, иродага эга бўлган, ўз олдига далиллар тўплайдиган инсонлар киради. Баъзи объектларда эса ирода ҳам, онг ҳам, мақсад ҳам йўқ. Демак, субъект билан объект ўртасида зиддиятлар далиллар асосида ҳал этилади, бартараф қилинади. Натижада объектлар илмий изланиш, ижод жараёнида субъект фаолиятининг далил тўплаш курулларига айланадилар. Шу асосда субъект фаолиятига кириб боради. Демак, субъект ва объект илмий изланиш, далил тўплаш жараёнида дипломатик муносабатни ташкил этадилар.

Субъектнинг (инсоннинг) ёрдамчиларисиз ҳозирги замонни тасаввур қилиш қийин. Инсоннинг ёрдамчиларини эса сунъий жиҳозлар, компьютерлар, ҳисоблаш машиналари, турли мосламалар, асбоб ускуналар ташкил этади. Иккинчидан, инсон фаолиятининг маҳсуллари объектлар сифатида улар билан инсон ўзаро таъсирга киришиши ёрдамида муҳим далилларни пайдо қилади. Охир оқибат эса субъект объектни далиллар асосида ўзгартириб, ўзлаштириб олади, ўз мақсадларига мувофиқлаштиради. Шу билан бирга субъектнинг ўзи ҳам билим билан бойийди, нисбатан дунёқарашини ўзгартиради. Янги мақсадларни топади ва уни бажариш учун янги далиллар излайди.

Таянч тушунча ва иборалар:

далил, ҳақиқат, субъект, объект, далил турлари, фараз, илмий далил, далил тўплаш ва илмий ижод, субъект-объект фаоллиги, тўлиқ далил, ёлғон далил, далил вазифалари.

Мавзуга оид саволлар:

1. Илмий тадқиқот ва ижод тизимида далил нималарни ифодалайди?
2. Далилда субъект ва объект қандай вазифани бажаради?
3. Далил фалсафий категория сифатида нималарни изоҳлайди?

VIII боб. Тажриба ижод жараёнидаги далиллаш усули сифатида. Иқтисодиётда тажриба

Тажриба - билиш усули. Тажрибанинг билиш ва ижоддаги ўрни

Эксперимент сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, унинг таржимаси синов, тажриба, исбот деган маъноларни англатади. Шу сабабли, биз баъзи адабиётлардаги чалкашликларни эътиборга олиб, эксперимент сўзини айнан таржимаси «тажриба» сўзидан фойдаланамиз. Сабаби кўпгина муаллифлар «тажриба» билан «эксперимент» сўзи моҳиятини алоҳида-алоҳида тушунтиришга ҳаракат қилиб, сўзнинг таржимасини бузиб талқин қиладилар. Бу эса тушунчанинг мазмун ва моҳиятини аниқроқ тасаввур қилишни қийинлаштиради.

Тажриба бу – нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиш шароитида қайтадан ҳосил қилиш ва кузатишга имкон берадиган жараёндир.

Тажрибада нарса ва ҳодисаларнинг хилма-хил шароитларда тадқиқ қилиш, уни айтиш бир ҳолатда ва бошқа турли ҳолатларда истаганча такрорлаш, айрим бўлақларга бўлиш мумкин. Баъзи илмий ижодда айнан бу жараён амалга оширилмаса, натижа олиш мураккаб кечади. Демак, тажрибанинг хусусияти ҳам мураккаб. У кўп меҳнат, вақт, шижоат, тафаккур жараёнларини талаб этади. Аммо, тажриба инсоннинг объектига моддий ва маънавий таъсир кўрсатиш курали бўлгани учун илмий ижодда натижа олишни тезлаштириши, олинган натижаларнинг ҳақиқийлигига кафолат бўла олиши мумкин. Шу сабабли ҳам айтиш мумкинки, илмий ижодда қўлланиладиган бошқа усуллардан фарқ қиладиган энг муҳим усуллардан бири бу - тажрибадир. Тажриба ҳам инсон фаолияти натижасида келиб чиққан. Ушбу услуб кўпроқ табиат ҳодисаларини кузатиш натижасида ривожланади. Тажриба қадим замонлардан бошлаб маълум бўлса-да, асосан янги даврга келиб усул сифатида шаклланди. Унинг пайдо бўлишида У. Гильберт, Ф. Беконларни хизмати каттадир. Бу олимлар

тажрибанинг йўналишларини аниқлаб берган. Умуман, тажриба ҳақида, унинг моҳиятини тушунтириш учун турли фалсафий оқимлар пайдо бўлган. Эмпиризм, рационализм, иррационализм шулар жумласидандир.

Эмпиризм оқими вакилларининг фикрича, фақат тажрибага асосланган, сезгилар берган билимгина объектив олам нарса ва ҳодисалари ҳақида тўғри таъсаввур беради. Рационалистларнинг фикрича, ҳақиқий билиш ва ижоднинг ягона манбаи - инсон ақли, назарий тафаккурдир. Буларнинг такидлашича, ҳақиқатни билишда сезги маълумотларига асло асосланмаслик керак. Сезгилар воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг мазмун ва моҳиятини бузиб кўрсатади. Воқелик ҳақида ёлғон тасаввурларни пайдо қилади. Кўришиб турибдики, бу иккала оқим билиш жараёнидаги мазкур муҳим талабларни алоҳида-алоҳида бўрттириб талқин қилади. Аслида эса изланишда, билиш жараёнидаги улар баҳс юритишаётган иккала йўналишни ҳам унутмаслик лозим. Тажриба жараёнида иккала жараён ҳам муҳимдир. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Юқорида таъкидланганидек, эмпиризм деб аталувчи оқим, ижод жараёнининг моҳиятини тажриба доираси билан чеклаб кўядилар ва сезгилар фаолиятини муболағалаштирадилар-да ақл-фаросатни камситадилар. Рационалистлар эса аксинча, тафаккур ролини бўрттириб, сезгиларнинг ижод жараёнидаги аҳамиятини камайтирадилар. Ҳолбуки, ижодда тажриба, кузатиш фаол иштирок этишини назардан четда қолдирмаслик лозим.

Кашфиётлар тажриба ва амалий фаолият асосида юзага келади, чунки кашфиётлар тажриба орқали текширилади, аниқланади, ҳақиқатга айлантирилади. Илмий ижоддаги натижа аниқ тажрибалар асосида шаклланади. Демак, илмий ижодда объектив нарса ва ҳодисаларнинг янги хосса ҳамда хусусиятларини аниқлаш тажриба асосида амалга ошади. Шу сабабли ҳам илмий ижодда тажрибанинг тутган ўрни беқиёсдир. Тажриба эса кузатишлар билан мустаҳкам алоқадир. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Тажриба

кузатишлар орқали амалга оширилади. Тажрибанинг муҳим унсури бўлган кузатиш ҳақида файласуф Омонулла Файзуллаев ўзининг «Фалсафа ва фанлар методологияси» асарида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради:

“Ал-Фарғоний ҳам оламдаги воқеаларни ўрганишни кузатишдан бошлаган: 1) Нил дарёсида оқаётган сувнинг ҳажми, тезлиги ва баландлигини кузатиб Нил ўлчагич асбобини ихтиро қилган. Бу илмий натижа Миср давлати ва халқига анча иқтисодий ёрдам берди. Қишлоқ хўжалиги аҳли ал-Фарғонийнинг ўзи тузган йил календариди бу ўлчагич кўрсатмаларига амал қилиб, кўп ишлар режалаштирилди. Давлат солиқ тизимини жорий этиш анча осонлашди. Дехқонлар солиқни камроқ тўлайдиган бўлди; 2) Қуёш ва Ер ҳаракатлари муносабатларини кузатиш натижасида Ер шари сиртидаги географик кенглама ва узунлама координаталарига қараб, уларни кузатиб, ёз, куз, қиш, баҳор фасллари ва Қуёш кўринишлари қонуниятини аниқлаган.

Абу Наср Форобий Ер юзидаги давлатлар хусусиятларини ўрганиб, кузатиб, адолатли давлат яратиш масаласини кўтарган, Птолемей тизимида кузатишдан шаклланган назарияга ўтишда янги фикрлар айтган, геометрик алгебрага асос солган. Форобийнинг фикрича, кузатиш асбоб-ускуналар орқали амалга оширилади. Асбоб эса, табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Табиийлари кўз, қулоқ, сезги органлари, сунъийлари - одам ясайдиган асбоблар, жумладан мусиқа асбоблари.

Берунийнинг «Осор ал-Боқия», «Ҳиндистон тарихи» асарлари илмий кузатишлар ва уларни мушоҳада қилиш натижасида пайдо бўлган. У тошлар ҳолатларини кузатиб минералогия фанини, Ер сиртининг паст-баландлигини кузатиб геодезия фанини яратди. Берунийнинг фикрича, бевосита объектив кузатиш натижаси ҳақидаги ахборотларда субъектив фикр айтилиши мумкин.

Ибн Сино фикрича, сезги нарсани тўла билолмайди, фақат тафаккур тўла билиши мумкин. Тафаккур нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандай билиб олиши керак, ундан ортиғи керак эмас. Кўз кўрганда

нарсанинг рангидан ташқари узунлиги, бўйи, эни, шакли, шунингдек, ҳаракатда ёки жим турибдими, буни ҳам билиб олади. Баъзи сезги органлари қаттиқ, юмшоқ, ҳид, товушларни пайқайди. Сезиш ўзгарувчанликни, тафаккур ўзгармас боғланишларни белгилаб беради. Сезиш акциденцияларини, тафаккур субстанцияни билишда хизмат қилади. Ниманики билмоқчи бўлсак, билингани ёрдамида амалга ошади, дейди Ибн Сино.

Ибн Сино таъкидлайдики, одам сезги органлари ўзларини кузата олмайдилар, Масалан, кўз ўзини кузатмайди (бу, албатта ойна ихтиро этилгунча). У бошқа нарсаларни кўриш воситасидир.

Касални даволаш кузатишдан бошланади, дейди Ибн Сино. Диагностика шунга боғлиқ. Касалларнинг мижозларини суриштириб, шу асосида даволашга ўтиш Шарқ тиббиётининг асосий тамойиллардан бўлган. Шу асосида Ибн Сино хирургия, терапия, нерв тизими, ички касалликлар тиббиётнинг бошқа соҳаларидаги кашфиётларни рўёбга чиқаришга муяссар бўлди.

Нихоят, Ибн Сино касаллик ва уни тузатиш соҳасидаги илмий фикрларини қонун даражасига кўтарди. Дарҳақиқат, унинг 10 жилдлик китобининг номи ҳам «Медицина қонунияти» деб аталади.

Улуғбек жаҳонда телескопгача бўлган астрономиянинг буюк олими, кўп назарий кашфиётлар қилган. Гап шундаки, уларнинг ҳаммаси илмий кузатишдан, илмий экспериментдан бошланган. Кузатиш деганда, оддий кўз билан ёки микроскоп ва техника билан табиий ёки жамоа жараёнларини кўриб бориш тушунилиши мумкин. Лекин, лаборатория ёки обсерватория шароитидаги кузатиш – бу экспериментдир.

Улуғбек Қуёш, планеталар, юлдузларни ўзи қурдирган Самарқанд астрономия обсерваториясидаги ўша замон илмий асбоблари ёрдамида олиб борди. Қозизода Румий, Ғиёсиддин ал-Коший, Али Қушчи ва бошқа таниқли астрономлар ҳамда шогирдлар бу ишларни тадрижий равишда бажардилар.

Улуғбек илмий ижодининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у илмий ишларини воқеаларни кузатишдангина эмас, балки олдин ўтган олимларнинг кузатиш натижаларини ўрганиб уларни танқид қилишдан бошлади. Бор кузатув хулосаларини тўққа ва пучга ажрата олди. Унинг яна бир хусусияти шуки, осмон жисмларини кузатиш учун обсерватория куриш зарурлигини пайқаб, унинг конструкциясини фикран эксперимент ёрдамида аниқлади, осмон меридиани ва қуёш эклиптикаси ўринларини аниқлади, координата системаси барча элементларини фикран ва амалда ўрнатди. Обсерватория ишга тушди.

Кузатиш объектлари – Қуёш, Ой, планеталар ва юлдузлар, субъектлари Улуғбек ва бошқа кузатувчилар, кузатиш воситаси – секстант. Уларнинг ҳаммаси биргаликда кузатиш тизимини ташкил қилдилар.

Улуғбек кузатишлари табиий ҳодисаларни одам томонидан яратилган жаҳонда дастлабки мукамал сунъий иншоотлар орқали фандаги инъикосидир.

Кузатишдан бошлаб назарий мавқегача етмаган усулни гоҳо эмпирик усул ҳам деб юритилди. Унинг маъноси шуки, назарий жиҳатдан баён этилиши қийин бўлган жараёнларни эксперимент ёрдамида қонунлаштириш. Тажриба йўли билан аниқланадиган воқеалар. Кўп факторли ҳодисаларнинг меъёри бўлган оптимал параметрлар бўйича боғланишларни тажрибавий тадқиқ қилиш.

Эмпирик усул қуйидаги шаклларда намоён бўлади: а) бевосита, юзаки ифодалаш. Тарихий воқеаларни, ҳодисаларни, эсдаликларни дастлабки мантиқий баён этиш. Ботаника, археология моддий фактларини дастлабки ўрганиш; б) график усул - содда ва осон. Параметрлар орасидаги муносабатларни яққол кўрсатади; в) экстра - интраполяция усули эксперимент ёрдамида ҳосил бўлган сонлар ва рақамларни қайта ишлайди. Аналитик ва келгусидаги воқеаларни олдиндан билишда ишлатилади. Кўпинча эксперимент қилиш имконияти йўқ ҳолларда ҳам ишлатилади”¹.

¹ О.Файзуллаев. Фалсафа ва фанлар методологияси. Т., 2006 й. 41-43 бетлар.

Ижод жараёнидаги барча янгиликлар тажриба ва кузатишга боғлиқ. У ижодий фаолиятни мантиқан ифода этади. Унинг ҳақиқийлигини таъминлайди.

Тажрибанинг турлари

Тажриба ўтказиш ижодкордан катта масъулият ва меҳнатни талаб қилади. Уни ўтказиш учун махсус тайёргарликлар кўрилади ва тахминан қуйидагилар зарур:

1. Тажриба ўтказувчининг ўзи ёки махсус тадқиқотчилар гуруҳи.
2. Тажриба ўтказадиган махсус қурилмага эга бўлган жой (лаборатория).
3. Тажриба ўтказиш учун олинган объект, нарса ёки ҳодисалар.
4. Тажриба ўтказувчи ёки ўтказувчиларга ёрдам берадиган техник воситалар (Булар тажриба хусусиятига қараб танланади): микроскоп, телескоп, компьютер, электрон ҳисоблагичлар ва бошқалар.
5. Тажриба ўтказиладиган вақтни белгилаш. Тажриба ўтказиш давомида тасодифий ҳодисаларнинг олдини олиш чораларини кўриш ва бошқалар.

Тажриба ўтказишда тадқиқотчи марказий шахс “бош қаҳрамон” ҳисобланади. Сабаби у тажриба учун жавобгардир. Тажриба давомида тадқиқотчи барча маълумотларни бўйнига олади. Керак бўлганда ўз жонини ҳам аямайдилар. Масалан, фанлар тарихидан маълумки, буюк олимлар Мария Кюри, Пьер Кюрилар радиоактивлик соҳасини ўрганишда ўта хавфли тажрибаларни ўтказганлар. Фалокатни билсалар ҳам ўз ҳаётларини хавф остида қолдирсалар-да, тажрибани ўтказганлар ёки рус олими иқтисодчи, файласуф, сиёсат арбоби, табиатшунос А.А. Богданов (Дунёда биринчи қон қўйиш институтини ташкил қилган) қон қуйишни ўзида тажриба қилиб ўтказиш пайтида вафот этган. Бу каби ҳолатлар фан тарихида кўплаб учрайдики, бу тадқиқотчиларнинг беғараз фаолиятларидан дарак беради.

Тажриба у ёки бу нарса ва ҳодиса устида фақат бир марта ўтказилиб қолинмайди. Тажриба кўп марта лаб ўтказилади. У

шундагина ҳақиқатга айланади. Тадқиқотчининг фаолиятини ўзи ҳақиқатни топишга қаратилган бўлади. Тажриба бунга ёрдамлашади. Шу жиҳатдан бўлса керак, кўпгина олимлар тажриба усулини бошқа усуллардан устун қўядилар. Масалан: Карл Поппер (1902-1994) таълимотида тажрибани («Илмий кашфиёт мантиқи» асарида) бошқа усуллардан (жумладан индуктив усул) устун қўяди. Унинг фикрича, фаразларни ҳаммасини текширишдан, тажрибадан ўтказиш лозим. Тажрибадан ўтказилмаган тадқиқотлар инсонларни турли томонларга чалғитаверади.

Тажриба ўтказиш объектив хусусиятига қараб тажриба турларини танлашни тақозо этади. Олинадиган натижаларнинг келажаги ҳам танланган тажриба усулига боғлиқ. Шу сабабли тажриба турлари ҳам тадқиқотда катта аҳамият касб этади.

Тажрибанинг турлари сифатида қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Табиий тажриба;
2. Фикрий тажриба;
3. Реал тажриба;
4. Идеал тажриба;
5. Паралел тажриба;
6. Моделли тажриба ва бошқалар.

Маълумки, рус олимларидан И. М. Сеченов, И. П. Павловларнинг бош мия фаолиятлари ҳақида олиб борган тажрибалари табиий тажрибалардир. Улар инсоннинг бош мияси орқали организмда қандай ўзгаришлар содир бўлишини, айнан ошқозон тузилишидаги ўзгаришларни табиий тажриба асосида тушунтириб берадилар. Иккала олим ҳам ҳайвонларда олиб борган тажрибалари орқали рефлекслар жараёнини илмий асослаганлар.

Илмий тадқиқотда шундай жараёнлар борки, уларни ўтказиш учун жуда кўп маблағ, харажатлар мисли кўрилмаган ҳаракатлар талаб қилинади. Демак, бундай шароитда объект билан бевосита муносабатда бўлишнинг имконияти йўқ. Шу сабабли тажриба ўтказишда реал ёки

назарий жиҳатдан ишланган модел устида тажриба ўтказилади. Асосий объект модел билан алмаштирилади.

Фикрий тажриба усули махсус характерга эга бўлган тажрибадир. Ушбу тажриба кўпроқ математика, биология, химия, техникавий, иқтисодий ва ижтимоий–гуманитар фанларда кўп фойдаланилади. Фикрий тажриба шарт–шароитларни тадқиқ этишнинг махсус умум илмий усулидир. Фикрий тажрибада барча ҳолатлар инсон тафаккурида қайта-қайта ишланади. Умумий ҳолатлар таҳлил этилади. Нарса ёки ҳодисанинг объективлиги ҳақида хулосалар мантиқан миёда ишланади. Бунда ақл-фаросат муҳим аҳамиятга эгадир. Бошқа тажрибалардаги мақсадлар сингари фикрий тажрибада ҳам мақсад тажриба ўтказилаётган объект ҳақида тўлиқ маълумот олиш, унинг янги хоссаларини очиш, кашф этишдир.

Таъкидлаш керакки, бундай тажриба ўтказишда тадқиқотчининг таланти, тасаввури, илмий фаразлари муҳим роль ўйнайди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фанлар жадал суръатлар билан ривожланди. Айниқса, космик фанларнинг ривожланиши бунга мисол бўла олади. Космик фанларда тажриба ўтказиш давр талабидир. Космик станцияда ва ер шароитларида бир хил воқелик устида бир вақтни ўзида олиб борилаётган тажрибалар ўтказилиши **параллел тажрибаларга** мисол бўла олади. Яъни, ердаги ҳолатларни сунъий равишда космик фазодаги ҳолатлар билан солиштириш жараёнида янги хулосалар олинади, кашфиётлар қилинади. Жумладан, космик фазода турли хил ҳайвонларнинг яшаш қобилятини ўрганиш тажриба бўлса, уларни яшаши ҳақида ерда ҳам тажрибалар ўтказилади. Уларда бўладиган ўзгаришларнинг мослиги ёки мос келмаслиги ҳақида маълум бир фикрга келинади. Бу параллел ўтказилган тажрибалар натижасидир. “Илмий ижод методологияси” муаллифлари иқтисодий тадқиқотларда фикрий тажрибани асослаш учун қуйидаги фикрларни ўртага ташлайдилар: «Пул микдорий назарияси иқтисодий тадқиқотларда ўтказиладиган фикрий экспериментга мисол бўла олади. Фикрий эксперимент ўтказиб, мазкур жамиятда маълум даврда М

ўртача пул миқдори муомалада бўлишининг ҳар хил ижтимоий–иқтисодий шартларини моделлаштириб ва ўзаро таққослаб, у қуйидаги боғлиқликларни келтириб чиқаради:

$$MV=PQ$$

Бу ерда: М - пулнинг ўртача миқдори; V-аҳолининг даромадлари айланмасида пулнинг муомалада бўлиши тезлиги; Р- товар ва хизматлар нархларининг индекси; Q- ялпи ёки соф миллий маҳсулот жисмоний ҳажмининг кўрсаткичи. Бу фикрий эксперимент иқтисодда объектнинг (бу ерда объект - бутун жамият) М, V , Р, Q иқтисодий ўлчамлари ўртасидаги мунтазам, такрорланувчи, қонуний (айнан-чизиқли) боғлиқликни аниқлаш имконини беради» (89-90 бет).

Идеал тажриба мантиқ қонуниятларига асосланиб, ҳар хил шароитлар ташкил қилиш йўли билан ўрганилаётган ҳодисани тушунишдир. У турли мураккаб ҳолатларда ҳодисани бир-биридан ажратиш ва шу ҳодисани «соф кўринишда» ўрганиш имконини беради. Натижада ўзига хос янги билим олинади ва қонуниятлар аниқланади.

Тажрибанинг иқтисодий билиш ва ижоддаги ўрни

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги замон фанларининг кўпчилиги тажриба усулидан фойдаланиб, ўз мавзуларини илмий кашфиётлар билан бойитмоқдалар.

Бундан иқтисодий соҳадаги фанлар истисно эмас. Иқтисодий фанлар ҳам илмий тажрибадан фойдаланиб унинг элементларига эътиборни қаратадилар. Бу элементлар: объектнинг ривожига ҳалақит берадиган омиллардан халос бўлиш, керакли ҳодисани турли сунъий ёки зарурий воситалар ёрдамида вазифани амалга оширмоқ кабилар. Илмий тажрибада прибор – асбоб-ускуналарнинг ўрни ошиб бормоқда. Улар орқали статистик маълумотлар қисқа муддатларда қайта ишланиб илмий мулоқотга олиб кирилмоқда. Айти пайтда, иқтисодий назариялар кўп ҳолларда статистикага ҳам суянган ҳолда ишлаб чиқилади.

Иқтисодий тажриба ўтказиш ҳам бошқа фанлардаги сингари, тарихий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Олиб

бориладиган тажрибалар тасодифий эмас, балки заруратдан келиб чиққандир. Иқтисоддаги илмий тажриба ўзидан олдинги ўтказилган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бу ерда ворисийлик ҳолати мавжуддир. Ворисийлик бўлмаса эди, инсоният ҳозирги ютуқларга эришмаган бўлар эди. Жамият тараққиёти ҳозирги ҳолатда бўлмас эди. Жамият мураккаб хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган «биологик» жараёндир. Биологик жараёндаги фаолият турли вазифаларни бажаргани учун организмлик хусусиятини йўқотмайди. Жамият ҳам шу кабидир. Жамиятни ушлаб турадиган, уни ривожлантирадиган «орган» бу иқтисоддир. Иқтисод сўзини мулоқотга олиб кирган олим Арасту бўлиб, Арасту давридан бошлаб у тўғрисида бош қотириб келадилар. Иқтисоднинг сўзма-сўз таржимаси, рўзгор юритиш саънати маъносини англатади. **Иқтисод том маънода инсонларнинг товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимлаш борасидаги хўжалик фаолиятини ўрганувчи соҳадир.**

Немис социолог олимларидан **Георг Зиммель** (1858-1918) «Ижтимоий табақаланиш тўғрисида» ҳамда «Пул фалсафаси» асарларини ёзиб қолдирган. «Пул фалсафаси» асарида жамият тараққиётида пулнинг ўрнини кўрсатиб берар экан, замонавий ҳаётда фикрий тажрибанинг ўрнини мукаммаллаштириб тушунтиради. У ушбу ҳолатни «мақсад-восита» сўзлари орқали ифодалайди. Ижтимоий муносабатларда пул харажати моҳиятини очиб беради. Демак, пул иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Иқтисодий тажрибалар асосида **Жон Мейнард Кейнс** XX аср бошларидаги иқтисодий кризисларни таҳлилдан ўтказиб «Бандлик фоиз ва пул умумий назарияси» номли асарида иқтисодий ҳаётга давлатнинг фаол аралашуви орқали иқтисодий инқироздан чиқиш учун бозор иқтисодиётини сафарбар этиш йўлларини таклиф этган. Унинг фикрича, давлат истеъмол ва инвестицияларни – ҳатто сунъий йўл билан бўлса ҳам рағбатлантириши керак. Одамлар маҳсулотларни сотиб олиши ва пулларини сарфлашлари лозим, шунда талаб ишлаб чиқаришнинг ўсишига, бу эса ўз навбатида ишсизликнинг камайишига

олиб келади. Бу ғоялар иқтисодий тажриба бўлди. Бу тажрибани Америка Қўшма Штатлари Президенти Ф.Д. Рузвельт XX асрнинг 30-40 - йилларида рўёбга чиқариб, Американи инқироздан олиб чиқди.

Ҳозирги замон иқтисодчи олимларидан бири **Фридрих Фон Хайек** бошқачароқ ғояларни ўртага ташлади. Унинг ғояси бўйича давлат иқтисодни назорат қилишдан мутлақо бош тортиши, бозор муносабатларининг ишига аралашмаслиги керак. Бозор муносабатларида мустақил қарорлар қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий жавобгарликни тадбиркор ёки бизнесменга бериш керак. Иқтисодий тажрибанинг моҳияти шундадир. Мазкур иқтисодий тажриба асосида тадбиркорнинг таҳлили, унинг ҳис-туйғуси, иродаси, билим ва малака кўникмалари, ютуқларга эришиш ишончи ётади. Бинобарин, бозор муносабатларида тадбиркор ўз ишини ўз манфаатидан келиб чиқиб юритади. Албатта, у зарар кўришни истамайди. Акс ҳолда, банкротга учрайди. Шу сабабли, у керакли маълумотларга эътиборни қаратади, ўз билими, малакасини, қобилиятини ишга солади. Рақобатда ғолиб чиқишни, равнақ топишни кўзлайди. Бу эса бошқа тадбиркорлар фаолияти учун амалий тажриба майдонидир.

Иқтисодий тажрибада маҳсулотларнинг қийматини ҳисоблашда прагматик (ҳаракат) ёндашув яхши натижа беради. Қиймат - бу қарама-қаршилиқлар бирлигидан ташкил топади. Сотувчи билан олувчи ўртасида ҳамиша тафовут бор. Шу сабабли ҳам маҳсулот қиймати тажриба моҳиятига боғлиқ.

Иқтисодий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ўзининг тажриба тамойилларига эга бўлди. Бу тажрибанинг ижобий натижалар бераётганлиги бизга маълум. Бу тажриба иждокори И.А.Каримовдир. И.А.Каримов, Олий мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида қуйидаги иқтисодий тажрибага тааллуқли бўлган мулоҳазаларни ўртага ташлади: «Ўтган даврда ҳаётнинг муҳим томонларини эркинлаштиришнинг қонунчилик негизини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида зарур

кафолатларни мувофиқ равишда таъминлаш, давлат тизимини демократлаштириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, шахсий мулкни ва тадбиркорларнинг манфаатларини, ўрта ва кичик бизнесни ҳимоя қилиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилди» («Халқ сўзи», 2002 йил, 30 август). Ўзбекистонда иқтисодий бозор муносабатларига аста-секин, босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтказиш бўйича иқтисодий тажриба инсон эҳтиёжини қондиришга қаратилган тажрибадир. Жамиятда яшовчи кишиларнинг турмуш тарзини кўтаришга йўналтирилган синовдир. Иқтисодий тажрибалар ва иқтисодий ислохотлар махсус тизими, махсус унсурлардан ташкил топади. Булар қуйидагилардир:

1. Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ҳисобга олиш;
2. Ишлаб чиқариш корхоналарини хусусийлаштириш;
3. Оғир ва енгил саноат талаб ва таклифларини инобатга олиш, уларнинг истиқболларини ҳисобга олиш;
4. Ислохотлар натижаларини ҳисоб-китоб қилиб бориш ва хулосалар чиқариш;
5. Иқтисодий кўтариш учун изчил ҳаракат қилаётган корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган банклар фаолиятини ҳисобга олиш;
6. Иқтисодий ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшадиган сармояларни (чет-эл) жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил этишдаги фаолиятларни унутмаслик;
7. Акциядорлик жараёнларига эътиборни қаратиш;
8. Ўз мамлақати аҳолиси талаб ва эҳтиёжларини унутмаган ҳолда дунё бозорига чиқиш соҳалари кабилар.

Буларни биз иқтисодий тажрибаларнинг унсурлари десакда, уларнинг ҳар бири ўз ўрнида тажриба учун қимматли бўлган мустақил соҳалардир.

Бу соҳаларнинг барчаси ҳар бир иқтисодий соҳасида изланаётганлардан маълум билимни талаб этади. Иқтисодий соҳасидаги билим ўта муҳим бўлиб, инсоннинг турмуш тарзи, ижтимоий фаолияти билан боғланган. Билиш инсонларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятларини қамраб олади. Билиш жараёнида амалиёт биринчи ўринга чиқади. Натижада амалиёт таъсирида

иқтисодий соҳаларда янгиликлар миқдори ошиб боради. Иқтисодий соҳаларни инсон онгида тўғри акс этиши зиддиятларнинг олдини олишга ёрдам беради. Иқтисодий назария билан амалиётнинг бирлигини тушуниш ҳам тадқиқотчининг билимга боғлиқ. Билимлар тажрибада, амалиёт асосида текширилган тақдирдагина объектив ҳақиқатга айланади. Тадқиқотчи иқтисодиётни ўз билими ва маълум соҳада тажриба ўтказиш билан баҳолайди, унинг ривожини ифодалайдиган таклифларни беради. Ўз тажрибаси билан иқтисодий соҳаларни фақат билибгина қолмасдан, уларни ўзгартириш чораларини ҳам белгилайди. Иқтисодий соҳаларда билимнинг юзага келиши ва ривожланишининг барча жараёнлари инсонларнинг аниқ тарихий-ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятлари асосида амалга ошади. Иқтисодий билимлар инсонлар фаолиятининг ажралмас қисмидир. Инсонларда иқтисодий тушунчаларнинг пайдо бўлиши иқтисодий билишга, тажрибага боғлиқ. Иқтисодий билим ва назариялар бошқа соҳаларда бўлгани каби инсонларнинг амалий фаолиятида тажрибалар ёрдамида тасдиқланганда турмуш тарзидан ўрин олади. Иқтисодий билимлар тараққиётининг сабаби - инсонлар фаолиятидир. Инсонлар иқтисодий амалиётдан келиб чиқиб, ўз билимларини бойтадилар. Натижада билимлар такомиллашади, янги тушунчалар пайдо бўлади, назариялар яратилади, кашфиётлар бўлади. Иқтисодиётни ривожлантириш учун янги имкониятлар очилади.

Иқтисодий тажриба тадқиқотчидан юксак масъулиятни бўйнига олишни талаб этади. Чунки унинг фаолияти жамиятда яшовчи инсонлар турмуш тарзини акс эттириш билан боғлиқ. Шу сабабли, иқтисодий тажриба ўтказувчидан ҳалоллик ва виждонлилик, холислик талаб қилинади.

Таянч тушунча ва иборалар:

Тажриба, иқтисодиёт, жамият, билим, ақлий фаолият, иқтисодий тажриба турлари, масъулият, ишлаб чиқариш усули, иқтисодий тажриба, эмпирик ва рационаллик, амалиёт.

Мавзуга доир саволлар:

1. Тажрибада билиш усули. Тажрибани билиш ва ижоддаги ўрни нимада?
2. Тажрибанинг турларини тушунтиринг.
3. Тажрибанинг иқтисодий билиш ва ижоддаги ўрни қандай бўлади?

IX боб. Фаразнинг (гипотеза) фан ва ижоддаги хусусиятлари. Фаразнинг назариялар тузишдаги ўрни

Фараз тушунчасининг моҳияти

Фаразда ҳисобга олинган тахминларни тасдиқлаш жуда катта меҳнатни талаб этади. Фаразда ҳар томонламалик мавжуд. Демак, ҳар томоннинг ўзи кўплаб изланишларга мажбур қилади.

Фараз – билиш учун объект ва субъектнинг ҳолати, ривожланиши, воқеликдаги ўрни ҳақида у ёки бу фикрнинг тахмин қилинишидир.

Фараз билиш жараёнида турлича хусусиятларини намойиш қилади. Чунки, бирор-бир нарса ёки ҳодиса ҳақида ҳар хил фикрларни билдириш мумкин. Сабаби, унинг барча ҳолатларини бир пайтнинг ўзида замонда ҳам, маконда ҳам қамраб олиш қийин. Унинг бўлаклари ҳақида алоҳида-алоҳида фикр юритиш талаб қилинади. Бинобарин, фараз ана шу алоҳида-алоҳидалиқдан келиб чиқиб турли ҳолатлар ҳақида пайдо бўлади. Нарса ёки ҳодисаларнинг хусусиятига қараб бир неча фаразлар пайдо бўлади.

Фараз қилиниши умумий билим ва далилларга, нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларига зид келмаслиги лозим. Фаразлар оддий ёки мураккаб жараёнларни қамраб олиши мумкин. Шундай бўлса-да, кўпроқ объектига нисбатан яқинроқ, унинг ички ва ташқи хусусиятларидан узоқлашмаслиги талаб этилади. Ушбу хусусиятлар ҳисобга олинганда нарса ва ҳодисани тадқиқ этишда фаразнинг ўрни аҳамиятли бўлади. Шу жараёнда фаразнинг ҳаётийлиги учун зарур бўлган ҳолатларни ҳисобга олиш керак. Жумладан, фараз маълум объектга мос тушадиган мазмун ва моҳиятга эга бўлган ҳолда фикр қилиниши; тадқиқ қилинаётган нарса ёки ҳодисанинг маълум бир қисмига нисбатан фаразланиши; илмий, умуман билиш жараёнига зид келмаслиги (ҳақиқатга); текшириш ёки тафаккурлаш жараёнида мураккаб ҳолатлардан холи бўлиши; фараз қилувчи илмий ижоддан хабардорлиги, башорат қилиш, ўз фикрларини асослаш қобилиятига эга бўлиши кабилар.

Фараз тараққиётида ушбу кўрсатилган хислатлар ҳисобга олинганда ижодий фаолият самарали бўлади. Ўз навбатида, мазкур кўрсатилган жараёнларни ҳисобга олмаслик илмий ижод жараёнида чалкашликка олиб келади. Тадқиқот учун зарарли бўлиши мумкин. Аниқ фараз қилиш учун объективлик ва субъективликнинг бирлашиши янада муваффақият келтиради. Улар тавсифи мос тушган ҳолатда натижа кўнгилдагидек чиқиши мумкин. Барча жараёнларда бўлгани сингари фарозда ҳам оддийликдан мураккабликка, билмасликдан билишликка қараб бориш, пастдан юқорига чиқиш талаб этилади. Бу фароз учун ҳам умумий қоидадир.

Фаразда асосий хусусият шундан иборатки, унда номаълумдан маълумга, эҳтимол тутилган билимдан ҳақиқий билимга, нисбийликдан мутлақликка бориш йўли ҳисобга олинади. Илмий жараёнда фароз, баъзида, тасаввурга сиғмайдиган ҳолатларни ҳисобга олиб амалга оширилмаса фан ҳам тараққий қилмайди. Янгилик яратилмайди. Турғунлик юз беради. Фаразда тахминийлик, эҳтимоллик, тасодифийлик, интуиция хусусиятлари мужассамлашса, у яхши натижа беради. Тадқиқ қилинаётган нарса ва ҳодиса ҳақида фақат битта ёки иккита фароз кифоя қилмайди. Қачонки, шу нарса ёки ҳодиса ҳақида бир нечта фароз бўлса, ўзаро зиддиятли фикрлар мавжуд бўлса, қарама-қаршилиқлар пайдо бўлса, ўшанда ҳақиқий ижодий муҳит пайдо бўлади. Илмий билиш учун шароит яратилади. Билимлар чегараси кенгаяди. Ўзаро зид бўлган илмий фарозларни ижодий таҳлилдан ўтказиш, ўхшашлигини аниқлаш, ҳақиқийлигини текшириш айнан шу тадқиқ объектига нисбатан муҳим методологик хулосани чиқаришга ёрдам беради. Ўз навбатида методологик хулоса инсон билимини объектив эканлигини тасдиқлашга ёрдам беради. Ҳодисалар, нарсалар ривожланиши ҳақида объектив билим олишга кўмаклашади. Маълумки, олим ёки тадқиқотчининг мақсади фарознинг ҳақиқийлигини текшириб беришдир. Тадқиқотчи бунинг учун маълум малакага, далилларга, фикрлаш хислатларига эга бўлиши талаб этилади. Бу хислатларга эга

бўлгандагина такқослаш, ғояларни тушуниб илгари суриш осонроқ кечади. Натижада янги ижодий имкониятлар пайдо бўлади.

Фаразлар тўхтаб қолмайди. Эскиси ўрнига янгиси пайдо бўлади. Шу тариқа фаннинг ривожланиши учун ҳам имконият яратилади.

Фаразлар илмий билишда турлича хусусиятларни бажарар экан, улар бир-биридан фарқ қилади. Фаразлар ҳам фалсафий хусусиятга эга бўлганлиги учун, ҳар бир фанда хусусийлик, умумийлик, энг умумийлик хислатларини намоён қилади. Демак, фанда: а) **хусусий фаразлар**, б) **умумий фаразлар**, в) **фалсафий фаразлар** бўлиши мумкин.

Фаразлар қилиш намоён бўладиган нарса ва ҳодисалардаги ўзининг ҳажми ва тизими, ҳолатига қараб ҳам фарқланади. Кўзга кўринмайдиган фараз объектлари, йирик объектлар фаразлари, ўта йирик фараз объектлари, метагаллактика ҳақидаги фаразлар ва бошқалар. Бу объектлар ҳақида тадқиқотчи фараз қилиши учун, аввало, у маълум тасаввурга, билимга эга бўлиши талаб этилади. Масалан, даладаги дехқондан метагаллактика ҳақида фаразни талаб қилиш ёки боғча боласидан атом зарраси ҳақида фараз қилишни талаб қилиш ўринсиздир. Халқимизда «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Акс ҳолда, айтилган фараз мевасиз дарахтдир.

Фаразларни фақат қандай маконда тутган ўрнига қараб эмас, балки вақт нуқтаи назаридан ҳам ёндашиб ўртага ташлаш мумкин.

Яъни, тарихий ҳодисаларни ўтмишга боғлаб фараз қилиш; маълумотларга эга бўлмаган ҳолатларда замонавий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда фаразлар қилиш; келажак нарса ва ҳодисалари ҳақида фаразлар қилиш ва бошқалар.

Фаразнинг илмий билиш ва илмий ижоддаги турлича хусусиятлари яна шунда кўринадикки, нарса ва ҳодисаларнинг тузилиши, амалиётда ўзини намоён қилиши, қайси тизимга мос келиши жиҳатларини ҳам камраб олади. Жумладан, **нарса ва ҳодисанинг тузилиши ҳақида; нарса ва ҳодисаларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида; нарса ва**

ходисаларнинг бўлак ва хусусиятлари ҳақида; нарса ва ходисаларнинг умумий боғланиш ва алоқадорликлари, муносабатлари ҳақидаги фаразлар.

Шу билан бир қаторда, нарса ва ходисаларнинг мазмун ва моҳиятини очиш мақсадида ҳам фаразлар қилинади: **тавсифий фаразлар, тушунтирувчи ва тушунтирилувчи фаразлар, тизимли фаразлар.** Нарса ва ходисаларни баён этиш усулига қараб ҳам, фаразлар қилинади: **мазмун ва моҳиятига қараб; расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаган, умуман расмийлаштирилмаган; модели фаразлар; фаразнинг яна бир хусусияти бу илмий ижоднинг ўрнига қараб ҳам фарқланади: бадийликни ривожлантирадиган фаразлар, техникавий соҳаларни акс эттирадиган фаразлар, ижтимоий тараққиёт фаразлари ва бошқалар.** Демак, фаразни эвристик ёки турлича хусусиятларини ҳисобга олиш инсоннинг, айниқса, фаннинг илмийлик даражасини оширади, олинган билимларни мустаҳкамлайди.

Фаразлар назариялар тузишда дедуктив ва индуктив хусусиятлари билан кўмаклашади. Инсон оламдаги сир-асрорларни ўрганар экан, у бу жараёнда осонроқ ва қисқа йўл билан боришни афзал кўради. Шу сабабли фараз орқали билим ҳам ходиса ёки нарсага шундай ёндашишни маъқул кўради. Натижада бир хил аҳамиятга эга бўлган фаразлардан аниқроқ, соддароқ, мураккаб бўлмаган, кам харажат қиладиган, забт этишни яқинроқ қиладиган фаразни танлаб олади. **Фараз асосланганидан ва унинг ҳаётийлиги исботлангандан сўнг назарияга айланади.** Тадқиқотчи ўзи танлаб олган фаразга бефарқ бўлмайди, албатта. Уни ҳар томонлама ўрганади, синовдан ўтказди, такомиллаштиради, келажакда меҳнати натижасиз кетмаслигига ҳаракат қилади. Шу сабабли фаразнинг диалектик жиҳатларига эътиборни қаратади. Мантиқий, ички, ташқи ҳолатларини таҳлил қилади. Қарама-қарши ва ўзаро тафовутларини аниқлайди. Фаразда мантиқий зиддиятлар бўлса, бу фараз натижасиз бўлиб, у ривожланиш қонуниятларига эга эмас.

Назария тузишда гипотетик-дедуктив усул

Бу усул ҳам ижодий жараёнда қўлланилади. Танланган нарса ёки ходисани, аниқроғи муаммони илмий далиллар ва улар асосида эришилган натижа ёрдамида, илмий фаразни шакллантириш учун ижодкор, мантикдаги абдуктив (лотинча *abducere* - ўтказиш) деб номланган тафаккур юритиш тизимига биноан ҳаракат қилади.

“Абдукция илмий билишни кузатилаётган фактлардан уларни тавсифловчи ва тушунтирувчи гипотеза (фаразлар)лар орқали янги билимни кашф этишга ўтказилади.

Бошқа бир мушоҳада юритиш схемаси - дедукция (лотинча *deductio*- чиқариш) эса умумий тузилмалардан хусусий тузилмаларга, гипотезадан фактга олиб боради. Ҳозирги замон эпистемологлари К.Поппер ва К.Гемпелнинг фикрича, дедукция экспериментал фактлар билан таққосланадиган илмий қарашларга олиб келади. Экспериментал фактлар гипотетик билимни фалсификация қилиш, уни инкор этишга қодир”¹.

Фаразни ўртага қўйиш, тажрибавий далилларни тушунтириш имконини беради. Фараздан алоҳида хулосалар келтириб чиқарилади. Бу хулосалар эса тажриба натижаларига солиштирилади. Илмий билишнинг ушбу услуби гипотетик-дедуктив усул деб аталади. Гипотетик-дедуктив мушоҳада юритиш билишнинг бош бўғинини ташкил этади. К.Поппернинг фикрича, гипотетик билим дедукция нормалари билан тартибга солинади. Дедукция илмий ёндашишга олиб келади ва бу далиллар тажриба далилларига солиштирилади. Тажриба эса фаразни ва унга асосланган гипотетик билимни сохталаштиришга, ундан фойдаланишнинг асосли эканлигини инкор этиш ёки аксинча бўлишини тасдиқлашга қодир. Билиш жараёни (эпистемология)да гипотетик-дедуктив усул фаразга, қонунлар, тамойиллар, назарияларни аниқлашга олиб боровчи тушунтирувчи таклифларни асослаш учун хизмат ҳам қилади. Гипотетик-дедуктив услуб далиллаш усули сифатида таълим назарияси,

¹ Саифназаров И. Илмий ижод методологияси.Т.: Янги аср авлоди. 2004., 102 бет.

эвристика, диалектика, фикрий, экспериментал анализ, бўлғуси ҳаракатларни башорат қилиш ва шу кабиларда кенг қўлланилади. Билиш жараёнининг бундай ҳолатларида (илмий ижодда) тадқиқотчилар бошланғич фаразлардан иложи борица кўпроқ дедуктив хулосалар чиқаришга **ҳаракат** қиладилар ва ўзларининг кейинги ҳаракатларида шунга қараб тузатиш киритадилар. Гипотетик-дедуктив усул табиатшуносликда кўпгина назарияларнинг тузилишини ўрганиш учун, айниқса самаралидир. Галилей, Ньютонлар классик механикасининг деярли барча методологик асослари гипотетик-дедуктив мушоҳадалар асосида қурилган.

Фаразнинг иқтисодий тадқиқотларда қўлланилиши

Фараз илмий билишнинг барча соҳаларида қўлланилади. Бундан ижтимоий-гуманитар, иқтисодий фанлар ҳам истисно эмас. Айниқса, замонавий иқтисодчилар фараз муаммосини ўзининг билим соҳасидаги фаолиятининг ажралмас қисми, деб билиши керак. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишни тушунтирувчи инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс ўзининг «Бандлик, фоиз ва пул умумий назарияси» асарида шундай дейди: «чинакам иқтисодчи, ўз ишининг билимдони ҳар хил қобилиятларга, маълум даражада математик, тарихчи, давлат арбоби, файласуф бўлиши керак. Умумий тушунчаларда хусусий нарсалар ҳақида мушоҳада юритиб, мавҳум ва муайянга ўз эътиборини бир хил даражада қарата олиши лозим. У келажак учун ҳозирги замонни ўтмиш нуқтаи назаридан ўрганиши керак». Иқтисодий тадқиқотларда ҳам бошқа фанларда қўлланилганлиги сингари, тарихийлик ва мантиқийлик жиҳатдан фойдаланилиб ёндашилса, бу тадқиқотларнинг илмийлиги ошади. Ушбу тушунчалар фалсафий тушунчалар бўлиб, барча нарса ва ходисаларни изоҳлашда қўлланилади. Тараққиётнинг реал жараёнларини тафаккур орқали акс эттиришда ёрдам беради. **Тарихийлик - воқелик тараққиётининг холисона жараёнининг ўзидир, рўй берган ҳақиқий ўтмишдир.** Масалан, куёш тизимининг

ривожланиши, ернинг геологик тарихи, тил, тафаккурнинг ўтмишдаги фаолиятлари ва бошқалар. Аниқроқ айтадиган бўлсак, юзага келган, юз берган ўтмиш жараёнларидир. Ана шу юз берган нарса ва ҳодисалар асосида янги фаразлар пайдо бўлади. Зеро, ўша юз берган нарса ва ҳодисалар тараққиётда доимий бўлганлиги учун улар ҳақида билимлар олиш давом этади. У қотиб қолган жараён эмас, янги билимлар ҳосил қилиш манбаидир.

Мантиқийлик - бу тарихий жараёни (тарихийликни) назарий жиҳатдан илмий асослаш ва акс эттиришдир. Аммо бу акс эттириш жараёни барча тафсилотларни қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам мантиқийликда фараз ишлатилади. Нарса ва ҳодисани олдинги ривожланиш қонуниятлари асосида мияда таҳлил қилиш натижасида кейинги ҳолатларни очиб бериш мантиқийликнинг вазифасидир. Демак, иқтисодиёт соҳаси янги очилган кўриқ эмас. Ҳозиргача ҳам иқтисодиётдаги қонуниятлар ҳақида фикрлар юритилган. Эндиликда янги замон талабларига мос иқтисодиёт жараёни қонуниятлари асосида у ёки бу соҳани фаразлаш керак. Фараз эса мантиққа суяниши лозим.

Мантиқийлик (иқтисодиётда оладиган бўлсак) иқтисодиётни ривожланиш ҳолатидаги томонларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини таҳлил қилиш орқали тарихий иқтисодиётни фикран қайта ҳосил қилишдир. Бу иқтисодий соҳаларнинг ҳозирги ҳолати билан солиштиришга ва маълум бир ечимга келиш учун асос бўлади.

Тарихийлик ва мантиқийлик ўзаро диалектик муносабатда бўлганда воқеликни тўғри акс эттириш содир бўлади. Фалсафа тарихида бу алоқадорликни Г.Гегель кўпроқ тушунтириб берган. Унинг фикрича, мантиқийлик бирламчи бўлса-да, у тарихийликнинг натижасига ҳам айланади. Демак, тарихийлик ва мантиқийлик биргаликда келиб бир-бирини тўлдиради. Мантиқийлик тушунчаларнинг ўзаро алоқадорлиги туфайли бир хил иқтисодий тушунчалардан иккинчи хил иқтисодий тушунчаларнинг келиб чиқиши рўй беради. Бу эса иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиб хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бир тушунчадан иккинчи тушунчага ўтиш

тараққиёт жараёнини ҳам ифодалайди. Оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиб борувчи мавҳум тафаккур жараёни ҳақиқий тарихий жараёнга тўғри ёки мос тушиши лозим. Акс ҳолда инсон билими боши берк кўчага кириб қолади. Шу билан бир қаторда тарихийлик билан мантиқийлик ўртасида зиддиятлар ҳам пайдо бўлишини унутмаслигимиз лозим. Чунки, мантиқий соҳа тарихийликка нисбатан бир оз мустақилдир. Тарихийлик абадий бўлса, мантиқийлик ўзгарувчандир. Мантиқийлик ишни бошланишидан, яъни натижадан бошлаб (иқтисодий соҳанинг ўтмишини) юқори босқичини ҳам қамраб олади. Мантиқийлик реал тарихий жараённи таҳлил қилиб, унинг келажагини асослашга ёрдам беради. Мантиқийлик тарихийликни акс эттирар экан, у реал тарихнинг тасодиф ва нотекис йўлларини назардан соқит қилади ва шу билан тарихийликнинг тўғрилигини, тузатилган аксини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Юқорида биз мантиқийлик ишнинг, соҳанинг натижасидан бошланади, дедик. Зеро, тарихнинг ўзи натижадир. Бундан мантиқийлик реалликдан узоқлашади ёки уни бузиб кўрсатади, деган хулоса чиқмаслиги керак. Аксинча, воқеликни ривожланган ҳолатини таҳлил қилиш айнан унинг ҳақиқий бошланишини, унинг тараққиётига асосий жиҳатларни, яъни тарихий жиҳат билан қарор топишнинг ҳақиқий изчиллигини аниқлашга ёрдам беради. Демак, иқтисодиётда ҳам тарихий жараён таҳлил қилиниб, назарий жиҳатдан олинган билим асосида, мантиқий хулосалар чиқарилади. Иқтисодий тарих қандай бўлган бўлса, мантиқий фикрлар ҳам шунга мос тушиши керак. Шу сабабли илмий тадқиқотда мантиқийлик билан бирга тарихийлик қўлланилади. Бу тадқиқотнинг характери ва хусусиятига боғлиқ. Аммо, тарихий усулга нисбатан мантиқийликнинг устун томонлари бор. Мантиқийликда ривожланган нарса ва ҳодисанинг ўзига хос алоқа ва ҳолатларини аниқлаганда, унинг ўзидан келиб чиқиб, алоҳида хусусиятга эга эканлигини аниқроқ белгилаб беради. Шу билан бир қаторда мазкур нарса ёки ҳодисанинг тарихини тушуниш учун йўл кўрсатади. Демак, мантиқийлик тарихийликни тушуниш воситасидир.

Ҳозирги замонда ана шу тарихийлик ва мантикийликка асосланиб яратилган бир қанча иқтисодий соҳаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу мисоллар «Илмий ижод метадологияси» қўлланмасининг муаллифлари томонидан қуйидагича изоҳланади. Мисолларни тўлиқ ҳолда келтирамиз: «Менежер, фирма, корпорация ёки корхона ишини бошқариш ташкилотчиси уларни ривожлантириш бизнес-режасини ишлаб чиқар экан, у, моҳият эътибори билан, мазкур корхонанинг иқтисодий раванқ топиши тенденциялари ҳақида озми-кўпми асосланган иқтисодий гипотезани илгари суради».

Ф. фон Хайек ўзининг «Каталлактика»ни ривожлантириш ҳақидаги теран ва ўзига хос гипотезасига бозор иқтисодига хос бўлган жўшқин, имманент ҳодиса - рақобатни асос қилиб олди.

Иқтисодий рақобат - бу хўжалик юритишнинг яхши шароитлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишнинг энг фойдали шартлари, максимал даромад олиш учун тадбиркорларнинг рақобати, кураши демакдир. Ф. фон Хайекнинг гипотезаси рақобатга жамиятнинг асосий иқтисодий кучи деб қарайди, чунки рақобатга таянган жамият ўз мақсадларига бошқаларга қараганда муваффақиятлироқ эришади. Демократик жамиятда рақобат бу жадал ўзгарувчи яшаш шароитларига жамиятда муттасил, узлуксиз ўзини ўзи мослаштириш, демакдир. Бозор ёки каталлактика тадбиркорлар ижодий фаолиятини жадаллаштиради, рақобат эса бозор иқтисодининг ривожланишини бутун жамият учун зарур томонга йўналтиради. Рақобат шароитларида бизнесмен, менежер ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларга тайёр туриши керак, зотан, муаммолар ва қийинчиликларни тан олиш ўзига, ўз кучига ишонч, улардан ўзини олиб қочиш — заифлик ва кўрқоқлик аломатидир. Бозор рақобат механизми орқали товар ва хизматлар ҳаракатини тартибга солади, ресурслар, ғоялар ва технологиялардан фойдаланишни мақбуллаштиради. Бинобарин, бозор иқтисодида рақобат фандаги тадқиқот ва кашфиётга ўхшайди - у бозор ресурсларини жамият учун муҳим мақсадларга йўналтиради.

Ф. фон Хайек бозор рақобати негизига қурилган иқтисодий Каталлактика ҳақидаги гипотезани ҳозирги замон либерализми

йўналишида ривожлантирди. Ҳозирги замон либерализми ғояларининг концептуал ўзагини тўрт асосий элемент ташкил этади:

- қонун олдида барчанинг тенглиги ғояси;
- рационаллик ғояси (фон Хайек ўз гипотезасини илгари суришда мана шу ғояга таянган);
- бағрикенглик (толерантлик) ғояси;
- тарихийлик ғояси, яъни муаммоларни келажакда (коммунизм) ёки ўтмишда (традиционализм) эмас, шу бугун, ҳозир ҳал қилишга интилиш.

Ҳозирги замон либерализмининг классик намояндаси Р. Дворкин юқорида санаб ўтилган либерал ғоялар мажмуи, шу жумладан бозор иқтисоди (ёки «каталлактика»)ни «либерал дастурлар ўзагининг туб принципи» ҳисобланувчи тенглик концепцияси (ёки гипотезаси)нинг ҳосиласи, деб эътироф этади.

Ф. фон Хайекнинг машҳур устози Людвиг фон Мизес иқтисодий либерализмнинг бош назариётчисидир. У иқтисодий либерализм назариясида илгари сурган теран гипотезага асосан, кишилик жамиятида ижтимоий борлиқнинг иқтисод соҳасидаги абсолют асослари куйидагилардир:

- меҳнатнинг бўлиниши;
- шахсий мулкдорлик;
- эркин айирбошлаш.

Л. фон Мизеснинг фикрича, либерализмгина бирдан-бир ақлга мувофиқ иқтисодий сиёсатдир. Бозор хўжалик юритишнинг энг самарали тизими сифатида иқтисодий ўсиш учун энг қулай шароитлар яратади.

Классик иқтисод назарияси фойдалиликнинг энг катта даражасини кўриб чиқишда товар қийматини аниқлаш учун инсоннинг буюмга муносабатини, ҳар хил неъматларнинг фойдалилигига шахс томонидан берилган субъектив баҳони танлади. Иқтисод назариясида бундай ёндашув **маржиналистик** метод, деб аталади. У иқтисод назариясига оид замонавий дарсликларда «Робинзон ва иқтисод» деб аталган ажойиб гипотеза асосига қурилган.

Бу қизиқарли гипотезага асосан, бирон-бир неъмат бирлигининг қиммати мазкур бирлик ёрдамида қондирилувчи эҳтиёжнинг муҳимлик даражаси билан аниқланади. Масалан, Робинзон **соф гипотетик** нуқтаи назардан - чучук сув манбаи бўлган одам яшамайдиган оролга тушиб қолди, деб фараз қилайлик. Ичиш ва овқат пишириш учун Робинзонга ҳар куни 3 л сув керак бўлсин. Ювиниш, идиш-товоқ, кир-чир ювиш, томорқани суғориш учун унга тагин 12 л сув керак. Бинобарин, Робинзон ҳар куни 15 л сув истеъмол қилади. Манба ҳар куни 100 л сув чиқаради деб фараз қилсак, 85 л сув ортиб қолади. Хўш, Робинзон учун 1 л сувнинг қиммати қанчага тенг? Кўрсатилган шартларда у нолга яқин, чунки 1 л сув ишлатилганидан сўнг, тагин 99 л сув қолади, бу эса унга керак бўлган миқдордан анча кўпдир. Энди сувнинг қуриши натижасида манба ҳар куни атиги 15 л сув бера бошлади, деб фараз қилайлик. Робинзон бу ҳолда ҳам ўз эҳтиёжларини тўла қондиради, аммо энди 1 л сувнинг йўқолиши ҳам маълум муаммолар туғдириши мумкин. Манба қуриб боргани сари Робинзон учун ҳар бир литр сувнинг қиммати ортиб боради.

Биринчи бирлик (бизнинг мисолда- бир литр сув) чексиз баланд қимматга эга. Табиийки, манбадаги бор сув ҳам яхлит бир бутун нарса сифатида худди шундай баланд қимматга эга. Кейинги бир неча бирликларнинг қиммати ҳам жуда баланд, аммо кейин сувнинг янги-янги литрларининг қиммати камайиб боради. Шу билан бирга, ичилган сув қолган сувдан сира фарқ қилмаслиги ҳам ойдек равшан. Шунинг учун ҳам Робинзоннинг чанқовини бостирадиган бир литр сувни алоҳида туркумга ажратиш ва уни беҳад чексиз қимматга эга, деб эътироф этиш мумкин эмас. Неъматларнинг бир хил бирликлари ҳар хил қимматга эга бўлиши мумкин эмас, зеро, ҳар қайси бирликни бошқа бирлик билан осонгина алмаштириш мумкин.

Мамлакатнинг яқин истиқболга (келгуси йилга ёки яқин бир неча йилга) мўлжалланган бюджети ҳам иқтисодий гипотезага қизиқарли мисол бўла олади: у ёки бу демократик мамлакатнинг ҳукумати бюджет лойиҳасини парламентга қонун сифатида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этар экан, у, моҳият эътибори билан, эҳтимол тutilган

иқтисодий ривожланиш ҳақидаги гипотезани илгари суради. Бундай лойиҳада келтирилган рақамлар, ҳисоб-китоблар, графиклар, фоизлар, схемалар гипотетик, эҳтимолий, тахминий хусусиятга эгадир. Лойиҳа бир неча марта қайта ишланиб, маромига етказилганидан сўнг парламент бюджетни тасдиқлайди. Аммо, давлат қонунига айланганидан кейин ҳам бюджет ҳақиқатнамо гипотеза бўлиб қолади. Зотан, бирон-бир, ҳатто энг муфассал лойиҳада ҳам барча омилларни эътиборга олиш мумкин эмас, шунинг учун ҳам бу гипотеза иқтисоддаги реал аҳволга қай даражада яқин келганини фақат ҳаётнинг ўзи, иқтисодий-хўжалик фаолияти амалиёти кўрсатиб бериши мумкин. Бундай гипотезаларнинг эвристик қиммати ойдек равшан кўриниб туради.

Ҳар қандай инсон ўзининг кундалик ҳаётида, бозорга муттасил боғлиқлик шароитларида маҳаллий иқтисодий гипотезаларини илгари суради: оила бюджетини қай йўл билан оқилона ва самарали сарфласа бўлади, ўз шахсий жамғармаларини нимага жойлаштирган маъқул — акцияларгами, кўчмас мулкками ёки бирор қимматбаҳо буюмгами ва ҳ.к. Бундай кўп сонли гипотезалар негизида ҳаётининг тажриба ва соғлом фикр, Майкл Полани “шахс билими”, деб атаган билим ётади. Шахсининг юқорида зикр этилган гипотезаларида ўз фаровонлигини оширишга бўлган умид, ақлга мувофиқ таваккал элементи кўринади, мазкур гипотетик билимни рўёбга чиқариш эса шахсининг қобилияти, меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, ижодий салоҳиятига боғлиқдир.

Иқтисод фанида олим гипотезаларни кўриб чиқишдан иқтисодий назария тузишга ўтар экан, у маълум концептуал схемадан ўрганилаётган объектларнинг табиати ҳақидаги гипотеза ва фаразлар мажмуи ҳамда мавжуд назарий хулосалардан фойдаланади. Гипотезадан назарияга ўтишда концептуал схемадан тўғри фойдаланиш тадқиқотчиларнинг ижодий қобилияти намоён бўлиши учун реал имконият яратади”¹.

¹ Ўша китобда. 105-108 бетлар

Таянч тушунча ва иборалар:

Фараз, абдукция, фараз ва иқтисодиёт, гипотетик-дедуктив метод, тарихийлик, мантиқийлик, одий рақобат, соф гипотетик усул.

Мавзуга оид саволлар:

1. Фараз тушунчасининг моҳияти нимада?
2. Назария тузишда гипотетик-дедуктив усулни тушунтиринг?
3. Тарихийлик ва мантиқийлик нима?
4. Фаразнинг иқтисодий тадқиқотда қўлланишини айтиб беринг.

Х боб. Назария ижодий изланиш жараёни ва натижаси сифатида

Назария тушунчаси. Назария ва илмий ижод

Назария сўзи грек тилидан олинган бўлиб, кузатиш, қараб чиқиш ва тадқиқот маъноларини англатади. Аслида унинг кенг маъносида куйидаги мулоҳаза ётади. **Назария бу – нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги қарашларнинг инсон тафаккурида умумлашган ҳолда акс этишидир.** У фан, билим маъноларида ҳам ишлатилади. Назария инсонларнинг амалий фаолияти асосида пайдо бўлади. Фақат амалий фаолиятида пайдо бўлмасдан, балки тажриба ёки амалиётдан олдинроқ кетиб, воқеликни алоҳида, янги томонларини алоқа ҳамда боғланишларини ҳам очиб беради. Бу хусусияти билан амалий фаолиятни сермахсул бўлишига ёрдам беради. Бу унинг кенг маънода ишлатилиши бўлса, тор маънода эса маълум бир чегараланган ва шаклга эга бўлган билим тушунилади. Ижодкор нарса ва ҳодисаларни билганида унинг ташқи томонини тасвирлашдан иш бошлайди, унинг махсус, айрим томонлари хоссаларини қайд қилади. Ундан сўнг, шу нарса ва ҳодисаларни ички ҳолатларини ўрганишга киришади. Натижада унинг ривожланиш қонуниятларини очади ва нарса ҳолда воқеаларнинг хоссаларини изоҳлай бошлайди. Уларнинг айрим томонлари ҳақидаги билимларнинг бир бутун, яхлит тизим қилиб боғлашга ўтишни мақсад қилади. Ана шунда нарса ва ҳодиса ҳақида ҳосил қилинадиган ҳар томонлама чуқур билим – худди муайян ички мантиқий тузилишига эга бўлган назариянинг ўзидир.

Ҳар қандай фан назарияларининг ўзи ҳам назария объекти бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда назария ҳақидаги назария мета назария, деб аталади. Тузилиши ёки ҳолатига қараб назариялар индуктив ёки дедуктив бўлиши мумкин.

Дедуктив назариялар айти назарияда исботлаб бўлмайдиган аксиомларнинг баъзи сонларига асосланиб тузилади.

Индуктив назариялар эса шундай далиллар йиғиндисига асосланиб тузиладики, бу далиллар уларни бир қадар изоҳлайдиган,

одатда фараз характериға эға бўлган қоидаға олиб бориб тақалади. Бинобарин, ҳар қандай назария у қанчалик жиддий ва объектив бўлмасин, нарса ва ҳодисалар ҳақида мутлақ, тугалланган узил-кесил билимни бера олмайди. Тараққий этиб бораётган билим жараёни янги далилларни, қонун-қоидаларни кашф этиб бораверади. У узликсиздир. Бу янгиликлар эса яхлит бир назарияға сиғмайди. Натижада назария ҳам ўзгариб бораверади. Янгиси пайдо бўлади. Назарияларнинг бир поғонадан иккинчи поғонаға ўтиши қонуний жараёндир. Зеро, объектив оламда қотиб қолган нарса ва ҳодисанинг ўзи йўқ. Назарияларда ҳам ворислик тамойили амал қилади, яъни эски назария асосида янгиси пайдо бўлиб, вақт ўтиши, нарса ва ҳодисанинг ўзгариши натижасида яна янгиси учун асос бўлиб қолаверади. Масалан, Ньютон механикаси ҳозирги замон физика назариясининг асоси эди. Демак, назария барча фанларда, жумладан, иқтисодий фанларда ҳам асосий негизни ташкил қилади.

Илмий ижод жараёнида назарий даража муҳим аҳамиятға эға. Чунки, назарий даража орқали воқеликни қай ҳолатда, қай вазиятда турганлиги баҳоланади. Чунки назарий даражада аввало, тадқиқотчи ўз тафаккури орқали олинган амалий билимлар асосида ўша объекти ҳақида маълум бир фаразлар, тахминларни илгари суради. Назарий даража изланишнинг бошланиш нуқтасидир. Назарий билиш янги фаразларни келтириб чиқаришға ёрдам беради. Фаразларни тасдиқлаш ёки инкор этиш жараёнида янги илмий назария пайдо бўлади. Бу эса илмий ижоднинг юқори нуқтаси ҳисобланади. “Илмий назария тузиш – бу теран ва сермазмун илмий абстракцияларни аниқлаш ва уларни ўрганиш билан боғлиқ мураккаб диалектик жиҳатдан зиддиятли жараён, илмий билишнинг назарий даражасида абстракциялаштириш жараёни”¹ дир. Абстракцияларға мисол қилиб, математикада “моддий нуқта”, механикада “мутлақо текис юза” физикада “идеал газ”, “мутлақо қора жисм”, иқтисодиётда: “товар”, “айирбошлаш”, “истеъмол қиймати”, “бозор” кабиларни олиш мумкин.

¹ Ўша китобда, 111-бет.

Назария ҳақида юқорида келтирилган таърифни кенгайтириб энди шундай изоҳни бериш мумкин. **Назария бу – воқеликнинг маълум бир қисмини изоҳлаш, мазмуни, тараққий этишини ифода этувчи мантиқий билимлар йиғиндисидир.** Назария фанни бир босқичдан иккинчи босқичга кўтаради, уни сермазмун қилади ва бойитади. Илмий ижод илмий билишни назарий даражага кўтаради, мувофиқлаштиради, оммалаштиради. Назария инсоннинг кундалик ҳаётида турли соҳаларда намоён бўла борса, илмий назария илмий ижод жараёни асосида юзага келади. Демак, назария илмий назариядан қисман фарқ қилади. Чунки илмий назария кўпгина тадқиқотлар таъсирида изланиш ва амалий фаолиятни ҳам қамраб олади. Илмий назария кўп қиррали фаолият натижасида пайдо бўлади. Илмий назария ҳам объектив воқеликни ўзида мужассамлаштиради. Унда тарихийлик ва мантиқийлик, далил ва ғоялар, тушунчалар, таъриф ва фаразлар, қонун ҳамда турли томонлар акс этади. Илмий назария ана шу жараёнларни ўзаро алоқадорлиги ва муносабатларини ҳам ифодалайди. Ана шу хусусиятлар таъсирида пайдо бўлган назариялар илмий назариялардир. Илмий билишда илмий назарияларни маълум типларга бўлиш мумкин:

- а) иқтисодий фанларнинг илмий назариялари;
- б) биология фанлари илмий назариялари;
- с) математика фанлари илмий назариялари;
- д) фалсафа фанлари назариялари ва бошқалар.

Илмий назария илмий изланишларнинг натижасидир. У илмий изланишларни тартибга солади. Илмий назарияда воқеликни айнан ҳолати ва келажаги ҳақида фикрлар билдирилади. Бунга мисол қилиб, Шмиднинг планетларнинг пайдо бўлиши, И. П. Павловнинг олий нерв системаси фаолияти ҳақидаги, А. Эйнштейннинг нисбийлик, Ч. Дарвиннинг эволюцион, Н. Борнинг квант назарияларини олиш мумкин. Илмий ижоднинг назарий даражаси моҳиятига кўра тафаккур, ақл-заковат, мушоҳада билан янада чуқурроқ кириб боришни талаб этади. Натижада объектив воқелик ҳақида мужассамлашган, ихчам фалсафий нуқтаи назари пайдо қилинади. Илмий назарияда илмий

ижоддаги хулосалар аниқроқ акс этади. Уларни инкор этиш ёки қабул қилиш мураккаб кечади. Шундай бўлса-да илмий назария ҳақиқатга элтувчи воситадир. Илмий назарияда тартибсизликдан тартиблиликка ўтиш акс этади. Унда барча алоқадорликлар, муносабатлар, боғланишлар аниқланиб хулосалар чиқарилади. Қонуниятлар аниқланади ва янги қонунлар очилади.

Назариянинг асосий вазифалари

Назария таълимоти ҳам қадимийдир. Назария ҳақида хали эрамингача бўлган даврдаёқ турли-туман фикрлар пайдо бўлган эди. Жумладан, антик дунё файласуфларидан Эвклид ўзининг “Начало” (Бошланиш) асаридаёқ назариянинг кенг маънодаги мазмунини очиб берган эди. Яъни, назариянинг инсон фаолиятини таҳлил қилишдаги методологик аҳамияти ҳақида фикр билдирган эди. Назарияни тор маънода тушунишни эса XVIII асрда А.Фергюсон ва И.Кантлар ўртага қўйди. Аммо сўнграқ XIX асрда, воқелик ҳақида мантиқий таҳлил кучайиб кетиши билан назариянинг билиш жараёнидаги ўрнини тушунтириш янада жиддий тус ола бошлади. Чунки бу даврга келиб билиш назариясига эҳтиёж орта борди ва унда назария ўрнининг беқиёслиги акс эта бошлади. Жумладан, Мах, Джемс, Пирсон, Оствальд, Пуанкаре, Дюгем, Гуссерл каби файласуфлар назариянинг илмий моҳияти унинг вазифалари ҳақида ўз қарашларини ифода этдилар. Назариянинг моҳияти ва унинг вазифалари ҳақида кўпроқ неопозитивистлар таълимоти асосий ўринни эгаллайди.

Назария илмий тадқиқотчи томонидан асослангандан сўнг, ҳақиқий кучга киради ва объектнинг ҳолатини ўзгартиради. Назариянинг вазифаларидан яна бири шундаки, у тажрибани ҳам мулоқотга олиб киради. Ўз навбатида назария ўзининг объектив ёки холислигини тажрибада тасдиқлайди. Назария илмий ижоднинг мақсадини аниқлашга ёрдам беради. Чунки назарий жараён, нарса ва ходисаларнинг изланиш объектлари ва тузилишини тушуниш ва тушунтиришга хизмат қилади. Умуман, назария турли мақсад ва

вазифаларни бажарар экан, у куйидаги унсурлардан ташкил топади: **назариянинг бошланиш объекти, объектни ифодаловчи тушунчалар, назарияни исботловчи услублар, тахминий ва ҳақиқий натижа ва бошқалар.** Фан ривожини назариялар миқдори ва сифати белгилайди. Ушбу жараёнда куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Махсус илмий изланиш объектини танлайди. У объект маълум ҳажм, миқдор ва мазмунга эга бўлади;
2. Илмий объект ҳақидаги қарашларни жамлаб ўзининг моҳиятини очади;
3. Аниқ бўлган илмий билимларни асослаш билан бирга уларни аниқлаштириб, кенгайтиради, мазмун-моҳиятини, амалиётда тутган ўрнини кўрсатади;
4. Объект ҳақидаги янги фаразларни келтириб чиқаради;
5. Илмий тадқиқот натижасида олинган янгиликларнинг ҳақиқийлигини асослайди;
6. Илмий ижодда амалиёт ва назариянинг ҳамкорлигини исботлайди;
7. Илмий натижаларни амалиётга олиб чиқиш кераклиги ёки керак эмаслиги ҳақида маълумот беради.

Назарий билимда объектнинг тузилишига жиддий эътибор берилади. Олинадиган натижа ана шу объектнинг тузилишини тўғри акс эттиришга ҳам боғлиқдир. Илмий ижоднинг бу босқичида барча тўпланган далиллар қайта синовдан ўтказилади. Талабларга жавоб берилиши ўрганилади. Далиллар аниқлаштирилади. Барча фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинади. Объект ҳақидаги умумий тасаввурлар бирлаштирилиб, бир бутун ҳолатга келтирилади. Бирламчи асос пайдо бўлади. Ушбу жараёнлар босқичларидан ўтган илмий назария илмий ижодни давом эттиришга йўлланма олади.

Илмий ижодда илмий назариянинг мукамаллигини аниқлаш, уни тушуниш ва тушунтиришга ҳам боғлиқ. Мазкур ҳолат илмий ижод соҳибидан ўта масъулият ва маҳоратни талаб этади. Назариянинг келажаги ана шу ҳолатга ҳам боғлиқдир. Тушуниш ва тушунтириш

жараёни назарияни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, янада аниқлигини таъминлашга ёрдам беради. Назария илмий ижодни мужассам ҳолга келтиради. Фикрларни мувофиқлаштиради. Шу билан бирга олдин маълум бўлмаган илмий хулосани чиқаришга кўмаклашади. Назариянинг вазифаларидан яна бири шуки, у нисбий ва мутлақ ҳақиқатлар билан алоқададир. Назария тажриба натижасида воқеликдаги нисбий ёки мутлақ ҳақиқатларнинг ҳам мазмун – моҳиятини очишга ёрдам беради. Уларнинг объективлигини инкор этади ёки ҳаётийлиги ҳақида хулоса беради. Маълумки, ҳақиқатлар нисбий бўлгани сингари назариялар ҳам нисбий бўлади. Илмий тадқиқотлар натижасида назария мутлақликка ўтиши мумкин. Нисбий назариялар тўлдирила борилади. Танланган соҳаларга қараб у мутлақ назарияларга айланиши мумкин.

Илмий назариянинг илмий ижодда етакчилик хусусияти бор. Бу етакчилик вазифаси янги соҳаларни башорат қилиш жараёнида кўринади. Чунки назария асосида жиддий, турли босқичлардан ўтган илмий башорат яратилади. Масалан, табиатдаги олдин инсон ақли бовар қилмаган турли воқеа-ҳодисалар аввал назария орқали башорат қилиниб, сўнг тажрибадан ўтказилиб хулосалар олинган. А. Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси фанда буюк ўзгаришларни келтириб чиқарди. Жумладан, нейтрон, юлдузлар, пульсарлар, квазарлар, катта массаларнинг гравитацион сиқилиши, коинотнинг кенгайиши, космологик модел ва ҳозирги замон гравитациянинг умумий нисбийлик назарияси кабилардир. Айниқса, 1903 йилда Берлинда нашр этилган “Физика йилномаси” журналида “Ҳаракатлантирувчи жисмлар электродинамикасига доир” деган мақола босилиб чиққандан сўнг, жисмлар табиати ҳақида инсон билимларини тубдан ўзгартириб нисбийлик назариясининг кенг қиррали эканлиги ҳақида тасаввурлар ривожланиб кетди. Шундан сўнг, умумий ва хусусий нисбийлик назарияси самарали ривожланди. Тажрибалар олиб борилиб тасдиқдан ўтказилди. Д. К. Максвеллнинг электродинамикаси электромагнит тўлқинларининг мавжудлигини башорат қилди. Сўнг

Г.Герц уларни тажрибада тасдиқлади. Д.И.Менделеев бир қатор номаълум кимёвий унсурларнинг мавжудлигини башорат қилди. Бу башоратни ҳозирги вақтда кимё фани тасдиқламоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу мисоллар маълум бўлмаган нарса ва ҳодисаларни башорат қилиш илмий назарияларнинг муҳим вазифалари эканлигидан далолатдир.

Назария ва иқтисодиёт

Моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш инсон ҳаётининг асосини ташкил этади. Бу жараён ўта мураккаб, зиддиятли жараёнларни қамраб олади. Инсоннинг асосий фаолияти ўзини-ўзи (турли жиҳатдан) таъминлашдир. Демак, бу жараён илмий ижод қилишни тақозо этади. Эҳтиёж чексиздир. Иқтисодиёт ана шу эҳтиёж билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий ривожланиш нафақат амалиётни балки назарий жиҳатларни ҳам талаб этади. Иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмидир. Ишлаб чиқариш жараёнида турли хил ноз-неъматлар - озиқ-овқат, кийим кечак, ҳаётда яшаш учун керак бўлган турли воситалар пайдо бўлади, ривожланади, тараққий этади. Бу ривожланиш ва тараққиёт эса турли назарияларни пайдо қилади. Зеро, назариялар ишлаб чиқаришни бир босқичдан иккинчи босқичга кўтаради. Ишлаб чиқариш куйидаги соҳаларни ўз ичига олади: мақсадга мувофиқ фаолиятни, яъни меҳнат жараёнини, бу биринчидан, иккинчидан, меҳнат воситаларига таъсир кўрсатадиган табиий ашёларни, ишланган ва ишланмаган ашёларни ҳам, учинчидан, турли меҳнат воситаларининг ўзларини.

Демак, кўриб турибмизки, ишлаб чиқаришда кўп соҳалар иштирок этади. Бу иштирокчиларнинг ўзи инсондан тафаккур қилишни талаб этади. Бу иштирокчиларни ҳаракатга келтириш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Уларни амалга ошириш учун илмий изланиш ва ижод қилиш талаб этилади. Изланиш ва ижод қилиш турли назарияларга мурожаат қилишга мажбур этади. Назариялар фақат ишлаб чиқариш ҳақидагина бўлмайди, балки инсон тафаккурининг ўзини ҳам қамраб олади, унинг ижтимоий фаолиятига таъсир қилади. Бу эса нафақат иқтисодиётга,

балки инсоннинг дин, санъат, сиёсий, ҳуқуқ, маданият, кадриятлар соҳасини ҳам назардан четда қолдирмаслигини тақозо этади.

Иқтисодиёт инсонларнинг амалий фаолияти билан боғланган. Маълумки, ҳаётнинг ўзи ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, самарадорлик, тадбиркорлик, бизнесменлик, хунармандчилик каби соҳалардан иборат бўлиб, бу соҳалар инсонлар фаолияти учун воситалардир. Назария воқеликни англаб олиш учун қуролдир. Лекин, назариянинг ўзи амалий фаолиятни келтириб чиқаради. Амалий фаолият эса инсон турмуш тарзининг давомийлигини таъминлайди. Амалий фаолият орқали хўжалик юритилади. Бу инсонлардан доимий ҳаракат қилишни талаб этади. Ҳаракат инсонни амалий билимга фаразлар қилишга, қийинчиликларни енгишга етаклайди.

Иқтисодиёт назарияси - бу иқтисодиёт қонун қоидаларини ва ривожланиш тамойилларини ўрганувчи фандир. Аслида иқтисодий билим берувчи фанлар турли-тумандир. Иқтисодий фанлар қаторига 20 дан ортиқ фанлар киради. Уларни шартли равишда 3 гуруҳга бўладилар: умумиқтисодий, хусусий, функционал иқтисодий фанлар. Иқтисодий назария дегани умумиқтисодий фанлар гуруҳига мансубдир.

Иқтисодиёт назариясини қисқа қилиб тушунтириш, унга таъриф бериш ўта мушкул. Уни баъзи бир олимлар товар айрибошлаш, пуллик битимлар билан ҳамда иқтисодий фаолият турлари билан боғлиқ фан десалар, яна бировлар, иқтисодиёт назарияси ҳар хил товарларни ишлаб чиқариш мақсадида кишилар томонидан ноёб ва чекланган унумли ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги фан, дейдилар. Бошқа бир таърифда: иқтисодиёт назарияси кишиларнинг кундалик ишбилармонлик фаолияти, тирикчилик учун маблағ топиши ва ундан фойдаланиши тўғрисидаги фан¹, дейдилар.

Таърифлардан кўриниб турибдики, иқтисодиёт назариясининг изланиш объектлари ҳам хилма-хилдир. Шу сабабли ушбу фандаги назариялар ҳам турли туман жараёнларни ўзида акс эттиради. Демак, иқтисодиёт

¹ Ўлмасов А, Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Шарқ”, 2006, 12-13 бетлар.

хар бир инсон, оила, жамоа, жамият фаолиятига тааллуқли бўлганлиги учун ҳам ушбу фан доирасида турли назариялар, хилма-хил қарашлар, турфа хил башоратлар пайдо бўлади, ривожланади. Иқтисодиёт соҳаси, шулардан хулоса қиладиган бўлсак, ижод учун бир уммондир. Унинг чегараси кенг ва беқиёсдир. Бинобарин, назария иқтисодиётни шундай узлуксизликда, тадрижийликда олиб ўрганади.

Назария иқтисодиётда ғайрииқтисодий омиллар таъсирини ҳисобга олиб ўрганади. Чунки иқтисодиёт аҳолининг сиёсий, ижтимоий, миллий жиҳатларини ҳам қамраб олади. Назария иқтисодий ва табиий соҳаларнинг ўзаро муносабатларини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Шулар билан бирга назария иқтисодиётнинг табиатга таъсирини ҳисобга олади. Маълумки, иқтисодиёт бирор жойда тўхтаб қолмайди, у ривожланишдадир. Демак, назарияда бу жараён ҳам ўз аксини топади. Иқтисодий ҳодисаларнинг келиб чиқиши, ундаги ўзгаришларнинг сабаблари ўрганилади. Иқтисодий назарияда замон талаблари, технологик ўзгаришлар ҳам эътироф этилади. Гарчанд технология иқтисодий назариянинг объекти бўлмаса-да, у иқтисодиётнинг моддий асосига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам назария бу ҳолатни назардан четда қолдирмайди. Масалан, назарияда «Катта цикллار - катта тўлқинлар» деган тушунчалар борки, булар технологиядаги катта бурилишнинг иқтисодиётга таъсирини назарда тутди. Мутлақо янги технология пайдо бўлиши билан иқтисодиёт ривожига янги давр – катта цикл бошланади, бу одатда 50-60 йил давом этади. Мана шуларни назария таҳлил этади (Ўлмасов А. Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Шарқ”, 2006 й. 17 б.).

Юқорида таъкидланганидек, назарияда тасодифий ёки жузъий эмас, балки доимо такрорланиб турадиган иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилиб, билиш учун абстракциялаш (мавҳумлик) усули қўлланилади. Айнан мазкур усул назария учун асосийдир. Ушбу усул ёрдамида иқтисодий ҳодисалар, уларга таъсир этувчи биринчи ва иккинчи даражали омиллар ўрганилиб, уларга назарий баҳо берилади. Абстракциялашда тахминий усул ҳам қўлланилади. Масалан, нархнинг

талабга таъсирини билиш учун талабга таъсир этувчи бошқа омиллар ўзгармай туради, деб тахмин қилинади. Айни ҳолатда нарх ва талабнинг ўзгариши қандай бўлиши аниқланади.

Абстракцияни аниқлаш мантиқий усулга боғлиқ. Мантиқий ёндашиш таъсирида иқтисодий муаммоларнинг ўзаро алоқадорлиги, боғланиши, муносабатлари, пайдо бўлиши, натижа ва сабаблари аниқланади. Бошқача айтганда, абстракциялаш бу иқтисодиётнинг назарий макетини пайдо қилишдир. Аммо у, илмий ёки ноилмий бўлиши мумкин. У воқеликни тўғри ёки нотўғри акс эттириши билан фарқ қилади. Аслида модел ёки макет иқтисодий воқеликнинг назарий ифодасидир (ўзбек модели). Иқтисодий назарияда оддий ёки мураккаб иқтисодий модел ёки макетлар қўлланиши мумкин. Оддий моделда фирма ва оилалар иштирок этса, мураккаб моделда кўпчилик субъектлар қатнашади ва жуда кўп ҳисоб-китоблар назарда тутилади.

Иқтисодий назарияда ижобий ва норматив ҳолатлар танланган объектни таҳлил этиш учун қўлланилади. Ижобий ҳолатда объектни назарий жиҳати тушунтирилса, норматив ҳолатда (усулда) объектнинг қандай бўлиши, нималар зарур бўлиши ҳақида фикр юритилади. Демак, иқтисодиётда назариялар оддийликдан, мураккабликка қараб боради. А. Ўлмасов, А. Ваҳобовларнинг кўрсатишича, назарияда иқтисодиётнинг қонун-қоидалари 3 хил даражада ўрганилади:

а) микродаражада, б) макродаражада, в) мегодаража (глобал) да.

Улар бир-бири билан алоқадор.

Назария учун иқтисодиётни илмий таҳлил қилишда миқдорий таҳлил ҳам қўлланилади. Миқдорий соҳалар назарий хулосалар чиқаришга хизмат қилади. Назарияда сифатли таҳлил ҳам қўлланилади. Сифатли таҳлил назарий хулосалар чиқаришга ва қонун-қоидаларни илмий таърифлашга ёрдам беради.

Таянч тушунча ва иборалар:

Модел, назария, иқтисодиёт назарияси, абстракция, амалиёт, илмий назария ва дедукциялаш, иқтисод, илмий ижодда назария, норматив ҳолат, индуктив назария.

Мавзуга оид саволлар:

1. Назария тушунчасини изоҳланг.
2. Назария ва иқтисоднинг алоқасини тушунтиринг.
3. Назариянинг вазифаларини айтинг.

ХІ боб. Ҳозирги замон ахборот тизимларининг глобаллашиши ва илмий ижод

Инсониятнинг глобаллашув жараёни. Глобализация жараёни

XX аср ўзининг йирик кашфиётлари билан одинги асрлардан тубдан фарқ қилади. Чунки айнан XX асрда фан ва техника инқилоби рўй берди. Боз устига икки марта жаҳон уруши бўлди.

XX аср биология, физика, астрономия, математика фанларининг мисли кўрилмаган ютуқларини келтириб чиқарди. Жумладан, шу асрда оксил моддаларининг (кислоталар) синтез қилиниши ва шу асосда биология фанлари тармоқларининг ривожланиши; физика фани орқали бўлинмас заррачаларнинг кашф этилиши, уларнинг хусусиятларини ўрганилиши ва янги заррачаларни кашф этилиши, космик фазони тадқиқ қилишнинг янги босқичга кўтарилиши, кибернетика, компьютерлар ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши каби соҳалар фикримизнинг далилидир. XX асрда фақат табиий фанлар ривожланиб-гина қолмай, балки ижтимоий-гуманитар соҳалар ҳам беқиёс даражада ривожланди. Бу ривожланиш дунё ҳодисаларини қайта таҳлил қилишга мажбур қилди ва мажбур қилмоқда. Янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммолар умуминсоний муаммоларга айланмоқда. Ҳозирги даврда лоқайд бўлмаган ҳар бир инсон ана шу умумбашарий муаммолар ҳақида фикр билдирмаслиги мумкин эмас. Зеро, келажакда экологик, техникавий жараёнлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, энергетик жараёнлар қиёфаси қандай бўлади, фан ва техникадан яна нималарни кутиш мумкин. Инсон хромосомаси таҳлил қилиниши инсон фаолиятини қандай ўзгаришларга олиб келади, каби саволлар давримизнинг саволларидир, айти пайтда умумбашарий ёки глобал муаммолардир.

XX асрда яшаб ижод қилган академик А.Сахаров келажак ҳақида жон куйдириб гапирган эди. Унинг фикрича, кейинги эллик йиллардан сўнгги ҳаёт кўпгина зиддиятларни келтириб чиқаради. Инсониятни йирик фалокатлар кутади, хавф-хатарлар рўй беради, машаққатлар пайдо бўлади. Лекин, бундай ҳолатларнинг олдини олиш инсоннинг -

инсониятнинг ақл идрокига боғлиқ. Инсоннинг ақл заковати келиб чиқадиган фалокатларнинг олдини олишга қаратилиши лозим. Фан ва техника тараққиёти фақат ҳайратланиш учун эмас, балки унинг оқибатлари ҳақида ҳам қайғуришни талаб этади. (Вопросы философии, 1988 йил 1-сон).

БМТ нинг маълумотларига қараганда (қанчалик талофатлар бўлмасин) дунё аҳолиси тез суръатлар билан кўпаймоқда. Ҳозир ер юзида 6 миллиард аҳоли истиқомат қилади. 2025 йилга бориб аҳоли сони 8 миллиардга етади, деган тахминлар бор. Ҳозирги пайтда ер юзининг аҳолиси бир кунда 275 минг кишига кўпаймоқда. Бир йилда эса 60 миллионга ўсаётир. Аҳолининг ўсиши табиий бўлса-да ер юзидаги табиий бойликлар нефт, тошкўмир, торф, тоза сув, унумдор тупроқ ва бошқа фойдали қазилмалар кескин камайиб бораётир. Биргина ичимлик сувини оладиган бўлсак, бу сув ер юзидаги сувнинг ҳажмини атиги 2 фоизини ташкил этади. Ўсиб бораётган аҳоли учун, албатта бу етарли деб бўлмайди. Демак, глобаллашув жараёни ушбу муаммоларни келтириб чиқараётганлигини ҳеч ким инкор этаолмайди. **Глобаллашув бу – умуминсоний ва умумжаҳон моддий ва маънавий ривожини ва тамойилларини тор доирадан чиқиб кенг миқёсда қамраб олинишидир.**

Дунё аҳолисининг тўхтовсиз кўпайиб бораётганлиги ҳозирги даврнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Қуйидаги жадвалда (1970-2000 йиллар оралиғи) аҳолининг ўсиш суръати (% да) келтирилмоқда.

Регион	%
Осиё	76,1
Африка	140,4
Европа	16,1
Шимолий Америка	30,2
Лотин Америка	89,3

Аҳолининг ўсиши ўз навбатида умумбашарий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хўш, бу умумбашарий муаммолар қайсилар? Умумбашарий муаммолар қаторига рус олимларидан Ю. Н. Гладковнинг фикрича қуйидагилар киради:

1. Дунёни сақлаш муаммоси
2. Энергетика муаммоси
3. Хом-ашё муаммоси
4. Дунё океани муаммоси
5. Маданият инқилоби
6. Соғлиқни сақлаш
7. Авария ва фалокатлар
8. Терроризм
9. Бюрократия
10. Демократия танқислиги
11. Урбанизация
12. Халқаро алоқалар
13. Демография муаммоси
14. Савдо-сотиқ муаммоси
15. Қолоқлик муаммоси
16. Экология муаммоси.

Муаммолар ичида уруш ва тинчлик соҳаси айникса долзарбдир. Эрамиздан аввалги 3500 йилдан ҳозиргача 14530 та ҳар хил урушлар бўлган. Инсоният тарихи давомида инсоният 292 йилгина урушсиз яшаган. Қуйидаги жадвалда урушда ҳалок бўлганлар сони келтирилган (млн киши).

XVII аср	3,3
XVIII аср	5,5
XIX аср	16
XX аср	70

Ер юзида қуролланиш пойгаси учун миллиардлаб доллар сарфланмоқда. Ҳар йили дунёда ҳарбий мақсадга қарийб бир триллион доллар сарф этилар экан. Агар планетамизда ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш бир ҳафтага тўхтатилса, инсоният учун бу тадбир ҳафтасига 15 миллиард доллардан зиёд фойда келтирар экан.

Қуйидаги жадвалда 1987 йилдан 1991 йилгача бўлган ораликда жаҳондаги йирик давлатларнинг қурол-яроғ билан савдо-сотиғи миллиард долларда келтирилган.

Давлат номи	Йиллар				
	1987	1988	1989	1990	1991
АҚШ	13,7	11,9	11,9	11,2	11,2
СССР	17,7	15,1	14,9	9,6	3,9
ГФР	0,8	1,3	0,8	1,2	2,0
Хитой	2,9	1,9	0,9	1,0	1,1
Буюк Британия	2,2	1,7	2,7	1,6	1,0
Франция	3,2	2,4	2,9	2,0	0,8
Дунё бўйича	45,8	39,3	38,2	29,0	22,1

Инсоният атроф-муҳитга таъсир кўрсатмоқда. Натижада экологик муаммолар юзага келди. Атмосферага йилига 1 км³ захарли моддалар ва уларнинг чанглари тушар экан. Ушбу далилларни келтиришдан мақсад ҳозирги кундаги бу маълумотларни тўплаш технологияларга ҳам боғлиқдир. Ўз навбатида ахборотлар глобаллашуви келиб чиқади. Ахборотлар глобаллашуви бир томондан ижобий натижаларга олиб келиши, иккинчи томондан салбий натижаларни бериши мумкин. Яъни, инсон мияси ва унинг нерв (асаб) фаолияти қанчалик кўп ахборотларни қабул қилаверса, унинг шунчалик заифлашиши содир бўлиши мумкин. Сабаби ахборотларнинг тез кўпайиши натижасида асаб системаси унча тез мослаша олмайди. Шу сабабли ахборот тизимини режали қабул қилиш инсон организмига таъсир этмайдиган даражада бўлишини

таъминлаш ҳам ижод фаолиятига боғлиқ. Ахборот тизимининг ижобий томони шундаки, у ер юзидаги халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий илмий-техникавий, маданий алоқаларни тезлаштиради, яқинлаштиради. Бундай ҳолат эса ҳар бир мамлакатнинг умумий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Шу мамлакатнинг тараққиётини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқариш кучларини ўзгартиришга олиб келади. Бу эса умумий цивилизациянинг ўзгаришига олиб келади. Фан ва техника тараққиёти ижтимоий ҳаёт ўзгаришининг асосий омилидир. Демак, ахборот технологиялари орқали табиат, техникавий жараёнлар, иқтисодий-ижтимоий, маданий фаолиятлар қайтадан таҳлил қилинади. Буларнинг барчаси ижод жараёнини ўта долзарблигидан дарак беради. Чунки ижодий жараён, пайдо бўлаётган ахборот тизимларининг асоси ҳам ҳисобланади.

Ахборот жамиятининг пайдо бўлишида ҳозирги замон электрон-компьютер ва биотехнологик ривожланиш билан боғлиқдир. Аниқроғи, компьютерлар, электроника, умумий технологиянинг ривожланиши ахборот ёки информацион жамиятни келтириб чиқаради. Бу жамият ўз навбатида инсоннинг фаолияти унинг умумий дунёқарашининг ўзгаришига олиб келаётир. Дунёқарашнинг ўзгариши замон талабларига янгича жавоб бериш билан ҳам боғлиқ. Инсон интеллекти бир жойда тўхтаб қолмайди. У ҳам, фан ҳам, ижод ривожланиши билан ўзгариб боради. Бу ўринда, таъкидлаш лозимки, фаннинг ҳақиқий ахборот маркази эканлиги сезилади. Шу сабабли фан ўзининг аниқ ва ҳақиқатга мос ахборотларига эга бўлиши керак. Инсон ахборотлар ўртасида чалкашиб қолмаслиги керак. Ахборотлар орқали ҳақиқатни билиши, унга эришиши лозим. Ахборот таъсирида ижод учун зарур бўлган далилларга эга бўлиши зарур.

Ахборот тушунчаси

Ахборот тўғрисидаги биринчи маъмулот XX асрнинг йигирманчи йилларидан бошланади. Кўпроқ 1948 йилдан бошлаб, бу тушунчага жиддий эътибор қаратилди. Сабаби, К.Э.Шенон, Р.А.Фишер ва Н.Виннерлар ахборотнинг статистик-микдорий жиҳатларини (биридан хабарсиз ҳолда) аниқладилар. Бу ўринда К.Э.Шеноннинг “Алоқанинг математик назарияси” асари катта рол ўйнайди. Айни шу даврларда Н.Виннернинг ҳам “Ҳайвон ва машина”, “Кибернетика ёки бошқариш” номли асарлари эълон қилинган эди. Бу асарларда асосан, ахборотнинг назариялари хақида фикрлар юритилди. Натижада “Ахборот” ғояси тез ривожланди. Ахборот тушунчаси “кибернетика” тушунчасидан кенгроқ тушунила бошланди. Аслида эса ахборот кибернетиканинг бир қисми сифатида фаолият кўрсатди. Маълумки, ахборот ҳар бир фанда, ҳодисада, жараёнда бор. Кибернетика эса алоқаларда, бошқариш системасида фаолдир. Ахборот тушунчаси кенг соҳаларни қамраб олади. У фан, табиат, жамият, инсон тафаккури талабларини ўрганиш учун, ижод, илмий ижод учун катта аҳамиятга эга.

“Ахборот” тушунчаси бошқа тушунчалардан ажралиб қолган тушунча эмас. У “билиш”, “билим”, “мужассамлик”, “борлик”, “алоқа”, “инъикос” “ўхшашлик”, “сабаб”, “тараққиёт”, “система”, “структура” тушунчалари билан алоқада, боғланишдадир.

“Ахборот” тушунчаси кенг қиррали бўлганлиги учун унинг хусусиятларидан келиб чиқиб, фалсафий категория сифатида ҳам таҳлил қила бошладилар. Аммо бу масала мунозаралигича қолиб кетмоқда. Айни пайтда фалсафа – ахборот тушунчаси учун ҳам методология вазифасини бажаради. Ахборот тушунчаси ҳам бошқа тушунчалар каби ўзининг келиб чиқиши, ривожланиш тарихига эга. Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб атрофидаги нарса ва ҳодисаларга муносабат билдириш учун, аввало маълумотга эга бўлишни

истайдилар. Демак, ахборот теварак-атрофдаги турли хил манбалардан тўпланган омиллар бўлиб, бу билимларнинг қайта изҳор қилиш ҳамдир.

Ахборот илмий ижод учун методологик аҳамиятга эга. Уни тўғри таҳлил қилиш илмий ижоднинг ривожланишига асос бўлади. Шу билан бирга ахборот тушунчаси илмий ижодда назарий жиҳатларни ҳам асослашга ёрдам беради. Унинг турли-туман қирралари ижодда қўлланилади. Ахборот олинмаса ва у ўз навбатида тарқатилмаса ижод натижаси бўлмайди. Ахборот тушунчасини ҳам турлича изоҳловчи оқимлар мавжуд. Булар қаторига позитивистлар, экзистенциалистлар, метафизиклар, прагматиклар қарашларини олиш мумкин. Чунки бу тушунча юқорида таъкидлаганимиздек, кибернетика, онг, генетика, информатика, демократия, сиёсат, маданият, глобаллашув жараёнларини ҳам ўзида қамраб олади. Яъни, унинг бажарадиган функцияси йилдан йилга инсон фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда. Олимларнинг тобора диққат эътиборини жалб этмоқда. Жумладан, И.А Акчурин, А.Н.Колмогоров, У.Р. Эшби кабилар ахборот тушунчасининг миқдорий жиҳатларига эътиборини қаратган бўлсалар, Амосов. Н.М., Баженов Л.Б., Жуков Н.И., Иванов С.Г., Полушкин В.А. каби олимлар мазкур тушунчани сифатий жиҳатларига эътиборни қаратдилар. Олимлардан И.С.Нарский эса ахборот тушунчасининг концепциясини ишлаб чиқди. Демак, ахборот жараёнларига кундан кунга, йилдан-йилга қизиқиш кучайиб бормоқда. Ундан фақат оддий хабар узатиш ёки олиш учун эмас, балки турли фанлар доирасини кенгайтирувчи ва илмий ижод учун беқиёс шарт-шароитлар, омиллар яратувчи мураккаб субстанция сифатида фойдаланиш зарурияти туғилмоқда. Эндиликда бирор соҳа йўқки ахборот тизими ҳақида сўз юритилмаса. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини кондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадриятларини сақлаб қолишга

йўналтирилган. Принципиал янги ахборот тармоқларини ташкил этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш, зарур шарт-шароитлар яратиш учун бир қанча вазифаларни амалга оширилиши белгилаб берилган. Жумладан: Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВ нинг Ўрта Махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот ресурс марказларини тузиш кўзда тутилган. Уларнинг вазифалари этиб қуйидагилар кўрсатилган.

Таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда, мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

Миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

Янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

Маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига эса аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

Китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш, ахборот-кутубхона ва

ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминлаш;

Йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

Жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юкланган.

Шу билан бирга ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда “ZiyoNet” ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

Электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси белгиланган.

2006-2007 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент Давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетидида “ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналиши бўйича бакалаврият кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун айтилган (“Халқ сўзи” газетаси, 2006 й 20-июнь).

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ахборот тизими қимматли маҳсулот ва асосий товардир. Ахборот билимларни излаш, яратиш, мукаммаллаштириш ва уни сақлаш, ахборотларни кўпайтириш ва тарқатиш манбаи эканлигини ушбу кўрсатилган қарордан ҳам билсак бўлади.

Ахборот турлари

Ахборотни тўплаш учун унинг манбалари кўп бўлгани сингари унинг турлари ҳам мавжуд ва анчадир. Ахборот маълумотлар ва хабарлар тўплами бўлиб, унда янгиликлар ҳамда эски ҳолатлар мавжуд бўлади. Ахборотда ҳам ворислик тамойили мавжуддир. Мутлақо янги ахборотнинг бўлиши мушкулдир. Демак, янги ахборотлар эски ахборотлар асосида пайдо бўлади. Ахборотлар ишончли бўлиши зарур. Мунозарасиз ахборотлар ижод жараёнини боши берк кўчага олиб киради. Ортиқча харажат ва вақтнинг бекорга кетишига олиб келади. Ахборот турли соҳаларни қамраб олгани учун турли соҳада ҳам ахборотни олиш ва тарқатиш ўта масъулиятлилики талаб этади. Сиёсий, ҳуқуқий, маданий, техникавий, ижтимоий соҳалар ҳам бундан истисно эмас.

Айниқса, бошқарув тизимида ҳам ахборот ўта ишонарли бўлиши лозим. Бошқарувчи орган бошқарилувчи объектнинг ҳолати ҳамда бошқарилувчи объект боғлиқ бўлган ташқи муҳит ҳолати ҳақида ахборотлар олиб туради. Бу ахборот бошқарувчи орган томонидан қабул қилинади ва шу ахборот асосида у бошқарувчи ахборотни ишлаб чиқади. Шундан сўнг ахборот бошқарилувчи объектга таъсир ўтказадиган бошқарувчи тизимнинг ижроия органига юборилади ва бажарилиши назоратга олинади. Шундан кейин бошқарув тизимида ахборотни узатиш, олиш, қайта ишлаш ва бериш жараёни амалга оширилади. Бошқаришда фойдаланиладиган ва бажарилиши учун узатиладиган ахборотларга қуйидаги талаблар қўйилади: ишончлилики, тушунарлилики, тезкорлики, тўлиқлики, тежамлилики ва бошқалар.

Ахборотлар ўзининг тизимига турлича бўлиши мумкин. Ахборотларнинг оддий ва мураккаб тизимлари оддий ахборот тизими бу телефон ёки бирор бошқа манба орқали олинса, мураккаб ахборот манба ёки асоснинг ҳолати билан боғлиқдир. Сабаби манба ҳолати ҳам мураккаб бўлиб ундаги ахборотни бирор сўз ёки бирор манба билан ҳам айтиб бўлмайди. Демак, ахборот ҳам кўп хусусият ва тавсифдан иборатдир. Унда ижоднинг турли қирраларидан, техник воситалардан

фойдаланишга тўғри келади. Ахборот тизимларини тўғри тушуниш ҳам ижодда ютуқлар гаровидир. Ахборот турлари ахборот тизимларининг хусусиятларига ҳам боғлиқ. Ахборот тизимлари оддий ёки мураккаб бўлиши билан бирга қуйидаги хусусиятларга ҳам эга. 1. Маълумотларни олиш ва қайта ишлаш жараёни. 2. Ахборотни қайта ишлаш маркази фаолияти. 3. Ахборотни қайта ишлаш ва ҳисоблаш хизмати. 4. Механизациялашган ёки автоматлаштирилган ахборотни ташкил этиш тизимлари. Бу тизимларнинг ҳаётийлигини таъминлаш аввало инсон фаолиятига боғлиқ. Ахборот тизимида инсон марказий фигурадир. Шу сабабли ахборот учун ишлайдиган шахсга барча имкониятлар яратилиши энг муҳим шартлардандир. Таъкидлаш лозимки, кўрсатилган тизимлар баъзи қулайликларни келтириб чиқаради. Жумладан, тизимнинг ҳолати ва унинг ишонарлигига жавоб берувчи масъул киши жавобгарлигини оширади; объектнинг умумий фаолиятини англаб етишига кўмаклашади; ахборотнинг таркибий қисмларини тўла тушунишга ёрдам беради; натижалар олишни тезлаштиради; ахборотларнинг қандай қисмидан, қаерда, қачон фойдаланиш кабиларга ёрдам беради. Демак, ахборот тизими инсонлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Ижод учун кенг йўл очиб беради. Бу ўринда ахборот турлари муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ахборот соҳасидаги мутахассислардан бири Мариан Мазур **қуйидаги ахборот турларига** диққатни жалб этади: 1. Нотривал ахборот; 2. Тривал ахборот; 3. Айний ахборот; 4. Тенг аҳамиятли ахборот; 5. Тескари ахборот; 6. Натижали ахборот; 7. Операцион ахборот; 8. Тескари операцион ахборот; 9. Асосий ахборот; 10. Тескари асосий ахборот; 11. Ассоциацион ахборот. (М.Мазур. Качественная теория информации. М., 1974 с 71-82). Аммо иқтисодчи олимларимиз М. Шарифхўжаев ва Ё. Абдуллаевлар бошқарув жараёнидаги ахборотларни ўзгача ҳолда турларини кўрсатиб берадилар ва улар келтирган ахборот турлари бироз тушунарли ҳамдир:

Ахборот турлари;

т/р	Туркумлари белгилари	Гуруҳлар
1	Мазмунига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - иқтисодий - ҳуқуқий - социал - техникавий - ташкилий
2	Келиш манбаи ва фойдаланиш жойига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - ички ахборот - ташқи ахборот
3	Кимга мўлжалланганлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - корхона учун - бўлим учун - цех учун - участка учун
4	Барқарорлик характериға қараб	<ul style="list-style-type: none"> - оддий ахборот - шартли доимий ахборот - ўзгариб турувчи ахборот
5	Фойдаланиш учун тайёрлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - дастлабки ахборот - оралик ахборот - якуний ахборот
6	Даврийлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - сменали ахборот - суткалик ахборот - кварталлик ахборот
7	Бошқарув жараёнидаги вазифасига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - директив ахборот - ҳисобот кўринишидаги ахборот - ҳисобга олиш

		<p>бўйича ахборот</p> <ul style="list-style-type: none"> - назорат қилиш <p>бўйича ахборот</p>
8	Воқеаларнинг келиб чиқишини акс эттириш вақтига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - тарихий ахборот - жорий ахборот - перспектив ахборот
9	Мўлжалланганлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - бир мақсадли ахборот - кўп мақсадли ахборот. Яъни кўп муаммоларни ечишга мўлжалланган ахборот
10	Мустаҳкамлаш ва сақлаш имкониятига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - оғзаки ахборот - ёзма ахборот - овозли ахборот - тасвирли ахборот
11	Муҳимлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - ўта муҳим ахборот - муҳим бўлмаган ахборот
12	Тўлиқлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - тўлиқ, комплекс ахборот - тўлиқ бўлмаган ахборот
13	Характерига қараб	<ul style="list-style-type: none"> - индивидуал ахборот - универсал

		ахборот
14	Ишонарлилигига кўра	- ишончли ахборот - эҳтимолли ахборот

Ахборот турларининг кенг қиррали эканлигини ушбу гуруҳланишдан ҳам кўраяпмизки, буни янада узайтириш мумкин. Чунки бу кўриниш бошқарув соҳасини қамраб олган. Аслида бундай ахборот турларини инсон фаолиятидаги бошқа жараёнларида ҳам акс этишини эътироф этиш керак. Ахборот тизими илмий ижоднинг фақат бошқарув соҳасидагина эмас, балки инсон фаолиятини бадий, тасвирий, умуман яшаш учун зарур бўлган барча томонларини ҳам қамраб олади. Демак, барча соҳаларда ахборот турлари бўлиб, улар ўзларининг маълум бир хусусиятларига эга.

Таянч тушунча ва иборалар:

Глобализация, демография, умумбашарий муаммо, урбанизация, энергетика муаммоси, терроризм, экология, ахборот, кибернетика, ахборот кутубхона, ахборот турлари.

Мавзуга оид саволлар:

1. Глобаллашув нима?
2. Умумбашарий муаммоларни тушунтиринг.
3. Ахборот турлари моҳиятини айтинг.

ХII боб. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илмий тадқиқотлар методологияси

Ҳозирги замон илмий тадқиқотларида ижодий фаолият аҳамиятининг кучайиши

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт инсонлар фаолияти, уларнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Республика ҳукуматининг мазкур соҳаларда қатор тадбирларни амалга оширишида ижодкор ходимлар талаб қилинади.

Илмий ижод методологияси курси магистрантларни фақат илмий жараёнларни тушуниш услубларини билиш, ижод қилишга ундабгина қолмайди. Балки ташаббускор, илғор фикрлайдиган шахслар фаолиятини ҳам шакллантиради. Уларга мазкур соҳаларнинг қирраларини ва муаммоларини тушунтиради. Демак, иқтисодий соҳаларда ижодкор, мустақил фикрлайдиган мутахассислар етиштиришга ўз ҳиссасини қўшади. Минг афсуслар бўлсинки, иқтисодий жараёнларни ҳам тўғри тушунмайдиган, унинг ривожланиши натижасида қандай ютуқларга эришиш мумкинлигини сезмайдиган раҳбарлар йўқ эмас. Бинобарин, улар иқтисодий соҳалардаги илмийликни ҳам тушунмайдилар. Улар иқтисодиётда илмий тадқиқотлар методологияси ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

“Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси,- деб таъкидлаган эди, И.А.Каримов, - Ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига оладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир”. Ҳа, ушбу хислатларга эга бўлиш учун иш жараёнида қандай услублардан фойдаланиш керак, деган савол кўндаланг бўлиб туради. Демак, ҳозирги давр иқтисодиёти, методологиясиз илмий бўла олмайди. Методология нима эканлигини олдинги бўлимларда айтиб ўтган

бўлсак-да, айнан иқтисодий соҳада у қандай намоён бўлади ва у нималарни талаб қилади, энди шулар устида оз бўлса-да, тўхталамиз.

Ўтмишдаги буюк алломалар ўзларининг ижодларида у ёки бу манбага, тарихий жараёнларга ва халқ меросига суянган ҳолда янгиликларни кашф этганлар. Аниқроғи ҳаётдаги, турмуш тарзидаги қарашлар, услублар, тафаккур тизимларидан фойдаланган ҳолда объектни тасвирлаганлар ва хулосалар чиқарганлар. Шу сабабли ҳам уларнинг хулосаларини, кашфиётларини инкор этиб бўлмайди. Демак, иқтисодий соҳа ҳам бундан истисно эмас.

Иқтисодий соҳалар билан шуғулланадиган ҳар бир тадқиқотчи ҳам ўтмишдаги иқтисодий қарашлар, кузатишлар, услублар, тафаккур ҳосилаларига суянган ҳолда иш олиб борсалар, яратган таълимотлари ҳаётдан абадий ўрин олади. Зеро, ана шундай ёндашишнинг ўзи методологиядир. Методология турли чиғириклардан ўтиб, қийинчиликларга бардош берадиган услублар йиғиндиси сифатида тан олинган таълимотдир. Чунки, у ўзининг фанда тутган ўрни билан фарқланиб туради. Илмий ижодга қандай ёндашиш кераклигининг йўлини кўрсатади. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, методология ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг калитини беради. Методологияга асосланиб, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларини янги босқичга кўтариш мумкин. Бу ҳолат фан ривожланишини қамраб олади.

Фан ривожланиши методологияга боғлиқ. Бинобарин, республикадаги муҳим йўналиш – иқтисодий соҳа фан тараққиётисиз ривожланмайди. Фаннинг ҳам ривожланиши инсонлар, ижодкорлар фаолиятига боғлиқ. “Фаннинг замон талаблари даражасида тараққий топиши учун менинг назаримда, қуйидаги муҳим омиллар зарур. Ғоя, моддий асос, тегишли шароит, фикр, тафаккур эркинлиги.

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу олийжаноб интилишдир. Ҳозирги шароитда ишбилармонлар, савдогар ва тадбиркорлар топиш – тутиш жиҳатидан илм-фан ва маданият соҳаси кишиларидан ўтиб кетгани сир эмас. Майли, бозор иқтисодиёти бусиз

бўлмайди. Савдо-сотик, бизнес керак. Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл қўя олмаймиз. Чунки, мамлакатнинг иқтисодий кудратини, унинг эртанги кунини, боринги, тақдирини ҳам провард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илм-фан ривожланмаса – жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор (И. А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 88-бет). Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, фан, ижод изланиш иқтисодий соҳалар чамбарчас боғланиб кетган. Бу боғланишларнинг ўзагини топиш ва шу асосда магистрантдан келажакда ҳам изланишини давом эттиришини талаб этилади. Бу анча мураккаб жараён. Айниқса, иқтисодиётнинг молия, банк, кредит, аудит соҳаларини бошқариш йилдан йилга мураккаблашиб бормоқда. Ана шунинг учун ҳам изланувчи методологик жиҳатлар билан шуғулланиши зарур. Иқтисодиётда методология муайян мақсадга эришмоқ учун қандай воситалар қўлланилиши ҳақида изланувчига маълумотлар беради. Методология мазкур мақсадга эришишнинг “баҳо”сини ҳам белгилашда ёрдам беради, хабар қилади. Бироқ бу кенг камровли бўлиб, изланувчи унинг ўзига тегишли томонларинигина олиши зарур. Акс ҳолда “хабар”ларга “кўмилиб” қолиб ўз йўлини топа олмай қолиш мумкин. Ҳақиқий изланиш мавжуд нарса ва ҳодисалар ҳақида олиб борилади, тахминий нарса ва ҳодисалар рад этилади. Илмий изланишда инсон учун зарур ва аҳамиятли бўлган ҳақиқат изланади: изланаётган далил тўғри ва умумаҳамиятга эгаки, иқтисодий фанлар соҳасидаги услубий жиҳат илмий далил, ўз мақсадига эришиш учун барча инсонлар томонидан ҳам тўғри деб топилиши керак.

Кимдир иқтисодий фанлар учун методологиянинг аҳамияти йўқ деса, у йирик хатога йўл қўяди. Биламизки, иқтисодиётда ҳам сон-саноксиз муаммолар бор. Улар баъзида бири иккинчисини тақозо этади, инкор қилади, зиддиятларга дуч келади, чекинишларга тўғри келади. Бу муаммоларни ечиш методологияга боғлиқ.

Давлатнинг фан ва иқтисодиёт соҳасидаги сиёсати

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўзига хос ва мос ривожланиш йўлини танлади. Собиқ иттифоқ давридаги бошқариш талабга жавоб бермай қолди. Ўзбекистонни жаҳонга намоён қилиш, ахборот ва иқтисодий жиҳатдан четлаштириш ҳолларига барҳам бериш, жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатлари қаторида тенг бўлиб олиш сари интилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу соҳада маълум ютуқларга эришилди. Турмуш тарзимиз ҳаётимизни жамиятимизнинг асосий тамойилларини ва давлатимизнинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий иқтисодий тузилмаларини ҳал қилувчи, умуминсоний қадриятларга асосланган, эркин демократик келажагимизни аниқ белгилаб берган асосий қонун – Конституциямизни қабул қилдик. Иқтисодий йўналишларни белгилашда республикамизнинг ўзига хос турмуш тарзи, шарт-шароитлари ва хусусиятлари, халқ анъаналари ва урф – одатлари ҳар томонлама ҳисобга олинди. Ўзбекистон танлаб олган йўл республика ва унинг халқи манфаатларига ниҳоятда мос келадиган ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир. Иқтисодий ислоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган мамлакатларда иқтисодиёт батамом барбод бўлишини ҳаёт тасдиқлаган. Шундай бўлса халқнинг аҳволи оғирлашади. Зиддиятлар кучаяди. “Биз иқтисодни ҳар хил сиёсий мафкурадан устун қўйиб, шу соҳада бўлган муаммоларни ҳал қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаймиз. Бутун жамиятимизни янгилаш асосини ва инсон учун муносиб шарт-шароитлар яратяпмиз.

Иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга янгича ёндашувларни ҳаётнинг ўзи тақозо этапти. Иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқурроқ ифода этиш, уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ равшан англаб етиш лозим. Республикада ҳар бир раҳбар, ҳар бир ходим илғор фикрловчи ҳар бир одам ислоҳотлар ғояси билан яшаши лозим”¹.

¹ И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 4-бет

Демак, иқтисодий ислоҳотларни асосий тамойил ва ғояларини тушуниш ва тушунтириш фан ривожига уни амалий фаолиятга фандагидек, татбиқ этилишига боғлиқ.

Иқтисодий ислоҳотларни, вазифаларни амалга оширишда мамлакат учун қуйидаги соҳалар узлуксиз устувор йўналишлар қилиб белгиланган:

- таълим ва маданиятни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш;
- ақлий ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Буларни, умуман, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш, биринчи галда кадрлар имкониятига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрланганлигига боғлиқ. Таълим берадиган фанлар даражасини юқори поғонага кўтариш давр талабидир. Билимдонлик, юқори маданийлик, ютуқлар гаровидир. Фан кашфиётлари ҳаво ва сувдек зарурдир. Шу сабабли ҳам айтилиши лозимки, давлат бундан буён ҳам иқтисодиётда, энг асосий устувор тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди.

Чунки мамлакатимиз келажаги ана шу тадқиқотларга боғлиқ. Демак, илмий ижод қилиш, изланишлар, илмий тадқиқотлар фаолиятининг моддий базасини ривожлантириш, хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, алоқаларни мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун иқтисодиётнинг амалий эҳтиёжларига яқинроқ бўлиш, самарали натижаларни берадиган ихчам, изланувчан ижодий жамоалар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий соҳадаги фан ва илмий тадқиқотларнинг доимий ривожланиши учун қулай шарт-шароитлардан бири бу таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилишдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонунининг ишлаб чиқилиши айна муддао бўлди. Қонуннинг 3-моддасида “Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади” деб айтилиши билан бирга, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ҳам кўрсатиб берилган.

Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик тавсифда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналиши: академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги; таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув; билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш ва бошқалар. Бу кўрсатилган тамойиллар таълим тизимидаги ислохотлардан бўлиб, собиқ иттифоқ таълим тизимидан тубдан фарқ қилади.

Бу тамойиллар республикада иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга бевосита таъсири бўлмаса-да, лекин иқтисодий соҳада кадрлар тайёрлашнинг асоси учун замин яратади. Ушбу тамойиллар асосида Олий ўқув юртларини тубдан қайта қуриш бошланди. Яқин йилларгача иқтисодиётда ишлайдиган ходимлар фақат Тошкент ва Самарқандда тайёрланса, ҳозирги пайтда барча вилоятларда иқтисодий фан ва таълим марказлари ташкил этилган. Зеро, замон талабига мос мутахассис тайёрлаш зарур экан, асосан, биринчи ўринда ўқув юртларини шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши талаб этилади. Таъкидлаш лозимки, 1997 йилгача 300 дан ортиқ янги турдаги таълим муассасалари очилган эди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилганди. 800 дан ортиқ ўқувчилар чет элларда таълим олиб қайтган эдилар. Кўпгина ўқитувчилар хорижий мамлакатларда малакаларини ошириб келдилар. Ҳозирги кунда ана шу олиб борилган тадбирлар натижасида иқтисодий соҳада минглаб ходимлар унумли меҳнат қилмоқдалар.

Усуллар, методология ва иқтисодиёт

Усуллар, методология ва иқтисодиёт ҳақида сўз юритганда шу нарсани унутмаслик керакки, методология барча фанлар учун энг умумий услубдир. Демак, иқтисодиётда ҳам хусусий услублар мавжуд. Нафақат иқтисодий соҳада, балки барча фанларнинг ўзига хос услублари бор. Умуман, тадқиқот олиб бориш учун сон-саноксиз услублар бор, десак хато бўлмайди. Сўз, ана шу сон-саноксиз услублардан иқтисодий соҳалар учун қайсиларини танлаб олиш кераклиги ҳақида бормоғи лозим. Файласуф Омонулла Файзуллаев таъкидлаганидек, олам (биз учун) битта бўлса ҳам уни ўрганадиган ягона усул йўқ.

Чунки олам, коинот, тирик, нотирик табиат хилма-хил бўлганлиги учун ҳам уни бир ёки бир неча усуллар билан ўрганиш кифоя қилмайди. Оламни тадқиқ қилиш учун турли томондан ёндашган ҳолда таҳлил қилиш керак. Бунинг учун турли услублар борлигига мурожаат қиламиз. Бу ўринда магистрантларга усулларнинг хилма-хиллигини кўрсатиш мақсадида О.Файзуллаевнинг усуллар ҳақида хулосаларини тўлиқ келтирамиз:

Умумий усуллар:

Эмпирик. Назарий. Индукция-дедукция. Анализ-синтез. Тарихий-мантиқий. Қиёслаш. Аналогия. Типология. Система. Классификация. Формаллаштириш. Идеаллаштириш. Конкретлаштириш. Умумлаштириш. Абстрактлаштириш. Аксиома-лаштириш. Теоремалаштириш. Леммалаштириш. Принциплаштириш. Гипотеза. Моделлаштириш. Кутубхона ва интернетдан фойдаланиш. Мактаб ва репититорлик. Фикран эксперимент. Миқдорий эксперимент. Редукция. Экстра интерполяция. Комплекс-системалаш. Башорат. Танқид-мақташ. Ёрдам. Педагогик Эвристика. Алгоритмлаш ва ҳоказо. Бу усуллар ҳамма фанларга дахлдор бўлганидан, уларни фалсафий усуллар, деб ҳам айтиш мумкин.

Ўртача умумий усуллар:

Математик. Иқтисодий. Статистик-эҳтимолиёт. Корреляция. Программлаш. Криминалистик. Баланс. Инструкция. График. Голография. Лексикографик. Топографик. Картографик. Ўйин назарияси. Графлар назарияси. Гармония. Генеалогия ва бошқа усуллар.

Махсус усуллар:

Физикавий усуллар: Оптик. Акустик. Спектрал. Радиацион. Фурье-спектроскопия. Рентген. Радиолокация. Электрофизик. Иссиқлик-физик. Лазер ва бошқалар.

Кимёвий усуллар: биокимёвий. Рентгенфаза анализи. Катализ. Гетероген. Цеолит ва ҳоказо.

Биологик усуллар: Литологик-Гистологик. Эволюцион. Генетик. Иммунологик. Геоботаник. Интродукция-акклиматизация ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида яратилган илмий тадқиқот ва билиш усуллари санаб ўтиш - мақсадимизнинг ўзи эмас. Уларнинг борлигини эслатиш ёш олимларимизга ёрдам беришдир. Дарҳақиқат, илмий тадқиқот усуллари ҳисоблаб чиқиш, уларнинг эффектларини аниқлаш - жуда қийин масала.

Мисоллар

Тарихда ва ҳозирги кунда жаҳон миқёсида яратилган илмий тадқиқот ва билиш усуллари санаб ўтиш фойдали. Лекин, улардан амалда қандай фойдаланилган ва биз ҳам келгусида қандай фойдаланишимиз мумкин, - бу бизнинг мақсадимиз. Шу вазифа билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-текшириш институтларида ишлатилаётган усуллар билан танишиб чиқдик.

Юқорида келтириб ўтилган усуллар таснифини қайтармаслик учун, усулларни 4 та тоифага бўлдик: 1) структураларни тадқиқ қилиш усуллари, 2) характеристикаларни аниқлаш усуллари, 3) сифатни ошириш усуллари, 4) моделлаш усуллари.

Структураларни тадқиқ қилиш усуллари:

Аналитик усул билан сонлар назарияси, функциялар назарияси, ҳисоблаш математикаси масалалари ечилди. Фредгольм сингуляр интеграл тенгламалари системаси ечими топилди. Кальций сульфат-фосфатнинг моддий таркиби аниқланди. Корреляцион анализ ёрдамида суғориладиган ерлар модели яратилди. Пахтани сотишда ишлатиладиган янгича ҳисоб-китоб усули. Реакцияларнинг охири ҳолатини анализ қилиш усули яратилди. Ацетоллиз усули билан ғўза табиати ўрганилди. Биодеградация усули ишлаб чиқарилди. Визуализация усули бунёдга келди. Технопрограммлаш десорбция усули зангламайдиган металллардан газни сиқиб чиқаришда ишлатилди. Оксиллар билан мембраналар ўзаро таъсири флюоресцент зондлар усули билан текширилди. Молекулаларни ионизация қилишнинг учта усули ўйлаб чиқилди. Позитрон даврини ўлчаш усули яратилди. Инкрустация усулидан фойдаланилди. Чигит оксиллари пептид усули билан ўрганилди. Ядровий чуқур профиллаштириш усули кучли изотоп эффекти аниқланди. Экинларни фойдали жойлаштиришнинг янги усули ишга туширилди. Пахтачиликда каталитик парчалаш усули қўлланилди. Биологик тизимларни тадқиқ қилишда радиоаналитик усул яратилди. Олтин ва кумуш таркибида қўшимча моддаларни аниқлашда радиоактивацион усул қўлланилмоқда. Алкиламинни синтез қилиш усули кашф этилди. Кимёвий рафинлаш усули ишлаб чиқилди. Қурт-кумирскалар феромонтларини синтез қилиш усули бунёд этилди. Электрон нурланиш ўзаро таъсирини оптик ва электрон спектроскопияси усули билан ўрганилди. Спектрографик ва хроматографик усуллари ёрдамида дефолиантлар текширилди. Фотометрик усул анча иш берди. Лазер резонанс флюоресценция усули билан изотопларнинг радиуси аниқланди. Пахтачиликда эмбриогениз масалалари электрон-микроскоп усули билан тадқиқ қилинди.

Характеристикаларни аниқлаш усуллари:

Позитронлар аннигиляцияси усули билан пахта толаси макро мустаҳкамлик хусусияти биринчи марта ўрганилди. Кичик дарёлар экосистемасини қандай тиклаш ва фойдаланиш усули ишга тушди. Чинордан тўкилган барглardan токоферол олиш усули яратилди. Гетероген кислота гидролизи усули билан бир қанча маҳсулот олинди. Гидродинамик усул ёрдамида молекуляр характеристикалар аниқланди. Блотти усули қўлланилди. Геотермик усул билан зилзилани олдиндаи айтиб бериш соҳасида янги натижага эришилди. Сувсиз системада гликопротендларни дегликозилирлаш усули кашф қилинди. Алюмосиликатлар ионлари текшириш усули ишлатилди. Регионал зилзила фракталлигини аниқлаш усулидан фойдаланилди. Релятивистик билишда билимларни йиғиш усули яратилди. Радиоактив қолдиқларни тозалашнинг оптимал усулидан фойланилди. Ўсимликларда иммунитетни аниқлаш усули. Физиологик фаоллик градиентининг морфологик намоён бўлишини аниқловчи усул ишлатилди. Бозор иқтисодиёти тизимига ўтишга бир қанча усуллар яратилди. Қиёсий усул билан бир қанча давлатлар ҳуқуқий структуралари, тилларининг типологик тадқиқотлари ўрганилди. Электргидрозарба усули ёрдамида ғўзанинг хусусиятлари ўрганилмоқда.

Сифатни ошириш усуллари

Гуллар меросистемасини фаоллаштириш усули билан уними ўнлаб марта оширилди. Нашани далада йўқотадиган биопрепарат усули ишлаб чиқилди. Никеллаш электролитлари оптимал таркибини аниқлашда сиртқи таранглатиш усули яратилди. Кўп фазали муҳит гидромеханикаси қонуниятидан фойдаланиб тупроқ ости суғориш усули яратилди. Гидропривозли манипуллаш органининг мустаҳкамлигини ошириш усули. Орол ҳавзаси сувини тозалашнинг назорат усуллари ишлаб чиқилди. Натрий вольфрамат эритмаларини тозалаш усули.

Кингисеп фосфорини ишлаш усули. Тупроқ сифатини ошириш янги усуллари. Чигитнинг сифатини ошириш усуллари. Цеолит усули тажрибадан ўтказилди. Чигитнинг касалликдан қутқариш усуллари. Қандлавланини қайта ишлаш комплекс усули. Телевидение эффектлигини ошириш усули яратилди. Юқори вольтли электрофорез усули мукамаллаштирилди. Янги спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш усуллари жорий этилди. Кўкаламлаштириш ва гулшуносликда илғор усуллар яратилди. Ядро реакциялари усули билан бир қанча материаллар хусусиятлари бунёдга келди. Чигитни электрик ток ва композиция билан қайта ишлаш усули яратилди.

Моделлаштириш усули

1) *Математик моделлаштириш.* Металлогенетик анализ учун икки модель тавсия этилди: объектларнинг фазовий тарқатиши модели ва объектлар орасида геометрик муносабатлар модели. Сув ҳавзасида сувнинг юқори қатламида тасодифий жараёнлар назариясидан фойдаланиб математик модел яратилди. Пахта терувчи машина ҳаракатининг математик модели бунёд этилди. Илк онтогенезнинг модели. Фазовий компоновка конструкциялари математик модели. Бошқарув ҳужжатлари макети оптималлаштириш математик модел. Дифференциал тенгламалар системасини ечишнинг модели. Филтрлаш модели. Гидрокимёвий жараёнларни математик модели. Ҳар хил системалар динамикасининг математика модели. Статистик моделларнинг турғунлиги татқиқ этилди. Пахта териш аппаратида тола ва чигитнинг зарарланишининг эҳтимоллик модели. Стохастик дифференциал тенгламаларга асосланган тасодифий тебранишларнинг микдорий модели. Ҳисоблаш математикаси ва техникасининг замонавий моделлари, информатика технологиясининг охириги моделлари устида иш олиб борилмоқда.

2) *Физик моделлаш.* Тоғ жинсларининг транспортлаш жараёнини моделлаш. Макромолекула деформацияси ва деструкцияси механизмларининг модели. Нуклон зарбасида кварк-глюон модели.

Эквивалент электр ўтказишни аниқлаш. Сейсмик таъсирда ўзаро таъсир модели. Суюқликда генерация қилиш модели. Кўп даражали тарқатилган эксперт системаларини автоматлаштириш модели яратилди. Ёзиб олиш, модефикация ва кўчириб ёзиш модели. Ҳисоблаш комплексида идора қилиш ситуацияларини моделлаш. Чуқур фокусли зилзила геодинамик модели. Ғўзанинг илк ривожланиш модели. Мураккаб структурали тупроқда намлик, иссиқлик ва тузларнинг ўтиш модели. Салбий геотропизм эффектини ифодаловчи модел.

3) *Структура - функционал моделлар.* Диспетчерлик бошқарувида ахборотларни ишлаш модели транспортда кўп ишлатилмоқда. Информацион технологиялари асосида илмий-техникавий ривожланиш моделлари яратилди. Агросаноат ишлаб чиқаришда олдиндан билиш модели. Бозор иқтисодиётига ўтишда талабларнинг ўзгариб туришини ҳисобга оладиган концептуал модел ишламоқда. Бюджетга киримни оператив олдиндан айтиш адаптив модели. Пахта териш машиналари узеллари ва агрегатларини бошқариш модели. Кардиологияда эксперт модели. Алгоритмлар характеристикалари тадқиқ қилишнинг диалог модели. Энергообъектлар структурасини аниқловчи модел. “Двигател-насос-трубопровод” системасининг умумлаштирилган динамик модели кашф этилди. Структураларни анализ қилувчи ташқи модел. Электро техника асбобларининг иш қобилиятини топувчи мантиқий модел яратилди. Олдиндан аниқлаш воситаси бўлган макроэкономик модел ишлатилмоқда. Иқтисодий сиёсатни моделлаштириш модели яратилмоқда¹.

Ишончимиз комилки, магистрантлар келтирилган усулларга қиёслаш натижасида ўзларининг тадқиқотлари жараёнида янги усулларга дуч келадилар ва ўзлари ҳам янги усулларни кашф қиладилар.

¹ О.Файзуллаев. Фалсафа ва фанлар методологияси. –Т.: 2006, 58-62 бетлар.

Методология ана шу усулларни бошқаради, уларга таъсир этади, бойитади, ўз навбатида ўзи ҳам мазмунини бойитади. Методологияни янада яхшироқ тушуниш учун қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга диққатни жалб этамиз.

Маълумки, методология бу – диалектикадир. Нарса ва ходисаларни нисбий билиш шу методологияга боғлиқ. Методология энг умумий, унверсал усулдир. У ўзининг энг умумийлигини қуйидагича намоён қилади. Масалан, буғдой ўсимлигини олайлик. Буғдой ўзининг мазмуни, сифати, шакли, воқелиги, тузилиши, миқдори, зиддиятларига эга. Мазмун, сифат, шакл, воқелик, тузилиш, миқдор, зиддият ва бошқалар эса фалсафий категориялардир. Ушбу фалсафий категория ёки тушунчалар орқали буғдойнинг турли хусусиятларини ўрганишга комплекс ёндашилади. Шундай ёндашилганда буғдой ҳақида тўла маълумот олиш мумкин бўлади. Хўш, бу иқтисодиётда қандай амалга ошади, деган савол туғилади. Демак, иқтисодиётда ҳам методология – яъни диалектикадан шундай маромда фойдаланилади. Масалан, товарнинг таннархини аниқлаш учун унинг миқдорини, сифатини, шаклини, мазмунини, тузилишини, зарурийлигини, моҳиятини ва ҳоказоларни ўрганилиб хулоса чиқарилади. Бу ҳолатлар хусусий усуллар ёрдамида амалга оширилади. Хулоса шундан иборатки, методология иқтисодий соҳаларга ҳар томонлама ёндашиб ўрганишни тақозо этади.

Таянч тушунча ва иборалар:

Назария, кашфиёт, билиш, миллий ва умуминсоний қадрият, ижод ва ижодкор, иқтисодиётда ислоҳотлар, умумий усуллар, махсус усуллар, ўртача умумий усуллар, сифатни ошириш усуллари.

Мавзуга оид саволлар:

1. Давлатнинг иқтисодий соҳадаги сиёсатини тушунтиринг.
2. Илмий ижод билан иқтисодиётнинг алоқадорлигини изоҳланг.
3. Моделлаштиришни тушунтиринг.
4. Қандай усулларни биласиз?

3. Давроновнинг воқелик ҳақидаги фикрларидан намуналар

Ерни қанчалик депсиниб боссанг ҳам, фақат у миннат қилмайди, холос, бошқаларни билмадим...

Ноғорани чертмасанг овози чиқмайди...

Ҳақиқий олимлар асаларидек меҳнат қиладилар, чунки улар ҳам асалари каби қийналиб далил тўплайдилар ва бошқаларни баҳраманд қиладилар.

Ҳақиқий олим мунозарадан қочмайди, мабодо мунозарада енгилсада, жаҳли ҳам чиқмасдан ўз фикрида собит қолади.

Биз яшаётган олам гўёки очик бир уммон, у аслида эса тўнтарилган қозондир. Бу қозондан чиқиб, холисона яшашнинг ўзи гумон.

Қор оппоқ бўлса-да, у совуқдир.

Бутун олам сир-асрорларини қалбингга жойласанг-да, ундан баҳраманд бўлмасанг не фойда.

Оламда шундай бир лаззат борки, у барча лаззатлардан улуғроқдир. Бу илм орқали эришган ҳурматингдир. Чунки у жисмингдан узилган руҳиятингни бир бўлаги бўлиб, абадий шод қилади.

Атиргул ўз нафосати ва таратаётган хушбуй ҳиди билан инсонни қанчалик хушнуд этмасин, у барибир хазонга айланади ва оёқ ости бўлади.

Ҳайвонларда ақл йўқ дейдилар, аммо улар баъзи одамлардан маълум соҳаларда ақллироқдир.

Осмондаги юлдузларни оддий кўз билан санаб охирига ета олмаганингдек, инсон қалбини ҳам тушуниб охирига ета олмайсан.

Ҳаётнинг икир-чикирлари-ю, фалокатлару-хурсандчиликларини қанчалик кўп билганинг сари, ўз умрининг эгови бўлиб бораверасан. Бу аччиқ ҳақиқат.

Ошқозонингга мабодо игна тушиб қолса, оғзимдан чиқараман деб овора бўлма, у оғзингдан қайтиб ерга тушмайди. Хато қилдингми, уни тўлалигича ўз ҳолига қайтара олмайсан.

Дафтарни ранги оқ, унга турли рангда ёзиш мумкин, ҳаёт ҳам шундай, унда ўғри ҳам, тўғри ҳам яшайди.

Пул ва бойлигим бор деб депсинма, бу нарсалар сенинг оҳ деган сўзинг, балки ноланг билан йўққа чиқади, бинобарин, бойлигинг кимгадир насиб қилади.

Бу ҳаётдан бой ҳам, камбағал ҳам ўтади, булар ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг олдини олиш учун бутун фаолиятимни ва умримни сарфлаган бўлардим. Афсуски бу камлик қилади.

Инсон ҳамма вақт ўзини-ўзи излаши, тадқиқ қилиши лозим.

Во ажаб! Дарахтлар гуллайди, ўзидан шохлар чиқаради, мева беради, демак инсонлар ҳам худди дарахтларнинг ўзларидир.

Яхшилиқнинг нарвонлари шунчалик кўпки, овора бўлма, ҳаммасини босиб охирига ета олмайсан.

Ҳаёт - бу чексиз уммондир.

Енгил тошни олиб отсанг узоққа кетади, лекин нишонга тегмаслиги мумкин, оғир тош узоққа бормаса-да, марказга тегади.

Менга кадрсиз минг сўмни кераги йўқ, кадри бўлса бир сўм ҳам етади.

Ҳаётда шундай ота-оналарни кўрдимки, уларга Оллоҳ берган фарзандлар ҳайф, шундай фарзандлар борки, уларга ота-она ҳайф.

Билим хазинасига эга бўлсанг-у уни кўпайтириб ва сарфлаб турмаслик, бу фалокатдир.

Инсонлар борки ҳайвонларга, ҳайвонлар борки инсонларга ўхшайдилар.

Ақллилик ўчмасидан, ақлсизликни ўчириш лозим.

Табиат ва жамият ҳодисалари ўзларининг яширинишларини истайдилар шекилли ва яшириниб ётадилар ҳам. Акс ҳолда билишнинг ҳожати йўқ эди.

Эй, инсон, ҳаётинг фаолиятингда сендан пинҳона ҳолда норозилар бор. Улар бўлди, бўлажак, аммо сен ўзингни уларнинг ўрнига қўйиб кўришни унутма. Нега, сен ҳам норозисан?

Инсон Оллоҳ томонидан жисмонан буткул яратилган. Қани энди унинг юксак маънавияти ҳам буткул бўлганда эди.

Дарахт ердан униб чиққан экан, унинг шох-шаббалари турли йўналишларни танламай ўсадилар. Инсон ва ҳаёт ҳам шу кабидир.

Инсонлар ўртасида, баъзи инсонлар ҳақида «таги паст», «таги тоза» деган сўз бирикмалари бор. Бундай ҳолда инсонларни табақаларга бўлиш, менимча нотўғри. Сабаби, барча ҳам, ҳатто пайғамбарлар ҳам Оллоҳнинг бандасидир. Оллоҳ учун ҳамма бир инсонки, у табақаланиб ... Зеро, инсонларни «таги паст», «таги тоза» бўлиши уларнинг маънавий шаклланишига боғлиқдир.

Ҳаётда бир-бирига ўхшаш нарса ва ҳодисалар ўта бисёр. Масалан, дур ва дўлни олиб қарасангиз иккаласи жуда ўхшаш. Шундай бўлса-да, уларнинг бири безак бўлиб асрлар давомида ўз ҳолича қолади, иккинчиси эса эриб оёқ остида бир зумда йўқ бўлиб кетади. Вожаб!!! Бу арзимаган ўхшашлик инсонларда ҳам мавжуд, кимдир шоҳ ёки олим бўлиб тарих сахнасида узоқ сақланади, кимдир изсиз йўқолиб кетади.

Инсон қанчалик улғайган сари, унинг дўстлари шунчалик камая боради.

Инсонлар ўз уйидаги гиламларини қанчалик тозаламасинлар, у гиламлигича қолаверади.

Япроқлар ерга тушиб оёқ ости бўладилар. Бундай бўлганидан кўра дарахт шоҳида қовжираб қолганлари маъқул.

Вақти келганда сув ҳам жон оғриғини сезади. Жизиллаб овоз чиқаради... Бутун мавжудот ҳам.

Нодонлар ҳам ҳаёт мактабидир.

Нодонлар ўзларини донолардан паст тутган эмаслар.

Олтин қандай ҳолда, қаерда қорилиб ётишидан қатъи назар, уни инсонлар барибир ажрата оладилар.

Сичқон ўз нафси орқасида қопқонга тушади ва ҳалок бўлади.

Салоҳияти паст инсон салоҳиятли инсондан ўрганиш ўрнига унинг камчилигини ахтара бошлайди.

Пул ва олтин борки, инсонлар ўртасида тинчлик барқарор бўлмайди.

Озуқа ва овқат деб ошқозонингга ҳамма нарсани киргизаверма. У даҳшатга олиб боради.

Чироқ ёки қуёш ёритади деб ундан ўта кўп ҳам баҳраманд бўлаверма, уларга яқинлашган сари куйдиришини унутма.

Баъзи одамларнинг тубанлигидан “фолчи”, “астролог”, “экстрасенс” ва турли хил фирибгарлар пайдо бўлган.

Қарға қора бўлса-да, оппоқ қордан дарак беради.

Буюклик ва улуғликка интилиш ҳаммада бўлган туғма ҳусусият.

Ёруғ ва лаззатли кунларинг меъёридан ошиб кетганда, қоронғу дамлар кутиб турганини ҳам унутма.

Ўсимликлар кислород чиқаради, бу тўғри, лекин улардан захар ҳам чиқиши муқаррар.

Инсон ўз ҳаётидаги икки лаҳзадан норозидир: бири гўдаклик ёки ўсмирлик бўлса, иккинчиси қарияликдир.

Кундуз кун қанчалик узоқ бўлса-да, барибир қоронғулик ва зулматга олиб боради.

Инсон яланғоч туғилгани учун бўлса керак, нукул яланғочликка интилади.

Тупроқ шундай бир ашёки, у ўлдиради ҳам, ютади ҳам, йўқ ҳам қилади. Аммо у лаззат маконидир ҳам.

Мол-мулк, бойликдан ва мавқедан қоникмаганда ўксиниш яхшилар иши эмас, чунки булар яхшилик манбаи эмас.

Иғво ва манфаатлар таёқнинг икки томонидир. Зеро, уларнинг иккиси ҳам умрнинг эговидир.

Қийинчилик чекиб инсон қанчалик ҳур бўлса ҳам, қалбида рўй берган ва ўрин олган қийинчилик изтироблари йўқолмайди.

Баджаҳиллик ва меҳр-муҳаббат қарама-қарши томонлардир. Бу ҳолатлар ҳар бир инсонда мужассамдир. Уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин.

Барча соҳада рўй берадиган мағрурлик вақтинчаликдир.

Ақлинг билан оламини забт этсанг ҳам, ўз турмушингни забт эта олмайсан.

Оила ва жамоада яшаш ҳам фарз, ҳам қарз. Аммо инсон танҳоликни қўмсаган пайт кўпроқдир.

Ҳаётда мўътабар кишиларни ўзимиз пайдо қиламиз-у, лекин уларни тош отиб мажақлашга тайёрмиз.

Ҳаёт чигалликлари тўғрисида кўплаб фикрлар мавжуд. Аслида инсон руҳияти ҳаётдан кўпроқ чигалдир. Бинобарин, чигалликларни инсоннинг ўзи яратади.

Фарзандлар аксарият ҳолда ўз ота-оналарини эскилик ва қолоқликларда айблайдилар, лекин айти пайтда ўзлари ҳам шу ҳолга тушушларини унутиб иш қиладилар.

Фақат китоблар орқали хулоса чиқариб олим бўлганлар юзаки олимлардир. Ҳаёт чиғирикларини тушуниб етмаган, уларга бардош бермаган олимнинг хулосаси ўткинчидир. Бу жараёнларнинг иккаласини тушунган ҳолда олим бўлган инсон барҳаёт бўлишга ҳақлидир.

Сафарга чиқар бўлсанг, йўлдошинг хулқ-атворини ўйла ...

Раҳбаринг билан саёҳатда бўлсанг ҳақиқат излама....

Дарахт битта, меваси мингта.

Қалампир аччиқ бўлгани сабабли, узоқ вақт давомида бузилмайди, чунки кушандаси камдир.

Баъзи соҳадаги ғамгинлигинг умрингга умр кўшади.

Қалбинг дил дафтарини очишга имкон яратади. Лекин ана шу дафтарнинг ўзи қалбингни изтиробда қолдиради.

Ҳатто, мушук ҳам ўз ахлатини кўмиб кетади.

Қуёш теварагида сайёралар тинмай ҳаракат қилгани сингари лаганбардорлар ўз раҳбари теварагида айланади ва ҳаракат қилади.

Баъзи фарзандларнинг фаолиятини кўриб, фарзанд номи сенга хайф деб бақиргинг келади.

Меҳнат юксак маънавият сандиғидир.

Баъзи кушлар ўз тухумини босмасдан бошқа кушлар тухумини босиб ётадилар. Оқибатсиз фарзандлар ҳам шундайдирлар.

Бегоналар учун куюниб хасталик орттирма, ўз жигарларинг туфайли орттирган хасталигинг етарли бўлади. Чунки баъзи яқинларинг хасталик маконидир.

Кимки ҳикматли ва қайғули сўзлар қолдирган экан, ўзи ўз мулоҳазаларининг қаҳрамонидир...

Ғамгин ва изтиробли дамларингда дардингга дармон бўлмаган фарзанддан яхшилик ёки олийжаноблик кутма.

Инсонлар! Фарзандларингизга шубҳа билан қаранглар!

Қуёш офтоби билан барчани баҳраманд қилади. Ота ҳам оилада шундайдир. Лекин минг надоматлар бўлсинким, баъзи падаркуш фарзандлар отани бамисоли қуёшлигини баҳоламайдилар ва баҳоламай ҳаётдан кўз юмадилар. (Абдулатиф, Аврангзеб, Абдулмўмин ...)

Қалампирнинг ўзи ҳам, уруғи ҳам аччиқ, балки инсон ҳам шундайдир! Шубҳали жараён!

Зулматда ёруғлик бўлмайди, ёруғликни зулматда ҳосил қиладилар, холос.

Шафқатсиздан шафқат кутманг, чунки шафқатсизлик унинг қонида мавжуд, шафқатли одам шафқатсиз бўла олмайди. Йиртқичлар барибир йиртқиччилигини қилади.

Кутилмаган ҳаётий зарба, ҳамма даҳшатлардан ёмондир.

Қалбингни торлари узилдими, у мис ёки темир эмаски, эритиб чўзиб улаб қўйсанг. Тиклашга уринма, кучларинг беҳуда кетади.

Баъзи фарзандларга қанчалик кўп меҳр-у муҳаббатингни бағишлайверсанг, келажакда эса, ундан фақат заҳар зардобини ичасан, холос.

Таажуб: тирик бўлсанг туртиб сўкарлар, яксон қиларлар. Ўлганингдан сўнг осмон сари кўтарарлар.

Ўтмишдаги алломаларнинг фикри ва насиҳатларини ўқиб, уқишга ҳаракат қилдим. Хулоса шу бўлдики, бирор шахс бу фикр ва насиҳатларга тўлиқ риоя қилганини мутлақо кўрмадим, эшитмадим, сезмадим. Ҳамма ўзича аллома...

Қуёш ва Ер ўртасида жисм бўлмаса, соя пайдо бўлмайди.

Дарахт қариса ичидан мўрт бўлар экан, одам қариса белидан.

Терак қанчалик баланд бўлиб ўсмасин, унинг мевасини инсон истеъмол қилмайди. Демак, гап фақат жисмонан ўсишда эмас.

Ҳаётда шундай дамлар бўладики, ҳатто ўз киприкларинг фаолиятидан ҳам нафратланиб кетасан.

Ҳаётда: олдин юришни ўрганиб кейин югуришни иташ керак.

Вақти келганда бош қўядиган парестик ҳам тошдек бошга ботади.

Дарахт ниҳолдан ўсиб чиқади, лекин ниҳолликда дарахтнинг шох-шаббалари қанча ва қандай бўлиши номаълумдир. Фарзандлар фаолияти ҳам шу кабидир.

Инсон сояси нургагина таъзим қилади, холос. У соянинг орқа ёки олдинга кетиши шу нурга боғлиқдир.

Ҳаётдан рози бўлган ва эзилиб ўтмаган инсоннинг ўзи йўқ.

Ҳатто дарахтлар ҳам ҳаётда чекинадилар – совуқ келса ғунчалари очилмайди.

Нур тушмаган зулмат жойда ҳатто гиёҳ ҳам унмайди.

Асал бўлмаса шакар ҳам кифоя.

Фаолиятингда биринчи марта ёқиб қолган нарса ёки киши кейинчалик нафрат уйғотиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳаёт лаззатдан кўра, лаънатдан иборатдир. Бу аччиқ ҳақиқат. Лекин бу нарсани кўпчилик очик эътироф этишдан қочади.

Эҳтиёткорлик ёки шубҳага тушишлик бу кўрқоқлик эмас. Иккаласи ҳам бахт келтириши мумкин.

Ҳаётнинг қирраларини таҳлил қила билганлар унга лоқайдрок бўла бошлайдилар. Сабаби, бу қирраларнинг баъзиларини ечиш ёки ўзгартириш олдида уларнинг ўзлари ожиз бўлиб қоладилар.

Ҳаётдаги нохушликлар инсонда жоҳилликни уйғотади. Жоҳиллик эса инсонни гўзаллик ва нафосатдан узоқлаштиради.

Дарахтдаги барглар қанчалик кўм-кўк бўлмасин, у вақти келганида сарғайиб қовжираб қолади.

Инсон энг юқори ҳисобланган баландлик – чўққида узоқ тура олмайди, у йиқилади ёки орқага қайтишга мажбур бўлади.

Итни фил билан тенглаштириб бўлмаганидек, филни ҳам итга тенглаштириб бўлмайди. Ҳаммасининг ўз ўрни бор.